



СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР

III китоб

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1985

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:**

**Сарвар АЗИМОВ, Бўри АЛЛАМУРОДОВ, Матёқуб ҚУШЖОНОВ,  
Ҳаким НАЗИР, Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Тўра МИРЗАЕВ, Юсуф  
СУЛТОНОВ, Малик МУРОДОВ, Ҳожиакбар ШАЙХОВ, Абдумажид  
ШОМИРЗАЕВ,**

**Ёзиб олувчи: Малик МУРОДОВ  
Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Малик МУРОДОВ,  
Ҳожиакбар ШАЙХОВ**

**Илон пари: Сехрли эртаклар. 3- китоб. (Редкол.:  
И 41 С. Азимов ва бошқ; Ёзиб олувчи: М. Муродов).—  
Т. «Ёш гвардия», 1985.— 192 б.—(Ўзбек халқ фан-  
тастикаси).**

Қўлингиздаги китоб нашриётимиз «Ўзбек халқ фантастик эртаклари» сериясида ҳар йили чоп этишни мўлжаллаган тўпламларнинг учинчиси-дир. /«Оймомода аждарҳо» /1983/ ва «Қора дев» /1984/ номли китобларни биз муҳтарам эртаксеварларимизга совға қилган эдик/. Навбатдаги мажмуада ҳам халқимизнинг ҳаёти, турмуш тажрибалари, кураши, тарихи ва фалсафий, эстетик қарашлари ҳамда орзу-умидлари ўз ифодасини топган.

**Царица змей. Узбекские народные сказки.**

**ББК 82.3Ув**

## АНҚО ҚУШ

Ўтган қадим замонда, олис қибла томонда, бир подшо подшолигини қилиб, эл-юртни сўраб ўтган экан. Бу подшонинг қанчадан-қанча ерлари, оқар сувлари, тўда-тўда қўю эчкилари, от-уловлари бор экан. Боринги, подшоҳликда нима бўлса бор экан-ку, фарзанддан худо камситган экан. Подшонинг бирдан-бир орзуси ўғилми-қизми, бир фарзанд кўриш экан. Подшонинг бисотида яна бир қуш — Анқо қуши бўлиб, хафа бўлган пайтларида, зериккан вақтларида қуш билан гаплашиб, суҳбатлашиб ўтирар экан. Қуши ҳам қушмисан-қуш бўлиб, ҳамма нарсани тушунар, одам билан одамчасига, ҳайвонлар билан ҳайвончасига, қушлар билан қушчасига гаплашар экан. Подшо шу қуши билан бўлса ҳечам зерикмас, ундан узоқлашдими, хафа бўлиб, юраклари сиқилиб, дунё тор бўлиб кетаркан. Нима бўлибдию подшо тоққа овга чиқиб, икки-уч кун ов-овлаб, сув-сувлаб қолиб кетибди. Подшоликка қайтиб келса, Анқо қуши йўқ эмиш. «Қушим қани?» — деб сўраган экан, вазири: «Шунча қаттиқ қўриқласак ҳам ўғрилар тунда ўғирлаб кетишди. Роса ахтартирдик, ҳеч қаердан топилмади», — дебди. Подшо дарғазаб бўлибди, соқчиларининг калласини танасидан жудо қилишни буюрибди. Қолганларини зиндонга ташлатибди. Вазирини ҳам вазирликдан тушириб, отбоқар қилиб қўйибди. Кейин ўзи бир хонага кириб олиб, қайғу-ғамга ботиб ётаверибди. Шунда подшонинг иккинчи вазири олдига кириб:

— Шодим, бундай ётиш билан ҳеч бир иш чиқмайди. Қушимизни яна бир ахтариб кўрсак, зора изини топиб, ўзини қўлга киритсак, — дебди. Подшо ўйлаб-ўйлаб: «Вазирим тўғри айтади, бундай қамалиб ётаверишдан фойда йўқ, жар солдириб қушимни топтирай, топилса-топилгани, топилмаса юртдан бошимни олиб чиқиб кетай», — дебди-да, вазирига қараб:

— Майли, қушимни ахтартир. Кимда-ким уни топиб келса ё турар жойини билиб хабар берса, бўйи барабар тилла бераман, — дебди. Жарчилар жар солишибди, қушқач фолбинлар фол боқишибди, изқуварлар изига тушибдилар, овчилар овлашибди, қушбозлар ҳаммаёқни роса қидиришибди. Аммо ҳеч ким тополмабди.

Шу мамлакатга қўшни бошқа бир юртда бир камбағал ўтинчининг яккаю ёлғиз ўғли бўлиб, оти Маъмур мерган экан. Мерганликда уни олдига тушадиган ҳеч

ким йўқ экан. Қўшни подшо ўғирлатган Анқо қушини излаётган эмиш, ким топса, бўйи баравар олтин берармиш, деб эшитиб қолиб: «Мен ҳам излаб кўрай, бахтимдан бўлса топиб, подшо ваъдасидаги тиллани олай»,— деб отасига айтибди. Отаси: «Майли, ўғлим, подшонинг қушини изласанг-изла, зора подшо айтганини бериб, мен ҳам қариганда бундоқ одамларга ўхшаб яшасам. Кўзим очигида сени уйлантирсам»,— дебди.

Маъмур подшоликка бориб:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтсам,— дебди.

— Кечдим, айт,— дебди подшо.

— Анқо қушингизни мен топиб бераман. Аммо кейин гапингиздан қайтиб қолмайсиз-да?-дебди Маъмур. Подшонинг жаҳли чиқиб ғазабланибди-ю, яна ўзини босибди.

— Қайтган номард,— дебди подшо.

Маъмур белига нон тугиб, камон-ёйини елкасига осиб, қилич ўрнига гавронини қўлига олиб, Анқо қуши қайдасан, деб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, оз эмас мўл юрибди, юриб-юриб бир жойга бориб дам олмоқчи бўлиб, бир чинорнинг тагида тўхтабди. Чинор ҳам жуда баҳайбат, шохлари ҳамма томонга тарвақайлаб кетганидан ерга тангадек офтоб тушмас экан. «Йўл жойда дам олиб, кейин йўлга тушаман-да», деб чинор тагига ёибошлабди. Чанқанча ёйиб чинорнинг тепасига қараса, унда бир илон шохга чирмашиб турган эмиш. Йлоннинг катталиги уйнинг тўсинидек эмиш, тилини чиқарган экан, бир ярим қулоч келармиш. Иккита тишидан заҳари чак-чак оқиб турган эмиш. Маъмур камонини чиқариб, илонни отмоқчи бўлиб, мўлжалга олган экан:

— Ҳой, одамзод, отма! Мени ўлдирмасанг, сенга ёрдам бераман, нима мақсадинг бўлса етказаман!— деган овоз келибди. Бу гапдан Маъмур ҳайрон бўлибди-да, камонидаги ўқни олиб ўқдонга солиб, елкасига осиб олибди. Кейин: «Илон қандай қилиб гапирди-я, ё илон бўлмай бирон-бир сеҳргар-жодугармикин?»— деб ўйлаб турган экан, илон яна овоз берибди:

— Эй, йигит, гапларимдан ҳайрон бўлма. Мен ҳам бир вақтлар сенга ўхшаган одамзоднинг вакили, бир подшонинг ўғли эдим. Чангалзорда овда юриб чарчаб, бир уйга кириб қолдим. Уйда бир тўп қизлар ўртага бир йигитни олиб, базми-жамшид қилиб ўлтиришган экан. Чанқаганимдан оғзимга тилим сизмай қолган эди, сув сўрадим. Ўлтирган қизлардан бири косада сув берди,

уни ичиб бўлар-бўлмас, бирданига ҳозирги аҳволга тушиб қолдим. «Асил ҳолимга келтиринглар»,— деб тоза ялиниб-ёлбордим. Кўнишмади. Шу ерга олиб келиб, чинорга чиқариб: «Ўтган-кетганларни биз томонга қўймайсан»,— деб тайинлаб кетишган. Келган киши тепага қарамайди-да, чинор тагида ухлайди. Мен заҳаримни томизиб, уни ҳалок этаман. Шу қилмишимни ўзимга эп кўрмай юрардим, яхшиямки, сен келиб, тепага қараб мени кўриб қолдинг, кел, истасанг дўстлашайлик,— дебди. Маъмуржон:

— Ҳа, майли, дўстлашсанг-дўстлаша қолай, ошна. Аммо, менга хиёнат қилишни ўйлама, хиёнат қилган кишини ҳечам кечирмайман,— дебди. Илон хурсанд бўлиб, вишиллаганича, чинордан сирғалиб тушиб, Маъмуржоннинг ёнига кулча ўраб туриб олибди-да:

— Хўш, хизмат? Қаёқларга йўл солдинг?— деб сўрабди. Маъмур илонга бўлган воқеа, гап-сўзларни айтиб берибди. Шунда илон:

— Жудаям мушкул ишга бел боғлабсан, ошна. Анқо қушни топиш учун узоқ-узоқ йўлни босиб ўтишинг, не-не машаққатларни енгишинг, ваҳший махлуқлар билан олишиб, улар устидан ғолиб келишинг, ҳаммасидан ҳам Деви одамхўрга бас келмоғинг керак. Ҳа, майли, шу ишга бел боғлабсанми, худо бахтингни очсин,— дебди. Кейин: «Сен эртароқ йўлга чиқавер. Керак бўлиб қолсам чақирарсан»,— деб мўйловидан битта тук юлиб олиб берибди. Маъмур унга раҳмат айтиб, «худо хоҳласа, ошна, албатта яна юз кўришамиз», деб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир жойда кетаётиб бир уйнинг устидан чиқиб қолибди. «Чарчадим, чанқаганимдан тилим осилиб кетди, шу уйга кирай, эгаси бўлса сув сўрайин,— деб ичкарига қараган экан, уйнинг ўртасида бир тўп қизлар бир йигитни ўртага олиб, базми жамшид қилиб ўлтиришган эмиш. Маъмуржон бир пиёла сув сўрабди. Шунда ўлтирганлардан бири бир пиёла сув берибди. Маъмур сувни ичган бўлиб ичига қуйиб юборибди-да, пиёлани узатибди. Ўлтирганлар: «Ҳозир илонга айланиб қолади»,— деб туришган экан. Маъмур ўртада одамлигича типпа-тик тураверибди. Ўртада ўлтирган эркак келиб, ҳалиги сув берган қизни бир шапалоқ уриб, бошқа қизга қараб:

— Яна сўра, анави келгинди сув ичадими-йўқми,— деб буйруқ берибди. Бошқа бир қиз: «Сув ичасизми?»— деб сўрабди Маъмуржондан.

— Берсангиз ичаман,— дебди бола. Қиз пиёлани тўл-

дириб, Маъмуржонга узатибди. Маъмуржон уни ҳам ичган бўлиб ичига қуйиб юборибди, ўртада қаққайиб тураверибди. Ҳалиги одам ўрнидан туриб келиб, сув берган қизни бир тарсаки уриб, бошқа бир қизга: «Сўрачи, анави яна сув ичармикин?»— дебди. Қиз сўрабди.

— Берсанг ичаман,— дебди Маъмуржон. Яна бир қиз пиёлани тўлдириб унга узатган экан, Маъмур бу пиёладаги сувни ҳам ичиб юборган бўлиб, ёқасидан ичига қуйиб юборибди. Шунда ҳам у ўртада ҳеч нарса кўрмагандай ғўдайиб тураверибди. Қизлар ўртасидаги йигит ўрнидан туриб келиб, бир шапалоқ билан сув берган қизнинг қулоғи тагида шовла қайнатибди. Кейин Маъмурга қараб:

— Сен одамзод наслидансанми ё сеҳргармисан?— деб сўрабди. Шунда Маъмур:

— Одамзод наслиданман ҳам, сеҳргар ҳамман. Истасам ҳозир сеҳр билан ҳаммангни хачир-эшакка айлантириб, бирингни, яъни сен эркакни миниб, анави модларингни олдимга солиб ҳайдаб, истаган жойимга олиб кетаман,— дебди. Маъмур шундай деб кўзадаги сувдан косага қуйиб унга қараб, бир нарсаларни «ғудур-ғудур, будур-будур» қилиб ўқий бошлабди. «Бу сеҳримни қайтарди, сувни ичиб илон бўлмади, унинг сеҳри бизникидан зўрроқ экан, унга ҳозир бу ишингни қўй, биз билан дўст бўл, демасам тагин бизни хачир-эшакка айлантириб қўймасин»,— деб ўйлаб, қизлар орасидаги йигит Маъмуржонга қараб, шундай дебди:

— Ҳой, оғайни, қўлингдан сувни дастурхонга қўй, билдик, сен ҳам бизга ўхшаган сеҳргар экансан. Ҳатто биздан ҳам зўрроқ кўринадан. Тан бердик. Кел, дўстлашайлик, нима ишинг бўлса, қарашиб юборамиз. Хоҳласанг, биз билан қол, хоҳламасанг, қизларимдан бирини ол-да, борадиган жойингга боравер,— дебди. Шунда Маъмуржон:

— Тўгри айтдинг, сеҳрим сенларникидан зўр. Истасам, бир дуо билан эшак ё чўчқа, истасам ё тош, ё сувга айлантира оламан. Дўст сўзини айтдинг, шунинг ҳурмати, майли, сенларни дуо билан ҳеч нарсага айлантirmайман ҳам, қизларингдан бирини олмайман ҳам, улар ўзингга буюрсин, Мен ҳозир узоққа жўнаб кетаяпман,— дебди.

— Узоғинг қаёқ, умуман қаёққа сафар қилгансан, билсак, балки сени бировимиз олиб бориб қўярмиз,— дебди йигит. Шунда Маъмуржон унга қаёққа кетаётганини, нима мақсадда йўлга отланганини айтибди.

— Дўстим, мен Анқо қушини излаб сафарга чиққанман. Шу қушни топиб ушлаб олиб борсам, подшоҳ менга берадиганини беради. Ана унда ота-онам ҳам тузукроқ, одамларга ўхшаб яшашади, бўлмаса жуда қийналиб кетдик. Терган ўтинимиз тирикчиликка ҳам етмайди,— дебди. Шунда йигит:

— Жуда машаққатли ишга қўл урибсан, ошна. Анқо қушини қўлга киритиш осон иш эмас, унинг йўлида минг-минг тўсиқлар, азоб-уқубатлар бор. Яхшиси, сенга маслаҳат: подшо айтган тилла-зарларни мен берай. Мана бу парилардан бирини ҳам ол-да, келган изингга қайт, уйингга бориб маза қилиб ҳаёт кечириб юравер. Мен берган олтинлар сенга умрбод етади,— дебди. Маъмур унга қараб:

— Раҳмат, лекин менга сенинг тилло-зарларинг керак эмас, паризодинг ҳам. Анқо қушни топиб, подшога олиб бориб бермасам бўлмайди, ваъда бериб қўйганман. «Ваъдадан қайтган — номард», деган гап бор-ку, ахир,— дебди.

— Бўлмаса ўлтир, олдин қорнингни тўйдир, кейин бир маслаҳатга келамиз,— дебди йигит.

У дастурхонга қараб нималардир шивирлаган экан, ўша заҳотиёқ дастурхон нозу неъматларга тўлиб-тошиб кетибди.

Маъмуржон: «Булардан есам қандай бўларкан? Яна гапидан қайтиб сеҳрлаб қўйган бўлса, мен ҳам ё илон, ё бошқа нарсага айланиб қолсам-а?»— деб ўйлаб емай турган экан, паризодлардан бири:

— Ҳой, акажон, овқатлардан тортинмасдан олиб еяверинг,— дебди. Йигит ҳам:

— Менинг дуоларим уларни қайтара олармикан-йўқмикан,— деб ўйлаб қолдингми, қўрқиб ҳам кетгандирсан,— деган экан, Маъмуржон:

— Нималар деб алаҳлаяпсан. Қўрқмадим ҳам, чўчи-мадим ҳам. Менинг дуом сенинг дуоингни қайтарибгина қолмай, мени нимага айлантирмоқчи бўлганнинг ўзини ўшанга айлантириб қўяди. Илон қилмоқчими — ўзи илон бўлиб қолади, чўчқага айлантирмоқчими, бирпасда ўзи чўчқа бўлиб қолади. Ишонмасанг, мана ҳозир кўрсатиб қўяман, дебди.

— Йўқ, йўқ, ундай қилманг,— дейишибди эхсоналари чиқиб.— Шунчаки айтдик-қўйдик-да!

Маъмуржоннинг кўнгли ўрнига тушиб, ҳеч нарсадан хавотирланмай бошлаб қорнини тўйдириб олибди. Кейин

жўнамоқчи бўлиб, тараддудланганини кўриб, ҳалиги йигит:

— Биз сен билан дўст тутиндик. Ана энди, мен сенга ёрдам бериб, қарашиб юбормоқчиман,— дебди.— Дуо билан мен сени мушукка айлантираман, сен бўлсанг мени дуо билан итга айлантирасан, ундан кейинги ишни менга қўйиб берасан,— дебди. Шунда Маъмуржон: «Бу ёғи қизиқ бўлди-ку, қимматга тушадиган бўлди-ку. У-ку, мени мушукка айлантириши мумкин, аммо мен уни ит ёки мушукка айлантириб қўядиган ҳеч қандай сир-пирни билмасам»,— деб ўйланиб турган экан, йигит:

— Нега бундай қилмоқчи, деб ўйланиб қолдингми? Гап бундай: Анқо қушга борадиган йўлдаги баланд тоғда бир кампир яшайди. У сеҳргарларнинг бошлиғи. У тоққа одам оёғи етмаган, қуш учиб боролмаган. Ит билан мушукка айланиб, биз уникига кира оламиз. Кампирнинг уйига остона ҳатлаб ўтдингми, сени меҳмон билиб, шикаст етказмайди. Бундай қилмасак, унга ета олмаймиз,— дебди. Маъмуржон, «қандай қилсам бунни итга айлантираман?»— деб бош қотириб, ақли қочиб турган экан, паризодлардан бири:

— Ога, нега бунчалик меҳмон дўстингизни ташвишга соласиз. Яхшики, сиз ўзингизни кийикка айлантинг-да, у киши овчига айлана қолсин. Сиз ўқ еган бўлиб қочасиз, у киши овчи бўлиб сизни қувадилар. Қочиб бориб кампирнинг уйига кириб кетасиз. Бу киши ҳам: «Кийик қочирдим, шу ерга кирмадим, момо?»— деб остона ҳатлаб кириб борадилар. Ана ундан кейин нима гап бўлса — эшитаверасизлар, нима иш бўлса — кўраверасизлар,— деб маслаҳат берибди. Бу маслаҳат ҳаммага маъқул тушибди. Маъмуржон: «Сен кийик бўлиб тур, мен ҳозир зўр овчи бўлиб келаман»,— деб ташқарига чиқиб, илоннинг тукини олиб тутатибди-да, уни чақирибди. Илон этиб келиб: «Бошингга нима мушкул иш тушди?— дебди.

— Менга зўр овчиларнинг кийим-боши, ўқ-камон билан тулпор отни муҳайё қилсанг.

Илон: «Хўп», деб, ўзининг тилида бир нималар деб гўлдураган экан, бир тулпор от билан машҳур овчилар киядиган кийим-бош, шопу шашпар пайдо бўлибди. Маъмуржон уст-бошни кийиб, отни етаклаб, уй томон кетаётган экан, илон унга қараб:

— Ҳой, ошна, сафарга отланишдан олдин паризодлар билан анави ошнангга айтиб, мени ўз ҳолимга келтирсанг, сенга ёрдамим янада кўпроқ тегарди,— дебди.



Маъмур: «Айтиб кўраман»,— деб ичкарига кириб кетибди, илон келган жойига қайтиб кетибди.

Маъмуржонни овчи кийим-бошида, яроғ-аслаҳали ҳолда, яна тулпор от билан кўрган паризодлару ҳалиги йигит ҳайратда қолишибди.

«Яхшиям у билан талашиб-тортишиб ўлтирмай, дўст-лаша қолдим. Бўлмаса сеҳри меникидан кучли экан, мени эшакка айлантириб миниб юриши ҳеч гап эмас экан. Бу от ҳам бирон-бир подшовакча ёки менга ўхшаган сеҳргар бўлса ажаб эмас», дея хаёлидан ўтказган йигит:

— Дўстим, сен тайёр бўлган бўлсанг, эндиги гап бундай: йўлга чиқамиз, паризодлар бу ерда қолади, уларни қўриқловчи илон бор. У йўлдаги каттакон чинорда ин қуриб, буёққа ҳеч кимни ўтказгани қўймайди,— дебди. Маъмуржон:

— Дўстим, сенга бир гап айтмоқчи эдим, қандай бўларкан деб, истиҳола қилиб тургандим. Ўзинг эслаб қолдинг, энди айтмасам бўлмайди. Ўша айтган илонинг одамиди?— деб сўрабди.

— Ҳа, одам эди, подшовакча, бу ерга сув сўраб кирган эди. Мен уни илонга айлантириб, илон тилини ўргатиб, ўша айтган жойимга қоровул қилиб қўйганман, нима эди?— дебди йигит. Шунда Маъмуржон:

— Ўша айтган одам — менинг дўстим эди, у ҳам Анқо қушини ахтариб чиққан эди, сен уни илонга айлантириб, паризодларингга қоровул қилиб қўйибсан. Озод қилиб, ўз ҳолига келтиргайсан, десам, паризодларим қоровулсиз қолади, деб хафа бўласан. Аммо мен ҳам дўстимни шу ҳолда қолдириб ҳеч қаёққа кета олмайман,— дебди. Шунда ҳалиги дўсти: «Мен илонни ўз ҳолига келтирмасам, унинг ўзи дуо билан буни қилади-да, кейин вақти келса, сен айтганимни қилмагансан, деб мени истаган ҳайвонга айлантириб қўяди»,— деб ўйлаб, кейин, шошапиша:

— Дўстингни ўз ҳолига келтирсам хурсанд бўласанми?— деб ердан бир сиқим тупроқни олиб, дуо ўқиб, қнбла томонга сочиб юборган экан, шундоққина олдиарида қадди-басти келишган, чиройли бир йигит пайдо бўлиб, Маъмуржонга салом берибди.

«Қайтгунимизча одамзод келиб паризодларимни олиб кетмасин»,— деб ҳалиги йигит уларни Кўҳиқофга жўнатиб юборибди. Кейин: «Учолвон кетамизми ё бу дўстинг қоладими?»— деб сўрабди. «Агар лозим кўрсанглар, мени ҳам олинглар, сизлар билан бирга бўлай»,— дебди ҳалиги йигит. Маъмуржон: «Майли, бирга олиб кета

қолайлик»,— дебди. Сеҳргар йигит қўлига бир сиқим тупроқ олиб, унга ниманидир шивирлаб, дуо ўқиб, Маъмурнинг дўстига қараб пуфлаган экан, у ўша заҳотиёқ итга айланиб қолибди. «Бўлмаса мен кийикка айланиб олай, сен овчи тариқасида мени қувган бўласан, ёнингда анави итинг ҳам бўлади. Мен сендан қочган бўлиб, ҳалиги айтганим кампирнинг уйига кираман. Сен, шу ерга овда қочирган кийигим кирдим, деб изма-из кириб борасан. Кампир мени кўрпа тагига яшириб қўяди. Сен қиличингни қинидан суғуриб, кийик ҳозиргина уйингга кирди-ку, қаерга бекитиб қўйдинг, айтсанг-айтганинг, бўлмаса чопиб ташлайман, дейсан. Шу пайт итинг кампир олдида бўлади, уни қимирлагани қўймасин, борди-ю, бу ишни мен айтгандай тез ва зийраклик билан бажармасанг, кампир ўрнидан туриб, тоқчадаги алвасти китобини олиб, сени истаган ҳайвон қиёфасига киритади. Мени сўйиб, гўштимни хомталаш қилади, итингни боғлаб, ўзига содиқ махлуққа айлантиради. Чунки унинг алвасти китобида одамни дуо билан ҳайвон, ҳайвонни дуо билан одам қиёфасига келтирадиган, сувни олов, оловни музлаган сув қилиб қўядиган дуо-афсунлари бор»,— дебди.

Хуллас, учозлон: Маъмуржон — овчи, илон одам — ит, ҳалиги каша — кийик бўлиб йўлга тушиб, йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, йўлдан баланд тоғ қақабди. Маъмуржон кийикка қараган экан, у: «Кампир шу тоғда, энди мени қувла»,— дегандай имо-ишора қилиб, қочашга тушибди. Маъмур уни ити билан қувлаб кетибди.

Кийик шу қочгандан-қочиб, тоғнинг устида ҳам тошдан-тошга сақраб, тўппа-тўғри кампирнинг уйига кириб борибди. Уйга кириб қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. Ўртага катта дастурхон ёзилган бўлиб, унда дунёдаги жами нозу неъмат, мева-чева, ширинликлар бор эмиш, хилма-хил таомлар тўлиб-тошиб ётган эмиш. Шу пайт орқасидан изма-из қувиб келган Маъмуржон билан ити ҳиди димоғни қитиқлаб, иштаҳани карнай қилувчи бундай мазали овқатларни кўриб чидаб туролмай, ундан олиб емоқчи бўлган экан, овқатдан еб, сувдан ичманглар, биринг бургутга, бошқанг лочинга айланиб қоласанлар»,— деб бақирибди. Шу пайт қаёқдандир кампир келиб қолибди. Кийикнинг имо-ишораси билан Маъмур итини олиб, кампирга билдирмай аста ташқарига чиқиб олибди.

Кампир қандай дерсиз: афт-ангори буришган, пеша-

наси тиришган, ҳамма билан уришган, бели букчайган, ўзи мукрайган, оғзида ўттиз икки тишидан бирови ҳам қолмай тушиб кетган, соч ўрнида патак, қош ўрнида қотган тук, жағи тушган, оғзи қийшайган, бадбашара одам бўлиб одамга, жондор бўлиб жондорга ўхшамайдиган бир махлуқ экан. Аммо кампир тушмагурга бир нарсадан берган, ҳар қандай ҳидни узоқдан туриб ҳам билар, ким нима ниятда юрганини дарров англаб олар эди. Уйга кириб келиб: «Ие, мен йўқлигимда одам, ит, кийик келибди, овқатларимдан егалми-йўқми»,— деб ҳаммаёқни қараб чиқаётган экан, кийик бекинган жойидан чиқиб:

— Мен келдим, овчидан қочиб келдим, агар қабул қилиб олсангиз хизматингизда бўлсам,— дебди.

Кампир: «Ёлғиз эдим, яхши бўлди»,— дебди ичида, кейин:

— Ҳа, майли, қола қол. Овчи билан ити келмадими, уларнинг ҳиди босиб кетибди-ку?— дебди. Кийик:

— Йўқ, улар тоғнинг тагида қолиб кетишди. Овчи билан итнинг ҳиди мендан келаётган бўлса керак. Чунки овчи мени ушлаб олганда қўлтиғидан чиқиб қутулдим, ити қувиб етиб олди, бари бир ундан ҳам қочиб қолдим,— дебди. Шундай деб турган экан эшикдан, ассалому алайкум, деб Маъмуржон билан ити кириб келибди. То улар эшикдан киришгунча кампир кийикни кўрпанинг тагига беркитиб ҳеч нима кўрмагандай ўтираверибди. Маъмуржон, момо эшитмади, деб ёнига келиб яна, ассалому алайкум, дебди. Момо ўзига келгандай бўлиб, ваалайкум ассалом, болам, кел, дебди. Шу пайт Маъмуржоннинг имоси билан ит момонинг ўнг томонидан бориб шундоққина ёнида дамани чиқармай ўтириб олибди. Момонинг ўнг кўзи кўрлигидан буни пайқамабди-ю, аммо ҳидидан, бола билан ит келди, демак кийикни ахтариб юрганлар шулар, деган ўйда:

— Хизмат, болам?— деб сўрабди.

— Момо, кийик қочирдим. Кийик чопганича сизникнга кириб кетди, шу овимни қайтариб берсангиз,— дебди бола. Кампир:

— Йўқ, болам, бу ерга кийик келмади,— дебди. Шу пайт бола кўрпа остини қараган экан, кийик мўлтираб турган эмиш. Маъмур қиличини қинидан суғуриб, момага дўқ қила кетибди:

— Бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда-ку, ёлғон гапирганингни қара-я, ҳозир чопиб ташлайман сени.

— Ғажиб ташлайман,— дебди ит унга қўшилиб.

Кампир қўрқиб кетиб, титраб-қақшабди. Тағин ўлдириб қўймасин, деб ялиниб-ёлворибди, майли кийингини қайтариб бераман. Олдин овқат еб олинглар, ўлтиринглар, дебди.

Ит овқатдан олмоқчи бўлган экан, Маъмуржон нуқиб қўйибди. Кейин кампирга қараб:

— Олдин овқатдан ўзинг е, кейин биз еймиз,— дебди. Кампир емабди.

— Сен бизни ўлдирмоқчи ё бирон-бир ҳайвонга айлантирмоқчи бўлдинг,— дея Маъмуржон қиличини сугуриб, яна чопиб ташламоқчи бўлибди, кампир баттар қўрқиб кетиб, ўлдирма, ҳамма айтганингни қиламан, дебди. Маъмур:

— Бизга подшонинг Анқо қушини ким ўғирлаганини ва у ҳозир қаерда эканлигини айтиб берасан, йўқса ўлдираман!— дебди.

Кампир қимирлай деса, ўнг ёнидаги ит қимирлашга қўймасмиш, тепасида Маъмуржон қиличини яланғочлаб турган эмиш. Кампир қўрққандан-қўрқиб:

— Ҳа, майли, подшонинг Анқо қушини ким ўғирлаганини айтиб бераман. Аммо бориш йўлини тутинган қизимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Қизим бўлса, бу ердаи етмиш кунлик йўлда туради,— дебди. Кампир шундай дея подшонинг Анқо қушини Темур қароқчи деган ўғирлаганини, у қирқ жўраси билан Чўли Маликда савашини айтиб берибди.

— Унинг манзилгоҳига бориш йўлини ҳеч ким билмайди. Бир пайтлар мени чиройли экан деб, ўғирлаб олиб кетганди. Кейин мен чиройли бир қизни сеҳр билан каптарга айлантириб, ўзим қирғий бўлиб, қочиб қолган эдим. Қизни ўғлимга хотин қилиб бермоқчи эдим. Темур қароқчи билиб қолиб, нзимга тушиб, қувлаб келиб, йўқлигимда ўғлимни ўлдириб кетган. Бориб қасдимни олай десам, жуда узоқда, ўзим бўлса анча қариб қолдим. Қизим, вақти келса Темур қароқчинини ўлдириб, ота-онамининг қасдини оламан, деб унинг йўлига работ қурдириб, пойлаб юрибди,— дебди кампир. Шунда Маъмур:

— Бизга яхшилик қилиб, қизингнинг олдига бошлаб бурсанг, ўғлингни ўлдирган Темур қароқчинини ўлдириб, унинг қасдини олиб бераман ё уни сенга қул қилиб, хизматингга топшираман,— дебди.

Кампир бу гапни эшитиб, жуда хурсанд бўлибди. Маъмурга қараб:

— Тилаб-тилаб олган ёлғизимнинг қасдини олиб

берсанг, шу кундан бошлаб барча ёмонликларимни ташлайман. Ғорга қамаб қўйилган одамлару жонзодларни озод қиламан, ўзингни ўғлим деб ҳисоблайман,— дебди.

— Ўғлингизни ўлдирганни топиб, албатта жазосини бераман. Менга подшонинг Анқо қушига бориш йўлини кўрсатиб юборинг,— дебди Маъмуржон. Кампир болани, ўғлим, деб атаб, орқасидан эргаштириб, тоғдаги ғорларга олиб борибди. Биринчи ғорнинг темир дарвозасини очса, бир-биридан озғин, ожиз одамлар: «Мен ориқман, анави семиз, уни енг!»— деб бир-бирини кўрсатиб, ғорнинг тўрига қараб қочармиш. Уларга: «Сизлар энди озодсизлар. Келган томонларингга кетавринглар!»,— деб айтишса ҳам, ҳеч ким ишонмасмиш. Иккинчи горни очса, қўю эчки, молу отлар маъраб, кишнаб ўзларини ёруққа уришибди. Учинчи ғорда парранда-қушлар эмиш, эшик «ғийқ» этиб очилгач, учиб осмонга парвоз қилишибди. Тўртинчи эшикдан арслон, йўлбарслар, бешинчи эшикдан бўри, айиқ, тулки, шоқоллар чиқишиб, дуч келган томонга қочиб қолишибди. Кампири тушмагур уларни умрбод еб ётаман, деб қамаб қўйган экан-да!

Ҳаммани сзод қилиб бўлгач, бола:

— Онажон, қизингизни кига қачон жўнаймиз?— деб сўраган экан, кампир шундай дебди:

— Ҳозир, болам, ҳозир. Йўл жуда узоқ, етмиш кун юриш керак. Мен сени дуо билан қўчқорга айлантриб, анави қийинг ва итнинг билан сандиққа солиб, орқамга орқалаб учаман. Шундай қилсак, қизимни кига уч кечаю уч кундузда етамиз,— дебди.

Маъмуржон рози бўлибди. Кампир уни дуо билан қўчқорга айлантриб, ит, кийик билан сандиққа қамаб, сафарга отланибди. Шунда кийик:

— Шум кампирнинг шум ниятини тушунмай, бизни унга тайёр емиш қилиб бердингиз-а, ўзингизни ҳам қурбон қилдингиз. Кампирнинг ҳамма қилмиши айёрлик, қаллоблик, алдамчилик. Шунини кўра-била туриб, гапини учдингиз,— деб таъна қилибди. Маъмуржон бўлса:

— Йўқ, у мен билан она-бола тутинди. Боласининг қасосини Темур қароқчидан олиб беришимга ишонди, ҳамма қилмиш-қидирмишларидан воз кечди, у энди ёлғон йўлга кирмайди,— дебди. Шу пайт ерга тарақ этиб қўнишибди. Кампир сандиқ эшигини очиб:

— Келинлар, чиқинглар!— дебди. Кампир ҳаммани ўз ҳолига келтирибди-ю, ит қолибди. Шу пайт рабоддан:

— Нима шовқин, ким келди? Чиқиб қара-чи, кимнинг ажали етиб, буёқларга оёқ босдийкин?— деган овоз келибди. Шунда кампир:

— Сизлар шу ерда туринглар. Мен кириб нима гаплигини билиб чиқай, деб қўлига бир сиқим тупроқ олиб, унга нималарнидир шивирлаб, ўз устига сочиб юборган экан, сичқонга айланибди-да, тешикдан работнинг ичига кириб кетибди. Бир пайт темир дарвоза очилиб, кампир билан қизи чиқиб келибди. Қизни кўриб, Маъмуржон ҳам, қолганлар ҳам ҳушидан кетиб, йиқилай деб қолибди. Ой деса юзи, кун деса кўзи бормиш. Кўкрагидаги қўш анори ўзига бирам ярашганмиш. Қирқ кокили тақимини ўпиб, сабзи еса биқинидан, сув ичса томоғидан кўринармиш. Юзи сутга чайқаб олингандай, кўзи қуралай, оғзи пистанинг оғзидай, киприклари мисоли камон ёйи эмиш, юзидаги холи унинг чиройига чирой қўшиб, лаъл-лаъл ёниб турганмиш. «Қани энди, шундай ёринг бўлса эди, дунёдан беармон кетардинг», деб кўнглидан ўтказибди Маъмуржон.

Работдан чиққан қиз ҳаммани яхши кутиб олиб, олдига дастурхонлар ёзиб, нозу неъматлардан тўкиб-сочибди. Кампир қиз қилиб олган санамнинг оти Гулиқаҳқаҳ пари экан Гулиқаҳқаҳ пари кампир билан Маъмуржонни ҳамда унинг ёнидаги кишини кўриб хурсанд бўлган бўлса, итни кўриб: «Бу ҳам одам экан-ку, онам уни дуо билан кучукка айлантириб қўйган экан-да», дея унга қараб бир-икки дуо ўқиб «куф-суф» деган экан, халиги ит бир-икки сесканиб, одам ҳолига келибди. Қарашса чиройли, келишган йигит турган эмиш. Шунда қиз: «Бу йигитларнинг ҳар бирига ёр бўлганнинг армони бўлмаса керак»,— деб қўйибди ичида. Айниқса, унга Маъмуржон ёқиб қолиб, ундан кўзини узолмасмиш. Бир пайт Гулиқаҳқаҳ пари Маъмуржонга қараб:

— Нима мақсадда олам кезиб юрибсизлар?— деб сўраган экан, Маъмуржон унга ҳамма гапни айтиб бериб, сўзининг охирида:

— Подшоҳнинг Анқо қушини олиб келиб, ваъдамни бажармасам бўлмайди,— дебди. Шунда Гулиқаҳқаҳ пари:

— Темур қароқчи турган жойга боришниң ўзи бўлмайди. Жуда ҳам йироқ, бунинг устига йўлда сон-саноксиз қийинчиликлар мавжуд. Яхшиси бу ерда қолинг. Давлат дейсизми, работ дейсизми, ҳамма нарса муҳайё.

Темур қароқчи келаси йил келганда ҳисоб-китобингизни қиларсиз,— дебди. Маъмур унга раҳмат айтиб:

— Бормасам бўлмайди, ваъда бериб қўйганман. Ота-онам ҳам кутишяпти,— дебди. Кейин:— Яхшиси, менга Анқо қушини топишга ёрдам қилинг!— дея қўшимча қилибди.

Шунда кампир тилга кириб:

— Қизим, Гулиқаҳқаҳ, меҳмон гапидан қайтмайдиган кўринади. Мен ҳам уни йўлидан қайтармоқчи бўлдим. Йўлнинг узоқлиги ҳам, қийинчиликлари ҳам уни чўчитолмади. Энди унга ёрдам қилишдан бошқа иложимиз йўқ,— дебди. Кейин Маъмуржонга қараб:— Бундан у ёнига сен билан Гулиқаҳқаҳ боради. Гулиқаҳқаҳ йўлни билади, кўрган, унинг сенга ёрдами тегади. Аммо биз борсак кўпчилик бўлиб кетиб, сенга ёрдамимиздан кўра ҳам зараримиз тегиши мумкин. Мен Гулиқаҳқаҳга дуоларимдан ўргатиб қўйганман. Керак бўлса одамни ит, итни одам қилиб қўя оладиган сеҳрга эга. Икковингни сеҳрлаб, бирингни кийик, бирингни бўрига айлантираман. Икковинг бориб, Темур қароқчини нима қиласанлар — ўлдириб терисини шилиб, Анқони олиб келасизларми ёки тириклайин ушлаб олдиларингга солиб қайтасизларми — бу сизларнинг ишингиз. Мен бу ерда қоламан, мана бу ошналаринг қолишса-қолишар, қолишмаса кетишар,— дебди.

Паризодларини Кўҳиқофга юборган ошнаси жавоб олиб жўнашга қарор қилибди. Кетиши олдидан: «Бошингга мушкул иш тушиб, керак бўлиб қолсам, мана бу ойнага қараб чақирасан»,— деб Маъмуржонга бир ойнаи жаҳонни ташлаб, хайр-маъзурни қуюқ қилиб жўнаб кетибди.

— Мен қоламан,— дебди кампир илонга айлантирган шахзода.— Буёқларга келганимга кўп йиллар бўлди. Отам қариб, куч-қувватдан кетиб қолган эди, балки вафот этгандир. Бу ердан кетиб, подшоликда нима ҳам қилардим, ҳеч ким танимаса ҳам керак. Шу ерда сизларни кутаман, кейин бир гап бўлар.

Бу гапдан кампир хурсанд бўлиб:

— Болам, яхши гап айтдинг. Қолганинг соз бўлди. Менинг фарзандим йўқ. Қизим бўлса, мана, муносибини топди, шекилли. Сен менга ўғил бўл. Момонг ҳамма ёмонликларини ташлаб, бундан буён кишиларга яхшилик қилишга аҳд қилди. Сени яхши бир қизга уйлантириб, бахтли қиламан. Болам ўрнига бола бўласан, болаларинг набираларим бўлади. Қарганимда уларни

эркалаб, суюб катта қиламан,— деб кўзига ёш олибди. Шунда Гулиқаҳқаҳ:

— Онажон, хафа бўлманг, қарини ёш, касални соғ, чолни йигит қиладиган оби-ҳаётдан олиб келамиз-да, сизга берамиз. Мана кўрасиз, ёш ҳолингизга қайтасиз,— деб момосининг кўнглини кўтарибди. Кампир бир дуо билан қўлига бир сиқим тупроқ олиб: «Сен кийикка айлан!»— деб Гулиқаҳқаҳга сочиб юборибди. Гулиқаҳқаҳ шу заҳотиёқ жудаям чиройли кийикка айланибди. Кампир яна бир сиқим тупроққа қандайдир дуони ўқиб: «Сен бўри бўл!» дея Маъмуржоннинг юзига қараб сочибди. Маъмуржон шу заҳоти бўрига айланиб қолибди. Иккови бир-бирини қувлашиб, жўнаб кетишибди. Кампир шаҳзода билан қолиб, уларни кутибди.

Эндиги гапни Чўли Маликдаги Темур қароқчидан сўранг.

Темур қароқчи ҳар йили бир марта юртма-юрт юриб, қароқчилик қилиб келар экан. Шу юришда мол-дунёдан ташқари яхшироқ нарса-буюм бўлса, кимнинг чиройли қизию кўзга яқин ўғли бўлса, олиб қочиб, қизни ўзига ё хотин ё чўри қилиб, болани эса ўғри қилиб тарбиялар экан. Гулиқаҳқаҳни ҳам ўғирлаб олиб келганидан кейин менга хотин бўласан, деб ҳеч қўймаган экан. Кампирнинг боласини ўлдиргач, Гулиқаҳқаҳ дуо билан каптарга айланиб, қочиб кетганлиги унун доимо уни ушлаб келиш пайида юрар экан. Темур қароқчининг номининг ўзи ҳам ҳаммаини даҳшатга соларкан. Бешиқда йирлаётган болага: «Ана Темур қароқчи кел-япти»,— дейишса, бола дарров тўхтаб, кула бошлар экан. Не-не йигит-қизлар унинг қўлига тушиб хароб бўлган, ёш умри хазон бўлган экан-у, ҳеч ким унга бас келолмаган экан, Ана шуни билган кампир шаҳзодага қараб:

— Гулиқаҳқаҳ билан Маъмуржон, ишқилиб, Темур қароқчига бас келишсин-да, бекордан-бекорга ҳалок бўлиб кетишмасин-да,— деб қўяр экан.

Эндиги гапни кийик билан бўридан эшитинг.

Улар Темур қароқчининг макони қайда, деб йўл босишибди, озгина эмас, мўл босишибди. Бир пайт бир қишлоқ устидан чиқиб қолишибди. Ҳеч ким кўрмасин деб, эски тегирмонга кириб бекиниб ётишган экан, тунда қирқта дев қирқ қиз билан келиб, базм бошлаб юборишибди. Ҳамма кайфу сафо қилиб, маст-аласт ўлтирганда, Маъмуржон бир дуо билан бўридан одамга — асл ҳолига келибди-да, тегирмончининг сурнайини



олиб чалиб юборибди. Девлар қочаман деб, ўзларини эшикка уришибди. Гулиқаҳқаҳ бир дуо билан кийикдан баҳайбат бир илонга айланиб, эшик тагига кўндаланг бўлиб, оғзидан олов сачратиб, тегирмон ичини бостириб юборибди.

— Ана, энди ўлдик. Бу ерга аждарҳо билан девхўр бало келиб қолибди,— деб девлар қочгани жой тополмай қолибди. Шунда Маъмуржон ўртага чиқиб:

— Ҳаммангни бирдан ейми ёки битта-биттадан ейми?— дебди. Девлар қўрққанидан титраб-қақшаб:

— Бизни еманг, нима ниятингиз бўлса бажо келтирамиз. Кўҳиқофга олиб бор десангиз — олиб борамиз. Ўтга десангиз ўтга, сувга десангиз сувга тушамиз, осмонга чиқ десангиз осмонга чиқамиз, ер тагига туш десангиз — тушамиз. Фақат ўлдирмасангиз бўлгани,— деб ялинишибди, ёлборишибди.

Шу пайт ичкарига илондан аёл ҳолига қайтган чиройли қиз — Гулиқаҳқаҳ ҳам кириб келибди. Шунда девлардан бири: «Булар эр-хотин одамзод насллари-ку, шу махлуқваччалардан қўрқиб-титраб ўлтирибмиз-а»,— деб шеригига шивирлаган экан, Гулиқаҳқаҳ эшитиб қолиб, бир сиқим тегирмон гардидан олиб, нимадир шивирлаб, унинг башарасига сочиб юборибди. Дев шу заҳотиёқ хачирга айланиб қолибди. Ҳозиргина ёнида турган девнинг қулоқлари шалпайган, думи ҳурпайган хачирга айланиб қолганини кўрган ошнаси дод солиб:

— Булар сеҳргар-алвастилар, уларга тенг келиб бўлмайди. Ҳозир ҳаммамизни хачирга айлантириб қўяди,— деб эмгакланиб, Гулиқаҳқаҳнинг оёқларига йиқилиб йиглайверибди. Ҳамма девлар ҳам Маъмуржон билан Гулиқаҳқаҳнинг оёғига йиқилиб: «Бизни ўлдирманглар, хачирга айлантирманглар»,— деб додлайверишибди. Шунда Маъмуржон:

— Бўпти, бўпти, турларинг! Айтганларимни қилсанглар, соғ-саломат қоласизлар. Бўлмаса ярмингни ўлдириб, гонуштамизда еб, ярмингни хачирга айлантирамиз-да, миниб йўлимизга равона бўламиз,— дебди. Ҳамма девлар:

— Майли, нима буюрсангиз қиламиз. Хизматингизга тайёрмиз!— дейишибди. Уларнинг бошлиғи:

— Анави хачирни ўз ҳолига келтиринглар, илтимос қиламан, шу ҳолида қолиб кетмасин,— деб ялинган экан, Гулиқаҳқаҳ яна бир сиқим тегирмон гардини қўлига олиб, унга нималарнидир шивирлаб «куф-суф» дея хачирнинг устидан сепиб юборган экан, у дев ҳоли-

га келибди. Девлар Гулиқаҳқаҳ билан Маъмуржоннинг сеҳргар эканликларига тўла ишонч ҳосил қилишгач, қўрққанларидан уларнинг оёқлари остига қайта-қайта йиқилишибди. Маъмуржон уларга қарата:

— Анави қизларни ўз юртларига жўнатиб юбориб, эртага сафарга отланишга таёрланинглар,— деб буйруқ берибди. «Бизга тегманглар, уйқумизни бузманглар, ётиб дам оламиз, эрталаб тонг отганда уйготинглар»,— деб икковлари икки жойда уйқуга ётишибди. Девлар орасида баъзи бирлари: «Шу кичкинагина одамзодлардан қўрқиб, чўчиб ўтирибмиз-а. Ҳар иккови бир қўлимизга жо бўлади, мажақлаб, ун қилиб ташласак бўлади»,— дейишиб, кела бошлаганини пайқаган Гулиқаҳқаҳ ҳеч кимга билдирмай бир сиқим тегирмон гардидан олиб, унга дуо ўқиб секин уларга сепиб юборибди. Бир пайт девлар орасида қий-чув бошланиб кетибди. «Нима гап? Нега шовқин кўтариб уйғотиб юбординглар?»,— деб Маъмуржон билан Гулиқаҳқаҳ ўрнидан туришибди. Қарашса девлардан бири бадбашара чўчқага, бошқаси бўрига, яна бири хачирга айланиб қолибди. Девлар келиб, ҳар икковининг оёғига йиқилиб:

— Бизни кечиринглар, энди ниятимизни асло бузмай, садоқат билан хизматларингизни бажарамиз,— деб бўкиришибди.

— Анави гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтинг,— деб илтимос қилишибди бошқалари Гулиқаҳқаҳ: «Йўқ, улар шундай— бири тўнғиз, бири хачир, бири бўри ҳолича қолади, асли ҳолига келтирмайман, кўнгли бузуқнинг жазоси шу»,— деб оёғини тираб олибди. Маъмуржон айтганидан кейингина, уларни яна девга айлантирибди. Шундай қилиб девлардаги барча гумонлар йўқолиб, ҳаммалари Маъмуржон билан Гулиқаҳқаҳга астойдил хизмат қилишга бел боғлашибди. Эрталаб девларнинг бошлиғи:

— Биз Темур қароқчининг девларимиз. У бизни ўзига содиқ дўст билиб, ҳамма сирларини айтади. Чунки биз ҳам унинг айтганларини қилиб, шаҳар-қишлоқларни талашда ёрдамлашамиз-да,— дебди.— Ҳозир у жуда ҳам узоқда яшайди. Олдинги жойини ўзгартирган.

— Ҳали шунақами, мана бўлмаса сизларга!— дея Гулиқаҳқаҳ қўлига тегирмон гардидан олиб, дуо ўқий бошлаган экан, девлар уввос солиб, йиғи-сиғи қилиб, тағин оёғига йиқилишибди. Кейин Маъмуржон Гулиқаҳқаҳни уларни сеҳрламасликка кўндириб, девларга қарата:

— Темур қароқчини топиб келиб, ҳозир оёғимиз остига ташлайсанлар ё бизни олиб бориб унга рўбарў қиласанлар!— дебди. Шунда девларнинг бошлиғи Япа-лоқ дев Маъмуржонга қараб:

— Сен Темур қароқчини билмас экансан, ошнам! У шундай даҳшатлики, қаҳридан қиров, қарашидан заҳар ёғади, тикилса тоғни қулатади, дарёни қуритади, душ-мани осмонда бўлса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортиб олади. Қўлида биздан ташқари қанчадан-қанча девлар, аждарҳолар, ёсуманлар, жодугарлар, сон-саноқ-сиз лашкарлар бор. Уни бу ерга олиб келиш бизнинг қўлимиздан келмайди, олиб бор десанг, бир иложини қилиб олиб борамиз,— дебди. Бошқа девлар ҳам бош-лиқларининг гапини маъқуллашиб: «Темурга бас келадигани бу жаҳонда йўқ. Унинг ўзи қароқчи бўлсаям бир подшоликча кучи бор»,— дейишибди.

— Жуда ваҳма қилиб юбординглар-ку, кўрганмиз ўша Темур қароқчиларингни,— дебди Гулиқаҳқаҳ эн-саси қотиб.

— Майли, буёққа олиб келолмасанглар, бизни ўша ёққа бошланглар, бир ўша қароқчи билан олишиб, Ан-қо қушни олиб қайтайки, кўриб кўзларинг тешилсин, эшитиб қулоқларинг кар бўлсин,— дебди Маъмуржон.

Ана энди девлар паризодларга жавоб бериб юбо-риб, Маъмуржон билан Гулиқаҳқаҳни елкасига мин-дириб, осмону фалакка кўтарилишибди. Осмонда учиб, ерда юриб, сувда сузиб, оловдан сакраб бир жойга етиб боришиб, дам олмоқчи бўлишибди. Маъмуржон:

— Оз қолдими?— деб сўраган экан, девларнинг бошлиғи:

— Йўлнинг ярмини босиб ўтдик,— дебди.— Буёғида энг қийини қолди. Худди шу турган жойимиздан тоғ йўли бошланади. Мана бу сўқмоқдан бораверсанг, у сени чўққиси осмон билан тутшиб кетган баҳайбат тоққа олиб чиқади. У тоғдан одамзод тугул ҳали қуш ҳам учиб ўтолмаган. Ана шу тоғда ғор бор, уни икки бошли аждарҳо билан бизга ўхшаган девлар қўриқла-шади. Агар сен аждарҳони ўлдира олсанг, девлар йўл беришади. Лекин ғорнинг ичи қоронғи, уни қирқ йилда ҳам босиб ўтолмайсан. Унда кўршапалаклар подшоси яшайди, ўшанинг олдига бориб салом бериб:

«Эй, қоронғулик подшоси, мен сенинг ёрдамингга муҳтожман. Сен — одилларнинг одили, ёруғликнинг душмани»,— деб тозаям мақтасанг, у мен шунақа улуг эканман-да, деб эриб кетиб, сени ғордан чиқариб қўяди.

Фордан чиққанингдан кейин дарё келади, ундан етмиш йилдан зиёд сузсанг ҳам ўтолмайсан. Шу дарё соҳилида бир чинор ўсади, ўша чинорнинг тепасига Семург деган қуш ин қўйиб, ҳар йили бола очади. Аммо ҳар гал сен ўлдирадиган ғор пойлоқчиси — аждарҳоннинг шериги — бир бошли, уч кўзли аждарҳо сирғалиб чинорга чиқиб, Семургнинг боласини еб кетади. Агар сен шу аждарҳони ҳам ўлдирасанг, йўлинг очилиб, Семург сени устига миндириб, дарёдан ўтказиб қўяди. Дарёдан эсон-омон ўтиб олганинингдан кейин қалин ўрмон бошланади, ундан эса ҳозиргача одам тугул, чивин ҳам учиб ўтолмаган. Лекин ундан ўтишнинг иложи бор. Бордию шу ўрмон подшоси Арслоннинг олдига қўрқмай, чўчимай, титрамай бориб, аввал салом бериб, кейин: «Ҳой, ўрмон Султони! Сени одилларнинг одили, сахийларнинг сахийси, деб эшитганман. Сен дунёда энг қудратли зотсан, ёрдамингга муҳтожман, менга қарашиб юбор», — дейсан. Шунда арслон хизматидаги тулки айёрлигига бориб, бўри ичи қоралигини қилиб, айиқ бефаросатлик кўрсатиб арслонни сенга ёрдам беришдан қайтармоқчи бўлишади. Шунда сен бўш келмай: «Вой, шундай буюк султон, баҳодир Арслонга ақл ўргатасизларми!?» — деб яна Арслонни мақтайвер. Арслон мақтовларингдан эриб, ёш бола бўлиб қолади-да, устига миндириб сени ўрмондан чиқариб қўяди. Ўрмондан ҳам эсон-омон чиққанингдан кейин, чўл бошланади. Чўлни тўқсон йилла ҳам босиб ўтиш амримаҳол. Аммо дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсага чора бор. Чўлни ҳам босиб ўтиш мумкин. Лекин бунинг учун сен чўл султони Бургут бобога йўлиқиб, ёрдам сўрашинг лозим. Бургут бобо чўлга кираверишдаги қуриб-қақшаб қолган чакалакзор ўртасида жойлашган тепаликдаги қасрда яшайди. Кўриниши ваҳимали, тирноқлари пўлатдан, кўзлари оловдан, тумшуғи темирдан бўлса ҳам, сен чўчима, у — раҳмдил! Шу Бургут бобога салом бериб, мақсадингни айт-да, унга қараб: «Мен сен билан ошна бўлмоқчиман, ошнолик ҳурмати мендан ёрдамингни аямассан», де. Бургут бобонинг кўнглига хуш келсанг, сендан ёрдамини аямайди, аммо ёқтирмаса сени ўша заҳоти тилка-пора қилиб, гўштарингни хомталаш қилади. Бургут ёрдамини аямаса, Темур қароқчига етганинг. Уёғининг ҳисоб-китобини ўзинг қиласан. Мен бориш йўлини айтдим, холос, — дебди девлар бошлиғи.

— Раҳмат, ошнам! Худо хоҳласа, сен айтган қийинчиликларни енгиб, Темур қароқчига етиб бораман,

унинг жазосини бериб, Анқо қушни олиб қайтаман!— дебди Маъмуржон. Кейин Гулиқаҳқаҳга қараб:

— Жоним, сиз шу ерда қоласиз. Буёғи жуда оғир. мушкул йўл экан, сиз қийналиб қоласиз. Буёғига ўзим бориб, Темур қароқчининг жазосини бериб, Анқо қушни олиб қайтаман. Сизни девлар қўриқлаб туради, хоҳласангиз кампир онамизнинг олдига олиб бориб қўйишадди,— деган экан, у ҳечам кўнмабди. «Мен сизни ёлғиз ҳеч қаёққа жўнатмайман, ҳар қандай қийинчилик бўлса биргалакда баҳам кўрамиз»,— деганича оёқ тираб олибди. Кейин: «Мен уни биламан, унда қасдим бор; бирга бўлсам сизга ёрдамим тегиб қолади»,— деган экан, девлар бошлиғи:

— Синглим, сиз айтган эски толлар кесилиб, янгилари пайдо бўлди. Сиз Темур қароқчининг олдинги жойида бўлгансиз. Янги маконига етиб боролмайсиз, йўлда ҳалок бўласиз. Сиз шу ерда қолинг-да, бизнинг келишимизни пойланг. Девларим сизга қўриқчи бўлиб туради, хоҳласангиз Маъмур акам айтган жойга олиб бориб қўйишадди. Майли, Маъмур акам билан мен бора қолай, зараримдан кўра фойдам тегиб қолар,— дебди.

Гулиқаҳқаҳни зўрға кўндириб, девларни ихтиёрига қолдириб, Яполоқ дев билан Маъмуржон, «Темур қароқчи қайдасан», деб йўлга тушишибди. Буларни кетишда, Гулиқаҳқаҳни девлар билан қолишда қўйиб, гапни кампир билан шаҳзодадан сўранг.

Кампирнинг бир ойнаси бор, шу ойнага қараб: «Менга фалон кишини кўрсат, сўзини англат»,— деса ўша заҳоти ойна айтилган киши қаерда бўлмасин — тоғу тошдами, чўлу биёбондами, сою денгиздами — кўрсатар, «сўзини қулоғимга эшиттир»,— деса эшиттирар эди. Кампир, болаларим ҳаяллаб кетишди, деб хавотирланиб, бекитиб қўйган жойидан ойнагини олиб қараб: «Менга қизим билан ўғлимни кўрсат, сўзларини эшиттир»,— деган экан, ойнакда Гулиқаҳқаҳ пайдо бўлибди. Ўзи эмиш, ёнида Маъмуржон йўқ эмиш. Атрофида девлар ўралашиб юришган эмиш. Буни кўриб момоз «Ўғлимга бир гап бўлибди. Девлар уни ўлдириб, Гулиқаҳқаҳга эга бўлиб, уни азобга қўйибдилар-да, ҳа ярамаслар»,— деб сафарга ҳозирлик кўра бошлабди. Шунда шаҳзода келиб қолиб:

— Ҳа, эна, қаёққа отландингиз?— деб сўраган экан, кампир:

— Болаларимга бир гап бўлганга ўхшайди, жиниб кетишди. Бориб хабар олиб, нима гапдигини билдиб келмоқчиман,— дебди. Шунда шаҳзода.

— Мен бориб нима гаплигини билиб келаман. Қаердалигини айтиб берсангиз бўлгани,— дебди. Кампир:

— Йўқ, ўзим бораман,— десаям, шаҳзода ўжарлик билан ўз сўзида туриб олибди. Кампир охири рози бўлиб, унга Гулиқаҳқаҳ турган жойни айтиб берибди-да:

— Тоғнинг пастига тушсанг, ёр бор, ёрнинг ичига кирсанг, уч отни кўрасан. Уртадаги қора отга қараб: «Хў, жонивор, қозиқда боғлиқлик туравериб диқдина-фас бўлгандирсан, узоқ-узоқларга учишни истайсанми»,— дейсан-да, уни силаб-сыйлайсан. Кейин ўнг томондаги сандиқни очиб, ундан олтин эгар-жабдуқни олиб отни эгарлайсан-да, миниб, олдимга чиқасан. Гулиқаҳқаҳни девлар асир қилиб, Маъмуржонни ўлдирган бўлса, қасдингни оласан, девлар билан олишганинга шу от ёрдамлашади, унинг ўзи дев, дуо билан отга айлантириб қўйганман. Ёрга кирганинга, ёнидаги саман от билан тўриқ отга яқинлашма, улар сени тепиб ўлдириб қўйишлари мумкин,— деб тайинлабди. Шаҳзода тоғдан пастга тушиб, кампирнинг айтганини қилиб, ёрга кирибди, ёрнинг ичида учта: саман, тўриқ, қора отни кўрибди. Қора отни олдига бориб, кампир ўргатган гапни айтган экан, от эркаланиб унга суйканибди. Шаҳзода ўнг томонга қараб сандиқни кўрибди, унга калит солиб очган экан, ичида тилла эгар, асбоб-анжомлар кўринибди. Уларни олиб, отни жиҳозлаб минибди-да, ёрдан чиқиб, кампирнинг олдига келибди. Кампир уни кўриб:

— Энди йўлга чиқавер. От сени қизим турган жойга олиб боради,— дебди. Шунда шаҳзода кампир билан хайрлашиб, отнинг бошини қўйиб юборган экан, у осмонда учиб, ерда чопиб, кампир шафтолини арчиб егунча, чол нос қовоғидан нос олиб отгунча, кўкнори хаёли тарқагунча вақт ўтмай, Гулиқаҳқаҳнинг ёнига олиб борибди. Қора отни кўриб, девлар кўринган томонга қочиб қолишибди. Шаҳзода Гулиқаҳқаҳ билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач:

— Акам қанилар?— деб сўрабди. Гулиқаҳқаҳ:

— Акангиз Темур қароқчининг олдига кетдилар. Мени, шу ерда кутинг, дедилар. Анови девлар ҳам дўстларимиз, уларнинг бошлиғи акангизни миндириб кетган, ҳали замон келиб қолишар, деб кутиб турибмиз,— деб жавоб берибди. Девлар ҳам шаҳзода билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, Қора от билан ҳам девчасига муомила қилиб, Маъмуржонни кутиб юриша-верибди.

Эндиги гапни Маъмуржондан эшитинг.

Маъмуржон Япалоқ девни минганича йўл юриб, йўл юрса ҳам озмас, мўл юриб, баҳайбат тоққа етиб борибди-да, ғорни излаб топибди. Ғорн.. икки бошли илон қўриқлаб ётган экан. Аждарҳо биров келганини сезиб, аста ўрнидан қўзғалиб, ўрмалаб кела бошлабди. Шунда Маъмуржон унинг кўзига тик қараб туриб, момосидан ўрганган дуони ўқиб, бир сиқим тупроқни устига сочиб юборган экан, аждарҳо шу заҳотиёқ тоққа айланиб қолибди. «Аждарҳони тоққа айлантириб қўйди, юрти-мизга сеҳрғар-жодугар келди!»— деб девлар қочиб қолишибди. Ғорнинг ичига кириб қарашса, тангадек ёруғлик тушмасмиш. Йўлни сира кўриб бўлмасмиш, бир қадам юриш мумкин эмасмиш. Бир пайт тимирскиланиб-тимирскиланиб кетишаётса, олдиларидан гала-гала шерикларини бошлаб кўршапалаклар подшоси келиб қолибди. Узи жуда ҳайбатли эмиш. Қанотлари чойшабдай-чойшабдай келармиш, қанотининг қовурғалари тол ходасидай-тол ходасидаймиш. Кўзи ўчоқдай-ўчоқдай эмиш. У Маъмуржонга яқинлашиб:

— Ким бу тинчлигимни бузган? Бу жойга келишга юраги бетлаган одамзодмисан ё ҳайвон зотиданмисан?— деб бақирибди. Шунда Маъмуржон кўршапалаклар подшосига қараб:

— Ассалому алайкум, эй, зулмат ҳукмдори, мен сенин ёрдамингга муҳтожман. Сени одилларнинг одили, ёруғликнинг душмани деганларича бор,— дея уни то-заям мақтабди. Шунда кўршапалаклар подшоси Маъмуржоннинг мақтовидан эриб кетиб: «Мақсадингни айт»,— дебди. Маъмуржон: «Мени шу ғордан олиб чиқиб қўйсанг»,— дебди. Кўршапалаклар подшоси: «Орқамдан юринглар», дея эргаштириб кетибди. Юриб-юриб уч кун деганда ғордан чиқиладиган жойга етиб келишибди. Маъмуржон раҳматлар айтиб, кўршапалаклар подшоси билан хайрлашиб, яна йўлга тушибди. «Ёрдамим керак бўлиб қолса чақирарсан. Лекин кунда эмас, тунда чақир. Биз кундан қўрқиб, кундузи юролмаймиз»,— дея тукидан битта берибди кўршапалак. Япалоқ дев билан Маъмуржон юриб-юриб, етти кун деганда бир дарёнинг устидан чиқиб қолишибди. Дарёнинг қирғоғи кўринмасмиш. «Энди бу дарёдан қандай ўтсам экан?»— деб турган экан, кўзига бир чинор кўринибди. Япалоқ дев, мен айтган чинор шу, аммо боролмайман, ўзинг борасан. Мен борсам, Семурғ қуш пайқаб қолиб, икковимизни ўлдиради, дебди.

— Бўлмаса, мени кут,— деб Маъмуржон чинорнинг тагига борибди. Бир чуқурга тушиб пойлаб ётса, бирдан оламни вишиллаш, чинқириш босиб кетибди. Бу аждарҳонинг товуши экан. Аждарҳо яқинлашиб келганича, оғзидан олов, бурунларидан тутун чиқариб ҳаммаёқни зимистон қилиб, чинорга ўралиб чиқа бошлабди. Маъмуржон билдирмасдан чап томонидан бориб шартта қилич солибди унга. Бироқ аждарҳо ўлмабди, думини қайириб, Маъмуржонни шундай урибдики, у икки терак бўйи жойга учиб тушибди. Кейин ўзига келиб, қиличини яланғочлаганича аждарҳога қараб келаверибди, қилич тегиб боши яраланган аждарҳо шундай қутурибдики, оғзидан чиқаётган олов чинорни қуритибди, тутуни булут бўлиб осмонга ўрлабди, ҳаммаёқни зимистонга айлантирибди. Маъмуржонга ташланиб гажиб ташламоқчи бўлган экан, бола қилични кўтарганича тап тортмай яна унга юзма-юз бўлибди. Аждарҳо оғзини каппа-каппа очиб, Маъмуржонни ютиб юборибди, аммо кўп ўтмай йигит уни иккига бўлиб, қорнини ёриб чиқибди. Аждарҳодан оққан қонга ариқ тўлибди, жасади тоғдай гумбурлаб қулабди. Маъмуржон аждарҳонни саранжом қилган заҳоти чинор яна яшнаб кетибди. Шу пайт Семурғнинг омон қолган боласи:

— Ҳой, халоскорим, тез буёққа чиқ-да, қанотим тагига яшириниб ол. Ҳализамон онам келиб, сени танимай ўлдириб қўймасин,— дебди. Маъмуржон чинорга бир плож қилиб чиқиб, Семурғ боласининг қаноти остига кириб беркиниб олибди. Шу пайт кучли шамол туриб, тўполон бошланибди. Маъмуржон: «Бу нима?»— деб сўраган экан, Семурғнинг боласи:

— Онам келяптилар,— дебди,— сен қўрқма, қанотим тагида бекинганинчга туравер. Онам учиб келгач, мени кўриб хурсанд бўлади. Шунда сенинг гуноҳингни сўраб оламан. Кейин қандай ниятинг бўлса айтасан, бажо келтиради,— дебди. Шу пайт тўполон тобора яқинлашиб, шундай авжига чиқибдики, чинорнинг учи ерга тегай-тегай дебди. Кейин осмонни қора булут қоплаб, жала ёғибди. Бир пасда ҳаммаёқни сел босиб, кўринган нарсани оқизиб кета бошлабди. Маъмуржон қўрқиб кетиб, қалтирай бошлаган экан, Семурғнинг боласи: «Қўрқма дедим-ку? Бу тўполон онамнинг қанот қоқишидан, жала унинг кўз ёшлари — онам мени ўлган, деб йиғлаб келяпти, ҳозир тириклигимни кўриб хурсанд бўлади-да, сени ўлдирмай, омон қолдиради»,— дебди. Семурғ келиб, чинор остига қўнибди-да, боласи-



ни соғ-омон кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетибди. Ердаги тоғни кўриб ҳайрон бўлибди. Кейин боласига қараб: «Қандай омон қолдинг, оппоғим. Мен сени ҳам ўлган ҳолда кўраман деб йиғлаб-сиқтаб келаётган эдим. Хайрият, тирик экансан»,— дея унинг олдига учиб чиқибди. Азбаройи оғирлигидан чинор силкиниб, учи ерга тегай дебди. Кейин тоғни кўрсатиб:

— Анови ерда ётган нима?— деб сўрабди. Шунда боласи:

— Онажон, ерда ётган тоғ бир бошли, уч кўзли аждарнинг танаси. Мени ундан мана бу паҳлавон қутқарди. Уни тақдирлашингиз лозим,— дея Семурғ Маъмуржонни қаноти остидан чиқарибди. Семурғ Маъмуржонга миннатдорчилик билан қараб:

— Сен яхшилик қилиб, боламни сақлаб қолибсан. Мени умрбодлик душманим аждардан халос этибсан. Яхшиликка мен ҳам яхшилик қиламан. Нима мақсад билан буёқларга келдинг? Нима тилагинг бор?— дебди. Шунда Маъмуржон Семурғга қараб:

— Мени дарёнинг уёғига ўтказиб қўйсанг,— дея илтимос қилибди.

— Бу жуда қийин иш. Яхшиси, мендан ғорда — олтин, сойда — сув, қўрада — қўй сўра,— дебди Семурғ. Маъмуржон:

— Менга ғорда — олтин, сойда — сув, қўрада — қўй керак эмас, дарёнинг уёғига ўтказиб қўйсанг бас,— дебди. Шунда Семурғнинг боласи ҳам:

— Жон, ойижон, унинг айтганини қилиб, дарёдан ўтказиб қўйинг, ахир, у бизга яхшилик қилди-ку,— дея ялиниб-ёлворибди.

Семурғ ноилж кўнибди. «Битта ўзингми?»— деб Маъмурдан сўраган экан, у: «Шеригим бор»,— деб Япалоқ девни чақириб келибди. Семурғ: «Икковинг икки қанотимга ўлтириб, патларимдан маҳкам ушлаб олинглар. Кўзларингни юмиб, қачон мен очинглар десам, очинглар»,— деб уқтирибди. Дев билан Маъмуржон Семурғга миниб, қанотидан маҳкам ушлаб олишибди. Кейин Семурғ осмону фалакка кўтарилиб кетибди. Бир пайт, кўзларингни очинглар, дебди. Қарашса, дарёнинг у ёғида туришганмиш. «Керак бўлиб қолсам чақирарсан»,— деб Семурғ қанотидаги патидан битта узиб, Маъмуржонга берибди-да, дарёнинг буёғига учиб кетибди. Дарёнинг бу томони шундай эмишки, илонлар, чаёнлар тўлиб-тошиб ётган, ҳаммаёқни вишиллашлар, чийиллашлар босиб кетганмиш. Ўрмондан

ҳар хил ҳайвонларнинг бўкириши эшитилармиш. Маъмуржон: «Энди қаёққа борсам экан?»—деб боши қоғиб, ақли шошиб қолибди. Шу пайт Япалоқ дев:

— Ўрмонга қараб боравер. Айтганимни қилиб, шерга салом бериб, уни мақтаб, мақсадингни англа. Мен ўрмон ичига киролмайман, шу ерда сени кутиб турман,—дебди.

Маъмуржон, нима бўлса — пешанамдан деб, ўрмонга қараб юрибди.

Энди Маъмуржонни шу ерда қолдириб, кампирдан хабар олайлик-чи, у нима қилаётганикин.

Кампир қўлига яна ойнагини олиб, унга қараб: «Менга қизим Гулиқаҳқаҳ билан ўғилларимни кўрсат»,—деган экан, ойнада аввал Маъмуржон билан Япалоқ дев кўринибди. Уларнинг бири дарё бўйида ўлтирган эмиш. Маъмуржон ўрмон ичига кириб бораётган эмиш. Ёнида Гулиқаҳқаҳ билан Шаҳзодани кўрмалач, «уларга нима бўлдийкин?»—деб турган экан, бир пайт ойнада қизи кўриниб қолибди. Гулиқаҳқаҳ шаҳзода билан ўтирган эмиш. Атрофида девлар ўрмалашиб юрган эмиш. Кампир: «Бу ерда бир гап бор. Тағин хиёнат аралашган бўлмасин?»—деб ғорга кириб, саман отини абзаллаб миниб, уларнинг олдига жўнабди. Кампир отда учиб, ерда чопиб, тоғдан ошиб, боғдан ўтиб, сойдан кечиб, Гулиқаҳқаҳнинг олдига етиб борибди. Улар билан кўришиб, гап нимадалигини билиб: «Мен Маъмуржоннинг олдига борайми, шунга нима дейсан?»—деб сўраган экан, Гулиқаҳқаҳ: «Бориб нима ҳам қиласиз, Япалоқ дев билан кетганлар, худо хоҳласа, ҳали замон келиб қолишади»,—дебди.

«Ундай бўлса, мен ҳам шу ерда қоламан, Маъмуржон қайтгач, бирга кетамиз»,—деб кампир ҳам шу ерда қолибди.

Эндиги гапни Маъмуржондан эшитинг.

Маъмуржон Япалоқ девнинг айтганини қилиб, қўрқсаям қўрқмагандай, чўчиса ҳам чўчимагандай бўлиб, ўрмоннинг ичига кириб бораверибди. Бўри кўрса ҳам, чўчқа кўрса ҳам ўзини дадил тутибди. Бир пайт еру кўкни ларзага келтириб, бўкириб ҳайвонлар подшоси Арслон кўринибди. Уни писанд қилмай келаётган одамзодни кўрган ҳайвон ғажиб ташламоқчи бўлиб ўзини унинг устига отибди. Шунда Маъмуржон:

— Ҳой, ўрмон султони! Сени одилларнинг одили, сахийларнинг сахийси деб эшитганман. Сен дунёда энг қудратли, энг чиройлисан. Мендек бандани ожизнинг

сенга иши тушиб қолди, ёрдамингни аямасанг, менга қарашиб юборсанг,— дебди. Шу пайт: «Нима гап, ўрмон тинчлигини ким бузди?»— дейишганича тулкию бўри, айиқполвону тўнғиз тўралар етиб келишибди. Тулки: «Арслонбек, бу одамзоднинг гапига ишонма»,— деса, бўри: «У алдаяпти, сени лақиллатмоқчи»,— дебди. Шунда Маъмур нима дейишини билмай қолибди. Қараб турса, Арслон бўри билан тулкининг гапига кириб, уни мижғиб ташлаш учун устига бостириб келаётган эмиш. Бирдан унинг қулоғига «гапингни айт, бўлмаса сени ҳалок қилади», деган овоз эшитилгандай бўлибди. Маъмуржон:

— Вой, шундай улуғ султон Арслонга ҳам ақл ўргатишадими?— деган экан, Арслон:

— Менга ақл ўргатувчи ким экан? Мен ўзимнинг ақлим билан иш қиламан. Гапир, нима ёрдамга муҳтожсан?— деб сўрабди шартидан тушиб.

— Мени шеригим билан ўрмондан чиқариб қўйсанг бўлгани, бошқа ёрдамнинг кераги йўқ,— дебди Маъмуржон.

Арслон Япалоқ дев билан Маъмуржонни устига миндириб, ўрмон ичига кириб кетибди. Ўрмон шундай қалин ҳам қоронғи эмишки пашша ҳам учиб ўтолмасмиш.

— Кўзларингни юмиб олинглар, бўлмаса кўрқиб устимдан тушиб кетасанлар,— дебди Арслон.— Қачон мен очинглар десам, шундагина кўзларингни очинглар.

Иккови кўзларини чирт юмиб олишибди. Бир жойга борганда, Арслон:

— Кўзларингизни очинглар, келдик,— дебди.

Маъмуржон қараса, ўрмоннинг чети эмиш. Шу жойда Арслон:

— Хайр, керак бўлиб қолсам, чақиртирасан,— деб юнгидан битта юлиб берибди-да, ўрмонга кириб кетибди.

Маъмур йўлга тушибди, бир жойга борганда, Япалоқ дев:

— Мен шу ерда қоламан. Бургут бобонинг уйига келдик. У анави тепаликнинг энг баланд чўққисидаяшайди. Шу қасрга кириб борасан-да, менинг айтганларимни қиласан,— дебди. Маъмуржон тепаликдан ошиб тушиб, бошқа тепалик устидаги қасрни кўрибди. Қасрга чиқиб борса, кўриниши жуда ҳам ваҳимали, тирноқлари пўлатдан, кўзлари оловдан, тумшуғи темирдан Бургут бобо ўтирган эмиш. Атрофида сон-са-

ноқсиз бургутлар эмиш. Маъмуржонни кўриб, бургутлар безовталаниб, уни ўраб олишибди. Бирови чанг солиб, осмону фалакка олиб чиқиб, баланддан ташлаб юбормоқчи экан, Бургут бобо:

— Олдин гап сўра, буёқларга нега келди, меҳмонми ё душманми, бил. Яхши бўлса меҳмон қил, ёмон пиятда келган бўлса, ўлдириш қочмас,— дебди.

Шунда Маъмуржон: «Ассалому-алайкум!»— дебди. Бургут: «Ваалайкум ассалом!»— деб қанотларини қоқиб қўйган экан, шамол туриб болави учуриб кетибди. Маъмур яна бир илож қилиб, тирмашиб, Бургут бобога:

— Мен сизга ўғил, сиз менга ота бўлсангиз. Ота-болалик, фарзандлик ҳурмати, мендан ёрдамингизни аямасангиз?— дебди. Боланинг, ота-бола бўлайлик, дегани Бургут бобога маъқул тушиб, эриб кетибди. «Нима хизматинг бор, айт, бажараман»,— дебди. Маъмуржон:

— Чўл ўртасидаги Темур қароқчининг қасрига олиб бориб қўйсанг. Уни кўриб, қиладиган ишимни қилиб, Анқо қушни олиб қайтсам,— дебди. Шунда Бургут бобо узоқ ўйланиб қолибди, кейин:

— Аввало, у ерга бориш жуда қийин, етмиш йиллик йўл. Етмиш йиллик йўлда сувсиз, овқатсиз учиб бориш жуда оғир, учиб бордик ҳам дейлик, унда Темур қароқчининг қўлидан соғ-омон чиқмайсан. Унинг минг-минглаб қароқчилари, ўргатиб олган ваҳший ҳайвонлари, деу аждарҳолари бор, қасрининг ўзи бир подшолик,— дебди.

Маъмуржон сўзида туриб олиб:

— Сиз олиб бориб қўйсангиз бас, уёғини ўзим тўғрилайман,— дебди. Бургут бобо:

— Шундан шунга бир ўзинг келдингми ё ошна-пошпанг ҳам борми?— деб сўрабди.

— Бор, бирга келган дўстим бор,— деб бола Япалоқ девни чақириб келибди.

Бургут бобо ўнг томонга қараб кулибди, кулгисидан сру осмонни гулдир-гулдир овоз қоплабди, чап томонга қараб йиғлаган экан, ёмғир ёғиб, ҳаммаёқни сув босиб кетибди. Кейин:

— Сен шу ерда тур, мен бориб ота-онам билан хайрлашиб келай,— деб ичкарига кириб кетибди. Ҳадеганча чиқавермабди. Шунда Маъмуржон: «Бургут бобо бизни алдаб кетди. Йўли узоқлигидан чўчиди»,— деб ўйлаб турган экан, Бургут бобо келиб:

— Кетдик!— дебди.— Мен осмонда учаман, сенлар

ҳозир етиб келадиган учар тулпорга миниб жўнайсизлар. Кун қиздириб, сенларни куйдириб ташламоқчи бўлади. Мен қанотларим билан тўсиб, салқин-соя берман. Йўлда чўл илонлари ташланади, парво қилмай йўлда давом этаверинглар, чиябўрилар ғажиб ташлашга уринади, ҳеч қаёққа қарамай кетаверинглар. Темурнинг қасрига етиб борганда ўзим қиялаб пастга эман-да ерга қўниб, сизларни кутиб тураман,— дебди.

Маъмуржон Япалоқ дев билан олдиларида пайдо бўлган учар тулпорга мингашиб йўлга равона бўлишибди. Осмону фалакда Бургут бобо уларга соя бериб, булар гоҳ ерда юриб, гоҳ осмонда учиб кетишаверибди.

Бир пайт илонлар тўдаси ҳужум қилибди, чўчишмабди, кейин чиябўрилар ғажиб ташлашмоқчи бўлишибди, парво қилмабди. Бир пайт бургут ерга қараб энибди. Қиялаб учиб келиб ерга қўниб, буларни кутибди. Маъмуржон Япалоқ дев билан етиб борибди. «Бу ёғига ўзларингиз бораверинглар, керак бўлсам чақиртирасан»,— дея Бургут бобо орқасига қайтиб кетибди. Маъмуржон Япалоқ девни шу ерда қоровулликка қолдириб, Темур қароқчининг қасрига кириб борибди. Маъмуржонни кўриб, Темур қароқчи йўлбарсига: «Бос!» дебди.

Йўлбарс бўкириб унга ташланган экан, Маъмуржон ҳайвонга тик қараб бораверибди, кейин: «Ё Ҳазрати Али!»— дея йўлбарсни белидан олиб, осмонга отиб юборибди. Темур қароқчи арслонига қараб: «Бос!» деган экан, арслон даҳшат билан унга ташланибди, Маъмуржон унга ҳам тик қараганича бориб: «Ё Баҳовиддин пирим!»— дея уни ҳам даст кўтариб, отиб юборибди. Арслон ҳам йўлбарсга ўхшаб осмонда йўқ бўлиб кетибди. Темур қароқчи ҳамма ҳайвонларни одамларини Маъмуржон билан олишишга ташлабди. Маъмуржон улар билан бирма-бир олишиб, бирини осмонга отибди, бошқасини ерга кўтариб урибди. Навбат Темур қароқчининг ўзига келибди. Темур қароқчи даргазаб бўлиб, Маъмуржон билан олишиш учун устига бостириб кела бошлабди. Ҳар қадам босганда оёгининг зарбига ер титрабди, тоғу тошлар қулабди. Маъмур ҳеч қўрқмабди, Темур қароқчи билан беллашиб, олиша кетибди. Орадан етти кечаю етти кундуз ўтибди ҳамки бир-бирини йиқитолмабди. Ерлар ҳайдалган шудгорга айланибди, оққан терга ариқлар тўлибди, чиққан ҳовур осмонни қоплаб, кун нурини тўсиб қўйибди. Бир пайт Маъмуржон: «Ё парвардигор эгам!»,— деб бир чиранган

экан, Темур қароқчи ўзини унинг боши тепасида кўриб: «Эҳ, бола, единг-ку!»— деб додлаб юборибди. Шунда Маъмур уни ҳам отиб юбормоқчи бўлган экан, Темур қароқчи ялинишга тушибди.

— Улдирма, сен билан дўстлашиб айтганингни қиламан. Бундан буён ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмай, ҳамма билан яхши яшашга, дўстликка хиёнат қилмасликка сўз бераман. Нима десанг— ўша, сенинг айтганинг қонун мен учун!— дея ялиниб-ёлворибди.

— Гапинг чинми?— сўрабди Маъмуржон уни ерга қўйиб.

— Чин-чин! Ёлғон бўлса қароқчи ўғрилар пири урсин!— дебди.

— Пиринг ургур, ёмонларнинг ҳам пири бўларканми, пир яхшиларда бўлади,— дебди Маъмуржон.

— Кечир, дўстим. Шу ишларимнинг ҳаммаси пирдан деб юрардим, ундай бўлса мени яхшилардан санайвер,— дебди Темур қароқчи.

Шунда Маъмуржон, калитларни бер, деб калитларни олиб, қирқ ҳажрани очиб, ҳаммани бандиликдан озод қилиб, қушларни учириб, жондорларни бўшатиб юборибди.

— Агар менга яхшиликча хизмат қилиш ниятинг бўлса, Анқо қуши билан кишига ҳаёт ато қиладиган сувни, кейин чўлоқлик билан шолни тузатадиган, кўр кўзни очадиган дори-гиёҳни топиб берасан,— дебди. Шунда Темур қароқчи.

— Э-э, талабинг жуда кўп-ку. Ҳа, майли, чўлда яшаш ўзимнинг ҳам жонимга тегди, йўлтўсарлик ҳам, каллакесарлик ҳам,— деб уч кун рухсат олиб, эски қудуққа тушиб, ернинг тагига кириб кетибди. Кейин Анқо қуш билан кишига ҳаёт ато қиладиган сувни, чўлоқлик билан шолни тузатадиган, кўр кўзни очадиган дори-гиёҳларни олиб чиқибди. Бир пайт Маъмуржонга, кампирнинг ўлиб кетди, деб юрган ўғли пешвоз чиқибди — шу пайтгача зиндонда экан. Тушида Маъмуржоннинг келиши аён бўлган экан, ундан:

— Ака, онамлар яхши юрибдиларми?— деб сўрабди.

— Онангиз соғ-саломат. Темур қароқчи сингари барча ёмонликларни ташлаб, менга она бўлганлар,— дебди.

Шунда бола:

— Раҳмат, ака, мен сиз билан кетсам,— дебди. Темур қароқчи у боладан ҳам узр сўраб, ака-ука тутинишибди. Япалоқ девни чақириб келишибди.

— Шу ергача сен мени эсон-омон, шикаст етказмай олиб келдинг. Энди мен сизларни олиб кетаман,— деб девларини чақирибди. Ҳамма битта-битта девга мишиб, керакли нарсалардан олиб, бола Анқо қушини, доригиёҳларни қўлида ушлаб, йўлга чиқишибди. Чўлдан ўтиб, ўрмон устидан учиб, горда юриб, Гулиқаҳқаҳ турган жойга етиб боришибди. Момога яшартирадиган гиёҳдан беришган экан, яшариб, кўзлари очилиб кетибди.

— Шу ерда қолинглар, — деган экан:

— Йўқ, бориб, подшога Анқони бермасам бўлмайди,— деб Маъмуржон йўлга тушибди. Қампир билан боласи қолиб, шу ерга подшо бўлибди.

Маъмур юртига борса, подшо касал бўлиб, кўрпада ётган экан. Анқо қушни кўриб тузалиб қолибди-да, Маъмуржонга:

— Болам йўқ эди. Сен — ўғлим, анави хотининг — қизим бўлдинглар. Подшолигимни олиб, юртни сўрасанг, мен қариб қолдим,— дебди. Маъмуржон кўнмаса ҳам уни подшо қилиб кўтаришибди. Маъмуржон — подшо, хотини вазир бўлиб, юртни адолат билан сўраб ўтишган экан. Темур қароқчи ҳамма одатларини ташлаб, бир музофотда бек бўлиб, даври-даврон сурибди.

Маъмуржон вақти-вақти билан кўргани келганда момоси билан унинг ўғлини, ўзига ёрдам берган девлар билан Бургут бобони, Кўршапалаклар султонини, Арслонни, Семурғни меҳмонга чақириб, зиёфат қилиб турар экан. «Мен билан юртимга боринглар!»— деса, улар: «Йўқ, биз подшоликка эмас, далага яратилганмиз, бизнинг жойимиз ўша дала-дашт,— деб кўнишмас экан. Шундай қилиб, яхшилик етибди муродига, сиз билан биз қам етайлик муродга.



## ЗУМРАД ПОШША

**Б**ор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим ўтган замонда, Ҳисор деган томонда бир эшон ошини ошаб, ёшни яшаб, кўп умр кўриб ўтган экан. Эшон хотинининг исми Зумрад пошша экан. Кунларнинг бирида пошшанинг сайлга чиқгиси келиб қолибди. Зумрад пошша эрига:

— Эшоним, бир сайлга чиқсак, бир ерда тураверсанг — зерикасан, киши, — дебди. Эшон хотинининг гапига рози бўлиб, сайлга чиқадиган бўлишибди. Эртасига эшон билан Зумрад пошша йўлга ўзларига кийим-кечак, озиқ-овқат ва отларига ҳам см-хашак олиб, йўлга равона бўлишибди. Улар кетаверишибди, кетаверишибди, йўл юришибди, йўл юришсаям мўл юришибди. Ўзлари ҳам, отлари ҳам чарчабди. Бир ерга келишгач, дам олмоқчи бўлиб тўхташибди. Улар, атрофда ҳеч ким йўқмикин деб қарашса, бир ерда алланиманинг милтиллаган ёруғи тушиб турганмиш. Шунда Зумрад пошша эшонга:

— Анави ерда уй бўлса, зора эгаси бир кечалик жой берса, — дебди.

Ёруғ милтиллаб турган ерга боришса, бир уй эмиш, эшикни тақиллатишса ҳеч ким чиқмабди. Аста-секин йўталиб, овоз беришса ҳам ҳеч ким очмабди. Шунда эшон эшикни тепиб очиб, ичкарига кирмоқчи бўлган экан, Зумрад пошша:

— Йўқ, ундай қилманг. Балки биров бетобдир, балким аёл-оёқ ечиниб ўтиргандир. Эркаги йўқлигидан очмаётгандир. Эшикни очмасалар уни тепиб очиб, ичкарига кириш ёмон одатлигини биласиз-ку, эшоним, — дебди. Эшон:

— Бўлмаса нима қилай, ташқарида қолиб кетамиз-ку, — дебди. Зумрад пошша, қаттиқроқ тақиллатинг, деган экан, эшон қаттиқроқ тақиллатибди. Кейин: «Бу уйда ким бор, ким?» — деб овоз қилган бўлибди. Гапни уйнинг ичидаги кишилардан эшитинг.

Бу уйда бир чол билан бир кампир яшар экан, чол жудаям яхши одам бўлиб, жудаям меҳмондўст ва одамларни жудаям севар экан. Кимда-ким: «Ҳой, бу том ичида ким бор?» — деб эшик тақиллатиб келса, яхши кутиб олиб, меҳмон қилишга, ҳожатини чиқаришга ҳаракат қилар экан. Кампир бўлса, ўзидан бошқа ҳеч кимни яхши кўрмас, кимда-ким: «Ҳой, бу том ичида ким бор?» — деб келиб қолса, эшикни очмас экан. Эшон билан Зумрад пошша ташқарида туриб эшикни тақил-



латишганда ҳам ичкарида чол билан кампир миш-миш қилишаётган экан. Чол: «Меҳмон келди, эшикни очайлик»,— деса, кампир: «Йўқ, очма, келган жойига кетаверсин»,— деб очтирмаётган экан. Чол тутоқиб кетиб: «Э, сени қара-ю, уйингга меҳмон келса-ю, эшикни очмасанг, бу қандай гап?»— деб эшикни очиб, эшон билан Зумрад пошшани кўриб:

— Э, келинглар, келинглар, қани ичкарига марҳамат, марҳамат!— дебди. Кампир чолининг келган меҳмонларни уйга таклиф қилганидан аччиғи чиқиб, ичида эрини тозаям қарғабди. Нонложликдан меҳмонларни ичкарига киритибди. Уларга қараб ичи йиғлаб, усти кулиб турган ҳолатда:

— Майли, кира қолинглар, бир кечага жой бор,— дебди. Кампир шундай дермишу қовоғидан қор ёғармиш. Кампир билан чолининг биттаю битта ягона қизлари бор экан. Унинг номи Айшакалак экан. Айшакалак оғзинг қани деса, қулоғини, қулоғинг қани деса, оғзини кўрсатадиган қиз экан. Бир йиғлаб берса борми, уни тўхтатгунча чол билан кампирнинг эси ўн мартаба кириб, ўн мартаба чқар экан. Кампир Зумрад пошшани ўзи билан қизи ўлтирадиган жойга киргизиб, эшонни эса чол билан бошқа жойга — эри яшайдиган томга жойлабди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Айшакалак уввос солиб йиғлай бошлабди. Зумрад пошша:

— Ҳа, синглим, нимага йиғлаяпсан?— деб сўрабди. Шунда кампир:

— Қизим, келган опамнинг калласини кўриб қўяй, деб йиғлаяпти,— дебди. Зумрад пошша:

— Майли, агар қизингиз бошимни кўриб қўяман, деб йиғлаётган бўлса, жоним билан кўргазаман,— дебди. Айшакалак Зумрад пошшанинг сочини кўраётиб калласига ништар тиқиб олибди. Шунда Зумрад пошша:

— Вой-ей-ей, қизингиз бошимга нина тиқиб олди-ку, она,— дебди. Кампир:

— Қизим сенинг кўйлагингга ошиқ бўлибди,— деб жавоб берибди. Зумрад пошша шу заҳотиёқ кўйлагини ечиб, Айшакалақка берибди. Айшакалак кўйлакни кўйнига тиқиб, тагин Зумрад пошшанинг бошини қарай бошлабди. Сочини кўриб-кўриб, яна бошига ништар тиқиб олибди. Зумрад пошша «вой,ий,ий», дебди. Кампир: «Ҳа қизим, нега вой-войлаб қолдинг?»— деса, Зумрад пошша яна: «Қизингиз бошимга яна нина тиқиб олди»,— дебди. Кампир: «Қизим сенинг зеби-зийнат-

ларингга ошиқ бўлиб қолибди»,— дебди. Зумрад пошша қулоғи, бўйи, қўлидаги зеб-зийнатларини ечиб берибди. Айшакалак Зумрад пошшанинг сочини қараб, бошига ништар санчиб олаверибди. Кампир: «Қизим бошингдаги рўмолингга ошиқ»— дебди, Зумрад пошша бошидаги рўмолини ечиб берибди. Кейин кавуш-махси-сини... Хуллас, ҳамма нарчасидан айрилган Зумрад пошша қип-яланғоч бўлиб қолибди. Кейин шум кампир, Зумрад пошшани чириб ўлсин, деб бир зиндонга олиб бориб, орқасидан итариб юборибди. «Жир-жирлашинг, ичар ошинг», деб муштдай қуйруқ ташлабди. Кейин зиндон устига бир талай тошни ағдариб: «Энди бу ердан чиқиб бўбсан ёруғ дунёга»,— деб уйнинг ичига кириб кетибди. Энди гапни зиндон ичидаги Зумрад пошшадан эшитамиз.

Зумрад пошша, эҳ, аттанг, бу ишлардан эримнинг хабари йўқ, бу жойда ётганимни билмайди, билса келарди, бу жодугарнинг қизи билан адабини берарди, деб йиғлаб ўтирган экан, бир дайди пишак<sup>1</sup>нинг мов-мов дегани эшитилиб қолибди, Зумрад пошша зиндонда туриб:

— Эй, жонивор мовимчам, зиндон оғзидаги ана шу товатошпий олиб ташласанг, манави муштдай қуйруқ сеники,— дебди. Пишак бу сўзни эшитиб, ўткир панжалари билан тирнаб-тирнаб товатошни, алқисса, ағдариб ташлабди. Зумрад пошша:

— Эй, жонивор пишак, ма, ол, сенга бу қуйруқ камлик қилади, бош эгиб раҳмат ҳам айтай,— деб мушукка қуллуқ қилиб, таъзим қилиб тирмашиб, қийналиб-қийналиб зиндондан ташқарига чиқибди. Зумрад пошша зиндондан эсон-омон чиқиб олиб, уёқ-буёққа қараса, кўзига бир қишлоқ кўринибди. Шу қишлоққа аста бориб, бир уйга кириб, бир аёлдан эски-туски кўйлак-иштон, бошқа уйга кириб бошқа аёлдан рўмол, яна бошқа уйга кириб, унинг эгасидан махси-калиш олиб, устини бут қилиб олибди. Зумрад пошша эрим эшонни ҳам бу жодугар менга ўхшаб зиндон қилган ё бўлмаса ўлдирган, деб хаёл қилиб, эгини бут қилиб олиб йўлга тушибди. У кетаверибди, кетаверибди, жуда кўп йўл босибди. Зумрад пошша ҳеч қаерда тўхтамай кетаётган экан, олдидан бир бўри чиқибди.

Бўри Зумрад пошшага қараб: «Мен сени ейман»,— дебди. Зумрад пошша: «Қошиқ тўла қоним йўқ, оғзинг

<sup>1</sup> Пишак — мушук.

тўла гўштим йўқ, мени еб нима обрў топардинг. Мени егунча қўтондаги сурувни есанг-чи»,— дебди. Бўри, сурув-сурув қўйларни қаердан топаман, дебди. Зумрад пошша: «Хў, анави қишлоқда бир кампир бор, ўшанинг сурув-сурув қўйлари бор. Қошиқ тўла қони бор, оғзинг тўла гўшти бор»,— дебди. Зумрад пошша шундай деб, бўрини ўзини қийнаган кампирни кига қараб йўлга солиб юборибди. Яна кетаверибди, кетаверибди, шу пайт яна олдидан бир она бўри чиқибди. Она бўри Зумрад пошшага қараб: «Сени ейман»,— дебди. Зумрад пошша: «Қошиқ тўла қоним йўқ, оғзинг тўла гўштим йўқ, мени егунча қўтондаги сурув-сурув қўйларни есанг-чи. Мени еб нима обрў топардинг»,— дебди. Она бўри: «Йўқ, сени ейман»,— дебди. Зумрад пошша: «Ҳа, майли, қўймадинг. Лекин менинг ҳам бир шартим бор. Мени есанг, қонимни тоғма-тоғ судраб егин»,— дебди. Бўри Зумрад пошшанинг айтганига рози бўлибди.

Она бўри Зумрад пошшани тоғма-тоғ, адирма-адир судраб, қонини оқизиб ебди. Тоғма-тоғ, адирма-адир Зумрад пошшанинг қонидан қип-қизил гуллар униб чиқибди.

Гапни энди эшон билан шум кампирдан эшитинг.

Эрталаб туриб, шум кампир қизи Айшакалакка Зумрад пошшанинг кийимларини кийгизибди, зеби-зийнатларини тақтирибди. Бир дуо билан Айшакалакни Зумрад пошшанинг ўзи қилиб қўйибди. Чол эшонни етаклаб уйдан чиқиб келибди. Чой-нон ичишгач, эшон:

— Энди бизга жавоб берсанглар,— дебди. Шум кампир:

— Кечаси билан хотинингиз иккимиз гаплашиб ўтирдик, зап яхши хотинингиз бор экан,— деб уларга жавоб берибди. Қизи Айшакалакка аста: «Ер ютгур, яна қайтиб кела кўрма, нақ ўлдириб қўяман-а. Шу эригингиз қаттиқ ушла»,— деб тайинлабди. Шум кампир шу гапларни тайинлаб, қизини эшоннинг отига миндириб юборибди.

Энди гапни Зумрад пошшадан эшитамиз. Йўқ, яна эшон билан Зумрадга айланиб олган Айшакалакдан эшитамиз.

Эшон билан Айшакалак отга мингашиб йўлда кетишаётган экан, олдиларидан ҳар хил гуллар чиқибди. Айшакалак эшонга: «Эшоним, отдан тушиб менга анави гуллардан олиб бериш, бирам очилибдики, чиройлилигини қарап-а»,— дебди. Эшон шу заҳотидек отдан тушиб, икки дона гулни узиб, Айшакалакка берибди,

икки донасини ўзига олибди. Эшон Айшакалакка: «Зумрад пошша, икки гулни, икки қулоғингга тақ», — дебди. Эшон ўзига олган икки гулни икки қулоғига тақибди. Гулни эшон тақса, бирам ҳид берибдики... Икки дона гул эшоннинг қулоғида ҳар турда очилаверибди. Айшакалак гулни қўлига олиши биланоқ гул қурий бошлабди. У гулни искай, деб бурнига олиб борса, бурнини тишлаб олибди. Айшакалак эшонга: «Вой-и-и, вой-и-и-и, гулингиз қурсин, бурнимни тишлаб олди?!» — дебди. Эшон Айшакалакка: «Сенга шўхлик қилаётгандир-да!» — дебди. Айшакалак гулларни қулоғига таққан экан, шу заҳоти: «Вой-и-и, гулингиз қулоғимни тишлаб олди», — дебди дод солиб. Эшон Айшакалакка: «Хархашангни қўйсангчи, бўлмаса қўлингга олиб юр», — дебди ғазаб билан бақриб. Қўрқиб кетган Айшакалак гул тишласа ҳам ноилож чидаб уйигача борибди. Зумрад пошша билан эшоннинг уйида бирам катта ҳовуз бор эканки, унинг суви тип-тиниқ бўлиб, одам ичган сайин ичгиси желаркан. Айшакалак уйга етиб келгач, шу ҳовузга қўлидаги тўртта гулни отиб юборибди. У гуллар тўрт томонга ёйилиб, тўртта терак бўлиб кўкарибди. Қунлардан кун ўтибди, ойлардан ой ўтибди. Эшон ўғилли бўлибди. Айшакалак сувга борса, ҳалиги терак соясини олиб қочар, ҳовуздаги сувлар эса лойқаланиб қоларкан. Эшон борса тераклар таъзим қилаётгандай эгилиб соя берар, ҳовуздаги сувлар эса тип-тиниқ бўлиб тураркан. Қунлардан бир кун Айшакалак эри бўлмиш эшонга:

— Эшоним, шу теракларни кесиб олиб, боламизга бешик, сумак, ўзимизга эса коса-қошиқ қилдирайлик, — дебди. Бу гап эшонга маъқул тушибди ва устани олиб келиб, болага бешик, ўзларига коса, қошиқ, товоқ қилдирибди. Бешикка Айшакалак боласини беласа, боласи қотиб-қотиб йиғлайверибди. Агар Айшакалак коса, қошиқ билан овқат еса, улар оғзини тишлаб олибди, шўрваси эса бирам тахир, аччиқ туюлибдики оғзига. Эшонда эса унинг акси эмиш: эшон шўрва ёки ош еса, бирам мазали, ширин бўлармиш. Коса-қошиқ уни силаб-сийпалармиш. Айшакалак эшонга:

— Эшоним, теракдан қилинган бешикка боламни беласам, қотиб-қотиб йиғлапти, ундан қилинган қошиқда овқат есам, оғзимни тишлапти. Бир гап борга ўхшайди. Шунинг учун уларни ёқайлик, — дебди.

Эшон:

— Нега теракдан бўлган қошиқда шўрва ичсам, менга ҳеч нима қилмайди, ундан ясалган косадаги шўрва

мазали-ю, сени тишлайди, боламизни йиғлатади,— дебди. Шунда Айшакалак:

— Ёқамиз, бўлмаса бешик боламизни тишлаб, қошиқ оғзимни йиртиб, ҳеч ҳам тинчлик бермаяпти,— дебди. Эшон:

— Ҳай, майли, ўзинг биласан энди,— дебди. Айшакалак уларнинг ҳаммасини тандирга ёқибди. Шундай қилиб, кунлардан кун ўтибди, ойлардан ой ўтибди, эшон билан Айшакалак кунини кўриб яшайверибди. Кунлардан бир кун эшон одамлардан: «Эшоннинг хотини бу Зумрад пошша эмас, бу — шум кампирнинг қизи Айшакалак. У сеҳри билан Зумрад пошша бўлиб олган»,— деган гапни эшитиб қолибди. Эшон олдинига одамларнинг миш-миши, деб бу гапга ҳечам ишонмабди. Ҳамма гапиравергач, эшон Айшакалакни синамоқчи бўлибди. Бир куни ўзини ухлаганга солиб, кўзини юмиб ётса, Айшакалак ташқарига чиқиб алламбало сўзларни айтибди. Шу пайт ойни булут қоплабди, ҳамма томон қоп-қоронғи бўлиб кетибди. Бир пайт Қора девни миниб, шум кампир учиб келиб қолибди. Айшакалак ораси билан кўришиб, сўрашиб, уларни зиёфат қилибди. Шум кампир эшоннинг устига келиб, уйғониб қолса чопаман, деб қилични бўйни устида кўтариб турибди. Айшакалак ҳалиги Қора дев билан айш-ишрат қилибди. Шароб ичиб, маст-аласт бўлиб роса ўйнаб-кулибди. Эшон: «Қани, буёғини кўрай-чи, нима бўларкин?»— деб индамай ўзини уйқуга солиб ётаверибди. Тонготар пайтида шум кампир Қора девга миниб, яна келган томонига қараб учиб кетибди. Айшакалак аста келиб, эшоннинг ёнига кириб, ухлаган бўлиб ётаверибди. Эшон эрталаб ҳеч нима бўлмагандай ўрнидан турибди. Кейин Айшакалакка қараб:

— Янги ёпилган тандирнон егим келяпти,— дебди. Кейин Айшакалак нон ёпаётганда, уни ёнаётган тандир ичига итариб юборибди. Уғиллари:

— Нима қилиб қўйдинг энамизни,— деб келиб эшонга осилишган экан, «Қора девдан бўлган ҳаромилар сенмисанлар»,— деб уларни ҳам тандирга тиқиб юборибди-да, каттакон харсангтошни уни оғзига қўйибди. Эртасига пишиб қолган Айшакалак ва унинг болаларини тандирдан олиб, катта товоққа солиб, товоқнинг бетига: «Улар тўрт кунлик бўлиб келяпти»,— деб ёзиб қўйибди. Айшакалак ва унинг болаларини аравага солиб, ўнта эшак билан юборибди. Бир пайт эшонникига қўшниси бўлган бир кампир кириб келибди.

— Ұғлим, шу қоғозни тандирларингда тутатиб олай, деб келдим,— дебди. Кампирга қараб эшон:

— Майли-майли, эна, мен розиман,— дебди. Кампир тандирда қоғозини тутатаётиб, бир чиройли тошни кўриб қолибди. Тошни олибди-ю, оғзига тикибди. Эшон:

— Нимага қўлингизни оғзингизга солдингиз, эна,— деган экан, кампир унга:

— Кўлим куйди-да, ўғлим,— дебди. Кампир ҳақиқ тошни оғзига солганича, қоғозни ёндириб олиб, уйига жўнабди. Кампир уйига келиб, ҳалиги ҳақиқ тошни сандиғига солиб қўйибди. Кампир қўшнилариликка бориб гаплашиб ўлтириб келибди. Бир пайт уйига келса, уйи топ-тоза, саранжом-сарипшта эмиш. Кампир ҳайрон бўлибди. Эртасигаям қўшнисиникига чиқиб, бир оё ҳаяллаб қолиб келса, уйдаги ўчоқда ош пишиб турган эмиш. Шундай қилиб кампир йўқлигида кири ювилиб, нони ёпилиб қолаверибди. Кампир қаерга бормасин, уйига қайтгач, ҳамма ишлари қилиб қўйилганидан ҳайрон бўларкан. Узига ўзи: «Менинг бунчалик ишимни ким қилиб қўяркин?»— деб ҳайрон бўлаверибди. Кунлардан кун ўтибди, ойлардан ой ўтибди. Бир куни кампир бир ёққа кетганда ҳалиги сандиқдан ҳақиқ тош чиқибди-да, нозанин аёлга айлапиб, кампирнинг ишларини қила бошлабди: уйини суғурибди, нон ёнибди. Бир пайт кампирнинг оёқ товуши эшитилиб қолибди. Нозанин жонҳочатда сандиққа қараб югурибди. Сандиққа кирарганда сочининг ярмини сандиқнинг оғзи тишлаб қолибди. Кампир уйига кириб уёқ-буёққа қараб, ҳамма иш қилинганини кўриб янада хурсанд бўлибди. «Қим қилдийкин?»— деб ён-атрофга қараган экан, кўзи сандиқдан чиқиб турган сочга тушибди. Дарров сандиқнинг олдига бориб:

— Ажинамисан, гўкинамисан, одам боласимисан, кимсан, нимасан? Қўрқма, агар инсон боласи бўлсанг, мен ҳам инсон боласиман, қўрқмай чиқавер!— дебди. Номатлум нозанин, яъни сандиқдан чиққан тошдан одамга айланган хотин тилга кириб шундай дебди:

— Эй, она, мен сиз эшонликдан ўт олгани бориб, оғзингизга солган ҳақиқ тош бўламан,— жодугар кампир бошига солган ҳамма кулфатларни Зумрад пошша кампир энасига бирма-бир айтиб берибди,— охири тандирда ётганимда сиз олиб оғзингизга солиб, уйингизга олиб келдингиз. Шундан буён сиз уйдалигингизда сандиқда, сиз бир ёққа чиққанингизда сандиқдан чиқиб,



одамга айланиб, ишларингизни бажариб юрибман,— дебди. Кампир хурсанд бўлиб, унга раҳматлар айтибди:

— Энди очикда юраверинг, мен сизга она, сиз менга қиз бўлдингиз. Менинг фарзандим йўқ эди, турмушимнинг шериги, ўлигимнинг эгаси — қизимсиз,— дебди. Зумрад пошша энам деб, кампир қизим деб, яшайверишибди. Кунлардан кун ўтибди, ойлардан ой ўтибди. Кунлардан бир кун эшоннинг сиғири келиб, кампирнинг галласини еяётган экан, уни кўриб қолган Зумрад пошша: «Эй, жонивор, менга эганг нима вафо қилувди-ю, сен нима вафо қилардинг!»— деб сигирнинг сонига бир шапалоқ урган экан, унинг беш панжаси ўрнидан қон отилиб чиқаверибди. Сигир уйига бориб, эшонга дуч келибди... Эшон бир кун кампирни кўриб:

— Эй, она нимага сигиримни уриб, қонатиб уйимга юбординг?— деб сўраса, кампир:

— Мен сигирингни кўрганим йўқ, уриб қонатганим ҳам йўқ,— дебди. Эшон ҳайрон бўлиб:

— Бўлмаса сигиримни ким уриб, ким қонатади?— дебди. Кампир, билмасам, деганча уйига кириб кетибди. Эшон ҳам ҳайрон бўлиб, уйига кетибди. Кунлардан бир кун эшон кампирининг уйи олдинда ўтаётиб кўзи бир қизга тушиб қолибди. «Кампирнинг қизи йўқ эди, бу ким бўлдийкин?»— деб ҳайрон бўлибди. Қиз эшоннинг кўзига иссиқ кўринибди. Эшон кампирнинг олди-га келиб:

— Эй, она, уйингдаги қиз кимнинг қизи. Менинг кўзимга иссиқ кўринди. Қизинг йўқлигини биламан,— дебди. Кампир эшонга қараб:

— Эй, эшоним, тандирингдан олиб келган ҳақиқ тош шу қиз бўлади,— деб бор гапни айтиб берибди.

Шундан сўнг эшон кампирнинг уйига кириб, Зумрад пошшанинг овозидан таниб, оёғига йиқилиб, минг бор кечирим сўрабди. Бош эгиб таъзим қилибди. Зумрад пошша кечирибди. Эшон Зумрад пошшани олиб, уйига қайтиб, севинганидан қирқ кечаю қирқ кундуз тўю-тамоша қилиб, халқнинг яна бир жарра олқишига сазовор бўлибди.

Энди гапни шум кампирдан эшитайлик.

Шум кампир қизимдан хабар йўқ деб, уникига бормоқчи бўлибди. Қора девни чақиртириб:

— Мени қизимникига олиб борасан,— дебди. Дев:

— Қизинг аллақачон бола-чақалари билан тандирда куйиб ўлган, ҳали хабаринг йўқми,— дебди.— Эшон



аввалги сен хароб қилган хотинини топиб, у билан тинч-омон яшаяпти,— дебди.

— Ёлғон айтасан,— деб кампир девни бир тѐпган экан, Қора девнинг жаҳли чиқиб:

— Бор-е, сенга хизмат қилгандан кўра тоғу тошларга хизмат қилай,— деб осмонга кўтарилиб, учиб кетибди. Шум кампир ўзига қараб бўлиб хизмат қиладиган ҳайвонларга учраб, қизимга олиб борасанлар, дебди. Ҳайвонлар кўнишмабди. Шум кампир ундай қиламан, бундай қиламан, дуо билан ҳаммагни тошга, дарахтга, ўт-сувга айлаштириб қўяман, деб қўрқитибди. Шунда она бўри:

— Эй, шум кампир, мен сенга ойна, тароқ, нина бераман, агар сен шуларни ишлатсанг, қизинг билан невараларингга тез етасан,— дебди.

— Берсанг тезроқ бер, кейин мени миндириб, қизимга олиб борасан,— дебди кампир. Она бўри ойна билан тароқни кампирга бериб:

— Дарё келса ойнани, ўрмон келса тароқни, чўл келса нинани ташлайсан. Улар сени манзилингга тез етказди-қўяди,— дебди.

Кампир уриб-суриб бўрининг боласипи қизининг ёнига олиб боришга кўндирибди. Уни миниб, қулоғидан ушлаб, йўлга чиқибди. Жамики ҳайвонлар, илоё, йўлда манзилига етмай ўлиб кетсин, деб қолишибди. Шум кампир бўрига мингашганича йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кетавериб, кетавериб, тўлиб-тошиб оқаётган дарёнинг устидан чиқиб қолибди. Кампирга қараб она бўрининг боласи, онам айтганидек, дарёга ойнани ташла, дебди. Шум кампир ойнани дарёга ташлабди. Кейин бўрини минганича жонҳолатда ўзини дарёга отибди. Дарё тошгандан тошиб, ер юзини сув босибди. Кампир бўрининг белини қучоқлаганича, ана ўлдим, мана ўлдим, деб дарёда оқиб бораверибди. Бир оқиб-бир чўкиб, охири бир ердан чиқиб қолибди:

— Онанг мени ўлдирмоқчи экан, ниятига етолмади. Энди сен мени қизимга етказасан. Етказмасанг ўлдираман. Ўлсам ҳам сени бирга олиб кетаман. Мендан қочиб бўясан,— деб она бўри боласининг устига чиқиб, сочи билан уни ўраб боғлаб олиб, йўлга тушибди. Кетаётса, бирам баҳайбат катта ўрмонга дуч келибди, шум кампир унга тароқни ташлабди. Бирпасда ўрмон қалинлашиб, ҳеч ким ўтолмайдиган чангалзорга айланибди. Кампир бир тишини суғуриб “чап қўлига олиб, дарахтларни кесиб, арралайверибди.

Йиқилган дарахтларни бўрига уёқ-буёққа ташиштириб, йўл очаверибди. Бир пайт ўрмон тугаб, дашт бошланибди. Шум кампир бўрига қараб:

— Онанг мени ўрмонда ўлиб кетади, деб хаёл қилган экан. Йўқ, мен ўлмайман,— дебди. Бўрининг жаҳли чиқиб, уни еб қўяй дебди-ю, олишса кучи етмаслигини билиб, индамабди. Яна йўлга чиқишибди. Кетаверишибди-кетаверишибди, чўлда кампир чанқаб тили осилибди. Бўри ҳам ҳориб-чарчаганидан ҳаллослаб юролмай қолибди. Юра-юра бир тиканзор устидан чиқиб қолишибди, Шундай тиканзор эмишки, одам тугул ҳайвон ҳам ичига оралаб киролмасмиш. Бўри: «Юролмайман, оёқларим қонади»,— деса, унга: «Ўлдириб, гўштарингни ейман»,— дебди шум кампир ўдағайлаб. Бўри йиғлаб-сиқтаб, тиканзорни босиб ўта бошлабди. Шум кампирни таппа босиб, еб қўяй дермиш-у, унга басмабас келолмаслигига ақли етиб индамасмиш. Бўри ҳеч ҳам юролмай қолгач, сочи билан уни боғлаб олиб, шум кампир ерга тушиб ўзи юра бошлабди. Оёқлари шилиниб, қонаб кетсаям юраверибди. Шунда бўрининг боласи:

— Онам айтган нинани ташла, балким йўл очилар,— дебди. Кампир шум бўлсаям, жуда лақма экан. «Ҳа, айтгандай-я», деб қўйнидаги нинани ташлабди. Бир паит тиканлар ўсиб шум кампирни ўраб олибди. Шум кампир: «Вой оёғим, вой биқиним, вой кўлим, вой-й, вой-й-й бошим!»— деб бақираверибди. Бирпасда тикан кирмаган жойи қолмабди. Чидолмай йиқилган экан, тиканлар баттар санчилибди. Кампир қўрққанидан юраги ёрилиб ўлибди. Бўрининг боласи: «Хайрият, шум балодан қутулдим-а»,— деб орқасига қайтибди. Ҳайвонлар шум кампирдан қутулганларига хурсанд бўлиб яйрашибди. Ахир, у кўринган ҳайвонни кўрқитиб олиб, «сени у қиламан, сени бу қиламан»,— деб итдек ишлатар, ишламайман, сенинг йўлингга юрмайман, деса ўлдириб, гўштини ҳалигача ер экан-да. Буни чоли ҳеч ҳам билмас экан, аслида у ҳам кампир билан қўрққанидан турар экан.

Шум кампирнинг тиканзорда ўлиб, гўшти ҳайвонларга талаш-талаш ем бўлишда қўяйлик-да, энди гапни эшон ва Зумрад пошшалардан эшитайлик.

Эшон билан Зумрад пошша ўгил кўришиб, аҳил яшайверибдилар. Эшон шум кампир ўлиб, ҳайвонларга ем бўлганини одамлардан эшитиб, ёнига икки-уч таниш-билиш, ёр-дўстини олиб, шум кампирнинг қўрғони-

га борибди. Унинг эри — чолни яхшилик билан кўндириб, ўз уйига олиб келиб, у билан ота-бола тутиниб яшай бошлашибди. Ҳайвонлар ҳам уларникига бордикелди қилишиб, ҳамма аҳил-иноқ, шум кампирдан, Айшакаладан қутулганларига шукур қилиб, эсон-омон, соғ-саломат узоқ умр кўришибди. Ана энди эртагим ҳам тамом.



Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтмиш замонда бир подшо юрт сўраб ўтган экан. Шу подшонинг ёши бир жойга бориб қолсаям, бирон-бир фарзанд кўрмабди. Табибга боқтирибди, фолбинга фол очдирибди, бари бир бола кўрмабди. Авлиёларга ялинибди, эшонларга сўратибди, бари бир на ўғил, на қиз кўрибди. Кунлардан бир кун вазир-уламоларини, юртидаги барча қуръачини саройига чақиртириб, уларга қарата шундай дебди:

— Менинг белимдан кучим, тиззамдан мадорим кетиб, қариб қолдим. Шу вақтгача бирон-бир фарзанд кўрмадим. Ўзингларга аёнки, орқамдан йиглаб қоладиган на қизим бор, на ўғлим. Подшолигимни топширадиган кишим ҳам йўқ. Энди нима қил, деб маслаҳат берасизлар. Маслаҳат сўраб сизларни чақирдим,— дебди. Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Подшо гапини яна қайтарибди. Яна ҳеч кимдан садо чиқмабди. Подшонинг кўзлари қонга тўлиб, тили кескир исфихон<sup>1</sup>га айланибди-да:

— Маслаҳат берсаларинг-берганларинг, бўлмаса ҳаммангни гумдон қиламан!— деб бақирибди. Ҳамма ўтирганлар нима дейишини билмай, бошлари қотиб турган экан. Жийлакапа деган қишлоқдан келган бир қуръадоз ўрнидан туриб, одоб билан:

— Шаҳаншоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, мен бир оғиз гап айтсам,— дебди. Подшо:

— Кечдим, айт,— дебди. Жийдакапалик қуръадоз:

— Подшоҳим, шу кунгача қанча хотин олганлар?— деб сўрабди.

— Қирқта хотин олганман, аммо ҳаммаси туғмас чиқди,— дебди подшо. Қуръадоз:

— Хотиңларингизнинг ҳаммаси подшо қизлари, яъни маликалар, бойвуччалар, шундайми?— деб сўрабди. Подшо:

— Шундай, шундай, нима гап эди?— дебди. Қуръадоз:

— Маслаҳатим шуки, узоқ бир қишлоқдан бир серфарзанд одамнинг қизига уйланиб кўринг-чи, зора фарзанд кўрсангиз. Қишлоқилар бизга ўхшаб сербола бўлишади.

---

<sup>1</sup> Исфихон қилпчи.

Подшо ўйланиб қолибди. «Тўғри-да,— дебди ичида,— шу кунгача ўйланганларимнинг ҳаммаси ўзимга ўхшаган подшозодалар, казо-казоларнинг қизлари. Қани, қишлоқи қуръадознинг айтганини ҳам қилиб кўрай-чи. Худога маъқул тушиб, мен ҳам бирон-бир фарзанд кўриб, эл-юртга тўй берсам».

Сўнгра вазирига қараб:

— Сен нима дейсан?— деб сўрабди.

— Подшоҳим, маъқул гап. Қани, бирон-бир серфарзанд қишлоқининг қизига ўйланиб кўринг-чи, зора бирон-бир фарзанд туғиб бериб, орзуларингиз ушалса,— дебди у. Вазирнинг гапи маъқул тушиб, қишлоқларга жарчию совчилар жўнатибди. Совчилар эшикма-эшик юришибди, жарчилар: «Кимда-ким серфарзанд бўлса, гузарга йиғилсин. Подшоҳимиз улардан бирига куёв бўлмоқчилар-р-р!»— деб жар солишибди. Бир кун ўтибди — гузарга ҳеч ким келмабди, икки кун ўтибди — гузарга ҳеч ким келмабди. Совчилар ҳам ҳеч ниманинг уддасидан чиқолмасдан орқаларига қайтишибди. Бундан хабар топган подшонинг чаёндай қаҳри келибди, илондай заҳри чиқибди. Вазирга қараб:

— Ит қишлоқлар қизини мендай подшоҳларига бермаса, ҳаммасини қиличдан ўтказдириб, кўзини очиб қўяман! Вой итваччалар-ей, мендай подшоҳ қизларини хотинликка олмоқчи бўлибди-ю, яна ноз қилишса-я!..— деган экан, доно вазири:

— Шаҳаншоҳим, қишлоқликларнинг бирови қизини бериб, сизни ўзига куёв қилиб олгунига қадар тағин бир оз сабр қилайлик,— дебди. Подшоҳ рози бўлибди. Тағин совчилар тўда-тўда бўлиб қишлоқма-қишлоқ подшога хотин излаб кетишибди, жарчилар жар солишибди. Аммо ҳеч ким, қизимни подшога берман, деб на совчиларга айтибди, на гузарга йиғилибди. Бу гапдан хабар топган подшонинг ғазаби дошқозондаги ош масаллиғидай қайнаб, кўзига ўт тўлиб, тилидан заҳар томиб, вазирига қараб шундай дебди:

— Олдинги сафар сенинг эппингга кириб ўша итваччаларга тегмаган эдим. Энди биронта қишлоқини қолдирмай, қатлиом қиламан!— дебди.

Доно вазири:

— Шаҳаншоҳим, бир яхши бор, бир ёмон, деганлар. Бирон-бир яхши одам чиқиб сиз билан қуда-анда бўлар. Шошилманг, сизнинг қаҳрингиздан кўрқиб ҳеч ким қизини бермаётгандир. Андак сабр қилинг, агар қатлиом қилсангиз, ҳамма қирилиб кетиб, сизга хотин бў-

ладиган ҳеч ким қолмаслиги мумкин-да!? — дебди. Подшо яна кўниб, шаштидан тушибди. Тағин совчилар тугун-тугунларини кўтариб олиб, подшоҳимизга ким қизини беради, деб қишлоқма-қишлоқ кезишибди, жарчилар жар солишибди. Аммо-лекин ҳеч ким, мён қизимни подшога бериб, уни куёв қилиб оламан, деб на совчиларга айтибди, на жарчилар айтган гузарга йиғилибди. Энди вазир ҳам хавотирга тушиб қолиб, ўзи қишлоққа — подшога хотин излаб кетибди.

Вазир подшога хотин излаб-излаб, бир жойга бориб қолибди. Икки-уч деҳқон қўш ҳайдаб, экин экиб турган экан, вазир уларнинг олдига бориб, бор гапни айтиб:

— Агар подшоҳимизга туғиб берадиган хотин топмасак, у ҳаммани тигдан ўтказиб, қатлиом қилади,— дебди. Деҳқонлардан бирови:

— Тақсир, жуда муаммо бир нарсани айтиб, бошимизни қотириб қўйдингиз-ку? Ҳақиқатан ким ҳам подшоҳга, мана қизимни хотинликка ол, дейди. Ўлса-ўладики, қизини бермайди,— дебди.

— Бизга ўхшаган паст табақадан подшонинг ўзи ҳам хотин олмас-ов,— дебди ёнида турган шериги, Улардан бири:

— Тақсирга ёрдам бермасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Менда бир фикр туғилди: ўтган йил қазо қилган раҳматлик Усмон машрабдан ўн олтига бола қолди. Шулардан ўн бештаси киз. Бечора йўқсилликдан ўлиб кетди. Болалари кўча-кўйларда хору зор бўлиб юрибди. Шунга совчи қўйилса қандай бўларкин? Опаларининг қўйнига қўл солиб кўрилса, балким бирон-бир қизини беришга рози бўлар,— дебди. Вазир хурсанд бўлиб:

— Тўғри айтасиз, онаси кўнса, яхшилаб ювиб-тараб подшоҳимизга рўбарў қиламиз,— дебди. Улар шу қарорга келиб, Усмон машрабнинг заифасига учрашибди. Олдинига кампир, қизимни шоҳинга бермайман, ўзимга ўхшаган камбағалга бераман, деб оёқ тираб олибди, кейин шаддод кенжа қизи Асилгул:

— Опажон, мени подшоҳга беринг, уни ҳам йўлга солиб бахтли қиламан, сизларни ҳам бир умр муҳтожликдан қутқараман,— дебди. Онаси ноилож кўнибди. Совчи кайвошлар қизини ювиб-тараб, пардозу андоз қилиб, подшога кўрсатишибди. Подшога кўриниш берришдан олдин Асилгул юзидаги пардозу андозни ювиб ташлаб, куя суртиб, сочини тўзитиб, алвастига ўхшаб олибди. Подшо қарасаки, бир бадбашара, хунук; сочлари алвастиникига ўхшаб тўзғиган кампирсимон хотин

турган эмиш. «Эҳ, тақдирим қурсин, шундоқ сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринадиган нозанин, жонон хотинларим турса-ю, шу исқирт билан бир кўрпада ётаманми?»— деб подшо ижирганиб турган экан, Асилгул:

— Ҳа, шаҳаншоҳ, гапиргингиз келмаяпти. Ё қайтиб кетаверайми? Кет десангиз, ҳозироқ кетаман,— дебди. Ноумид шайтон, дейдилар. Фарзанд кўриш умидида бўлган шоҳ:

— Йўқ, қол!— дебди. Аммо никоҳ кечаси ҳам қўшилмабди. Эртасига ҳам қўшилмабди. Уч кун деганда подшо ноилож Асилгул билан қўшилибди. Буни қарангки, асил аслига тортади-да, ўша куни кечаси Асилгулнинг бўйида бўлибди. Буни эшитган подшо қувонгандан-қувониб, Асилгулни ҳеч кимга ишонмай, ўзи пойлоқчилик қиладиган бўлибди. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлибди. Кундан кун ўтибди, ойдан ой ўтибди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўтгач Асилгул бир эмас, учта тойлоқдай ўғил туғибди. Подшоҳ қувонганидан юраги ёрилиб ўлиб қолай дебди-ю, аммо ўлмабди! Подшоҳ қирқ кечаю қирқ кундуз юртга ош бериб, ўғилларидан бировининг отини Искандар, иккинчисиникини Самандар, учинчисиникини Қаландар деб қўйибди. Ака-укалар кун сайин, ой сайин ўсиб-улғайиб, тез вояга етишибди. Олтидан ўтиб еттига етишгач, мактабга қатнаб ўқий бошлашибди. Катта акалари ўқишга ҳавас қўйишмабди-ю, аммо Қаландарбек ўқишга жуда ҳам катта ҳавас қўйибди. Акалари болалар билан ўйнаб, вақтларини ўйин-кулгу билан ўтказишса, Қаландарбек нуқул китоб ўқибди, вақтини домласи билан савол-жавоб қилиш, ундан сўраб-ўрганиш билан ўтказибди. Қаландарбекнинг ўзи ҳам бақувват, қаддиқомати келишган, бўй-басти кўркама бола бўлиб ўсибди-да. Қаландарбек бошининг қоқ ўртасида битта тилла сочи бўлиб, унинг толаси қирқ газ экан. Бола тилла сочини салласи тагига бекитиб, ҳеч кимга кўрсатмас экан. Кунлардан бир куни домласи кўриб қолиб: «Э-э, бу бошқача бола экан, ҳали ундан зўр киши чиқади»,— деб янада астойдил меҳр қўйиб, ўқитаверибди. Қаландарбек ўн бешга етганда билмаган нарсаси, ўқимаган китоби қолмабди. Куч-қувватда унга ҳеч ким тенг келолмайдиган бўлибди. Қаландарбекни домлада ўқишга қўйиб, эндиги сўзини отасидан эшитайлик.

Отаси боғда вазиру уламолари билан айш-ишрат қилиб ўлтирса, бир қуш учиб келиб дарахтга қўнибди-

да, бирам сайрабдики, ўлтирганларнинг ҳаммаси ҳушидан кетибди. Бир пайт ҳаммаси ўзига келиб дарахтга қарашса, қуш йўқ эмиш. Подшо дарахтга яқинроқ бориб қараса, қуш қўнган жойда битта тилла пат олиб турган эмиш, Патни дарров олдириб тушибди. Патнинг ялт-ялт ялтирашидан зимистон боғ худди кундуздагидай чарогон бўлиб кетибди! Ҳамма: «Вой худо, вой худо, бу қандай сир бўлди?! Битта қуш патига бутун бор ёришиб кетса-я?! Ё қудратингдан!»— деб ёқасини ушлаб, кўксига тупуриб, ҳайратда қолибди. Подшо қўлига патни олиб:

— Уч кун муҳлат, шу қушни топасанлар, топсаларинг — тинч қўяман, топмасаларинг — ҳаммангни дорга торттираман!— дебди. Вазир бошлиқ подшо аёнлари, уламолари дарров фолбинларни ишга солишибди. Фолбинларнинг фолига бундай қуш тушмабди.

Қуръадозларга қуръа ташлатишибди. Қуръадозлар қуръасига бундай қуш тушмабди. Қушбозларни тўплаб: «Шундай пати бўлган қушни кўрганмисизлар?»— деб сўрашибди. Улар: «Кўрмаганмиз»,— деб жавоб беришибди. Юртдаги барча овчиларни тўплаб, шу саволни беришган экан, улар ҳам кўришмаганини айтишибди. Подшо вазирини чақириб, қушни топдингларми, дебди. Вазир, тополмадик, дебди. Подшо жаллод чақириб, унинг ҳамда бошқаларнинг калласини олдирмоқчи бўлган экан, вазир:

— Шаҳаншоҳим яна уч кун муҳлат беринг. топамиз. Ушанда ҳам тополмасак, калламиз жаллодингиз болтаси остида бўлаверсин,— деб ялинибди. Подшога инсоф бериб, рози бўлибди.

— Агар уч кунда ўша қушни топсаларинг топганларинг, тополмасанглар — аввал териларингни шийдираман, кейин таналарингни дорга торттираман!— дебди. Вазир худога шукурлар айтиб, уйига келиб, нима қилишни, подшо айтган қушни қандай топишни ўйлаб, тоза боши қотибди. Аммо ҳечам ўйига етолмабди.

Вазирнинг бир қизи бор эди, уйда ўлтирса ҳам ҳамма ишдан хабардор бўлгич эди. Отасини хафа ҳолда кўриб, нима гаплигини сўрабди. Отасидан гап нимадалигини билгач:

— Ота, бу қушни подшонинг кенжа ўғли топади. Бу ишни сиз ҳам, бошқалар ҳам уdda қилолмайсизлар. Шу болани ишга солинглар,— дебди. Вазир қизининг бу гапидан ҳайрон бўлган экан, қизи:

— Тушимда аён бўлди. Подшонинг кенжа ўғлининг



бошида олтин сочи бор. Шу соч ким қаердалигини, олти йилдан кейин нима бўлишини айтиб туради. Тушимда кенжавойнинг олтин кокилини кўриб қолдим,— дебди. Вазир қизининг сўзларидан хурсанд бўлиб, ўрдага қайтибди. Подшо муддат тугади, деб ҳаммани ўрдага йиғдирибди.

— Қушни топдингларми? Қаерда яшашини билдингларми?— деб сўрабди. Вазир:

— Топдим, шоҳим,— дебди.— Агар бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтай,— дебди. Подшо:

— Кечдим, айт,— дебди. Вазир:

— Қушларни ўғилларингиздан бошқа ҳеч бир зот топа олмайди,— дебди. Подшо ўғилларини чақиртириб келибди-да, вазирнинг гапини айтиб, унинг ўзидан яна бир бор эшитишларини талаб қилибди. Вазир шаҳзодаларга қараб:

— Ҳурматли шаҳзодалар, оталарингиз излаган қушни сизлардан бошқа киши тополмас экан. Ғайрат камарини белга боғлаб, ҳиммат отига миниб, фарзандлик бурчини англаб, сафарга отлансаларинг, қушни топиб келиб, шаҳаншоҳни хурсанд қилишларинг турган гап,— дебди. Бу гапни эшитиб катта акалар ҳеч нима дейишмабди. Кенжа ўғил: «Мен бораман десам одобдан бўлмас. Олдин акаларимга навбат. Уларга қараб иш тутай»,— деб индамай турибди. Вазир гапни яна такрорлабди, подшонинг катта ўғилларидан яна гап чиқмабди. Вазир учинчи маротаба қайтарганида, кенжа ўғил:

— Отам истаган қушни мен топиб келаман!— дебди. Шунда акалари, кичик укамиз, мен бораман, демаганда бошқа гап эди. Энди биз ҳам қушни излашга бормасак бўлмас, отамизнинг кўнгли тўлмас, дейишиб, вазирга қарата:

— Отамиз бир қушни истаган эканлар, биз ундан ўнтасини топиб келамиз,— дейишибди. Подшо ўғилларининг жавобидан хурсанд бўлиб, катта ўғилларига жавоб берибди. Кенжаси, мен ҳам бораман, деган экан, шоҳ:

— Болам, сен ҳали ёшсан, акаларинг бориб қушни оlib келишин, сенга ҳам бир юмуш чиқиб қолар, сен ҳам кетсанг, мен ёлғизланиб қоламан,— дебди. Кенжа ўғил:

— Отажон, мени ёш дедингиз, ёш бўлсам ҳам акаларимдан атиги икки-уч дақиқа ёшман. Унинг устига мен бормасам, акаларим, «укам қолиб, биз кетдик», деб

хафа бўлишади. Яхшиси, менга жавоб беринг,— дебди. Подшо кўнавермагач, вазир аралашиб:

— Майли шоҳим, шаҳзодага жавоб беринг,— дебди. Подшо ноилж кенжа ўғлига жавоб берибди.

Қаландарбек қирқ кун муҳлат олиб, исфихон зулфиқорини ёнига осиб, отхонадан бир отни танлаб миниб, афт-башарасини танимайдиган қиёфага солиб, отаси истаган қушни излаб йўлга тушибди. Отини қуюндек чоптириб, узоқ йўл юрибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб бир жойга бориб қолибди. Қараса икки киши бир-бири билан, «йўқ, сен улдан, йўқ, мен бундан», деб ёқа олшиб, жанжаллашиб турган эмиш. Уларга яқинроқ борса, акалари эмиш. Қаландар уларни танибди, аммо улар Қаландарни афт-башарасини ўзгартириб олганидан танишмабди. Қаландарбек акаларига қараб:

— Ҳой, акалар, ҳеч нима йўқ шундоқ жойда нимани талашиб, ёқалашяпсизлар?— дебди.

— Талашамизми, ёқалашамизми ё ярашамизми, бу бизнинг ишимиз. Сенинг неча пуллик ишинг бор? Бор, йўлингдан қолма,— дебди катта акаси. Қаландарбек:

— Узинглар биласизлар, бўпти аралашмасам аралашмабман,— дебди-да, йўлига равона бўлибди. Сал юрган экан, қаршисидан уч йўл чиқибди. Ҳар бир йўлнинг бошида ёзув бор эмиш. Биринчисида «Борса келар» деган, иккинчисида «Борса хатар», учинчисида «Борса келмас» деган ёзувлар бор эмиш. Қаландарбек: «Ҳа, акаларим шу йўлнинг қайси бирига боришни билмай, жанжаллашиб туришган экан-да»,— деб ўйлаб орқасига қайтибди.

— Ҳой, акалар,— дебди яна уларга яқин келиб,— агар шу йўлдан бирини танлай олмай жанжаллашаётган бўлсанглар, менга яхшилаб қулоқ солинглар. Мен «Борса келмас»га кетаман. Қай бирингиз катта бўлсанглар, ўша «Борса келар»га борсин. Қолган кўча учинчимизга.

Бу гап акаларга маъқул бўлибди. Шунда катта акаси:

— Ҳой бола, кимсан, исмингни айт, танишиб, ака-ука тутинайлик,— дебди.

— Ишим зарур, акалар. Насиб қилса, қайтишда шу жойда кўришармиз. Шунда нима мақсадда отга минганимиз, исми шарифимиз ким, билиб, ака-ука тутинармиз,— дебди-да, отига қамчи босибди. Остидаги оти ўқдай учиб, «Борса келмас» томонга қараб кетибди.

Қаландарбек кеча демай, кундуз демай, йўл босиб-

ди. Юриб-юриб бир жойга бориб қолибди. Қараса, бир боғ етти пахса деворга ўралиб қўйилган эмиш. Ҳар пахсалар эмишки, қулоч етмасмиш. «Бу жой кимники бўлди?»— деб ўйланиб турган экан, қўрғоннинг дарвозаси очилиб, пақир кўтарган бир ҳабаш чиқиб келибди. Қаландарбекни кўриб, унга:

— Бу ердан тез кет, бўлмаса ҳозир бошинг танангдан жудо этилиб, гўштлининг хомталаш бўлади,— дебди. Қаландарбек:

— Ким экан бошимни танамдан жудо этиб, гўштимни хомталаш қиладиган, билсак бўладими? — дебди.

— Қимлигини билишни истасанг, ўлтирган жойида учиб кетаётган қушни тутиб олиб оғзига соладиган, бир сипқоришига дарё суви етмайдиган Қора девнинг макони бу жой,— дебди ҳабаш.— Ғазаби келса, осмонни ерга, ерни осмонга тўқнаштира олади!..

— Қора девнинг шунчалик баҳайбат зўр экан — ўзини иш қилади, бу ерда боғбонми, қоровулми, ё қаролми? — сўрабди Қаландарбек.

— Қора дев шу боғнинг боғбони ҳам, қоровули ҳам, Ҳой, одамзод, гапимни ҳазил билма. Яхшиси кўзига кўринмай, жўнаб қол. Сенга ўхшаганларни тутиб олиб еявериб, суякларидан тоғ пайдо қилди! Сен дуруст одамга ўхшайсан, бунинг устига ёш экансан. Йўлингдан қолма-да, кун кўриб, ер босиб юр,— дебди ҳабаш. Қаландарбек:

— Яхшиси, оғайни, мени ичкарига олиб кириб, овқатлантир. Қорним жуда оч, отим ҳам оч қолди. Меҳмон қилиб, яхшилаб тўйдир-да, кейин йўлга солиб юбор,— дея илтимос қилибди. «Дев сезиб қолса, сени ҳам, мени ҳам ўлдиради»,— деб ҳабаш кўнмабди. Қаландарбек ўз сўзида туриб олиб, «меҳмон қил», деб қистайвергач, ноилож боғнинг ичига олиб кириб, меҳмон қила бошлабди, отини отхонага боғлаб, олдига хашак солибди. Бу пайт Қора дев боғда йўқ экан, узоқ сафарда экан. Қаландарбек қорнини тўйгазиб бўлиб, «оғайни, бирпас ухлаб, дам олсам майлими, жуда чарчадим, отим ҳам узоқ йўл босиб чарчаган»,— дебди. Ҳабаш: «Қора дев келишига ҳали вақт бор-ку, майли, бирпас дам ола қолсин», деб ўйлаб:

— Майли, аммо тезроқ кетганинг маъқул,— дебди. Қаландарбек эгар-жабдуғини бошига қўйиб, супага чўзилибди. Кўзи уйқуга кета бошлаган экан, оти отхонадан олдига чиқиб, уни ухлагани қўймабди. Нега отим безовталаняпти, деб ҳайрон бўлиб турган экан, бирдан

зилзила бўлгандай ер титраб кетибди, қаттиқ шамол турганидан дарахтларнинг учи ерга тегибди. Қаландарбек қўрқиб, ранги оқариб: «Бу нима?»— деб сўраган экан, ҳабаш:

— Сенинг ўлганинг, Қора дев келяпти! Нега вақтидан олдинроқ келди, билмайман. Кўнгилчанлик қилиб сенинг ўлимингга сабабчи бўлиб қолдим. Энди нима қиламиз, Қаландарбек?— дебди. Шундай дермиш-у, дағ-дағ қалтирармиш.

— Бир иложини қил, оғайни, яхшилигингга яхшилик қайтараман,— дебди Қаландарбек. Шунда ҳабаш:

— Мен Қора девдан сеҳргарлик борасида унча-мунча дарс олганман. Ҳозир сени гулга, отингни каламушга айлантириб қўяман. Қора дев кетгач, ўз ҳолингга келтираман,— дебди. Қаландарбек:

— Ишқилиб, ошначилигимизни унутиб қўймагинда,— дебди. Ҳабаш бир нималарни ўқиган бўлиб, Қаландарбекка, кейин отига қараб «куф, суф!» дебди. Қаландар гўзал бир атиргулга, оти каламушга айланиб қолибди! Шу пайт даҳшат билан Қора дев ҳам етиб келиб:

— Одам иси келяпти!— дебди. Ҳабаш:

Бу жойда одам нима қилади. Ажалидан беш кун қолган киши келмаса, яшашдан умиди бор кимса келмас, сиздай зўрга рўбарў бўлмас,— дебди Девнинг кўнгли ўрнига тушиб, ўнг қўйнидан бир олма чиқариб, бир нималарни ўқиб унга қараб «куф-суф!» деган экан, олма гўзал бир қизга айланибди. Чап қўйнидан бир сиқим тошчалар чиқариб уларга қараб бир нарсалар ўқиб, дам солган экан, қирқ қизга айланибди. Ҳалиги олмадан бўлган қизнинг ҳуснини таърифлашга сўз етмасмиш. Ой қоронғуси бўлишига қарамай, унинг юзидан таралган нур ҳаммаёқни сутдай ойдин қилиб юборибди. Қадам босишига ерлар ҳавасда, нафас олишига боғдан эсаётган сабо пайваста эмиш. Жамолини кўриб гуллар хижолат бўлиб, очилгани ёпилиб, гунчаси очилмай турган эмиш. Қизлар ўйин-кулгу билан Қора девни маст қилиб ухлатиб қўйишибди. Қизнинг исми Гулуялар бўлиб, у парилар подшосининг қизи экан. Қолганлари Гулуяларнинг канизлари бўлиб, Қора дев ҳаммасининг хизматкори экан. Парилар подшоси, қизимни айлантириб, томоша қилдириб кел, деб айтган экан. Шунинг учун муддатидан олдинроқ боққа келган экан. Қора дев ухлаб қолиб, қизлар ўз ҳолига қолгач, Гулуялар канизларига қараб:

— Боққа кириб, гул термаймизми?— дебди.

... — Қоронғи-ку? Қоронғида гул териб бўларканми?— дейишибди қизлар. Гулуялар шунда:

— Мен юзимдаги пардамни еттинчисигача очаман, кун чиққандай бўлади. Гул терасанми, ердан йўқолган нинангни излайсанми — истаганингни қилаверасан,— дебди. Гулуялар шундай деб, юзидаги еттинчи пардани олибди. Худди қуёш чарақлаб чиққандай бўлибди! Гулуялар билан канизлари гул оралаб юришган экан, ҳалиги атиргул унинг ҳарир этагига ёпишиб, ўралиб олибди. Гулуялар ҳайрон бўлиб ён-атрофига қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. Шунда гул:

— Мен Қаландарбекман, канизларингизни қолдириб чиқинг, гапим бор,— деб шивирлабди. Гулуялар ҳайрон бўлиб, орқа-олдинига қарабди. Яна ҳеч кимни кўрмай, ҳайрон бўлибди. Қараса, атиргул гапираётган эмиш. Гулуялар қўриб, канизларини олиб, уйга кириб кетибди. Аммо бирпас ўтгач, ташқарига чиққиси келаверибди. Чиқмайман десаям чиққиси, гулнинг олдига боргиси келаверибди. Канизлари дам олгани ётиб, кўзлари уйқуга кетганини билиб, Гулуялар аста ўрнидан туриб, гулзорга — атиргулнинг олдига борибди. Атиргул унга қараб:

— Ҳабашга бориб айтсангиз, мени ўз ҳолимга келтирса,— дебди. Гулуялар ҳабашга бориб айтган экан, у бир-икки дуо билан Қаландарбекни ўзига келтирибди. Қаландарбекни кўриб, Гулуялар ошиқу беқарор бўлиб қолибди. «Ёринг бўлса шу йигитга ўхшаш бўлса»,— дея хаёлидан ўтказибди-да, унга қараб:

— Менда нима ишингиз бор эди?— деб сўрабди.

— Жоним, биз сизга ошиқмиз, сиз-чи, сиз кимга ошиқсиз?— дебди йигит. Гулуялар шу гапни кутиб турган экан:

— Сиз ошиқ бўлсангиз, биз ҳам сизга ошиқмиз. Аммо бизга етишингиз жуда қийин-да! Биз парилар мамлакати подшосининг қизимиз. Ошиқ бўлсангиз, излаб борарсиз, ошиқлик машаққатини тортарсиз. Бизнинг юртимизгача бу ердан етмиш йиллик йўл босиш керак. У ерга ҳали одам тугул, қуш ҳам учиб боролган эмас. Агар ўша томонларга бора олсангиз, тўқсон пахсали девор-қўрғон ичида бир олтин қаср бор. Олтин қаср қўрғон ичидаги кўлнинг ўртасига қурилган. Кўлдан сузиб боришнинг ҳеч бир иложи йўқ. Биз парилар девлар ёрдамида учиб борамиз у жойга. Агар кўлдаги сувдан ўтиб борсангиз, олтин қасрнинг темир дарвоза-

ларини очиш қийин. Улар тилсимланган бўлиб, баҳайбат девлар қўриқлашади. Шу девлардан, иложини қилиб ўтолсангиз, бизни топганингиз,— дебди. Гулуялар канизаклари билан бир думалаб оқ каптарларга айланиб, осмону фалакка кўтарилиб учиб кетибди. Қаландарбек ҳеч нима деёлмай, ҳеч нима қилолмай, анқайганича қолаётдирибди.

Шу чоқ Қора дев уйғониб, қизларни йўқлабди. Қизлар жавоб беришмагач, «қаёққа йўқолишди экан-а», деб уёқ-буёққа қарабди. Кўзи қуриган ёғочдек қаққайиб турган Қаландарбекка тушибди. Одамзодни кўриб Қора девнинг жон-пони чиқиб кетибди.

— Одам боласи қадами етолмаган, етолса ҳам ўрик шохидай қирқилган бу жойларга қандай келиб қолдинг, ҳой, одамзод?— деб бақирган экан, овозига етти пахса девор қулаб тушибди. Қаландарбек қараса, ишлар чатоқ. Дев бир ҳамла биланоқ унинг масаласини ҳал қилиб қўядиган. Қаландарбек ўйлаб туриб, бир яхши гап қилай-чи, дебди-да:

— Сиз билан ака-ука тутингани келдим, оғажон,— дебди. Умрида яхши гап эшитмаган, дўқ-пўписадан боши чиқмаган Қора девга Қаландарбекнинг сўзлари таъсир қилиб, йиғлаб юборибди. Кўз ёшларига ҳовузлар тўлиб-тошибди.

— Нега энли инингизни кўриб йиғлайсиз, менинг ҳам кўнглим бўш. Қўйинг, йиғламанг, бўлмаса мен ҳам йиғлайман, оғажон,— дебди Қаландарбек. Қора дев баттар йиғлабди, кўз ёшлари жала ёққандек ариқ-ариқ бўлиб оқибди. Кейин йиғидан зўрға тўхтабди:

— Оғам дединг, мен ининг бўлай, сен менинг оғам бўл. Мен ҳали ёшман, энди олти ёшга тўлдим. Йиғлаганимнинг боиси — шу кунгача бирон-бир киши менга яхши сўз айтмаган эди, мени «оға» ёки «ини» демаганди, бунақа ширин муомала қилмаганди. Шунга йиғладим,— дебди. У шундай деб, Қаландарни қўлига олиб, қучоқлаб, яна ерга қўйибди. Иккови оға-ини бўлишиб, шу кун турли-туман нози-неъматлардан баҳам кўришиб, бирга тонг оттиришибди.

Эрталаб, Қора дев:

— Оғажон, менга иш-пишингиз бўлмаса, Кўҳиқофга бориб қизлардан хабар олай, етишдимми-йўқми, билай, сўнг қайтиб келай,— дебди. Шунда Қаландарбек:

— Иним, сизга бир ишимиз бор. Сиз ухлаб, дам олиб ётганингизда, Гулуяларни кўриб, ошиқу беқарор бўлиб қолдик. Бизни кўриб, у ҳам ошиқу беқарор

бўлиб қолди. Шунга борсак, деймиз. Яна бир юмушимиз — отамиз булбулигўё деган қушга ошиқ бўлиб қолган, шуни ҳам топишимиз керак,— дебди. Қора дев:

— Огажон, Гулуяларга етиш қанчалик оғир бўлса, булбулигўёни қўлга киритиш шунчалик мушкул. Ҳа, Гулуяларга етказармиз. Аммо булбулигўёга етказолмасмиз. Унга Гулуяларнинг ўзи олиб бормаса, бошқа одам олиб боролмайди. Чунки булбулигўё унинг опасиники,— дебди.

— Гулуяларга қандай етамиз,— сўрабди Қаландар.

— Унга етиш учун етмиш йиллик йўлни босиб ўтишингиз, кейин етмиш пахса девордан ошиб, кўлда сузиб, Олтин қасрга етиб боришингиз, у ердаги менинг баҳайбат оғаларимни йўлга солишингиз керак бўлади. Шундагина Гулуяларга етасиз. Гулуялар эса Гулиқаққога олиб борар,— дебди Қора дев. Қаландар:

— Биламиз сиз айтган нарсаларни, иним. Аммо ўшанга етиш йўлини билмаймиз-да, шунга ёрдам қилсангиз, укажон,— дебди. Қора дев «иним», «ука» деган сўзлардан эригандан эриб кетиб, «шунга ёрдам қилмай кимга ҳам ёрдам қилардим», деб хаёлидан ўтказибди-да:

— Бўпти, огажон, Гулуяларга олиб бориб, у билан учраштирганим бўлсин,— дебди, кейин:— Ст-потингиз борми ё пиёдамисиз?— деб сўрабди. Қаландар:

— Отимиз бор. Уни ҳабаш хизматкорингиз каламушга айлантриб қўйган эди,— дебди. Қора дев дарров ҳабаш хизматкорини чақириб, оғамнинг отини ўз ҳолига келтир, дебди. Ҳабаш отни ўз ҳолига келтирибди. Қора дев Қаландар билан отини олдига яқинроқ чақириб, уларга шундай дебди:

— Мен икковларингни олмага айлантриб, бировларингни ўнг қўйнимга, бошқангни чап қўйнимга солиб осмонга кўтариламан. Қимирламай, жим кетасизлар. Тагин қимирлаб, қўйнимдан тушиб қолманглар. Керак бўлса ўзим, пастни томоша қилинглар, деб айтаман, томоша қиласизлар. Етмиш йиллик йўлимизда кўп мўъжизаларни кўрасизлар. Ловиллаб ёниб турган тоғлар дейсизларми, сув ўрнига қон оқаётган дарёлар дейсизми — ҳаммаси учрайди. Осмонда учиб юрган девларга, ерда ерни кемириб ётган аждарларга, тоғда тоғлаб юрган одамхўр махлуқларга дуч келганда асло чўчиманглар,— дебди. Қора дев шундай деб,

Уларни икки олмага айлантириб, бирини ўнг ёнига, иккинчисини чап қўйнига солиб, осмонга кўтарилибди.

Осмонда учиб, учганда ҳам оз эмас — кўп учиб, бир жойга борганда қўйнидаги олмаларга: «Қаранглар!»— дебди. Қаландар қараса, осмонни баҳайбат, ҳар бир қаноти домла поччанинг шолчасидай-шолчасидай, қулоқлари Ҳамро дастурхончининг супрасидай-супрасидай девлар тутиб кетганмиш. Улар шунчалик кўп эмишки, куннинг нурини ҳам тўсиб қўйишганмиш — ер юзи қоп-қоронғи зимистон эмиш.

— Булар нима?— деб сўрабди Қаландарбек.

— Булар менга ўхшаш девлар, таниш-билишларим. Улар сизларга тегишмайди,— деб Қора дев учишда давом этибди. Учиб-учиб бир жойга боргач, ўнг қўйнидаги олмани ўзига келтириб, оға, пастга қаранг, дебди. Қаландарбек пастга қараса, бутун дунёни ўт қоплагандай алаиқа лов-лов ёниб ётган эмиш.

— Бу нима? Ҳаммаёқни олов олиб, ер юзи ёнмоқда-ку?— сўрабди йигит. Қора дев:

— Бу — олов ер, доимо ловуллаб ёниб туради. Ҳеч ким олдига яқинлаша олмайди,— дебди. Қора девнинг гапига: «Олов бўлса, ўзига-да! Олдига борса бўлади, фақат йўлни билиш керак. «Қаловини топсанг — қор ёнади, йўлни топсанг — олов сўнади» деган гап бор»,— деб қўйибди Қаландарбек ўзича. Қора дев ана учишда давом этибди. Бир жойга борганда яна Қаландарбекни ўз ҳолига келтириб, пастга қара, дебди. Йигит пастга қараса, дарё қип-қизил қон эмиш. Сув ўрнига қон оқаётганини кўриб, ҳайрон бўлибди. «Бу нима?»— деб сўраган экан, тоққа ишора қилибди. Тоғда ҳар бири тўсиндай-тўсиндай аждарҳолар ғуж-ғуж бўлиб, юмалоқ-ёстиқ ўйнаб ётган эмиш. Аждарҳолар бир-бирлари билан олишиб, бири иккинчисини ғажишармиш. «Дарёда оқаётган қизил қон ўшаларнинг қони»,— дебди. Қора дев уча-уча, охири бир жойга бориб тушибди-да, етиб келдик, дебди. Қаландар: «Етмиш йиллик йўлни босиб ўтдикми?»— деб сўраган экан, Қора дев: «Ҳа»,— деб жавоб берибди. Қўйнидан уларни тушириб, ўз ҳолларига келтириб, болага қараб шундай дебди:

— Ҳў, анави тоғнинг орқасида сен айтган тўқсон қаватли паҳса қўрғон жойлашган. Қўрғон ичидаги кўлнинг қоқ ўртасида олтин қаср бор. Уни девлар қўриқлашади. Мен сени қўрғонга олиб кирсам, уларга ҳурматсизлик қилган бўламан. Шунинг учун буёғига



ўзинг борасан. Керак бўлиб қолсам чақиртирарсан,— Қора дев шундай деб қўлтиги тагидаги қилидан узиб берибди. Кейин ўз жойига қараб учиб кетибди. Қаландар отига миниб, тоғнинг устига ўтибди. Кетаётса, қаршисидан тўқсон қаватли қўрғон чиқибди. Қаландар қўрғонни қирқ марта айланиб чиқиб, ичига кирадиган жойни тополмабди. Отини солибди. Жонивор оти қирқ пахсани олибди-ю, қолганини оғлабди. «Энди нима қилсам экан?» деб боши қотиб турган экан, қаршисида бир оппоқ нуруний чол пайдо бўлиб:

— Болам, бу иш сенга ҳеч гап эмас. Аммо қўрғондан бу отинг олиб ўтолмайди, қўрғон ичига кирадиган эшик тугул, тешик йўқ. Сен бундоқ қил: тилла кокилингни салланг тагидан бўшат-да, ўраб-ўраб, қўрғонга қараб иргит. Сочинг хосиятли, қирқ газ узаяди. Агар у қўрғоннинг бирор жойига илинса, уни қайта-қайта тортиб кўр, илинган жойидан чиқиб кетмаса, унга осилиб қўрғонга чиқ-да, ошиб туш. Кейин нима қилишни ўзинг ўйлаб топ,— дебди. Қаландарбек кокилини ўраб, тўқсон пахса девор устига қараб отибди. Тилла кокили узайгандан узайиб, қўрғоннинг энг баланд пахсаси ёригига илинибди. Қаландар тортиб кўрса чиқмабди, унга осилиб қўрғон устига чиқиб олибди. Қўрғоннинг уёғида зинапоя бор экан, Қаландар зинапоядан пастга тушиб, яширин дарвозани топиб, очиб, отини ичкарига олибди. Сочини йиғиб, салласининг остига бостирибди-да, қўрғон ичи бўйлаб йўлга тушибди. Бир жойга борса ҳаммаёқ кўл эмиш. Кўл қирғоғини етти марта айланиб чиқиб, олтин қасрга борадиган бирон-бир нишон тополмабди. Яна боши қотиб, сувга қараб турган экан, ўзининг оти:

— Дарёга тушсанг бўлмайди, ундаги балиқлар ютиб юборишади. Улар билан тенг келадиган жонзот йўқ бу дунёда,— дебди.

— Бўлмаса нима қил, дейсан, дарёдан ўтиб, олтин қасрга кириб, Гулуяларни кўрмасам, сўнг отам айтган қушни топмасам бўлмайди-ку, ахир,— дебди Қаландарбек.— Қора дев ёрдам беролмаслигини айтди.

Қаландарбек билан оти шу гапларни айтиб, олтин қасрга бориш йўлини билолмай турган экан, «ёрдам беринг, сув беринг!»...— деган овоз эшитилиб қолибди. Қаландарбек уёққа қарабди, буёққа қарабди, ёрдам сўраганни кўрмабди. Шу пайт яна: «Уляпман, сув беринг, ёрдам беринг!»— деган овоз эшитилибди. Қаландарбек яна ён-атрофига қараб, ҳеч кимни кўрмабди.

Учинчи марта яна ўша овозни эшитиб, отига минибди-да, сув бўйлаб юра бошлабди. Кетаётса, кўл қирғоғида бир олтин балиқ оғзини очиб: «Ёрдам беринг, ўляпман, сув беринг», деб ёрдам сўраётганини кўриб қолибди. Қаландарбек тезда бориб, олтин балиқни ётган жойидан олиб, кўлга қўйиб юборибди. Балиқ сувда бир сакраб йўқ бўлиб кетибди. Қаландарбек олтин қасрга ўтолмай боши қотиб, қирғоқда сувга тикилиб ўтирган экан, сув бир тўлқинланиб, ҳалиги балиқ кўринибди-да, унга:

— Ҳой, йигитча, сен мени ўлимдан сақлаб қолдинг. Сенга яхшилиқ қилмоқчиман. Манави сандиқчадаги тиллалар сенга аталган,— дебди. Қаландарбекка жон кириб:

— Э, менга олтинларинг керак эмас. Ёрдам бериш қўлингда бўлса, олтин қасрга олиб бориш йўлини айт,— дебди. Олтин балиқ:

— Вой, нодон-ей, олтин қасрга боришдан осони борми, мен ҳозир,— дебди-да, сувга бир шўнғиб, йўқ бўлиб кетибди. Қаландарбек: «Бу мени алдаб кетди», деб ўйлаб турган экан, ҳалиги балиқ қирғоққа келиб:

— Манави балиқлар сени олиб боришади олтин қасрга. Уларга бемалол миниб, қўрқмасдан боравер. Мен сени қаср дарвозаси олдида кутаман,— дебди. Балиқ кундай деганича яна сувга шўнғиб, йўқ бўлиб кетибди. Қаландарбек отини қирғоқда қолдириб, олтин балиқ айтган балиқларга миниб, олтин қаср томон сузиб кетибди. Сувда балиқлар устида сузиб, сузса ҳам оз эмас — жуда кўп сузиб, олтин қасрнинг олдига борибди. Борса, олтин қаср қирқ газ темир қўрғон билан ўралган эмиш. Ҳеч қаерда унинг ичига кирадиган белги йўқ эмиш. Темир қўрғонининг атрофида ҳар бири тепадай-тепадай девлар қўриқчилик қилиб, ухлаб ётган эмиш. Уларнинг оғзидан чиқаётган тутун ҳаммаёқни қора булутга тўлдириб юборган эмиш. Хурракларига темир деворлар шақир-шуқурлаб, худди мингта темирчилик устaxonасида иш кетаётгандай эмиш. Қаландарбек бу манзарани кўриб, анқайиб, оғзи очилиб турган экан, олтин балиқ пайдо бўлибди.

— Келдим,— дебди Қаландарбек.

— Келган бўлсанг, гапимга яхшилаб қулоқ сол. Кўриб турганинг темир деворлардан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ. Девлар уйғониб қолса, ўлдим деявер. Ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсан. Олтин қасрга кирадиган битта йўл бор. У ҳам бўлса, сув тагида. Уни биз балиқларгин-

на биламиз. Мен ҳозир балиқлар подшоси Наҳангинг ҳузурига олиб тушаманда, у билан таништираман, у менинг отам бўлади. Сен ундан ёрдам сўрайсан,— дебди балиқ. Шундай деб, Қаландарни балиққа ўхшатиб кийинтириб, сув тагига олиб тушгач, Наҳангга рўбарў қилибди-да:

— Отажон, мен сенга айтган бола шу бўлади,— дебди. Наҳанг:

— Ҳой, болакай, сен қизимни ўлимдан олиб қолиб, савоб иш қилибсан. Тила тилагингни,— дебди. Қаландарбек:

— Тақсирим, олтин қасрга киришга ёрдамлашсангиз,— дебди. Наҳанг:

— Бу жуда қийин. Олтин қасрга кириш йўлини билсам ҳам айтмаслигим керак. Аммо сенинг яхшилигинг олдида қасамни бузсам бузибман-да,— деб олтин қасрга кириш йўлини айтибди. Қаландарбек Наҳанг айтган йўлдан бориб, ташқарига чиқса, олтин қасрнинг ичида эмиш. Олтин қасрнинг ичидаги ҳамма нарса олтиндан эмиш. Гулзорларда очилиб турган гуллар ҳам, дарахтлардаги мевалар ҳам олтиндан эмиш. Боғнинг қоқ ўртасида, гуллар орасида бир шийпон бўлиб, шийпон атрофига ўчоқлар қурилган, тилла қозонларда овқатлар пишиб ётган эмиш. Шийпонга гилам-шолчалар солинган, кўрпачалар тўшалган эмиш. Шийпон атрофига сувлар сепилган, тилла обдасталарга сувлар тўлдирилган эмиш. Бу ердаги гуллардан тортиб, идиш-товоқларгача тилла эмиш-да! Қаландарвой обдан очиққан эмасми, ҳалиги овқатлару меваларни кўриб, иштаҳаси бешбаттар карнай бўлибди. Олтин дарахтлардаги олтин олмалардан бирини узиб емоқчи бўлган экан, олманинг шох қўлига шундай урибдики, Қаландарбек узилган баргдек «пит» этиб учиб кетибди. Олтин қозон четидagi тилла капкирда пишиб, иси биланоқ ҳамманинг иштаҳасини қўзитиб, маст-аласт қилувчи паловдан бир капгир сузиб олмоқчи бўлган экан, капгир уриб бошини ёрибди. Ёнбошлаб бирпас дам олай, деб кўрпачага ўтириб, қўйилган ёстиққа бош қўйган заҳоти кўрпача уни бўғиб, ёстиқ чақиб олибди. «Ё тавба! Ё тавба, бу не бадо?»— деб ҳайрон бўлиб, тилло обдастадан сув қуйиб, қўл ювмоқчи экан, қайноқ сув қўлини куйдирибди. Гулзордаги гулдан узиб ҳидламоқчи бўлган экан, гул қўлига санчилиб, қоп-қора қонга белабди. Хуллас, сирли аллаким Қаландарбек нимани оламан, деса олдирамас-

миш. Нимани ушлайман, деса ушлатмас эмиш. «Энди нима қилсам экан?»— деб ҳайрон бўлиб турган экан, кўзи бир тилла ҳовузга тушибди. Ҳовуз четидаги бир туп гул уни имлаб чақирибди. Борса, гул:

— Ҳой, бола, ажалинг етди. Ҳозир Гулуялар келади-да, сени кўриб, ўлдирмай қўймайди. Агар ўлишни истамасанг, менинг панамга ўт,— дебди.

Бу шундай гул эканки, унинг қирқ оғайниси бўлиб, бир-бирларига чирмашиб кетганидан йўғонлиги ҳам қирқ қулоч бўлиб, ичига кирган одамни ҳеч ким кўрмас, аммо у одам ташқарида нима бўлаётганини билиб турар экан Гул бағрига олган одамни совуққа олдирмас, ёмғир теккиздирмас экан. Қаландарбек, хўп, деганича гулнинг орасига кириб яширинибди. Бир пайт қирқ канизаклари билан ҳусн-жамолини кўз-кўз қилиб Гулуялар учиб келибди. Ҳовуз олдига тушиб, каптар либосини ташлаб, шийпонга чиқишибди-да, ҳордиқ олгани кўрпачаларга ёнбошлашибди. Канизақлардан бири:

— Ҳой, бувишим, Гулуяларим ўйин-кулгу қилмай-мизми?— дебди. Гулуялар индамабди. Бошқа канизак:

— Ҳой, Гулуялар бону, ўйин-кулгу қиламизми-йўқми,-- дебди. Гулуялар яна индамай, кўрпачанинг мағизини ўйнаб ўтираверибди. Шунда учинчи канизак гап қотибди:

— Ҳой, Гулуялар, опажоним, бу ерга ўйнаб-кулгани келдикми е бир-биримизга тикилиб, диққинафас бўлиб ўлтирганми?

Гулуялар гапга кириб, маъюс ҳолда:

— Кўнглим ҳеч нимани кўтармайди, келаман, деган муддати ўтди, келмади. Ё уни Қора дев ўлдириб юборди, ё кўл ютди, ё дарвоза олдига қўйилган қароқчи девлар еб қўйди,— дебди. Шу пайт Қаландарбек: «Мана мен келдим, жонгинам!»— деб гулнинг тагидан отилиб чиқмоқчи бўлган экан, гул маҳкам қучоқлаб, чиқишига ҳам, гапиришига ҳам йўл қўймабди, ана уёққа қара, дегандай ишора қилибди. Худди шу аснода осмонни қора қуюн, ер юзини тўполон босиб кетибди. Қаландарбек ўнг томонга қараган экан, осмону фалакдан бир лочин, бир бургут, бир калхат учиб келиб ерга тушибди-да, бир юмалаб бирови Оқ девга, бирови Сарик девга, бирови Кўк девга айланибди.

Қуюн тўхтаб, шамол босилиб, ҳаво очилиб кетгандай бўлибди. Шунда:

— Ҳой Гулуялар, менга тегасанми? Тегсанг сени бу-

тун оламга малика қиламан,— дебди Сарик дев. Гулуялар:

— Сенга тегмайман. Бутун оламга малика бўлмайман,— дебди. Сағиқ дев Гулуяларни бир урган экан, у тариқдай-тариқдай бўлиб кетибди. Қаландар яна отилиб чиқиб дев билан олишмоқчи экан, гул қўймабди. Кўк дев уни йиғиб бир дам солган экан, Гулуялар ўз ҳолига келибди.

— Акам сени уриб тариқдай-тариқдай қилиб юборди, мен сени ўз ҳолингга келтирдим. Менга тегасанми-йўқми? Тегсанг сени дунёдаги жаъми қуруқлигу сувларга малика қиламан,— дебди Кўк дев. Гулуялар:

— Менга қуруқлигу сувга малика бўлиш даркор эмас. Сенга тегмайман,— дебди. Кўк дев уни бир шапалоқ урган экан, Гулуялар мошдай-мошдай бўлиб сочилиб кетибди. Қаландар гул тагидан чиқиб, дев билан олишмоқчи экан, гул қўймабди. Оқ дев уни йиғиб, ўз ҳолига келтирибди-да:

— Уртанча акам сени уриб, мошдай-мошдай қилиб юборибди. Мен сени ўз ҳолингга келтирдим. Уларнинг ҳар иккаласига тегмадинг. Энди менга тегарсан,— дебди. Шунда Гулуялар:

— Сенга жон деб тегар эдим-у, ўзимнинг яхши кўрганим бор-да! Ушани кутяпман, акажон,— дебди.

Бу гапдан эриб кетган Оқ дев Гулуяларни урмабди. Шу пайт гул тагидан Қаландарбек отилиб чиқиб:

— Мана, мен келдим,— дебди. Қанизаклар қўрққанларидан «пирр» этиб, бари каптар бўлиб учиб кетишибди. Гулуялар билан девлар қолишибди. Девлардан Кўк дев билан Сарик дев дарғазабланиб, Қаландарбекка ташланибди. Шунда Оқ дев:

— Акалар, тўхтанглар, ахир бу бола якка экан. Биз учтамыз. Учовлон унга ташлансак, инсофдан эмас. Яккама-якка олишайлик. Енгсак енгдик, марра бизники, енгилсак-енгилдик, марра уники!— дебди. Бу гап акаларига маъқул тушиб:

— Бўлмаса, сен олиш у билан,— дейишибди. Оқ дев:

— Сиз каттасиз, аввал сиздан бўлсин,— дебди. Уртанча ака — Сарик дев:

— Бўлмаса, мен олиша қолай,— дебди.

— Қўл биланми, қилич биланми?— деб сўрабди Қаландарбек.

— Сен нимани хоҳласанг, шў,— дебди Сарик дев.

— Йўқ, сиз айтинг,— дебди Қаландарбек.

— Бўлмаса, қўл билан,— дебди дев. Икковлон қу-

чоқлашиб олиша кетишибди. Орадан етти кечаю етти кундуз ўтиб, бир-бирини енга олмабди. Бир пайт Гулуялар:

— Жоним, мени деб жуда қийналиб кетдингиз. Олишишни бас қилинг-да, четга чиқинг. Нима бўлса тақдиримдан кўрай,— дебди. Худодан бўлибми, Гулуяларнинг гапи таъсир қилибдими, орияти келибдими, Қаландарбекнинг кучига куч қўшилиб кетибди. Сарик девни қучоқлаб туриб: «Ё пири Баҳовуддин», «Ё Ҳазрати Али!»— деб даст кўтариб отиб юборибди. Сарик дев учиб бориб, темир қўрғонга таппак ёпилгандай ёпилиб қолибди.

— Ҳали сенми укамни ўлдирадиган,— деб Кўк дев ўртага отилиб чиқибди-да, иккови қирқ кечаю қирқ кундуз олишиб, бир-бирини енга олмабди. Гулуялар гапга аралашиб:

— Жоним, буни енга олмайдиган кўринасиз. Олишишни тўхтатинг. Тақдиримни шунга қўшганга ўхшайди,— дебди. Бу гапдан Қаландарбекнинг орияти келиб: «Ё парвардигор, мени шарманда қилма»,— деб девни бор кучи билан қучоқлаган экан, дев: «И-и, единг, единг»...— деганича энгашиб қолибди. Шунда Қаландар эпчиллик билан Кўк девни кўтариб олиб, отиб юборибди. Кўк дев осмонга учиб чиқиб кетиб, қайтиб тушиб, қурбақадай ерга қонланиб қолибди. Шунда Оқ дев ўйланиб турган экан, Қаландарбек:

— Ҳой, дев, кел, энди навбат сенга,— дебди. Шунда Оқ дев:

— Оғажон, акаларим ўзига қилди, мен сиз билан олишмайман. Гулуялар сизники бўла қолсин. Истасангиз сизга ини бўлай, сиз менга оға бўлинг,— дебди.

Икковлон омон-омон деб қучоқлашиб, ўпишиб, оғанин бўлишибди. Ҳамма дастурхонга ўтирибди. Қозонларда пишаётган овқатлар ўз-ўзидан сузилиб кела бошлабди. Зиёфат қуюқ бўлибди. Зиёфат тугагач, тўй-томоша бошланиб кетибди. Оқ дев Қаландарга қараб:

— Бир дўстим бор, оға, тўйингизга айтсам майлими?— деб сўрабди. Қаландар:

— Майли, айта қолинг,— дебди. Дев қибла томонга қараб бир овоз қилган экан, еру кўкни титратиб, шамол-тўполон билан Қора дев етиб келиб, энг аввал Қаландарбек билан: «Оғажоним, эсон-омонмисиз»,— деб кўришиб кетибди-да, ҳамма гапни айтиб берибди. Тўй устига тўй уланибди. Кундан-кун ўтибди, ойдан-ой

ўтибди. Қаландарбек озиб-тўзиб кета бошлабди. Бир кунни Қаландарбекни хафароқ кўрган Гулуялар:

— Жоним, нега хафасиз?— деб сўрабди. Қаландарбек:

— Дардим кўп, жоним, дармоним йўқ,— дебди.

— Дардингизни биламан. Ота-онангизни соғиндингиз, юртингизни кўришни истайсиз, отангиз хоҳлаган қушни олишни умид қиласиз. Шундай эмасми, жоним?— дебди Гулуялар.

— Топдингиз, жоним. Шунга ёрдамлашмасангиз ҳечам бўлмайди.

— Бўлмаса гапимга яхшилаб қулоқ солинг. Отангиз хоҳлаган қуш булбулигўё бўлади. Шу булбулигўёни қандоқ қўлга киритаман деб ҳадеб сиқилаверманг, қушни тониш осонмас. Аммо топиб бераман. Жуда мушкул ишга бош урибсиз. Мен шу қушни деб деву парилар билан ўтгиз марта уришиб-талашиб ҳам уни қўлга кири толмаганман. Аммо-лекин сиз учун яна бир карра ҳаракат қилиб кўраман. Энди ишга ўтайлик. Булбулигўё — опам Гулхумор парининг қуши. У бу ердан қирқ кунлик йўлда туради. Гулхумор пари уни шундай қўриқлайдики, олдига кириш уёқда турсин, яқинлашиб бўлмайди. Ҳозир девларимни чақираман,— дебди-да, девларини чақирибди. Девлари етиб келибди. Улар орасида Қашқа девни кўрмагач:

— Қашқа дев қани?— деб сўраган экан, у уйқуга кетган, дейишибди.

— Уйғотинглар,— дебди Гулуялар. Девлар бориб Қашқа девни уйғотиб келишибди. Қашқа дев уйқу чам бўлди, деб эснаб-эснаб етиб келиб, Гулуяларга қараб:

— Хизмат?— дебди. Гулуялар:

— Шу йигитни орқангга миндириб, опам Гулхуморнинг боғига олиб борасан. Гулхуморнинг девлари ухлаб ётганда булбулигўёни олиб қочасанлар,— дебди.— Эҳтиёт бўлмасанг, опам тутиб олиб, девларга нимта-нимта қилдиради,— дея қўшиб қўйибди.

— Мен уёққа бормайман, ахир булбулигўёни акам Қоравой қўриқлайди. Уни хафа қилиб қўяман. Яхшиси боланинг дўсти Қора дев борсин,— дебди Қашқа дев.

— Йўқ, сенинг ўзинг борасан, ухлаганда олиб қочасан,— дебди Гулуялар. Дев ноилож рози бўлиб, Қаландарбекни устига миндириб, осмонга кўтарилибди. Учиб-учиб, Гулхуморнинг боғига бориб тушибди.

— Гавдам бесўнақай, мен бу ерда турсам кўриб қолади. Сен боғда қолиб, бирон жойда пойлаб ётасан.

Қоровой акам уйқуга кетган заҳоти қўргон тепасига тез чиқиб, менга хабар қиласан. Дарров етиб келаман. Аммо кўк каптарни асло ушлай кўрма, у девнинг жони. Булбулигўёни оламиз-да, бу ердан тез жўнаб кетамиз, йўқса у бизни парчалаб ташлайди,— дебди дев. У шундай деб тоққа чиқиб кетибди. Қаландар пана бир жойдаги дарахтга чиқиб бекиниб турган экан, Қоровой дев деган осмону фалакдан учиб келиб, Гулхуморнинг аркининг остида ўлтирпб, уни кўриқлай бошлабди. Бир пайт Қаландарбек қараб турса, Қоровой мудрай бошлабди. Кейин уйқуга кетибди. Ухлаётганида оғзидан бир кўк каптар учиб чиқиб, учиб кириб турган эмиш. Қашқа дев айтган Қора девнинг жони шу бўлса керак, деб ўйлабди-да, унга тегмайман десаям ушлагиси келаверибди. «Таваккал, уйғониб кетса, олишамиз-да, шундан ҳам қўрқиб ўтираманми?»— деб дарахтдан тушиб кўк каптарни шартта ушлаб олибди. Бир пайт Қоровой дев уйғониб, кўзлари олайиб, ерда уёқдан-буёққа тўлганаверибди. Қаландарбек қўрқиб кетганидан деворга чиқиб Қашқа девга хабар бериш ўрнига, яна дарахтга чиқиб олибди. Девнинг ағанашидан қаср тебраниб додарахтлар силкишибди. Гулхумор пари уйғониб ташқарига чиқса, Қоровой девни тўлганиб, жони узилай-узилай деб турган эмиш. Гап нимадалигини билиб, ҳаммаёққа қараб, овоз чиқариб, наъра тортгандай бўлибди. Бирпасда лочин, қирғий, каптарлар учиб келиб қўргонга тап-тап тушиниш, юмалаб-юмалаб париларга, девларга айланаверишибди.

Гулхумор пари уларга қараб, Қоровой девни кўрсатиб:

— Анавини кўрдингларми? Бу одамзоднинг ишн!— дебди. Парилар ҳам:

— Пуф-пуф, боғингизни одам иси босиб кетибди,— дейишибди.

— Ҳаммаёқни қаранглар, одам бўлса топиб ўлдирмай олдимга олиб келинглар,— дебди Гулхумор пари. Ҳаммаёқни қарашиб, одамзотни топиша олишмабди. Гулхуморнинг олдига келишиб:

— Бу қўргонга одамнинг оёғи етолмайди-ку, иси қаёқдан келдйкин?— дейишибди.

— Топинглар, топиб бунда олиб келинглар,— дебди Гулхумор. Яна ҳамма жойни излашга тушишибди. Гулларнинг остини бирма-бир қараб чиқишибди. Кейин гулларни бирма-бир юлиб қарашибди. Пана-пана жойларни текширишибди. Одамзотдан нишон йўқ эмиш.



Парилар орасида Гулпарни дегани бор экан, у жуда қув, искаб ейти қават ер тагида нима бўлаётганини билар экан. Қаландарбекнинг дарахт устида беркишиб турганини сезган экан-у, «қани менсиз топиша олармикин?» деб индамай турган экан. Ҳеч ким тополмагач, Гулхуморнинг олдига бориб:

— Бу ерга келиб сизни безовта қилган одамзодни мана биз топамиз,— деб дарахт остига бориб, уни силкитибди-да:— Одам иси кўпайдими?— деб сўрабди.

— Ҳа, қа жудаям кўпайди,— дейишибди бошқалар, Гулхумор дарахтни қаттиқроқ силкитган экан, Қаландарбек «шалоп» этиб ерга тушибди. Ҳамма ҳуркиб, «дувв» этиб, чор-тарафга қочибди. Қаландарбекни кўриб Гулхумор париларга жавоб бериб юборибди-да, ундан сўрабди:

— Буёқларда нима қилиб юрибсиз. Ҳозир девларимга буюриб тилка-пора қилдириб юборсам нима дейсиз?

— Нима қилсангиз ихтиёрингиз, қўлингизда бандиман, иложим йўқ. Аммо девингиз билан олишишга қурбим етади,— дебди. Пари:

— Майли бу гапларни йиғиштириб қўйиб, асосий гапга ўтайлик. Қани, нима мақсадларда бу ерларда санғиб юрган эдингиз?— деб сўрабди. Қаландарбек:

— Менга булбулигўё керак!— дебди. Гулхумор:

— Бунинг иложи йўқ. Борди-ю, иложи бўлганда ҳам сизга бермаган бўлардим. Агар булбулигўё жуда керак бўлса, менга уйлансангиз, бераман,— дебди.

Қаландарбек, йўқ, сенга уйланмайман, десам, булбулигўёдан қуруқ қоламан, уйланай десам, Гулуяларга уйланганман, деб ўйлаб турган экан, Гулхумор: «Бу рози бўлди»,— деб девларини чақирибди. Қоровой девга қараб:

— Бу одамзодни миндириб тоққа олиб чиқасан. Тоғнинг ўртасида яланглик бор. Уша ялангликдаги боққа олиб тушиб, булбулигўё яшайдиган дарахт олдига бошлаб борасан. Уни пойлаб ётган аждар кун тушдан оққанда чанқаб, сув ичгани пастга — дарёга жўнайди. Дев бўлса мудраб қолади. Мاستон ухлагани ғорга кириб кетади. Хуллас, ҳеч ким қолмай, ҳаммасини ғафлат босади. Ана шунда қушни оласан-да, буёққа чопасан,— дебди.

Дев Қаландарбекни кўтариб учиб кетибди. Гулхуморнинг айтганини қилиб, тоққа етиб бориб, ялангликдан боққа тушибди. Аста борса, булбулигўё турган дарахт олдида бир дев мудраб ўтирган эмнш. Қоровой

дев панжасини узатса юлдузга етаркан. У қўлини чўзиб булбулигўёни қафас-пафаси билан олиб, Қаландарбекни елкасига миндириб, яна осмонга кўтарилибди. Бир пайт осмонда кетаётиб, бақриқ-чақриқ овозларини эшитишибди. Қаландарбек:

— Бу нима?— деб сўраган экан, Қоровой дев:

— Аждар, дев, мастон ўзаро уришаяпти, кўрмаясанми?— дебди. Қаландарбек пастга қарабди. Дев, сен сувга кетмаганингда, булбулигўёни қўлдан бой бермасдик, деса аждарҳо, сен ғафлат уйқусига кетмаганингда булбулигўёни одам тугул ажина-алвасти ҳам олиб кетмасди, дермиш. Мастон бўлса, булбулигўёни қўлдан бой беришга икковинг сабабчисан, дея икковига ёпишармиш. Буларни бир-бири билан юлишишда қўйиб, гапни Қоровой дев билан Қаландарбекдан эшитсак.

Улар эсон-омон учиб келиб, Гулхуморнинг олдига тушишибди. Гулхумор:

— Яхши келдингларми, қани булбулигўё,— деб сўрабди.

— Ҳаммаси жойида, булбулигўё одамзотнинг қўйнида,— деб жавоб берибди дев. Гулхумор пари:

— Энди бизга уйланасиз. Шунда булбулигўё сизники бўлади. Бўлмаса у ҳам, сиз ҳам бу ердан тирик чиқиб кетмайсиз,— дебди. Қаландарбек кўнмабди, Гулхумор пари Қоровой девга қараб:

— Уни зиндонга ташлаб, булбулигўёни хонамга киритиб қўй, ўн карра ортиқ қўриқлайсан. Қочириб юборсанг, етти пуштинггача қуритиб юбораман,— дебди. Қоровой дев Қаландарбекка, булбулигўёни бер, деган экан, у бермайман, дебди. Қоровой дев, берасан, дебди, у, бермайман, дебди. Қоровой девнинг жаҳли чиқиб кетиб, Қаландарбекнинг қўлидан ушлаб, отиб юборибди. Пигит осмону фалакка чиқиб кетибди. Гулхумор пари уйдан чиқса, ҳалиги одамзот билан булбулигўё йўқ эмиш, Девдан:

— Қани улар?— деб сўраган экан, у осмонни кўрсатибди. Гулхумор осмонга қараса, осмондан тариқдай бир нарса тушиб келаётган эмиш. Гулхумор пари:

— Уни ерга туширмай ушлаб ол-да, айтганларимни бажар,— дебди.

Қоровой дев осмонга учиб чиқиб, йўлда Қаландарини ушлаб олиб, аста ерга олиб тушибди-да, ўзини зиндонга ташлаб, қўлидаги булбулигўёни уйга беркитибди. Кўндан-кун ўтаверибди, ойдан-ой ўтаверибди. Эндиги гапни Гулуялар паридан эшитинг.

Қаландардан хабар бўлавермагач, Гулуялар, шум опам уни бирон бир балога йўлиқтирган бўлмаса, ҳозиргача етиб келарди, деб ўй ўйлаб, Қашқа девга мипиб, Гулхуморнинг юртига етиб келибди. Келиб ҳамма гапдан хабардор бўлиб, зиндонга тушса, Қаландарбек нафас олмай ўлиб ётган эмиш. «Вой шўрим, вой тўрам! деб йиғлаб:

— Опа, бир бечорани шу ҳолга солиб қўйгани уял-мадингизми? Ахир у—куёвингиз-а!—деб опасини коийишга тушибди.

— Сенинг эринг эканлигини мен қасқдан билай,— деб Гулхумор ўлганни тирилтирадиган гул ҳидлатиб, Қаландарбекни ўз ҳолига келтирибди. Гулуялар билан Қаландарбек бир-бирларини кўриб, қучоқлашиб, ўпишиб, бир-бири билан ҳидлашганининг гувоҳи бўлган Гулхумор қувликни ўйлаб, ўзича:

— Эр дегани яхши бўларкан-да, мен ҳам унга тегаман,— дея хаёлидан ўтказибди-да, синглисига:

— Ҳой, Гулуялар, бу эринг менга ҳам эр бўлади. Иккаламизга ҳам етади,— дебди.

Гулхумор кўпроқ парилар орасида бўлиб, одамзод сплан кам мулоқот қилган экан. Гулуялар эса кўпроқ одамзод орасида бўлганидан одамгарчилик, ҳаё, ор-номус нималигини биларкан. Бу гапни эшитиб:

— Вой ўлмасам, бир эр опа-сипгилга раво бўларканми?! У менга — эр, сизга — куёв,— дебди. Гулхумор пари:

— Куёв-пуёв деганини тушунмайман. Менга ҳам эр бўлади, дедимми, бўлади. Бўлмаса уни ўлдиртириб, сени ҳам, ўзимни ҳам эрсиз қолдираман!— дебди. Бу гапни эшитиб Гулуялар:

— Бўлмаса эшон поччадан сўрайлик, у киши нима деса, шу бўлади,— дебди. Гулхумор Қоровой девга миниб, эшон ахтариб кетибди.

Гулхумор бир жойдан эшон дарагини эшитиб, ҳузурига етиб борибди-да:

— Мен Гулхумор пари бўламан. Ўз юртимга подшоман. Сен бир масаланинг таъбирини ечиб берсанг, хазина-дафиналаримдан керагича оласан,— дебди.

— Айт, масалангни,— дебди эшон. Гулхумор:

— Бир эрни ҳам опа, ҳам сингил эр қила оладими?— деб сўрабди. Эшон қариб, мункиллаб қолган бўлсаям, шўхлиги қолмаган, қариб қуйилмаган экан.

— Унг бетингдан бир ўпич берсанг, масалангнинг таъбирини айтиб бераман,— дебди.

Гулхумор ўпич нима, билмас экан, шартга рози бўлибди. Эшон уни маҳкам қучоқлаб, шундай ўпибдики, оғзидаги ўттиз икки тишидан бировининг изи Гулхуморнинг юзига тамға бўлиб босилиб қолибди.

— Вой-бў, одамзоднинг қариб, мункиллаб қолгани шу бўлса, синглимнинг эри қандай экан?— деганича лабини тишлаб, ўзпни ҳар муқомга солиб, изига қайтибди.

— Эшон нима таъбир топди?— сўрабди Гулуялар. Гулхумор:

— Эшон, бир эр ҳам опага, ҳам укага раво бўлиши мумкин, деб айтди,— дебди.

— Вой, худо-ей, нималар деяётганингни ўзинг биласанми? Ахир, бу — гуноҳ-ку,— дея Гулуялар опасининг юзига қараган экан, ўнг бетидagi тишнинг ўрнини кўриб қолибди.

— Сен эшонга ўпич бериб мақсадингга етибсан. Эшоннинг олдига энди ўзим бориб ҳақиқатни аниқлайман. Қани, юр-чи,— деб, Гулхуморни олиб, эшоннинг ҳузурига жўнабди. Эшоннинг олдига боришса, у қўрққанидан қочиб кетибди. Опа-сингил Қаландарбекнинг ёнига қайтишган экан, у Гулуяларни хафа кўриб, нега хафасиз, деб сўрабди. Гулуялар бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда Қаландарбек:

— Бир мен иккалангга эр бўлолмайман-у, аммо акам бор. Қадди-қоматда, афти-ангорда опангга жудаям мос,— дебди.

Бу гапни эшитиб Гулхумор ҳам хурсанд бўлиб кетибди. «Акаси мени қачон хотин қилиб оларкан?»— деб сўраган экан, «сен булбулигўёни қанча тез, бориб уйига жўнатсанг, шунча тез хотин қилиб олади»,— деб жавоб берибди. Гулхумор эрга тегарканман, деб булбулигўёни қайтариб берибди.

Қаландарбек булбулигўёни қўлига олиб, Гулуяларга юзланиб:

— Мен билан бирга кетасизми?— деган экан, у:

— Жоним, ҳозир шундоқ борсам, ота-онангга маъқул тушмас. Сиз қушни олиб бориб, отангизни хурсанд қилинг. Кейин ё келиб олиб кетарсиз, ё ўзим қирқ канизим билан борарман,— дея хайр-хўшлашиб, уни кузатиб қуйибди. Қаландарбек қафасдаги булбулигўёни отининг эгарига ўнгариб олиб, йўлга тушибди. Бир пайт булбулигўё сайраб юборган экан, тоғу тошларни, чўлу биёбонларни ёқимли овоз босиб кетибди. Қушнинг қушиғига маст бўлиб Қаландарбек бошидан телпагини

олган экан, тилла кокили қоронғи тунни кундуздагидек ёп-ёруғ қилиб юборибди. Қаландарбек булбулигўёнинг қўшиғидан чарчашни билмай, тилла кокилини машъала қилиб йўл юрибди, йўл юрганда ҳам унча-мунча эмас, жуда ҳам мўл юрибди, юриб-юриб акалари билан учрашган уч йўл бошига келиб қолибди.

«Акаларим қайтдимикан, бирон-бир белги қолдирдимикан»,— деб уёққа қарабди, буёққа қарабди, ҳеч бир нишон тополмабди. «Акаларим қайтмабди. Ўзимам чарчадим. Бир дам олиб, акаларимни кутай. Булбулигўёни топдим, деб кетаверсам бўлмас, акаларимнинг аҳволи дима бўлдийкан, билай, кейин кетай, отамга берган ваъдамдан яна икки-уч кун вақтим бор-ку!»,— дея шу ерга узала тушиб ётиб, азбаройи чарчаганидан бирпасда ухлаб қолибди. Туш кўрибди, тушида бир оппоқ соқоли чол:

— Болам, тур ўрнингдан, акаларингни излаб топ-да, ҳолидан хабар ол. Акаларингнинг бири ҳаммол, бири гўлохи бўлиб, фалон-фалон шаҳарларда яшашади,— дебди. Қаландарбек сапчиб ўрнидан туриб, ён-верига қараса, ҳеч ким йўқ эмиш. «Акаларимни излаб топмасам бўлмас экан, бу тушимда ҳам аён бўлди»,—деб олдин «Борса хатар» йўлга тушибди. Қафасдаги булбулигўё эгар қошида, оёғи узангида, йўл юрибди, йўл юрса ҳам озгина эмас, мўл юриб, бир шаҳарнинг устидан чиқиб қолибди. Булбулигўёни хуржунга беркитиб, шаҳар оралаб юриб, бир карвонсаройнинг бир хоналик меҳмонхонасига қўнибди.

Шу ерда яшаб, деразадан келган-кетганларни томоша қилиб турган экан, бир карвон келиб, шу саройга тушибди. Карвонбошининг бир хизматкори бор экан, Қаландарбек тикилиброқ қараса, катта акасига ўхшармиш. Карвонбоши уни уриб-сўкиб у ишни буюрармиш, туртиб-суриб бу ишни буюрармиш. Қирқ эшакдаги юкни тушириб, ертўлага ташиса ҳам, карвонбошининг: «Сен ишёқмас аблаҳдан тўйдим, бирон кимса олса сотар эдим»,—деган сўзини эшитиб қолибди. Қаландарбек:

— Менга сотинг бўлмаса,— дебди.

— Сотганим бўлсин,— дебди карвонбоши.

Савдосини келишиб, Қаландарбек ҳаммолни ўн бир тангага сотиб олибди.

— Ҳаммомга тушиб, яхшилаб ювиниб-тараниб, манави кийим-бошларни кийиб, одамбашара бўлиб олинг. Шу кундан бошлаб, менинг ноибим бўласиз,— дебди унга.

Акаси кийим-бошни олиб, ҳаммомга бориб, ювиниб-тараниб келибди. Қаландарбек акаси эканлигини билибди-ю, акаси уни таний олмабди. Эртасига эрталаб карвонсаройга бир тўда қаландарлар келиб: «Ё ҳақ, ё олло, ё ҳақ, расулилло»сини бошлаб юборибди. Қаландар тикилиброқ қараса, улардан бирови ўртанча акаси эмиш. Унга яқинроқ бориб:

— Қаландар бўлиб, шаҳарма-шаҳар тентираб юришдан не фойда. Биз билан қолинг,— дебди. Ўртанча ака рози бўлиб, у ҳам қолибди. Қаландарбек унга ҳам кийим-кечак сотиб олиб, ювиб-тараб, одамбашара ҳолга келтирибди. Катта ака ўртанча укани танибди. Учовлон яшаб туришган экан, булбулигўё турган жойида сайраб юборибди. Икки ака билибдиларки, сайраган қуш — булбулигўё, хўжайинлари — укалари. Хурсанд бўлиш ўрнига, ич-ичларидан хафа бўлишибди. Қаландарбек бозор оралаб кетгач, катта ака укасига:

— Бу укамиз экан, булбулигўёни қўлга киритган экан, бизни шарманда қилган экан, шунга сен нима дейсан?— дебди.

Ўртанча аканинг ҳам нияти бузилган экан, каттасига қараб:

— Ака, мен ҳам шунга ўйлаб турган эдим. Қандай қилиб биз қуруқ қуш билан отамизнинг олдига борамиз. Яхшиси, бир йўл тошинг,— дебди.

— Қаландарбекнинг ўлдариб, булбулигўёни бил ўзимиз олиб бориб отамизга топширамиз. Отамиз ўлса, молу дунёсига ўзимиз эга бўламиз,— дебди катта ака.

Ака-ука маслаҳатни бир жойга қўйиб, пайт пойлай-веришибди. Бир пайт Қаландарбек акаларига қараб:

— Мен сизларнинг укаларингиз Қаландарбек бўлман,— деб ўзини танитибди. Кейин:— Энди йўлга чиқсак ҳам бўлади. Отам берган муддат ҳам тугаб қолди. Булбулигўёни олиб бориб отамизга, учовлон топиб келдик, деймиз,— дебди. Акалари сиртдан хурсанддай кўринишса ҳам, аммо ичларида уни ўлдириб, булбулигўёни оталарига ўзлари олиб бориш ниятида бўлибдилар. Йўлга чиқиб, анча-мунча йўл босишгач, кеч кирибди. Шунда катта ака билан ўртанча ака: «Ҳозир укамизга, чарчадик, шу чолдеворда тўхтаб, дам олиб ётамиз-да, эртага эрталаб йўлга тушамиз, деймизу уни ўлдириб, ўзимиз йўлга тушамиз»,— деб маслаҳатни бир жойга қўйишибди.

— Қаландарбек, шу ерда қолиб, дам олайлик,— дебди Искандар.

— Акам тўғри айтдилар, жуда чарчадик,— дебди Самандар. Қаландар рози бўлмабди. Булбулигўё ҳам сайрашдан тўхтаб, бошини ичига тиқиб хурпайиб олибди. Қаландарбекнинг эътирозига қарамай акалари қистаб қўйишмабди. Охири рози бўлиб, шу ерда қолишибди. Кеч бўлиб, қоронғи қуоқлашгач, Искандар билан Самандар ухламай, Қаландарбекнинг кўзи уйқуга кетишини пойлашибди.

Бир пайт Қаландар ҳеч гапдан хабари йўқ ширин уйқуга кетибди. Икки акаси унинг устига ташланиб, остиларига босиб ўлдириб, шу ердаги эски қудуққа ташлашибди. Судраб кетишаётганида бир тола олтин кокилли узилиб қолган экан, булбулигўё уни қанотининг остига беркитиб олибди. Ака-ука эрталаб булбулигўёни кўтариб, Қаландарнинг отини миниб, йўлга тушишибди. Йўл юриб, йўл юришсаям мўл юришибди. Сайра, деб булбулигўёга дўқ уришибди — қуш миқ этмабди. Подшоликка етиб келиб, оталарига йўлиқиб:

— Мана, ўша сиз кўрган заҳоти учиб кетган антиқа қушни олиб келдик,— дейишибди. Оталари хурсанд бўлибди.

— Укангиз қани?— деб сўрабди кейини.

— Укамиз «Борса келар» кўчасига кетган эди. Биз «Борса келмас» билан «Борса хатар»га юрдик, булбулигўёни топиб уни олиб қайтдик. Олдинига укамиз нима бўлганини билмадик. Аммо карвон саройда бир киши йўлда бир кокилли йигит ўлиб ётганини айтди. Айтган жойга борсак, ҳеч ким йўқ. Манави кўйлак-иштони турибди, холос,— деб Қаландарбекнинг кийимларини кўрсатишибди. Подшо билан хотини, Қаландарбек ўлган экан-да, эсиз-эсиз дейишиб, азасини очишиб, эл-юртга марака-маросим беришибди. Орадан қирқ кун ўтибди ҳамки, булбулигўё сайрамасмиш. Ҳамма ҳайрон бўлибди. Халқ подшонинг булбулигўёси сайрамаяптими, деб бир-биридан сўрашиб, подшолик арки остига тўпланишибди. Подшонинг булбулигўёси сайрамаяпти, нимадандир хафа бўлган, бўлмаса сайрарди, дейишибди. Подшо булбулигўёни сайрар деб, қафасдан бўшатибди. Бари бир сайрамабди. Подшонинг жаҳли чиқиб, жаллодини чақириб:

— Булбулигўё сайрамаяпти, сайрамайдиган қушнинг менга нима кераги бор, унинг калласини узиб ташланглар,— дебди.

Жаллодни булбулигўёни чопиб ташлаш учун пичоғи-

ни қайрашда қўйиб, икки оғиз гапни Гулуялар паридан эшитинг.

Қаландарбекдан хабар келавермагач, Гулуяларнинг кўнгли гаш тортиб, бир жойда ўтиролмайд қолибди. Бир ойнаги бор эди. Ойнакка қараб, фалон жойни кўрсат, деса дарров кўрсатарди. Гулуялар ойнакка қараб: «Қаландарлар юртини кўрсат»,— дебди. Ойнада Қаландарлар подшолиги кўринибди. Икки ака, подшо ва сарой аҳли кўринибди-ю, Қаландарбек кўринмабди. Гулуялар: «Менга буларнинг нима кераги бор. Менга Қаландарбекни кўрсат»,— дебди. Ойнада эски бир қудуқ кўринибди. Яхшироқ тикилиб қараса, қудуқда Қаландарбек ўлиб ётган эмиш. Пари: «Воҳ!»— деб ўзидан кетибди. Шу пайт меҳмон бўлиб келган Гулхумор сингисини ҳушидан кетиб ётган ҳолда кўриб, ҳайрон бўлиб, қўлидаги ойнакка қараса, қудуқда ўзи ҳам тегаман деган бола ўлиб ётган эмиш. Гулхумор пари дори ҳидлатиб, Гулуялар парини ўзига келтириб:

— Тез бўл, бориб эрингни қутқазайлик. Бўлмаса ўлимтикхўрларга ем бўлади,— дебди. Дарров бир думалаб каптарга айланишиб, учиб қудуққа бориб тушишибди, сўнгра яна бир думалаб асл ҳолларига келишиб, Қаландарбекка ўликни тирилтирадиган доридан ҳидлатишибди.

Қаландарбек ўзига келиб, ёнида ёрини кўриб роса қувонибди. Бошидан ўтганларини айтиб, тез бўлинглар, ота-онамнинг олдига борайлик, дебди. Қаландарини ҳам каптарга айлантириб, осмонга парвоз қилибдилар. Буларни учганда қўйиб, гапни подшоликдан эшитинг.

Жаллод пичоғини қайраб булбулигўёга яқинлашган экан, қуш тилга кириб:

—Менинг бошимни кесгунча подшо ўғилларининг калласини танасидан жудо қилсанг бўлмайдимиз?— дебди.

Жаллод ҳайрон бўлиб, подшо ҳузурига қараб чопибди. Подшонинг олдига кириб:

— Шоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтинг,— деб бўлган гапни айтиб берибди. Подшо:

— Қушни бунда келтир,— деб буюрибди. Булбулигўёни олиб келишибди. Подшо:

— Нега ундай дединг?— деб сўрабди. Шу пайт қуш яна тилга кириб:

— Нега сайрамаётганимнинг сабабини сўраб-суриштирамай калламни кесишларини буюрдинг. Шу инсофданми?— дебди. Подшо хижолат чекиб:



— Нега сайрамадинг бўлмаса, сабабини айт? — дебди.

Булбулигўё энди гапирмоқчи бўлган экан, Искандар қиличини қинидан суғуриб, булбулигўёга ташланибди. Подшонинг вазири уни ушлаб қолибди. Шу пайт қуш:

— Ана кўрдингми? Ўғлинг мени чопиб ташламоқчи бўлди. Ҳозир ҳақиқатни айтаман. Лекин мени анави чопмоқчи бўлган ўғилларинг эмас, Қаландарбек деган кенжа ўғлинг не-не машаққатлар ҳисобига қўлга киритди. Шуни бир кўрсам, сўнг сайрашдан тўхтамайман,— дебди.

— Қаландарбек қаерда?— сўрабди подшо важоҳат билан.— Ахир у ўлган-ку?

— Улгани тўғри, мана унинг бир тола сочи. Аммо у ўз ажали билан ўлмади, акалари ўлдирди,—дебди булбулигўё.

Подшо дарғазаб бўлиб: «Жаллод!»— деб чақирибди. Жаллод келгач: «Анави икки ўғлимнинг калласини танаасидан жудо қил!»— деб буюрибди. Булбулигўё:

— Уларни ўлдиришга шошилма, шоҳим. Олдин ҳақиқатни бил!— дебди. Подшо:

— Қаландарбекнинг ўлиги қаерда, мени тез ўша жойга олиб бор!— дебди. Булбулигўё: «Хўп!»— деб энди қўзғалган экан ҳамки, эшик очилиб, Қаландарбек билан парилар кириб келишибди. Қаландарбек олдин кириб онаси билан кўришиб, искашиб, сўнг подшонинг олдига чиқибди. Подшо ҳам ўғлини кўриб, хурсанд бўлиб, элга қирқ кун тўй-томоша берибди. Подшоликдаги булбулигўё ҳам сайраб, ҳаммани хурсанд этибди. Подшо Қаландарбекка:

— Акаларинг сенга, менга хиёнат қилишибди. Сени мендан, мени сендан жудо қилмоқчи бўлишибди. Нима жазога лойиқ кўрсанг, ўзинг бер,— дебди.

Самандар билан Искандар Қаландарбекнинг оёғига йиқилиб: «Биз гуноҳкормиз, раҳм қил, ўлдирма, гуноҳимиздан ўт!»— деб ялиниб-ёлворишибди. Кенжа ука гуноҳларини кечирибди.

Гулуялар опаси Гулхумор билан дугонасини кўндириб, уларга олиб берибди. Ўзи Гулуяларни қайтадан никоҳлаб, Қора дев бошлиқ девлар хизмат қилиб, олтин балиқлар келиб, Қашқа деву Сарик дев, Оқ дев бўлишиб, яна қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша берибди. Подшо Қаландарбекни ўрнига юртга подшо қилиб кўтариб, ўзи бўлса истеъфога чиқиб, булбулигўёни сайратиб, тинч-фаровон яшайверибди, ҳамма мурод-мақсадига этибди.

## ТОЙ ИЗЛАГАН ҚИЗ

**Б**ир бор экан, бир йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Жуда қадим замонларда бир Мерган бобо ўтган экан. Мерган бобонинг оти Зиёд ботир бўлиб, унинг учта қизи бор экан. Қизлари бир биридан чиройли, гўзал, кўркам экан. Ким кўрса, яна бир кўрсам, деркан. Қизлар ақл бобида ҳам бир-бирларидан ўтар эканлар. Отаси уларни ёшлиқдан тирандозлик, отда яхши чолиш, ёй тортиш, ҳатто кураш тушишгача ўргатган экан. Аммо катта қизи Гуласал уй-рўзғор ишларига кўпроқ қизиқар, нуқул эрга тегсам, яхши фарзанд кўрсам, менга шунинг ўзи етарли, деркан. Уртанча қизи Гулбаҳор қўй-сигир тутишни, мол боқиб сигир соғишни яхши кўрар, у ҳам нуқул бир яхши йигитга тегсам, мол-қўйни кўпайтирсам, уйимни, бола-чақамни сўқатиққа ботирсам, деркан. Кенжа қизи Гулбадан эса, отни яхши кўрар, қачон бўшади от минар, уни ювиб-тарар экан. Гулбадан: «Отам менга бир яхши тулпор сотиб олиб берса, мен уни боқиб, вояга етказиб, узоқ-узоқ сафарга ётлашиб, юрт ошсам, эл кезсам». — дегани деган экан.

Қундан кун ўтиб Мерган бобо қарибди, кунни битиб қазоси етгач, қизларини ёнига чақириб, дебди:

— Қизларим, мен сизларни опасиз ўстирдим. Ўзим семадим, сизларга едирдим, ўзим киймадим, қизларим кийсин, дедим. Ҳеч нарсадан камситмадим. Уқ-ёй отини, отга миниш, ҳар қандай киши билан муомала қилиш, гап-сўзларингни ўтказиш бобида оқил ва довюрак қилиб ўстирдим. Менинг вақти-соатим етганга ўхшайди. Мендан сизларга уй-рўзғор буюмларини битта сигир, икки қўй, анави яқинда олган хачир от билан бир қилиш қолади. Ўлганимдан кейин талашиб-тортишмасдан ўзаро келишиб, уларни бўлиб олинглари-да, аҳил-иноқ яшанглари. Кенжаларинг ҳали ёш, унга эҳтиёт бўлиб, вояга етишида кўмаклашинглари.

Ота шундай деб, кўзига ёш олибди. Сўнгра, «ўғил кўрмадим, катта бўлса ака, кичик бўлса ука бўларди. Афсус, афсус», — дебди. Шунда кенжа қизи:

— Отажон, ўғлим йўқ, деб хафа бўлманг, мана мен ўғил ўрнини босиб, икки опамнинг кунига ярайман. Сиз хавотирланманг, — дебди. Қизининг сўзларидан отаси хурсанд бўлибди. Шундай қилиб, оталари вафот этибди. Уч опа-сингил етим қолишибди.

Катта қиз қишлоқдаги бир йигитга тегибди-да, уйдаги рўзгор — идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқни олибди. Уртанча қиз сигир, қўй, эчкини олиб, у ҳам бир йигитга эрга чиқиб, уйини сут-қатиққа ботириб ётаверибди. Шунини айтишади-да, қар кимнинг нияти ўзига йўлдош, деб. Икки опани тинч-хотиржам яшашда қўйиб, эндиги гапни Гулбаданнан эшитинг.

Гулбадан отасидан қолган хачир, хариш отни ўтлатиб юрса, кўлдан бир оқ от кишнаганича чиқиб келиб, Гулбаданнинг отига чопибди. «Жуда қизиқ иш бўлдику»,— деб қиз отини боқишда давом этибди.

Кундан-кун, ойдан ой ўтиб байтал қулун туғибди. Туғибдию от ўлиб қолибди. Гулбадан тойчоқни: «Вой тойчоғим, вой тойлоғим-ей»,— деб артиб-суртиб, кўтариб уйига олиб келибди-да, боқа бошлабди. Той кундан-кунга, соатдан-соатга ўсиб, вояга етаверибди.

Кунлардан бир куни Гулбадан кўл бўйида тойини ўтлатиб юрса, кўлдан бир айғир кишнаганича сувни қоқ иккига ёриб чиқиб, сойга яқинлашиб уни искабди. Той бирдан кишнаб, чопқиллаганича унга эргашиб, кўлга тушиб йўқ бўлиб кетибди. Гулбадан нима қилишини билмай боши қотиб, ҳайрон бўлиб қолибди. Кўл ёқасида тойни чақириб уёққа югурибди, буёққа югурибди, на тойни кўрибди, на тулпор сувдан чиқибди. Гулбадан йиғлабди-сиқтабди. Чарчаб бир тоғнинг тагида ухлаб қолибди. Тушига тойи кириб: «Мен отам билан бирга ман, изласанг Кўҳиқофдан топарсан. Аммо йўли жуда қийин, мушкул. Чидай олсанг, сабр-қаноатли бўлсанг, топарсан»,— дебди. Қиз уйғонса, ёнида ҳеч ким йўқ эмиш. «Тойимни излаб топаман, ҳа, қаерда бўлса ҳам ахтариб топмай қўймайман»,— дебди-да, қеч кимга билдирмасдан уйига келиб, уёқ-буёғини йиғиштириб «ҳайё-ҳайт», деб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, дармони кетиб, тиззалари букилибди ҳамки, йўлидан қолмабди. Охири бир ўрмоннинг устидан чиқиб қолибди. Шу ерда бир оз дам оламан деб ўйлабди-да, тўқайзорда бир дарахтнинг устига чиқиб, яхшилаб жойлашиб олиб, уйқуга кетибди. Ухлаб ётса, ғўнғир-ғўнғир овоз қулоғига чалинибди. Гулбадан кўзини очиб қараса, пастда ярми одам, бошқа жойи итга ўхшаган махлуқлар бир-бирлари билан тортишиб, уришиб турган эмиш. «Буниси нима бўлдикин?»— деб Гулбадан қараб турган экан, улардан бирови дарахтга қараб уни кўриб қолибди. Бирпасда судрашиб ерга

олиб туширишибди, пишириб еймиз, деб катта ўт ёқишибди.

Гулбадан, ана энди ўлганим шу, эҳ, аттанг, тақдиримда бор экан-да, деб тақдирга тан бериб турган экан, ҳалиги махлуқларнинг бошлиғи келиб қолибди. Гулбаданни кўриб, аввал гап сўранглар, ейиш қочмас, дебди. Махлуқлардан бири ундан, бу ерларда нима қилиб юрибсан, нима мақсадда келгансан, деб сўрабди, Гулбадан жавоб бериб:

— Пўқотган тойимни ахтариб юрибман. Сув оти олиб кетган эди,— дебди.

— Бу ерга дарахтларни қулатиб, кулбаларимизни бузгани келган экансан деб, душман билиб, биз сени емоқчи эдик. Яхши ниятда экансан. Ниятинг йўлдошинг бўлсин, биз сени ўлдирмаймиз,— дейишибди ҳалигилар.— Кўринишингдан, гапиришингдан қиз болага ўхшайсан, аммо кийинишинг эркакча, айт, кимсан?— дебди уларнинг бошлиғи.

— Ўғил боламан, ёшликдан нимжонроқ ўсганман, овозим ҳам ингичкароқ,— дебди Гулбадан.

— Ундай бўлса яхши, биз билан бўл,— деб Гулбаданни қўярда-қўймай ўраб олишиб, тонггача зиёфат қилишибди. Тонготар-отмас, биз одамзодга кўринмаслигимиз лозим, дейишиб кўздан ғойиб бўлишибди. Гулбадан нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб боши қотиб турган экан, каттакон бир дарахтнинг илдизи остидан бир киши имлабди. Қараса кечаги махлуқларнинг бошлиғи эмиш. У Гулбаданга қараб:

— Мен Таркистон шаҳри подшоси Ёдгорбекнинг ўғли — шаҳзода бўламан. Шу мамлакат подшосининг қизи бор. Ҳуснда тенгсиз. Ушанга ошиқ бўлиб келган эдим. Шартини бажаролмадим, мени шу аҳволга солиб қўйди,— дебди.

— Шarti нима эди?— сўрабди Гулбадан ундан.

— Шarti,— жавоб берибди унга шаҳзода,— ер ости мамлакати подшосининг хазинасидаги сеҳрли узукни олиб келиш. «Балки ёрдамим тегиб қолар»,— деб Гулбадан ҳалиги жонзодга айланган шаҳзодадан шартни бажариш йўллариини ўрганиб олибди-да, сафарини давом эттирибди. У йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, яна бир ерга борибди. Қараса бир уй турганмиш. Уйга: «Ассалому алайкум, ҳай, ким бор!»— деб кирган экан, бир кампирнинг: «Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим»,— деган овози келибди. Ичкарига кириб, тирноқлари қиличдай, тишлари ўмочдай, оғзи ғордай,

бўйи теракдай кампирга кўзи тушибди. Кампир ичида, нонуштам келди-ку, ҳозир буни бир ёқли қиламан, дея: «Кел, жиян, қачондан бери кутаман-а, йўлларингга интизор бўлдим-ку»,— дебди. Гулбадан келиб кўришган экан, кампирнинг беллари қирсиллаб кетибди. Кампир: «Қозонга қараб юбор, болам»,— деган экан, Гулбадан: «Онажон, бошқаларнинг қозонига қарайдиган одатим йўқ, аввал сиз қаранг, кейин мен қарайман»,— дебди. Кампир қозонга қарамоқчи бўлиб олдига борган экан, Гулбадан энциллик билан уни қозонга тепиб юборибди. Қозонда ёғ қайнаб турган экан. Кампир ёққа тушиб, тил тортмай ўлибди. Гулбадан кампирнинг боғлоқлик итини, эчкиси, қўю қўзисини, отини бойловдан бўшатиб юборибди:

Шунда оти билан ити, бизнинг борадиган жойимиз йўқ, ўзингга ҳамроҳ қилиб ол, фойдамиз тегиб қолар, дебди: Ҳа, майли, ҳамроҳ қилиб олсам, олибман-да, деб уларни ўзига ҳамроҳ қилиб олибди. Қиз яна йўлга равона бўлибди. Гулбаданнинг чарчаб, юролмай қолганини кўрган жодугар кампирнинг оти: «Кел, мени миниб ол, чарчадинг»,— дебди. Гулбадан отга минган заҳоти осмону фалакка кўтарилиб, булутлар орасига қириб кетибди. Гулбадан қўрққанидан кўзини чирт юмиб олибди. От айланиб-айланиб, бир жойга бориб тушибди. Бу жой девларнинг маскани экан. Ҳалиги от ҳам девлар подшосининг ўғли бўлиб, жодугар томонидан сеҳр қилиниб, отга айлантирилиб кишанга солинган экан. Бирпасда девлар Гулбаданни ўраб олиб: «Қизми, эркакми»,— дейишибди. Бирови, сулувлиги, қадди-қоматидан қизга ўхшайди, деса, бошқаси: «Подшоҳимизнинг арзандасини миниб келибдию қиз бўлармиди, ўғил»,— дебди. Шу пайт девлар подшоси билан девбачча келиб қолибди. Девлар ҳар томонга тумтарақай қочиб қолибди. Девлар подшоси ўғлига қараб:

— Бу нима қилиқ?— дебди.

— Ота, мени мана бу одамзод жодугар кампирнинг қўлидан озод қилди. Кейин менга минган заҳоти олиб қочдим,— дебди. Отаси:

— Яхшиликка яхшилик қилинади. Сенга яхшилик қилиб, шум кампир қўлидан озод қилибдими, сен ҳам унга ёмонлик қилмай, яхшилик қилишинг лозим,— дебди. Боласи отасининг гапига кириб:

— Ҳой, бола, тила тилагингни,— дебди. Гулбадан ўзини Кўҳиқофга олиб бориб қўйишни илтимос қилибди. Девбачча, «уёққа олиб боролмайман. У жой бу ердан

қирқ йиллик йўл. Мен фақат йигирма йиллик йўлга олиб бороламан, холос. Уёғини бир нима қиларсан», дебди. Гулбадан рози бўлибди. Дев устига миндириб осмонга кўтарилибди. Кўз очиб-юмгунча Гулбаданни йигирма йиллик йўлга олиб бориб қўйибди. «Керак бўлиб қолсам йўқлатарсан»,— деб юнгидан битта берибди. Гулбадан раҳмат айтиб йўлида давом этибди. Бир пайт олдидан бир боғ чиқибди. Боққа кирай деса, дарвозаси берк экан. Гулбадан қўрғоннинг уёғига ўтибди, буёғига ўтибди, богнинг ичига киrolмабди. Бир пайт гулнинг тагида, энди нима қилсам экан, деб ўтирган экан, бирдан дарвоза очилиб, учта қиз диркиллаб ўйнаб, хандон сўйлаб, бир-бирларининг қўлини ушлаб, кўнгилларини хушлаб чиқиб қолишибди.

— Хуш келибсиз, марҳабо богнимизга,— деб Гулбаданнинг оёғини ерга теккизмасдан боққа олиб киришибди. Боғ дунёда йўқ жой эмиш. Шишаҳовузлар зилол сувларга тўла эмиш, сувда олтин балиқлар қирқ минг мақом қилиб сузиб юрган эмиш. Дарахтларда олма, беҳи, шафтоли, анжир фарқ пишиб ётган эмиш. Ҳар томонда юз алвон гуллар очилиб, чоратрофга ҳидини тарқатиб ётган эмиш. Қирқин қизлар гулгундай очилиб, шўх-шўх ўйнаб турганмиш. Шунда қизларнинг сардори ўрнидан туриб:

— Хуш келибсиз, азамат йигит. Марҳабо, тўрға ўтинг,— дебди. Гулбаданни бошлаб келган қиз уни тортиб олганини нинда қараб кетибди. Гулбадан нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб, тўрға ўтиб ўтирибди. Зиёфат, ўйин-кулгу бошланиб кетибди. Гулбаданни йигит деб билган қирқ қизлар унга қараб ноз-карашма қилиб, баданларини қимирлатиб, кўкракларини селкилатиб, хилма-хил қилиқлар, муқомлар қилишибди. Қизиқчилик, ўйин-кулгу авжига чиққанда осмондан бир оқ от қўйилиб учиб келиб, боққа тушибди-да: «Пуф сассиқ, одам иси келяпти»,— дебди. Гулбаданни кўрсатиб қизлар: «Ҳа, одамзод бизга меҳмон бўлиб келди, ҳа, одамзод йигит бизга меҳмон бўлиб турибди»,— деб чуғурлашибди. От Гулбаданни тепиб, тишлаб ташламоқчи бўлган экан, қизлар йўл қўйишмабди. Бир пайт Гулбаданга қараб:

— Ҳой, одамзод, бу ерларга нима мақсадда келдинг? Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди бу ерларда. Одамзод келдимми—орамиз бузилади ё богимизни вайрон қилади, ё парилардан бирини олиб қочади. Умуман, одамзоднинг қўлидан яхшилик келмайди, яхсиси у

билан дўст бўлмаганимиз маъқул,— дебди. Гулбадан унга қараб:

— Хато қиласан, одамнинг яхшиси бор, ёмони ҳам бор. Сен ёмонига учраган экансан-да, яхшиси чўлни боғ қилади, боғни кўркам қилади, ким бўлмасин яхшилик қилса — яхшилик билан жавоб қайтаради,— дебди.

— Эй, одамзод, сенинг қўлингдан қандай яхшилик келади?—деб сўраб қолибди от. Шунда Гулбадан:

— Нима ишни қил десанг, қиламан. Боғ қил дейсанми, сув йўлини тўс дейсанми, менга бари бир, қандай яхшилик бўлса, яхшиликка яхшилик қилавераман,— дебди.

— Агар гапинг рост бўлса, қани бир вазифани бажар-чи,— дебди оқ от.

— Нима вазифа экан?— сўрабди Гулбадан.

— Ҳар йили боғдаги мевалар ғарқ пишганда, қаёқдан билмаймиз, бир аждаҳо келади-да, меваларни еб, шишаҳовуздаги сувни қуритиб, боз устига париларнинг бир-иккитасини ўлжа қилиб олиб кетади. Ана шу аждаҳонинг келадиган вақти яқинлашиб қолди. Қани, қўлингдан келса уни ушлаб ўлдир-да, бизни хавфдан халос эт-чи!— Гулбадан қиз бола эмасми, аввалига аждаҳонинг номини эшитиб қўрқиб кетибди. Кейин ёнига тақиб олган отасининг қиличи эсига тушиб:

— Аждаҳони йўқотиш бўлса, йўқотамиз-да, шунга ҳам ота гўри-қозихонами!— дебди. Гулбаданни ташқарига чиқариб, аждаҳонинг йўлига қоровул қилиб қўйибди. Орадан бир кечаю бир кундуз ўтгач, осмонни қора булут қоплабди. Шамол бошланиб, бора-бора тўс-тўполонга айланибди. Бир пайт чақмоқ чақиб, жала қуйиб берибди. Шамолдан дарахтларнинг боши ерга тегса, жаладан ариқлар, дарёлар тўлиб, ҳаммаёқни сув босибди. Гулбадан бир дарахтнинг панасида: «Бу нима экан?»—деб турса, тоғдан бир нарсa вишиллаб боғ томонга келаётган эмиш. Аждаҳо боққа яқинроқ келиб оғзини очиб бир сипқорган экан, боғнинг олдидаги дарахт-парахтлар билан Гулбадан ҳам қўшилиб унинг оғзига кириб кетибди. Гулбаданнинг эсига отасидан қолган қиличи тушиб, қинидан суғуриб, боши узра тик ушлаб тураверибди. Қилич аждаҳони иккига ёриб юборибди. Аждаҳо додлаганича ўзини уёқдан-буёққа урибди. Ҳар ағанаганида қилич шарт-шурт кесаверибди. Бир пайт аждаҳо бўлак-бўлак бўлиб кетибди. Ариқлар, сойлардан сув ўрнига қон шариллаб оқа бошлабди. Гулбадан аждаҳонинг ичидан чиқиб, кийим-бошини тўғрилаб, па-

рилар турган боққа равона бўлибди. Парилар ҳалиям бекинган жойида бекиниб ётган экан, Гулбадан: «Ҳой, қайдасиз, ким бор?»— деса ҳам ҳеч ким чиқишга ботинмабди. Бир пайт от шишаҳовузнинг ичидан чиқиб бири кишнаган экан, дов-дарахту гуллар тагига бекинган парилар бирин-кетин чиқиб кела бошлабди. Ҳамма Гулбаданга раҳмат айтиб, «халоскоримиз», дебди. Шунда оқ от унга қараб:

— Сен бизни доимий душманимиздан халос этдинг. Боғимизнинг пайҳон, қизларимизнинг чўри бўлишига йўл қўймадинг, бизга жуда катта яхшилик қилдинг. Биз ҳам сенга яхшилик қилишимиз керак... Айт, нима билан яхшилик қилайлик. Асл олтин берайликми ё дурғавҳарми? Еки кўнглинг қўра-қўра қўй истайдими? Балки менга ўхшаган от истарсан,— дебди.

Шунда Гулбадан бирдан: «Топдинг, топдинг!»— деб қичқириб юборибди: «Нимани топдим?»— дебди от. Шунда Гулбадан:

— Мен отимни излаб юрибман, уни топишимга ёрдам берсанг, бошим осмонга етган бўлар эди,— дебди.

Гулбаданни эшитиб, от ҳайрон бўлиб «Кўҳиқофга боришни асло-асло ўйлама. У қирқ йиллик йўл. Йўлни аждаҳолару илонлар қўриқлайди»,— дебди.

— Аммо боришим керак. Отимни излаб топмасам бўлмайди. Ёрдам берсаларинг ҳам бораман, бермасаларинг ҳам бораман,— дебди Гулбадан. Шу пайт париларнинг бошлиғи тагга аралашибди:

— Ер юзидан боролмаслигинг аниқ, тўсиқлар кўп. Бунинг устига аждаҳони ўлдириб қўйдинг. Унинг ака-укалари, бола-чақалари кўп. Улар сени омон қўймайди. Яхшиси сув орқали борганинг маъқул. Сени мана мен олиб бораман. Шишаҳовузга тушасан-да, ер остида йўл бор. Мен олдинда юраман, сен орқада юрасан. Катта Тажанг дарёсига олиб чиқади. Дарёга чиққач, отамнинг кемасига ўтиб оламиз,— дебди. Сўнгра пари Гулбаданга сеҳрли олма берибди. Бирпасда қиз балиққа айланиб қолибди.

— Наҳанг ошнанг ҳам бор-ку, ўшандан сўрасанг ҳам бўлади, кайта тез етказди,— париларнинг бошлиғи шундай деб, Гулбаданни боғ ўртасидаги шишаҳовузга бошлаб борибди-да, сувга ўзингни от, дебди. Парининг кетидан балиқ бўлиб олган Гулбадан ҳам суза бошлабди. Ҳовузнинг тагидаги сув йўлидан кетишибди. Йўл шишадан экан. Гулбадан томоша қилиб сузиб-сузиб, Тажанг дарёга бориб қолганини ҳам билмай қолибди.



Наҳанг ухлаб ётган экан. Пари уни уйғотиб, воқеани англантибди. Олдинга йўли узоқ деб кўнмабди. Кейин Гулбаданнинг аждаҳони ўлдирганини эшитиб, кўнибди. Гулбаданни пари билан бирга лиқ этиб ютиб юборибди. Орадан анча-мунча вақт ўтгандан кейин: «Кўҳиқофга келдинглар, чиқинглар»,— дебди. Наҳанг ютган сув билан қўшилиб, Гулбадан ҳам ташқарига чиқибди. Пари уни яна асл ҳолига келтирибди. Кейин, олдин мен бориб нима гаплигини билиб келай. Тинчлик бўлса белги бераман, бераверасан. Тагин сени, одамзод парилардан олгани келибди, деб ҳалок этишмасин, дебди. Гулбадан тоғнинг тагида кутиб қолибди. Бир пайт бошқа бир пари келиб Гулбаданга қараб: «Юрар экансиз»,— дебди. Гулбадан ўрнидан туриб унга эргашибди.

Кўҳиқоф дегани бир ёғи ёниб, бир ёғи совуб турган тоғ экан. Йўлига парилар тўп-тўп бўлиб чиқибди.

— Одамзод келди, одамзод келди. Қайси биримиз ёқаркинмиз. Қайси биримизни олиб кетаркин?— деб чуваллашибди улар. Бир пайт Гулбаданни бир боққа олиб киришибди. Дунёдаги ҳамма дарахт бор эмиш. Нимаики мева бор, пишиб ётган эмиш. Ярми қуш, боши одамга ўхшаш паррандалар сайраб турганмиш. Булбулнинг овозига тўти, тўтининг овозига тўрғай жўр бўлармиш. Гулбаданни олиб бориб тўппа-тўғри парилар подшосига рўпара қилишибди.

Бирга келган пари:

— Шоҳим, мана бу одамзод аждарҳони ўлдириб, париларни хавфу хатардан озод қилди. Унга яхшилик қилиш керак. Отини излаб юрган экан, оти шу ерда— Кўҳиқофда, унинг отини топиб бериш керак,—дебди. Подшо: «Жамики тулпорлар шу ерга келтирилсин!» деб буйруқ берди.

Гулбадан қараб турса, отлар орасида бўйига етиб қолган оти ҳам келаётган эмиш. «Анови от меники!» дебди Гулбадан шошиб-пишиб. Кейин: «Кур-е, кур-е!» деб чақирибди.

— Бу от — сув оти Дулдулнинг боласи-ку. Дулдул кўнармикан,— дебди парилардан бири. Улсаям кўнмас, у ақлли, гапга тушунади.

— От шу одамзодга тегишли,— дебди париларнинг бошлиғи.

Ҳалиги бирга келган паризод Гулбаданга:

— Энди сен билан ўртоқ бўлиб қолдик. Керак бўлиб қолсам чақиртирарсан,— деб бир тола сочидан, мушкулнингга яраб қолар деб, одам еса мева ёки жонивор-

га айлантириб қўядиган мевалардан бир-иккита берибди.

— Буни чап томонингга сол. Бошингга мушкул иш тушса, балиққа айланасан, бунисини ўнг ёнингга сол. Олиб есанг, асл ҳолингга келасан. Эҳтиёт бўл, адаштириб юборма. Нимага айланган бўлсанг, шундайлигингча қолиб кетма тагин,— деб роса тайинлабди. Париларнинг ўзларини китоблари бўларкан. Уни ичида дунёда нималар бўляпти, ким қаерда юрибди — билиш мумкин экан. Шуни ҳам совға қилибди. Кейин қучоқлашиб хайрлашиб, ажралишибди.

Дулдул кўниб, боласини Гулбаданга топширибди. Гулбадан парилар подшосига раҳматлар айтиб, тойига минибди. От қирқ газ қанотини чиқариб, осмону фалакка кўтарилибди. Булутлар орасида учиб кетаверибди. Бир ерга келганда Гулбаданга: «Пастга қара!» — дебди оти. Гулбадан қараса, айқаш-уйқаш бўлиб, бир-бирига чирмашиб ётган илонларни кўрибди. Гулбадан: «Бу нимади?» — деган экан, оти: «Аждаҳони ўлдирган одам шу ердан ўтади, деб илонлар пойлаб ётибди», — дебди. Яна бир жойдан ўтаётганда: «Пастга қара», — дебди оти. Гулбадан қараган экан, ер тепасида кўпданкўп жодугарлар, сўхгарлар учиб юрган эмиш. «Булар ким?» — деб сўраган экан, оти: «Булар сен ўлдирган жодугарнинг одамлари, сен ўтсанг, тутиб олио еймиз, деб пойлаб юришибди», — дебди.

Гулбадан қайтиб келаётиб, Таркистон шаҳзодасининг гапи эсига тушиб, пари берган китобни очиб қарабди. Қараса, ер ости подшоси ўз жойида ухлаб ётганмиш. Оғзидан бир каптар чиқиб, яна бирпасдан кейин кирармиш. Гулбадан: «Кел, шу ер остига тушиб, узукни олай-да, шаҳзодага берай, савоб бўлар», — дебди. Пари берган нарсадан ебди. Илонга айланиб, отини ташқарида қолдирибди-да, бир кавакдан вишиллаб ер остига тушибди. Қараса, ер ости подшоси оғзини очиб ухлаб ётган эмиш. Бир каптар оғзига кириб, чиқиб турган эмиш. Пойлоқчилар ҳам мудраб, жой-жойида қотиб турган эмиш.

Гулбадан аста-аста бориб, тезлик билан ҳалиги каптарни ушлаб олибди. Ер ости подшоси кўзини шокосадай-шокосадай очиб, алланима дебди. Гулбадан яқинроқ келиб қулоқ солса, «жонимни бер, айтганингни бажону дил бажараман», деяётганмиш. Гулбадан, «алдамаяпсанми», дебди. «Йўқ, алдасам душманга ем бўлай», дебди подшо. Гулбадан каптарни қўйиб юборган

экан, у подшонинг ичига кирибди. Подшо тирилик: «Тила тилагингни»,—дебди. Гулбадан: «Узукни бер»,—дебди. Подшо аввалига, йўқ, бермайман, дебди, кейин ваъдаси эсига тушиб, ноилож берибди. Гулбадан узукни олиб, ташқарига чиқибди. Пари берган мевани еб ўз ҳолига келибди-да, отига миниб йўлда давом этибди. Оти Гулбаданни барча хавф-хатардан қутқазиб, бир жойга олиб бориб, ерга қўибди. Гулбадан ён-атрофига қараса, чор-атрофни одамзод босиб ётганмиш. Туя минган, фил минган, от, эшак, хўкиз, хачир минганлар тўп-тўп бўлиб кимлар биландир урушиб ётганмиш. Гулбадан уларнинг биридан: «Ким ким билан урушяпти?»—деб сўраган экан, у: «Босқинчилар юртимизни босиб олмоқчи, биз уларга қарши урушяпмиз»,—дебди. Гулбадан юртига ёв босиб келганини англабди. У дарров девнинг қилини тутатган экан, дев етиб келиб: «Бошингга нима мушкул тушди?»—деб сўрабди.

— Юртимни ёв босибди. У билан басма-бас келишга ёрдамлаш, дев оға,—дебди қиз. Дев иниларини чақирибди. Бир томондан Гулбадан от сурибди. Иккинчи томондан девлар қийқирганича душманга ташланишибди. Шу пайт душман билан олишаётган шаҳзода қараса, девларнинг ўнг томонида бир йигит ҳам жон олиб, жон бериб жанг қилаётган эмиш. Шаҳзода отини суриб, Гулбаданга яқинлашибди-да: «Отангга раҳмат, иним!»—дебди. Жанг бўлгандан бўлибди. Одам бошлари кўринган жойда тошдай думалайверибди. Қон дарё бўлиб оқибди. Гулбаданларнинг қўли баланд келиб, душманлар келган томонига тумтарақай қочиб қолишибди.

Гулбадан девларга қараб: «Керак бўлсанглар яна йўқлатаман»,—деб чин дилдан раҳматлар айтиб, жўнатиб юборибди. Шаҳзода Гулбаданни етаклаб отасининг олдига, саройга бошлаб борибди. Отаси: «Хайрият, душманни қувлаб, соғ-омон қолибсан. Юртингни сақлаб қолибсан. Бу ким, болам?»—дебди. Шунда Шаҳзода:

— Ота, бир мен эмас, манави ёнимдаги йигит ҳам бошлаб душманнинг жазосини берди. Сенинг душманинг билан у мандан ҳам кўпроқ шердай олишди. У бўлмаганда мен душманни енга олмаган бўлардим. Унга бошдан-оёқ сарпо қилсанг арзийди,—дебди. Шунда подшо:

— Менинг душманним билан олишиб, уни енгилда сенга ёрдамлашган экан, бу йигитга бошдан-оёқ сарпо эмас, боши бўйи олтин бераман!—дебди. Гулбадан:

— Шохим, менга олтинларингиз керак эмас, шаҳзо-

да айтганидек, бошдан-оёқ кийим-бош берсангиз бўлгани,— дебди.

Подшо:

— Болам, қаердансан, насл-насабинг ким?— деб сўрабди.

Гулбадан: «Сўрамасангиз айтмас эдим. Сўрадингиз, энди айтай»,— деб ота-онаси кимлигини, қаерда яшашлигини билдириб, бошидан теллагини олибди. Гулбаданнинг қирқ кокили тақимига тушибди. Унинг ҳусни-жамолини кўрган шаҳзода ҳушидан кетиб, йиқилибди. Сув сепиб уни ўзига келтиришибди. Гулбаданга қараб:

— Менга ёр бўлсангиз!— дебди. Подшо ҳам:

— Болам тўғри айтади. Унга суюкли ёр, менга ардоқли қиз бўлинг. Мен қаридим, бирингиз подшоҳ, бирингиз вазир бўлиб, юртни сўранглар. Душман бос-тириб келса, икковингиз икки баҳодирга айланиб, уни олдиларингга солиб қувинглар,— дебди.

Шаҳзоданинг қадди-қомати, ақл-фаросати, жангда жасоратлар кўрсатганлигини кўриб, Гулбаданнинг ҳам юрагидан урган экан.

Гулбадан бошини сал қимирлатиб, шаҳзода билан подшога жавоб қилгандай бўлибди. Шаҳзода билан подшо ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, тўй-томошани бошлаб юборишибди.

Шаҳзода билан Гулбаданнинг тўйи қирқ кечаю қирқ кундуз давом этибди. Шаҳзода подшо, Гулбадан унинг доно вазири бўлибди. Ҳар иккови эл-юртни адолат билан сўрашибди.

Шу-шу Гулбадан отасига раҳмат келтирган қиз номи-ни олибди.



**Ж**уда қадим ўтган замонда, қибла томонда бир подшолик бўлган экан. Бу подшолик подшо-синиқ донғи Доғистон кетиб, шуҳрати Рустамхонни йиқитса ҳам, фарзандсизлик доғида куйган экан. Негаки, бир-биридан чиройли учта хотини бўлсаям, улар туғмаган экан. Подшо ҳар доим: «Худо таоло ўғилмиқизми — бир фарзанд берса, элга тўй берсам, подшолигимни тоширсам», деб юраркан. Кунлардан кун ўтаверибди, ойлардан ой ўтаверибди. Подшо бёфарзандлик доғида ўртангандан ўртанаверибди.

Бир кун подшо подшоликка юрт сўрагани кетибди. Хотинлари уйда қолишибди. Бир пайт кўчадан: «Ё ҳақ дўст, ё олло!, Ё ҳақ дўст, ё олло!» деган овоз келибди. Подшонинг катта хотини хизматкорига, «бир нарса чиқариб бериб, гадойни хурсанд қил», дебди.

Хизматкор бир чеккаси куйган нон олиб чиқиб берибди. «Нонингнинг нега бир чеккаси куйган?» деб сўрабди қаландар. «Уни бекамдан сўра», дебди хизматкор. Эшик орқасида турган подшонинг катта хотини, «куйгандан», деб юборганини ўзи сезмай қолибди. Қаландар: «Нима талабинг бор?» деб сўради. Хотин: «Фарзанд талабим бор», дебди. «Фарзанд топасан», дебди-да, қаландар унга бир анор берибди.

Кеч кириб, тонг отибди. Подшонинг ўртанча хотини уйда ўлтирса, кўчадан: «Ё ҳақ дўст, ё олло!», «Ё ҳақ дўст, ё олло!» деган овоз келибди. Ўртанча хотин хизматкорини чақириб, «гадойни хурсанд қил», дебди. Хизматкор бир чеккаси куйган нон олиб чиқиб берган экан, қаландар: «Нега олиб чиққан нонингнинг бир чети куйган?» деб сўрабди. «Сабабини бекамдан сўра», деб жавоб берибди хизматкор. Шу пайт эшик орқасида турган подшонинг ўртанча хотини, «куйгандан», деб юборибди. Қаландар: «Нима талабинг бор?» деб сўрабди. Хотин: «Фарзанд талабим бор!» деб жавоб берибди. «Фарзанд кўрасан!» деб қаландар унга бир олма берибди.

Кеч кириб, тонг отибди. Подшонинг энг кенжа хотини уйда ўлтирса, кўчадан: «Ё ҳақ дўст, ё олло, ё ҳақ дўст, ё олло!» деган овоз эшитилибди. Кенжа хотин хизматкорини чақириб, «гадойни хурсанд қил», дебди. Хизматкор бир чеккаси куйган нон олиб чиқиб берган экан, қаландар: «Нега нонингнинг бир чети куюк?» деб сўрабди. Сабабини бекамдан сўра», деб жавоб берибди хизматкор. Эшк орқасида турган кенжа хотин,

«куйгандан,» дебди. Қаландар: «Нимага талабгорсан?» деб сўрабди. Хотин: «Фарзанд талабим бор» дебди. Қаландар: «Фарзанд топасан!» деб унга бир беҳи берибди. Шу пайт подшо кириб қолибди. Қаландарнинг хотинларига биттадан анор, олма, беҳи бериб, фарзанд кўриш-ликларини айтганини эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлибди. Қаландар:

— Шошма, подшоҳим, хурсанд бўлишга вақт эрта,— дебди.— Учта хотинингнинг фарзандларидан бирови меники бўлади. Подшо: «Учаласи туғса, иккитаси менга бўлади-ку», деб ўйлаб:

— Майли, бирови сеники бўла қолсин!— дебди. Қаландар шундай деб: «Ё ҳақ дўст, ё олло, ё ҳақ дўст, ё олло!» деганича кўздан ғойиб бўлибди. Подшо хотинларининг ой-кунлари етиб, уч хотин уч кунда кетма-кет ўғил туғибди. Катта хотин ўғлининг отини Одилжон қўйибди. Уртанча хотин ўғлининг отини Олимжон қўйибди. Кенжа хотини ўғлининг отини Хурсанжон қўйибди. Кунлардан кун ўтибди, ойлардан ой ўтибди.

Бир куни кўчадан: «Ё ҳақ дўст, ё олло, ё ҳақ дўст, ё олло!» деган овоз келибди. Хизматкорлар чиқиб қарашса, эшик олдида ўша қаландар турган эмиш. Подшо қаландарни унга олиб кириб, росаям меҳмон қилибди. Кейин қаландардан гап сўраган экан, у:

— Фарзандлариндан бировини олгани келдим,— дебди. Подшо қаландарни кўндирмоқчи бўлиб у дебди, бу дебди. Подшолигимдан нима истасанг ол, дебди. Бўйинг барабар олгани берай, хоҳласанг, дебди. Қаландар кўнмай, болаларингдан бировини олиб кетаман, деб ўз сўзида туриб олибди.

Подшо қаландарни кўндира олмаслигига ақли етиб, катта хотинининг олдига кирибди-да, унга:

— Болангни қаландарга бер,— дебди. Катта хотини боласини қаландарга асло-асло бермаслигини айтибди. Подшо ўртанча хотинининг олдига бориб, унга: «Болангни қаландарга берасан!» дебди. Уртанча хотини:

— Улсам ўламанки, боламни қаландарга бермайман,— дебди. Шундай қилиб десангиз, ўртанча хотин ҳам боласини қаландарга бермабди. Подшонинг боши қотиб, нима қилишини билмай, кенжа хотинининг олдига кирибди. Унга:

— Болангни қаландарга берасан,— дебди. Кенжа хотин йиғлаб-йиғлаб, ўғли Хурсанжонни қаландарга беришга мажбур бўлибди. Қаландар Хурсанжонни етаклаб йўлга равона бўлибди. Хурсанжон ёш бола

эмасми, йўлда нима — тошми, суякми, ёғочми — тепиб ўйнаб кетаверибди. Бир пайт бир бош суякни тепиб ўтиб кетган экан, суяк тилга кириб:

— Ҳой, Хурсанжон, мени тепма, мен эдим сенингдай, сенам бўларсан менингдай,— дебди. Шу пайт қаландар дам олгани бир тўнкага ўлтириб пинакка кетибди. Хурсанжон аста суякнинг олдига бориб, унга қараб:

— Боя нима дединг?— дебди. Суяк яна тилга кириб:

— Мени тепма, мен эдим сенингдай, сенам бўларсан менингдай, дедим. Ҳай, бола, энди гапимга яхшилаб қулоқ сол: сени анави қаландар уйига олиб боради-да, қирқ қулоқлик қозоннинг атрофидан айлан, дейди. Шунда сен, олдин сиз айланиб кўрсатиб беринг, кейин мен айланаман, дейсан. Қаландар қозон атрофида айлана бошлайди, шунда сен бор кучингни билагинга йиғиб, уни қозонга итариб юбор. Шуни бажаролсанг, омон қолиб, мақсадингга етасан. Бўлмаса, қирқ қулоқлик қозонда доғ бўлиб турган ёққа тушиб, қовурилиб, менинг аҳволимга тушасан,— дебди. Хурсанжон бош суякка раҳмат айтиб, уни кўмиб, қаландарнинг олдига бориб, ҳеч нима бўлмагандай ўлтираверибди. Қаландар уйғониб, Хурсанжонни етаклаб яна йўлга равона бўлибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам оз эмас, мўл юриб бир жойга етиб боришибди. Бир уйда қаватма-қават хоналар эмиш. Хурсанжон қараса, бир томонда қирқ хона эмиш. Қирқ хонада қирқ қиз эмиш. Иккинчи томонда қирқ хона эмиш, уларда қирқ бола эмиш. Ҳаммаси ўзига ўхшаган эмиш. Қаландар Хурсанжонни етаклагандан-етақлаб бир хона олдига келиб тўхтабди. Эшикни очиб: «Қиринг, болам», дебди у. Хурсанжон ичкари кирса, қирқ қулоқлик қозонда ёғ доғ бўлиб турган эмиш. «Йўлдаги бош суяк айтган қозон шу. Ҳушёр бўл, Хурсанжон», деб қўйибди ичида бола. Қаландар:

— Болам, қозон атрофидан қўшиқ айтиб айланиб ўтинг, ёғ доғ бўлдими-йўқми, билинг,— дебди. Шунда Хурсанжон:

— Отажон, уста кўрмаган шогирд ҳар муқомга йўрғалар, деган гап бор. Мен уста кўрмаган ёш бола бўлсам. Олдин сиз кўрсатиб беринг, кейин мен сизга эргашиб, ёғ яхши доғ бўлган-бўлмаганини айтиб берай,— дебди.

Қаландар, шу ҳам қийин бўлибдими, деганича қирқ қулоқлик қозон атрофида, «қозонда ёғ доғ бўлдими, унга тушган соғ қолдими», деганича қўшиқ айтиб айлана бошлабди. Хурсанжон бор кучини билагига йиғиб:

«Ё пирим!» деб қаландарни қозондаги ёққа итариб юборибди. Яқинроқ бориб қараса, қаландар ёғнинг ичида тиржайиб кулиб ётган эмиш. «Ҳали ўлмабдида», деб бешликда туртган экан: «Ўлганга тош отма, кўрмайсанми, ёғнинг ичида қовурилиб ётибди», деган овоз келибди.

Хурсанжон қаландарнинг ўлганига ишониб, ташқарига чиқибди. Уёқ-буёққа қараган экан, кўзи устунлардан биридаги бир тўп калитларга тушибди. Хоналарни бирма-бир очаверибди. Хоналардан: «Мен ориқ, анави семиз, мен ориқ, анави семиз, олдин уни енг, олдин уни енг!» деган овозлар келармиш. Одамлар бир-бирларини итариб-суриб хонанинг тўрига қочармиш.

Хурсанжон қирқ уйдаги қизларни, қирқ уйдаги болаларни озод қилиб: «Энди озод бўлдинглар. Ҳеч ким ҳеч кимни емайди, уй-уйларингга кетаверинглар», дебди. Ҳамма уй-уйига тарқаб кетибди. Хурсанжон хурсанд бўлиб, қирқ биринчи хонани очибди. Қирқ биринчи хонага кирса, бир тулпор, бир бургут, яна бир олапар ит турган эмиш. Уларнинг ҳаммаси кишанга солинган эмиш. Итнинг олдида беда, отнинг олдида гўшт, бургутнинг олдида қуруқ суяк ётган эмиш. Хурсанжон ҳаммасини кишандан озод қилиб, бедаларни отнинг олдида, гўштни олапар итнинг олдида, бургутнинг олдида ҳам емиш қўйиб, уларни боқиб, парваришлабди. Кейин уларга жалоб берибди. От, олапар ит, бургут раҳматлар айтишиб, от ёлдан бир-икки қил, ит жунидан бир-икки тола, бургут патидан бир-иккита юлиб бериб, керак бўлиб қолсак чақиртирарсиз, дея жўнаб кетишибди. Хурсанжон қаёққа борарини билолмай, боши оққан томонга кетаверибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам озгина эмас, мўлгина юрибди. Юриб-юриб бир жойнинг устидан чиқиб қолибди. Бу жойни Эрам боғ дейишаркан. Эрам боғ шундай жой эканки, ёз бўлиб қиш бўлмас, иссиқ бўлиб совуқ бўлмас экан. Дарахтларида ҳаммавақт мева-чевалар фарқ пишган, алвон-алвон гуллари очилган, булбуллари чах-чах отган, ариқларида шарбат оққан, тилла ҳовузларида сутлар тўлган, киши кўрса ҳайрон бўлиб, ёқасини ушлаган жой экан. Одамлари ҳам ёқимли, бир-бири билан ҳечам уришмаган, ҳеч нарсани талашмаган, бир-бирлари билан аҳил бўлиб, бири иккинчисини сизлаган, олдингиздан бесалом ўтмайдиган кишилар экан. Хурсанжон: «Қаерга келиб қолдим, энди қаерга бораман», деб ўйлаб ўйига етолмай турган экан, кўзи бир боққа тушибди.





ди. «Шу ерга борай, қани кимнинг боғи экан?» деб аста-секин юриб боққа борибди. Борса олти қаватли пахса девор билан ўралган қўрғон эмиш. Дарвозалари темирдан, пештоқлари ёқутдан эмиш. Одам кирадиган бирон-бир белги йўқ эмиш. Хурсанжон дарвоза олдида анқайиб турган экан, қибла томондап от-араваларда бир тўда қизлар қиқирлаб кулиб келиб, дарвоза олдида тўхташибди. Хурсанжон ўзини дарахт панасига олибди. Шунда қизлардан бири — ўн еттига кирган, кўкраклари чапазак олмадай тош қотган, кўзлари сузилиб чақнаган, оғиз-лаби пистани уялтирган, қошлари билан киприклари тутшиб бир-бирини хижолатга қўйган, ўзим, деганича нозу карашма билан дарвозага қараб:

— Эй, дарвоза, очил, ахир, мен келдим-ку?!— дебди. Бирдан дарвоза шарақлаб очилиб кетибди. Қизларнинг ортидан Хурсанжон ҳам сездирмай аста боғнинг ичига кириб олибди. Қизлар ҳовуз бўйидаги супаларга солинган гиламу кўрпачаларга чиқиб, бирпасда ўйин-кулги бошлаб юборишибди. Боғбон чол дастурхонларни мевачеваларга бостириб ташлабди. Гулзордаги гуллар остидан бекиниб олиб: «Энди нима бўларкин?» деб ўйланиб турган Хурсанжон қизлар айтган қўшиқдан масту аласт бўлиб, уйқуга кетибди. Шу ухлаганича ухлаб туриб бўлиб, тонг отганини ҳам билмай қолибди. Эрталаб: «Энди нима қилсам экан, қаёққа борсам экан? Қорин ҳам очди?» деб боши қотиб, ақли шошиб турган экан, бир оқсоч кампир келиб қолибди-да, унга қараб:

— Болам, уйғондингизми?— дебди. Хурсанжон:

— Ассалому алайкум, онажон,— деб салом берибди.

— Туринг, болам, қорнингиз ҳам очгандир, уйга кириб чой ичиб олинг,— дебди кампир. Кейин:— Уйда чолим бор. У — шу боғнинг боғбони. Боғ эса, подшоҳимизнинг қизларига тегишли. Бу боққа бегона одам ҳечам йўламайди. Мабодо йўласа, боши танасидан жудо қилинади. Подшоҳимизнинг ҳукмлари шундай. Ҳозирча уйга юринг-да, чой ичиб, тезда бу ердан чиқиб кетинг, болам: бугун подшоҳимизнинг ўртанча қизлари келади-ган кун,— дебди. Хурсанжон:

— Эрингиз-чи? Эрингиз мени олдиларига солиб ҳайдамайдиларми?— деб сўрабди.

— Ҳайдаганда қандоқ. Ҳозирнинг ўзида олдиларига солиб қувадилар ё калтак билан савалаб, ҳайдаб чиқарадилар. Аммо у киши урсалар ҳам, сўксалар ҳам сиз индамай, ҳеч нарса бўлмагандай бошингизни эгиб қў-

лингизни қовуштириб туравериш,— кампир шундай деб уйнинг ичига кириб кетибди. Орқасидан эргашиб Хурсанжон ҳам кирибди. Уни кўрган боғбон чолнинг жони ҳалқумига келибди.

— Кимни эргаштириб келдинг? Ҳали замон малика келиб, бу болани кўрса, унга қўшиб иккаламизни ҳам дорга торттиради-ку?— деб кампирини, кейин болани сўка кетибди. Боғбоннинг хотини:

— Бу бола боққа адашиб кириб қолибди. Ҳадеб уришиб-сўкавермай, чой-нон қилайлик-да, аста чиқариб юборсак ҳеч ким билмас,— дебди. Кампирнинг гапи чолига маъқул бўлиб, Хурсанжоннинг олдига нон-чай қўйиб, меҳмон қилибди. Кейин:

— Қаердан келдинг, кимнинг ўғлисан, буёқларда нима қилиб юрибсан?— деб гап сўрабди. Хурсанжон бошидан ўтган-кетганларни ҳеч қолдирмай айтиб берибди. Боланинг гапига берилиб кетиб, боғбон билан кампир подшонинг ўртанча қизи келадиган вақтни эсдан чиқариб қўйишибди. Бир пайт шовқин-сурон кўтариб қирқ канизаги билан подшонинг ўртанча қизи кириб қолибди. Боғбон чол Хурсанжонни олиб чиқиб гуллар орасига яшириб қўйибди. Подшонинг ўртанча қизи канизлари билан боғда қилмаган иши қолмабди. Ашула айтиб, ўйинга тушишибди. «Оқ теракми-кўк терак» ўйнашиб — ўйнамаган қиз қолмабди. Бирови эркак бўлибди, бошқалари қиз бўлибди, эр-хотин эр-хотин бўлишиб, бир-бировига қараб алёр айтишибди. Кеч бўлиб, гира-шира қоронғи тушгач, ўрдага жўнаб кетишибди. Хурсанжон қизларнинг ҳамма ўйин-кулгиларини гул тагида ётган жойида тоза томоша қилиб кўриб олибди. Қизлар кетишгач, боғбон чол Хурсанжонни имлаб чақириб:

— Энди, боққа қандай кирган бўлсанг, шундай чиқиб кет, тагин подшоликдагилардан бирови кўриб қолиб, ҳаммамизнинг теримизга сомон тикмасин,— дебди. Хурсанжон кетмоқчи бўлиб тараддудга тушган экан, кампирнинг унга раҳми келибди.

— Қўйинг, ҳайдаманг. Ҳозир қаерга ҳам борарди. Кеч бўлиб қолди. Бугун шу ерда ётсин-да, эрталаб азонда боғдан чиқиб кетсин,— дебди. Кампирнинг гапи чолга маъқул тушибди-да:

— Майли, бугун бу ерда тунай қол. Лекин эрталаб азонда чиқиб кет. Йўқса ҳаммамизнинг бошимизни балога қўясан,— дебди. Кейин учовлон гаплашиб ўлтиришибди. Хулқ-атворими, гап-сўзлари бўлибми, Хурсан-

жон чолга ҳам ёқиб қолибди. Эрталаб азонда йўлга тушмоқчи бўлиб турган экан, боғбон чол:

— Болам, ҳозир қаерга ҳам борардинг, ота-онанг узоқда, юртинг олисда бўлса. Яхшиси қола қол, икки-уч кун дам олиб, чарчоғингни чиқариб, кейин кетарсан,— дебди. Хурсанжон:

— Сизларни қийнаб қўймайманми? Тағин бошларингга мушкул иш тушириб қўймайин. Яхшиси, кенжа қолай, ота,— дебди. Чол билан кампир унга жавоб беришмабди. Хурсанжон қолибди. Бир пайт икки опасидан ҳам қаттиқроқ шовқин-сурон билан қирқ канизини эргаштириб, подшонинг кенжа қизи келиб қолибди. Қадди-қомат, ҳусн-жамолда кенжа қиз иккала опасидан минг чандон ортиқ эмиш. Ҳуснини кўрган гул хижолатда эмиш, сарвқоматидан сарвнинг ўзи ҳам ҳайратда эмиш. Овозига булбуллар қойил қолиб, жимгина қулоқ солишармиш. Қизни кўрган Хурсанжон унга ошиқу беқарор бўлиб, бекинган жойида ҳушидан кетибди. Қиз ҳам уни кўриб, бирпасда ошиқу беқарор бўлибди. Кун ботиб, кеч киргач, малика ноилож ўрдага қайтиб кетибди. Аммо-лекин ишқ деган бало унга тинчлик бермай қўйибди. Ҳадеб Хурсанжонни кўргиси келаверибди-келаверибди. Энди гапни буюқдан эшиттинг.

Хурсаннинг гул тагида беҳуш ҳолда ётганини кўриб, боғбон чол унинг юзига сув сеппиб ўзинга келтирибди-да, уйига олиб кирибди. Хурсанжон эрталаб ўзига келиб, ота гап сўраса, сир бой бермай:

— Шундай, ўзим, бошим айланиб, кўзим тиниб, ҳушимдан кетиб қолганимни билмай қолибман. Раҳмат, отажон, ўзимга келтирибсиз,— деб қўя қолибди. Кейин гулларга қараб, чол-кампирнинг уй-юмушларини қилиб келаверибди. Хурсанжоннинг тўғрилиги, хизматни жойига қўйишини кўриб, чол билан кампир уни янаям ёқтириб қолишибди. Кундан кун ўтибди, ойдан ой ўтибди. Бир куни боғбон чол Хурсанжонга қараб:

— Болам, шу йил бир қовун экиб, подшоҳимизни кизлари билан қовун сайлига чақирсак,— дебди. Бу гапдан Хурсанжон хурсанд бўлиб:

— Бўпти, ота, айтганингиз бўлади. Менга бир кетмон, бир қумғон, беш-олтита нон берсангиз. Мен Тошбулоқ тошига қовун экиб, парваришлаб, пиширсам-да, кейин подшога хабар берсангиз,— дебди. Боғбон чол:

— Бир ўзингга қийин бўлар. Мен ҳам бирга бориб сенга карашиб юборай,— дебди. Хурсанжон:

— Йўқ, ота. Мен бир ўзим қовунни экаман, пишгач,

сизга хабар юбораман, сиз бўлсангиз, подшоликка хабар қиласиз,— дебди-да, кетмонни елкасига солиб, нонни белига тугиб, йўлга равона бўлибди. Тошбулоқ чўлига бориб, ҳамёнидаги қил, юнг, патни олиб тутатибди. Шу пайт тулпор оту кўппак иту бургут қуш пайдо бўлишиб:

— Хўш, бошинга не кулфат тушди, тез айт, бажо келтирамиз!— дейишибди баб-бараварига. Шунда Хурсанжон улар билан сўрашиб, омон-эсонлик тилашиб, кейин:

— Ошналар, шу тошлоқда қовун униб, подшо қизлари билан қовун сайлига келишини истайман,— дебди. Иту от, қийғир:

— Айтганинг бўлади, шу жойда ҳозирнинг ўзида қовун пишиб, подшо қизлари билан қовун сайлига келади,— дейишибди. Хурсанжон қараб турса, тошлоқда бир қовун полиз пайдо бўлибдики, уларда ёйилиб ётган палакларда ҳар бири болиш ёстиқдай, ўғирдай қовун-тарвузлар пишиб, банд бериб ётган эмиш. Хурсанжон ошналарига жавоб бериб юбориб, чол билан кампирга хабар етказгани жўнабди. Бориб боғбон отасига:

— Ота, подшога хабар қилаверинг. Қовун пишди, қовун сайлига келаверишсин,— дебди. Чол-кампир Хурсанжоннинг сўзига ишонмай, Тошбулоқ сойига келишибди. Қарашса, Тошбулоқ сойида полиз пайдо бўлиб, қовун фарқ пишиб ётган эмиш. Чол билан кампир хурсанд бўлишиб, Хурсанжонни бағриларига босиб, ўпиб-ўпиб олишибди. Боғбон чол, подшога хабар берай, қизлари билан келиб, қовун сайил қилиб кетсин, деб подшоликка қараб чопибди. Кампир ер супуриб, сув сепиб, кўрпача солиб, жой ҳозирлаб, овқатга уннаб кетибди.

Бир пайт подшо қизлари билан тилла соябонли арваларга тушиб, шовқин-сурон, қийқириқ-чийқириқ билан етиб келгач, қовунларни кўриб жудаям хурсанд бўлиб кетишибди. Айниқса, кенжа малика Хурсанжонни кўриб, шунақаям суюниб кетибдики, нуқул қиқирлармини, ўзини қўярга жой тополмасмиш. Хурсанжонга қараб боғбон:

— Болам, пишган қовунларингиздан олиб чиқиб, шохимиз билан қизларини хурсанд қилинг,— дебди. Хурсанжон, хўп, ота, дегандай имо билан қўлини кўксига қўйиб, полиз оралаб кетибди. Подшо:

— Бу бегона бола ким? Нега бу ерда юрибди? Ҳайдаб юбор,— деб буюрибди. Лекин боғбон:

— Ахир, у қаролим. Кеча бозордан сотиб олдим. Ўзингиз кўрдингиз-ку, соқов, гаранг, Ҳеч нима билан иши йўқ,— дебди. Бу гапдан подшо таскин топиб, Хурсанжонга эътибор бермай қўйибди. Бир пайт бола учта қовун олиб чиқиб, подшонинг олдига аста қўйибди. Подшо қовунлардан бирини олиб, катта қизига бериб:

— Қани, оппоқ қизим, қовунни сўй-чи, ширинмикин?— дебди. Подшонинг катта қизи сўйган қовун ичи тушган, пишнб ўтиб кетган эмиш. Подшо ҳеч нима демасдан лабини тишлаб қўйибди. Кейин ўртанча қизини олдига чақириб, қовундан бирини бериб:

— Қани, дўндиқ қизим, қовунни сўй-чи, ширинмикин?— дебди. Подшонинг ўртанча қизи қовунни сўйган экан, уруғи кўчган, сал ўтган эмиш. Подшо ҳеч кимга ҳеч нима демасдан тишини-тишига босганча кенжа қизини ёнига чақирибди, қолган қовунни бериб:

— Қани, ширмон қизим, мана бу қовунни сўй-чи, тобидамикин,— дебди. Кенжа қиз қувона-қувона, қовунни искаб-искаб, сўнг пичоқ тортибди. Тортар-тортмас у «қарс» этиб ёрилиб кетибди. Подшонинг қизи суюнганидан «урра» деб юборибди. Ниҳоят, подшонинг чеҳраси ёришиб, мийиғида кулиб қўйибди.

Қовун сайлини ўтказиб, подшо қизларини олиб, ўрдага қайтибди. Кенжа малика орқага қарай-қарай эўрга йўлга тушибди.

Подшо ўрдага қайтгач, вазирини чақиртириб, қовун сайлида бўлган воқеани айтиб берибди-да, сабабини сўрабди.

— Сабаби шуки, шоҳим, катта қизингиз балоғатга етиб ўтиб кетгани учун ҳам қовун келтирган соқов: «Шунчаликка боргунча эрга бермай ушлаб турибсанми», деган гапни айтибди. Қизингизни эртадан қолдирмай куёвга узатинг,— дебди вазир.— Ўртанча қизингиз ҳам бўйга етиб, эрга тегадиган пайти сал ўтган. Шунинг учун унинг қовунининг уруғи кўчнб, пича вақти ўтиб қолган. Уни ҳам тезроқ куёвга узатмасангиз бўлмайди. Кенжа қизингизнинг қовуни пичоқ тегиши билан тарсиллаб ёрилиб кетганининг боиси унинг ҳозир авжи етилганини кўрсатади. Бу қизингизни ҳам куёвга узатмасангиз, у ҳам икки қизингиз сингари ўтиб қолади,— дебди. Подшо боғбоннинг соқов қаролига ичида қойил қолибди. Вазирга қараб:

— Тўғри айтдинг, қизларимни тезроқ узатмасам бўлмайди,— дебди. Кейин шундай деб фармон чиқарибди: «Подшоҳимиз қизларини куёвга узатадиган бўлди-

лар. Учала қизлари қўлларига биттадан олма олиб, равоқ тагида турадилар. Мамлакатнинг ўн беш ёшидан олтмиш ёшигача бўлган барча эркак шу равоқ тагидан бирма-бир ўтиши лозим. Маликалар ёқтирган йигитларига қараб қўлларидаги олмани отадилар. Шу олмани илиб олган киши маликанинг куёви деб эълон этилади».

Эълонни ўқиган киши борки, ноумид шайтон, деб равоқ тагидан ўта бошлабди. Равоқ остидан болалар, ҳатто ўзларига оро бериб ясан-тусан билан чоллар ўтибди. Шу куннинг ўзидаёқ подшонинг катта ва ўртанча қизи олмасини отиб, ўзларига эр таялаб олишибди. Лекин подшонинг кенжа қизи қўлидаги олмасини ҳеч кимга отмабди. Етти кечаю етти кундуз равоқ остидан одам ўтса ҳам, кенжа қиз олмасини отмабди. Подшонинг жаҳли чиқиб, вазирга ёпиша кетибди:

— Сен бу қизимни ҳам бўйга етганга чиқардинг. Ҳали у ёш эди. Мана, шунча кун ўтсаям қўлидаги олмасини ҳеч кимга отмапти,— дебди. Шунда доно вазири:

— Шоҳим, унчалик шошилманг. Мамлакатнинг чор тарафига одам юбортиринг, балким янтоқ-пантоқнинг тагида бирон-бир карми, соқовми, калми сақланиб қолгандир,— дебди. Подшо:

— Шундай оймисан-ой, кунмисан-кун кенжамни кал, кўр ё соқовга тенг кўришга уялмадингми,— деб вазири-ни янада қаттиқроқ койиб берибди.

— Бир қошиқ қонимдан ўтдиғиз-ку, айтганимни қилинг-чи, бирон-бир яхшилик гап бўлар,— деб вазир ўз иши билан бўлиб кетибди. Подшо ўйлаб-ўйлаб туриб, жарчиларга:

— Мамлакатим бўйлаб изланглар, қимирлаган эркак зоти борки, равоғим остидан ўтсин,— деб фармони олий берибди. Жарчилар ҳаммаёққа: «Танасида жони бор эркак зоти бўлса, подшоҳимиз равоқи остидан ўтсин, ўтмай қолганинг боши танасидан жудо этилади!» дея жар солишибди. Яна ҳамма ўтибди: ўн ёш боладан саксонни уриб қўйган бобойларгача равоқ остидан ўтибди. Лекин кенжа қиз қўлидаги олмасини ҳеч кимга отмабди. Подшо дарғазаб бўлгандан-бўлиб:

— Подшолигимда равоқ остидан ўтмаган ким бор?— деб бақирибди.

— Ҳеч гим қолмади. Қимирлаган эркак зоти борки-ўтди, аммо ҳеч ким кенжа кизингизга ёкмади,— дейишибди. Подшо вазирига еб қўйгудек қараш қилган экан, у жарчиларга:

— Яна ахтариб кўринглар, балким бирон-бир киши бу гапдан беҳабар қолиб кетгандир,— дебди. Жарчилар яна ахтариб-ахтариб Хурсанжонни топишибди. Хурсанжон ичида жон-жон десаям олдинига кўнмаганга солибди ўзини. Боғбон отаси билан онаси:

— Бор, болам, сен ҳам бахтингни бир синаб кўр, зора малика ёқтириб қолиб, олмасини сенга отса,— дейишибди. Хурсанжон жон-жон деб подшоликка қараб жўнабди.

Шундай қилиб десангиз, Хурсанжон ҳам подшо равоқи остидан ўтадиган бўлибди: «Қани, мени танирминки, йўқмикин?» деб устига эски-туски тўн кийиб, соқол-мўйловини ўстириб, сочини ҳам узайтириб, қаландар сифат бўлиб олибди. Хурсанжон равоқ олдида кўриниши биланоқ малика қўлидаги олмани унга олиб, шодланганидан чапак чалиб юборибди. Маликани ҳам Хурсанжоннинг ишқи юрагидан олган экан-да. Уша кунни подшо бир қошиқ сув билан уларни никоҳлатиб қўйибди. Никоҳ кечасиёқ малика Хурсанжонни кўриб:

— Уша сиз-а!— дебди жудаям хурсанд бўлиб.

— Уша бизмиз!— дебди Хурсанжон ҳам энтикиб. Бирнасада иккови бир-бирига тармашиб, бир одамдай бўлиб кетишибди. Кенжа қизнинг етти кечаю етти кундуз тўхтовсиз ўтган «ман-ман» деган бойваччаларни ёқтирмай, қаёқдаги эски-туски жанда кийган, соқол-мўйлови ўсиб, одамгарчиликдан чиқиб қолган бир қаландарвешни танлаб, унга тегишга рози бўлганини кўрган подшо:

— Буларни икковини бир қошиқ сув билан никоҳландик. Энди эртадан отхона ёнидаги отбоқарлар ётадига жойга жойлаштиринглар. Анави қаландар подшоқ қизи билан яшаш қандайлигини, қизим бўлса қарол-қаландар билан қандай турмуш кечиришни кўриб қўйишин,— деб буюрибди. Кенжа қиз билан Хурсанжон бир қошиқ сув билан никоҳланиб, отхонага жойлаштирганларидан ҳечам хафа бўлишмабди. Буларнинг насибаси шу, деб ювинди-пувинди бериб туришибди. Катта қизи билан ўртанча қизини подшо қирқ кечаю қирқкундуз тўй-томоша бериб никоҳлаб, иккита шоҳона қаср қурдириб, уларга бутун умр еса адо бўлмайдиган нозу неъмат, умр бўйи кийса тугамайдиган кийим-бош, қўра-қўра қўй новвос, от улов, яроғ аслаҳа бериб, тозаям сийлабди. Подшонинг иккала куёви Хурсанжонни одам қаторида кўришмас, камситишар, ҳар кунни шоҳона либосу тулпор отларда овга кетар, аммо ови бароридан



юрмай кечқурун дарвозалари қуппа-қуруқ сўппайиб кириб келармиш-да, тагин уялмай нетмай ўзларипи базму айш-ишратга урармиш. Бора-бора ҳар иккаласи Хусанжонли калака қилиб, унинг устидан куладиган бўлишибди. Кунлардан бир куни кенжа куёв Хурсанжон ҳадеб камситишларига чидай олмай, хотинига:

— Ҳой, хотинжон, отангдан сўраб менга ҳам овга соладиган қушми, яроғ-мароғми келтириб берсанг-чи, мен ҳам поччаларинга ўхшаб овга бориб, зора қуш-пушми, сичқон-пичқонми овлаб келсам,—дебди. Малика отасининг ҳузурига бориб:

— Куёвингизга ҳам қуш-пушми, от-потми, қурол пуролми берар экансиз, овга бориб, ов отиб келармиш,—дебди. Подшо:

— Менинг ундақа куёвим йўқ, сендай қизим ҳам йўқ. Мени шарманда қилдинг,—дебди-да, ҳеч нима бермай қизини олдига солиб ҳайдабди. Малика юм-юм йиғлаб отхонага қайтибди. Хурсанжон уни юпатиб:

— Жоним, хафа бўлманг, ҳаммаси яхши бўлади,—деб уни эркалаб қўйибди. Бир пайт эр-хотин гаплашиб ўлтиришса, дарвоза тақиллаб қолибди. Чиқиб қараса, подшо одамларидан бир иккитаси бир эшак, бир таёқ, бир ола қарға олиб турган эмиш. Подшоликдан келган киши Хурсанжонга қараб:

— Манавиларни шаҳоншоҳ сизга юбордилар,—деб тагин бир хат берибди. Хатда: «Куёвимиз бўлмиш киши мана шу эшакда овга бориб, таёқ билан ўлжаларини олиб ё қарға солиб, овларини қилиб келсинлар. Овларини олдини берсин, оллоҳу акбар», деб ёзилган эмиш. Хурсанжон ҳеч нима бўлмагандай эшакни ичкарига боғлабди, таёқни эшик орқасига тираб, қарғани қафасга солиб қўйибди. Сўнгра: «Қайнотамиз бўлмиш шаҳаншоҳга юборган бу совға-саломлари учун раҳматлар деймиз. Иншооллоки, эшакларда овга бориб, қаргаларни овга солиб, таёқлари билан овни уриб, насиб қилган ўлжани олиб қайтамиз. Насиб қилса, шаҳаншоҳимизга ҳам отган овларимиздан юборамиз», деган мазмунда хат ёзиб қайнотасига бериб юборибди.

Кун кетиб, кеч кирибди. Хурсанжон хотинини ухлатиб қўйиб, аста туриб эшакка миниб, қарғани қўлига олиб, таёқни халачўп қилиб шаҳардан чиқиб кетибди. Юриб-юриб бир жойга бориб, эшакдан тушиб, уни пана бир жойга ўтга қўйиб, калтакни ерга отиб, қафасдаги қарғани дарахтга осиб, ёнидаги тутатқиларини олиб тутатибди. Бирпасда устида кийим-бош қурол

яроги билан тулпор от, олапар ит ҳамда бургут пайдо бўлиб:

— Бошингга не мушкул тушди?— дейишибди.

— Овга чиқиб, ов овласақ,— дебди Хурсанжон.

От кишнабди, олапар ҳурибди, бургут қанот қоқибди. Хурсанжон устидаги жандаларни ечиб ташлаб, от эгаридаги кийим-бошни кийиб қўлига қурол-ярогини олган ҳам эканки, осмонда ўчиб кетаётган ғозу ўрдаклар ўз-ўзидан ерга таппа-таппа қулаб тушаверибди. Олапар уни тишлаб, Хурсанжоннинг олдига уяверибди. Кечмоқчи бўлганларини эса бургут бир хамла билан қузиб чангалига олиб келаверибди. Бирпасда йигирма-ўттизта ғозу ўрдак, тулкию какликлар Хурсанжоннинг олдига уюм-уюм бўлиб кетибди! Хурсанжон тулпор, олапар ва бургутга жавоб берибди-да, эшакка овларини ортиб, таёқни халачўп қилиб, қаргани кўтариб подшоликка қайтибди. Подшо вазиру уламолари билан турган экан, кенжа куёвини бир эшак ўлжа билан кўриб ҳайрон бўлиб, ёқасини ушлабди. Катта куёвлари эса, шу кунни ҳам қуппа-қуруқ, қўлларини бурунларига тикиб қайтишган экан-да.

Кенжа малика ўрдак билан ғоздан пишириб димлабди-да, тоғаранинг бир четига икки-учта от тезагидан солиб, подшога олиб чиқибди. Подшо билан одамлар овқатни иштаҳа билан еб туришганда, тезак чиқиб қолибди. Подшо: «Буни куёвим атайлаб шундай қилган», деб ўйлаб, «Жаллод!» деб чақирибди. Шунда доно вазир:

— Шоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтинг, бунинг маъносини айтиб берай,— дебди.

— Ўтдим, айт,— дебди подшо. Вазир:

— Буни на куёвингиз, на қизингиз атайин қилмаган. Наҳот куёв ўғил ёҳуд ўз қизингиз шундай қилса?! Овқат қилаётганда тезак тушиб кетган. Ахир, улар отхонада яшашади-ку?— дебди. Вазирнинг сўзлари подшога таъсир қилиб, куёви билан қизининг гуноҳидан ўтибди. Подшонинг фармони билан кенжа қиз билан Хурсанжон хазон билан сомон сақланадиган хонага — қазноққа кўчирилибди. Кеч кириб, тонг отибди. Хурсанжон маликага кириб:

— Отамизга айтсангиз, менга ҳам от билан қурол-яроғ берсалар, овга чиқиб, ов овлаб келсам,— дебди. Кенжа малика:

— Жоним, отамдан от-улов, қурол-аслаҳа сўранг. Кеча анави эшак, олақарга ва калтак билан ҳам

шунчалик ўлжа олиб келдингиз-ку. Бугун ҳам бир иложини қиларсиз,— дебди. Хурсанжон: «Тўғри айтасан, отангдан бир иш чиқмайди», дебди-да, эшакка миниб, гавронни халачўп қилиб олақарғани қўлига олиб, овга жўнаб кетибди.

Шу пайт подшонинг катта куёвлари ҳам шоҳона кийимларда, «чу» деса шамолни қувиб ўтадиган отларда овга жўнаб кетишибди.

Хурсанжон бир жойга борганида, эшагини ўтловга қўйиб калтакни беркитиб, қарғани дарахтга қўндириб, тутатқини тутатибди. Бирпасда тулпор, олапар ва бургут етиб келиб:

— Бошингга не иш тушди?— дейишибди.

— Менга олдингдан ҳам кўпроқ ўлжа керак,— дебди Хурсанжон. От: «Мин!» деб эгилибди. Хурсанжон минибди. От уни кийик, тулки, қуён мўл-кўл жойга олиб борибди. Бу пайт Хурсанжон ўқ отар-отмасдан турли-туман қушлар таппа-таппа ерга тушаверибди. Олапар тишлаб келтираверибди, қочганини бургут қувиб, тутиб келаверибди. Бирпасда бир дунё ўлжа йиғишибди. Хурсанжон ўлжаларни эшагига ортиб, подшоликка қайтибди.

Подшо вазиру уламолари билан турган экан, кенжа куёви бир эшак ўлжа билан келиб қолибди. Подшо ҳайрон бўлибди. Шу пайт Хурсанжон подшонинг олдидан салом бериб ўтиб кетибди. Бир пайт подшонинг катта куёвлари қуп-қуруқ — мирқуруқ бўлиб етиб келиб, улар ҳам салом бериб ўтиб кетишибди. Подшо баттар хижлат бўлибди-ю, аммо уларга ҳеч нима демабди. Қеч бўлгач, кенжа малика Хурсанжон овлаб келган ўлжалардан солиб, ош дамлаб, ошнинг бир четига бешўнта сомон парчасидан ташлаб қўйибди. Подшо вазир-уламолари билан ошни маза қилиб еб ўтирган экан, бирдан олдидан беш-олтита сомон парчаси чиқиб қолибди. Подшо дарғазаб бўлиб: «Жаллод!» дебди. Вазир гап нимадалигини англаб, подшога қизи билан куёви сомонхонада яшашини эслатиб қўйибди. Подшо куёви билан қизини сомонхонадан бошқа жойга кўчириб қўйишга фармон қилибди.

Қушлар кетидан қушлар ўтибди. Бир кун Хурсанжон, бир овга бориб келсам, дебди-да, эшагини миниб, чўпини қўлига олиб, қарғани эгар қошига қўндириб ов овлагани жўнаб кетибди. Тагин бир жойга бориб, тутатқиларини тутатиб, от, ит, бургутни чақирибди-да, улар ёрдамида жуда кўп ов овлабди. Шу пайт подшонинг куёвлари ҳеч

нима отолмай қуп-қуруқ — мирқуруқ бўлиб, энди нима қилдик, деб келишаётган экан, шаҳзода кийимларда тулпор от минган, ёнида олапар ит, қўлида бургут, Хурсанжонни кўриб қолиб, олдига от чоптириб келишибди. Ўлжаларни кўриб оғизлари очилиб, қовоқлари осилиб кетибди. Куёвлар Хурсанжоннинг олдига кела солиб; «Ўлжаларингдан сот», дея ялиниб-ёлворишибди. Шунда Хурсанжон:

— Сотсам сота қолай, аммо мен пулга сотмайман, Агар жуда зарур бўлса, муҳрим бор, шуни думбаларингга босаман, кейин кераклигича ўлжамдан олиб кетаверинглар,— дебди.— Шу шартимга кўнган олдимга яқинлашаверсин,— деб қўшиб қўйибди. Катта куёв:

— Ҳар гал овдан қуруқ қайтиб шарманда бўлаяпмиз, Анави қаландар божамиз нуқул ўлжани кўп олиб боряпти. Балким ўша ҳам шу шаҳзодадан орқасига муҳр бостириб ўлжа орттираётгандир. Қим билиб ўтирибди, муҳрни бостириб ўлжаларидан олиб кета қолайлик,— дебди. Уртанча куёв унинг сўзига қўшилиб:

— Тўғри айтасиз, божа, ҳар сафар қуруқ қайтиб бизни шарманда қилдинглар, деб хотинларимиз ҳам норози. Бу гал ҳам ҳеч нима олиб бормамай, қуруқ борсак, жуда уят-ку!— дебди.

Икки божа маслаҳатни бир жойга қўйиб, Хурсанжонга розилик билдиришибди. Хурсанжон ҳар иккаласининг думбасига муҳрини босиб, кўтарганича ўлжадан берибди. Подшонинг катта куёвлари ўлжаларни отларига ортиб, хурсанд бўлишиб подшоликка жўнаб кетишибди. Хурсанжон от, ит, бургутга жавоб бериб, эшагига қолган ўлжаларни ортиб, уйига қайтибди. Подшо катта куёвларини ўлжалар билан кўриб, жуда хурсанд бўлиб ҳаммага мақтабди. Кенжа куёвини тагин унутиб қўйибди. Бундан жаҳли чиққан кенжа малика Хурсанжон овидан овқат тайёрлаб, овқатдан отасига чиқармабди.

Эрталаб тонг отибди, кун чиқибди. Қўшни мамлакат подшоси тўй қиляпти, деган хабар келибди. Шу подшо, куёвларингизни ҳам тўйга олиб келинг, деб хат юборибди. Шунда маликага қараб Хурсанжон:

— Отангизга айтсангиз, мени ҳам тўйга олиб кетсин,— дебди.

Малика отасига айтган экан, подшо хо-холаб кулиб юборибди. Кейин:

— Тўйга борса-бораверсин. Аммо мен икки куёвим билан бораман, у биз билан бормамайди. Эшагини миниб, калтагини халачўп қилиб бир чеккадан бориб, ҳеч ким

кўрмайдиган жойдан улоқни кўрса кўра қолсин,— дебди. Қенжа маллика уйга хафа бўлиб қайтибди. Гап нимадалигини эшитган Хурсанжон уни юпатибди

— Хафа бўлманг, жоним, отангиз шундай деган бўлсалар, биз ҳам эшакни минамизу калтакни халачўп қилиб, улоққа бориб совринни олиб қайтамиз-да, сизга совға қиламиз,— дебди. Хурсанжон шундай деб эшагини миниб, калтакни халачўп қилиб тўйга жўнабди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тоққа етиб борибди. Бир жилғага кириб, тутатқиларни тутатибди. Бирпасда тулпор от, олапар, бургут етиб келиб:

— Бошингга не мушкул иш тушди?— дейишибди.

— Менга шоҳона кийим-бош, тулпор от керак бўлиб қолди,— дебди Хурсанжон. Шунда от:

— Устимга мин,— дебди. Хурсанжон отга минган экан, отнинг қўлтиғидан икки газ қанот кўринибди. Устбоши шаҳзодаларниқидан ҳам ўзиб кетибди. Хурсанжон хўрсанд бўлганича тўйга жўнабди. Тўйга кетаётиб улоқнинг устидан чиқиб қолибди. Улоқ шундай катта йигин эканки, минг от уёқдан, минг от буёқдан ўзаро айқаш-уйқаш бўлиб аралашибди, чор-атрофни қий-чув овозлар босиб кетганмиш. Отларнинг ҳовури осмонга чиқиб, булут бўлиб қолаётган эмиш. Шунинг учун тўпдан улоқни олиб чиқиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаётганмиш.

Хурсанжон ўзини тўпга урибди. Тулпор ўнг томонидаги отни ўнгга, чап томонидаги отни чапга отиб, тўпга сузиб кириб борибди-да, ўнг оёғи билан улоқни босиб, кўтар, торт, дебди. Хурсанжон улоқни олган заҳоти от суриб кетибди. Ҳаммаёқни «ол-ҳа, ол-ҳа!», «ур-ҳо, ур-ҳол!» деган бақирриқ-чақирриқ тутиб кетибди. Хурсанжон улоқни шу олганидан то кечгача ҳеч кимга бермабди, ўзи олиб юраверибди. Шу ерда подшонинг катта куёвлари ҳам тўдага қиролмай, қирай деса юраклари ботинмай туришган экан.

Хурсанжон бир қўлида улоқ, яна бир қўлида ўлжасоврин билан келиб, совринни катта куёвга отиб юборибди. Буни кўриб подшонинг жаҳли чиқиб, Хурсанжоннинг отини тўхтатиб:

— Нега улоқни куёвимга қараб итқитдинг?— дебди дарғазаб бўлиб. Хурсанжон:

— Шоҳим, дарғазаб бўлманг. Бу менинг қулим-ку,— дебди.— Ишонмасангиз орқасини қаранг, унда муҳрим босилган,— дебди-да, тағин қийқириб тўда ичига кириб кетибди. Подшо нима қилишини билмай, хижолат чекиб, «куёвимнинг орқасини очиб, муҳр бор-йўқлигини аниқ-

ласаммикан, лекин бу одобдан эмас-ку?» деб ўйлаб турган экан, Хурсанжон тўдадан чиқиб, улоқда айириб олган ўлжасини олиб келиб:

— Манавини ол,— деб ўртанча куёвга қараб отибди,

Чавандоннинг бу қилигидан подшонинг баттар жаҳли чиқибди. Жаллодини чақириб, жазолай деса, бошқа подшоликда эмиш. Подшо зўрға:

— Нега бу куёвимни ҳам ҳақорат қиласан ўлжангни отиб?!— деб сўрай олибди, холос.

— Нега энди уни ҳақорат қилар эканман. Ўлжамни ушлаб тур, мен яна бориб улоқни ўртадан айириб олай, дедим, холос. Ахир, бу ўзимнинг қулим-ку!— дебди.— Уларни йўқотиб, ахтариб юрган эдим...

Подшонинг баттар жаҳли чиқиб:

— Қандай сенинг қулинг бўлади, бу менинг ўртанча куёвим-ку?!— дебди.

Хурсанжон:

— Шоҳим, ишонмасангиз орқасини очиб, думбасини кўринг, муҳрим бор,— дебди. Подшо баттар хижолат чекиб, баттар дарғазаб бўлибди. Шунда Хурсанжон:

— Шоҳим, хижолат чекманг, уйга боринг-да, қизларингиз орқали шу қуллар меникими, йўқми — билинг, Мен эрта-индун мамлакатингизга бораман. Сиз куёвларим деган кишилар, борди-ю, орқаларида нишонлари бўлмай, қулим бўлишмаса, мени жазолабсиз.— дебди-ла, ўзини улоқ чопаётган тўдага урибди. Подшо ўз мамлакатига қайтибди. Юртига келиб, қизларини қақиртирибди.

— Эртагача муҳлат,— дебди катта қизига,— эрингнинг бирон-бир жойида тамгаси бўлса, айтасан. Айтмасанг, икковингнинг ҳам каллангни олдираман.

Кейин ўртанча қизига қараб:

— Сен ҳам эртага эрталаб эрингнинг бирон-бир жойида белгиси бўлса билиб, менга айтасан. Бўлмаса, сени ҳам опангга ўхшаб жазоламан,— дебди.

Кенжа қизи: «Менда ҳам ишингиз борми?»— деб сўраган экан, подшо:

— Сени худонинг ўзи қарғаб, қаландар дарвешга тақдир этган. Сенда ишим йўқ,— дебди. Кенжа малика уйига келса, Хурсанжон ҳеч нима бўлмагандай кутиб ўтирган эмиш.

Кеч кириб, эрта бўлибди. Хурсанжон хотинига билдирмай аста уйдан чиқибди-да, бир жойга бориб, кўприкнинг тагига кириб тутатқини тутатибди. Бирпасда, от олайар, бургут етиб келиб:

— Бошинга не мушкул иш тушди?— дейишибди. Хурсанжон олапар билан бургутга, сизлар подшоликка бораверинглар, тозаям қизик иш бўлди, дебди-да, тулпорни ўзи билан қолдириб, шоҳона кийимларни кийиб, ўнг қўлига қамчин олиб, отини гижинглатганича саройга кириб борибди. Худди шу пайтда подшонинг икки қизи бирин-кетин оталарининг олдига келиб: «Отажон, эримнинг думбасида тамга бор экан», дебди.

Подшо, сенлар бир шаҳоданинг ярамас қулларига теккан экансизлар, деб кўнглидан кечирибди. «Вой ўлмасам, шармандайи-шармисор бўлдик», дейишиб қизлари ҳам ҳушларидан кетишибди. Подшо одамлари уларнинг юзларига сув сепиб, ўзларига келтиришибди. Подшо арқдан қараб турса, тулпор отини жўнатиб, ёнида кескир исфихони, бошида тилла тожи билан бир шаҳода келиб, кенжа қизиникига кириб кетибди. «Бу қандай сир?» деб ҳайрон бўлибди. Энди гапни кенжа куёвдан эшитинг.

Хурсанжон уйига кирса, хотини танимай, қўлига исфихон зулфиқор олиб:

— Кимсан, ўрнингдан тагин бир қарич жилсанг, каллангни сапчадай узаман,— дебди. Хурсанжон бошидан тилла тожли қалпоғини олган экан, малика уни таниб қолиб:

— Вой, сизмисиз, жоним?— дебди қувониб.

— Бизмиз, жоним,— дебди Хурсанжон. Иккови атиргулдай бир-бирларига ҳид таратишиб, қучоқлашиб кетишибди. Бу гапдан хабар топган подшо қизариб-бўзариб, қилган ишидан обдан хижолат чекибди, кенжа куёвидан кечирим сўраб, димоғдор куёвлари ҳам уялиб, тозаям хижолатда қолишибди. Подшо кенжа қизи билан кенжа куёвига катта қаср қурдириб, унга кўчириб олиб чиқиб, қирқ кун тўю томоша берибди. Тўйда бобон ота билан кампири, Хурсанжоннинг онаси, акалари — ҳамма келиб хизматда бўлишибди. Подшо ўз ўрнига Хурсанжонни подшо қилиб кўтарибди.

Хўп, эртагимни тугатдим, ичларимни бўшатдим. Яхшилар етди муродга, ўйламай сўзловчилар қолди уятга. Сиз билан биз ҳам ўйлаб сўзласак, етамиз муродга, қолмасмиз уятга. Эртагимнинг кети бор, етти қават эти бор, яна келсангиз айтарман, сўнг ишимга қайтарман.

## УЧ АКА-УКА БИЛАН БИР ҚИЗ

Узоқ ўтган замонда дов-дарахтлар, қушлар, қурт-қумурсқалар ҳам гаплашар экан. Дарё-тоғлар, тепа-дўнгликлар ҳам одам гапига тушунар эканлар. Шунақа замон бўлган экан-да. Ушандай бир замонда уч ака-ука бўлган экан. Улар бир-бирлари билан жуда аҳил, иноқ бўлишиб, умрларини тоғу тош, саҳро-чўлда ўтказишаркан. Нон ёпиш, ош пишириш, кир ювишни, ўтин териб, бозорга олиб бориб сотишни билишмас экан. Дарахтларнинг мевасини териб, овқат деб еб, дарё-сойларни ўзларига дўст тутиб, уларнинг сувини ичиб, балиғини овлаб еб юришаркан.

Ака-укалар шундай аҳволда ёшларини яшаб, ошларини ошаб юришаверибди. Аммо дунё-чархпалак деганларидек, бу ака-укаларнинг бошига ҳам қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган ишлар тушибди. Кунлардан бир кун улар йўлда кетишаётса, дарё қирғоғида бир соҳибжамол қиз сувга қараб йиғлаб турган эмиш. Катта ака:

— Ҳой, қиз, нега бу ерда йиғлаб ўлтирибсан?— деб сўрабди. Қиз унга бир қараб: «Бор, ишингни қил», дегандай тесқари ўгирилибди-да, яна йиғлайверибди. Катта акадан кейин навбат ўртанча акага келиб, у ҳам:

— Ҳой, қиз, нега бу ерда йиғлаб ўлтирибсан?— дебди. Қиз унга бир қараб олиб: «Бор, йўлингдан қолма», дегандай қилибди-да, йиғлашда давом этаверибди. Ўртанча акадан кейин кенжа ука қизга яқинроқ бориб:

— Ҳой, синглим, бирон-бир киши хафа қилдимми ё нарса-парсангизни йўқотдингизми, бунчалик куйиб-пишиб йиғлаяпсиз,— дебди. Қиз қайрилиб қарабди. Йигитнинг ҳусн-жамоли уни ром қилибди, қизнинг қадди-қоматию ойдай жамоли йигитни эсидан кеткизай дебди. Қиз:

— Сувга балдоғим тушиб кетди, шунга йиғлаб ўтирибман.— дебди. Бу гапни эшитиб катта ака: «Уни олиб чиқиб бўлмайди», дебди. Ўртанча ака эса: «Олиб чиқиб мумкин-у, аммо бунинг иложи йўқ-да», дебди. Шунда кенжа ука: «Ҳозир олиб чиқаман», деганича ўзини дарёга ташлабди. Болани ана чиқади, мана чиқади, деб роса кутишибди. Охири чиқавермагач: «Энди дарёда оқиб кетди, ундан айрилиб қолдик, бунга сен айбдорсан», деб ака-ука қизга ташланмоқчи бўлиб туришган экан, сув ёрилиб, бола чиқиб қолибди-да:

— Мана балдоғингиз,— деб балдоқни қизга берибди.



Қиз: «Раҳмат!» дебди. Катта ака қиздан: «Қиминг бор, ота-онанг борми?» деб сўраган экан: «Ҳеч кимим йўқ, етимчаман. Ота-онам бор эди. Қишлоғимизда бир етти бошли аждарҳо пайдо бўлиб, ҳаммани ютиб юборди. Мени ўзига хотин қилиб олмоқчи бўлиб, ўлдирмади. Шу ерга келганда: «Сен ўлтириб тур, мен ҳозир», деганича дарёга тушиб шу кетганича кетди. Мен кутиб ўлтирибман», дебди.

— Ундай бўлса биз билан кетмайсизми?— дебди кенжа ботир. Қиз шуни кутиб турган экан, дарров рози бўлибди. Шу пайт осмонни қора булут қоплаб, еру кўкни зулмат босибди. Шунда қиз:

— Беркининглар, аждарҳо келяпти,— дебди.

— Келса келар, нега энди яширинар эканмиз. Аждарҳодан қўрқадиган жойимиз йўқ,— дебди йигит. Кенжавойнинг бу гапидан қиз янада хурсанд бўлиб кетибди. Аждарҳо сувдан чиқиб, унга қараб турган баҳодирларни кўрибди-ю: «Булар кўпчилик, олдиларига борсам ўлдириб қўйишади. Вақти келса уларни бирма-бир ютиб, қизни ажратиб оларман», деб яна чиққан жойига — дарёга тушиб кетибди.

Ака-укалар қизни олиб йўлга тушишибди. Аждарҳо ҳам уларни пойлаб сувда кетаверибди. Уч ака-ука қизни олиб кетаверишибди, кетаверишибди. Охири бир жойга бориб қолишибди. Бу ер ёқиб: «Шу ерда қоламиз!» дея тўхташибди. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтибди. Қиз кенжа ўғилга хотин бўлган экан, тойлоқдай бир ўғил тугиб берибди. Бола кундан-кун, ойдан ой ўсгандан ўсибди. Бир куни ака-укалар овга кетмоқчи бўлишиб, катта ака уйда қолибди.

Бир пайт бола йиғлаган экан, онаси катта акага қараб:

— Сиз болага қараб турсангиз, мен далага чиқиб асал териб келсам,— дебди. Хотин шундай деб, далага асал тергани чиқиб кетибди. Шу пайт шамол туриб, еру кўкни қоронғи босибди. Катта ака қўрқиб, бурчакка яшириниб олибди. Аждарҳо болани ютиб, яна осмонга учиб кетибди. Бир пайт хотин келиб: «Бола қани», дебди.

— Орқангдан ўйнаб кетганди,— жавоб берибди ака. Хотин болани излаб-излаб тополмай йиғлабди-сиқтабди. Ака-укалар уни: «Ҳали ёшсиз, яна туғарсиз», деб юпатишибди.

Яна ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб, хотин тойлоқдай бир ўғил туғибди.

Ака-укалар овга жўнашмоқчи бўлиб, ўртанча укани

қоровул қилиб кетишибди. Бир пайт бола йиғлаган экан, хотин ўртанча акага қараб:

— Сиз болага қараб турсангиз. Мен далага чиқиб асал териб келсам,— дебди. Ўртанча ака болага қоровул бўлиб қолибди. Шу пайт осмонда тўзон кўтарилиб, еру кўкни қоронги-зулмат босибди. Ўртанча ака қараб турса, осмондан етти бошли аждарҳо учиб келаётган эмиш. Ўртанча ака қўрқиб кетиб, бурчакка яшириниб олибди. Аждарҳо тўппа-тўғри келиб болани ютибди-да, қандай келган бўлса, шундай учиб кетибди. Хотин даладан асал териб уйига келса, бола йўқ эмиш.

— Бола қани?— деб сўраган экан, ўртанча ака:

— Сен кетгандан кейин, йўқ деб қўймасам ҳам, мен ҳам далага чиқаман, деб туриб олди. Йўлда кўрмадингми?— деб жавоб берибди. Хотин далага чиқиб боласини ахтариб-ахтариб топа олмабди. Уйига келиб йиғлабди. Ака-укалар, ҳали ёшсан, яна туғарсан, деб уни юпатишибди.

Яна кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтибди. Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа деганда хотинни тўлғоқ тутгандан-тутиб, охири бир бола туғибди. Бола бошқаларга ҳечам ўхшамасмиш. Кўллари бешик сопидай, кўзлари бургутникига ўхшармиш. Йиғласа йиғиси етти тошга, кулса кулгиси саккиз тошгача бориб етар эмиш. Ака-укалар овга чиқмоқчи бўлишиб, уйда кенжа укаларини қолдириб унга:

— Болага эҳтиёт бўл, тагин олдингиларга ўхшаб буни ҳам ё бўри, ё алвасти олиб кетмасин,— деб тайинлашибди. Буни эшитган бола:

— Отамниям бирга ола кетаверинглар, менга ҳеч бало бўлмайди. Бўри чанг сололмайди, жин-ажина ололмайди. Мен улардан эмас, улар мендан қўрқишсин,— деб қолибди. «Бари бир, ёшсан», дейишибди ака-укалар. Кенжа ука болага қараб уйда қолибди. Икки ака овга жўнаб кетибди. Бир пайт бола: «Она, чанқадим, сув», дебди. Хотин қараса, кўзада сув йўқ эмиш. Сув тамом бўлиб қолибди. «Ҳозир дарёга бориб олиб келаман», дебди-да, кўзани олиб уйдан чиқиб кетибди. Гапни аждарҳодан эшитиш: аждарҳо хотиннинг сувга келаётганини билиб, бекнииб ётган жойдан чиқиб унга ташланибди-да, икки ямлаб бир ютибди. Ота-бола хотинни, ана келар-мана келар, деб роса кутишибди. Кенжа ука хотинидан дарак бўлмагач, охири болага: «Сен эҳтиёт бўлиб тур, ҳеч қаёққа чиқма, мен бориб хабар олиб келаман», деб дарёга қараб кетибди. Аждарҳо, «бу гал

бола келади», деб кутиб ётган экан, кенжа укани ҳам хаш-паш дегунча ютиб юборибди. Уйда қолган бола кутибди-кутибди. На онасидан, на ака-укалардан хабар келибди. Онаси билан отасини излаб йўлга чиқибди. Кетаётса катта ака-укалар ордан келаётган эмиш.

— Ҳой, бола, қаёққа кетяпсан?— деб сўрабди катта ака. Бола бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда катта ака:

— Бунда бир сир бор. Сен амакинг билан уйга кетар, мен бориб нима сирлигини билиб қайтаман,— дебди. Уртанча ака билан бола уйга қайтибди, катта ака дарёга қараб кетибди. Аждарҳо, бола келади, деб йўлини пойлаб ётган экан, катта акани бир зумда саранжом-саришта қилибди. Уртанча ака билан бола бу акани ҳам кутиб-кутиб чарчашибди. Уртанча ака: «Сен ҳеч қаёққа чиқмай бизни кут. Мен бориб уларни тирик-ўликлигидан хабар топиб келайин», дебди. Шундай қилиб, бола тагин уйда қолибди, ўртанча ака дарёга қараб кетибди. Аждарҳо уни ҳам ютиб юборибди. Бола кута-кута чарчаб, охири ўзи дарёга қараб йўлга тушибди. Бола дарёга қараб кетаётган экан, қаршисидан аждарҳо чиқибди-да:

— Ҳа, алоҳа келдингми? Мен сени узоқ кутдим. Ана энди қўлимга тушдингми? Мен сени ютаман-да, ичимда ўлдирмай, юртимга олиб кетаман, хизматкорим бўласан,— дебди.

— Бекорларнинг бештасини ебсан. Мени ейдиган ҳали туғилгани йўқ. Аммо мен сени егани дунёга келганман,— дебди бола. Аждарҳонинг жаҳли чиқиб, болага ташланиб, у билан олиша кетибди. Бола ҳам бор кучи билан олиша бошлабди. Орадан етти кечаю етти кундуз ўтса ҳам аждар болани, бола аждарни енга олмабди. Бир пайт аждарҳонинг қўли баланд келай деб қолибди, боланинг белидан қувват, оёғидан дармон кета бошлабди. «Мени шарманда қилма, э, худо», деб бир чиранган экан, аждарҳо тагига тушиб, бола унинг устига чиқиб қолганини ўзи ҳам билмай қолибди. Бола аждарҳонинг бўйнидан ушлаб бўғандан-бўғаверибди. Аждарҳо қараб турса, бола ўлдириб қўядиган эмиш. Кейин, бўйнимни бўшат, деб ялинишга тушибди. Бари бир бола уни қўйиб юбормасдан бўғаверибди. Шунда аждарҳо:

— Ҳой бола, мени ўлдирма, газнамдаги барча олтинларимни сенга бераман. Хўп десанг, ютган кишиларингни ҳам соғ-саломат ташқарига чиқараман,— деб-

ди. Бола яна бўш келмабди. Аждарҳо, ундай қиламан, бундай қиламан, деб ялинавергач: «Агар алдасанг, сени қирқ бўлакка бўлиб, қанорга осиб, ҳар куни бир бўлагингни пиширмай хомлигича ютаман», дебди-да, уни бўшатибди. Аждарҳо сал ўзига келиб:

— Бунча кучни қаердан олгансан-а, сал қолди ўлдириб қўйишингга,— дебди-да, ютганларини бирин-кетин чиқара бошлабди. Бола ҳаммани соғ-саломат кўриб, хурсанд бўлибди, улар ҳам болани кўриб шоду хуррам бўлишибди. «Мендан олдин ютган акаларим қани?»— деб сўрабди бола. «Уларни қасримга олиб бориб қўйганман», дебди аждарҳо. Бола бошлиқ ҳамма хафа бўлибди. Кейин бола: «Қани уйга кетдик. Уйда маслаҳат қилармиз», дебди. Шунда катта ака: «Шошмай тур, мен анави қилар ишни қилиб, энди бўлса қўрққанидан мўлтиллаб турган аждарҳодан қасдимни олай», дебди-да, унга ташланибди. Бола унинг йўлини тўсиб: «Унга тегманг, ўлдирмай омон қолдирсангиз ғазнамдаги олтинларимни бераман, деди. Акаларим ҳам балки ўшандадир, олиб келамиз», дебди. Ҳаммалари аждарҳога миниб уйга қайтишибди. Аммо хотин, болаларим қаерда экан, деб ўйлайверибди. Катта ака эса, аждарҳонинг ғазнасидаги олтинларни қандай қилиб оеса бўларкин, деб ўйлаб-уйлаб, ҳаловати йўқолибди. Турсаям ўйлармиш, ётсаям ўйлармиш. Ҳатто бола билан укаларини ўлдириб, олтинларга эга бўлишни ҳам хаёлига келтирибди. «Уни қандай олишни аждарҳо болага айтган. Болани ўлдириб қўйсам, олтинни олиш йўлини билмай қоламан», деб болани ўлдириш ниятидан қайтибди. «Олдин укаларимни ўлдираман-да, кейин болани қўлга олиб, олтинларга эга бўламан», дебди. Кейин: «Йўқ, бундай қилиш бўлмайди. Укаларимни ўлдирсам, бола, «нега укаларингни ўлдирдинг», деб мени омон қолдирмайди. Яхшиси боладан сирни билиб олиб жўнаб кетаман», деган қарорга келибди. Катта ака олтинларни ўйлайверганидан кундан-кунга озиб-тўзиб кетаверибди. Энди гапни ўртанча акадан эшитинг.

У ҳам катта акасига ўхшаб, аждарҳонинг ғазнасидаги олтинларга эга бўлиш пайига тушиб қолибди. Аммо нима қилишни билмабди. Кенжа ука эса, хотиним билан акаларим кундан-кун озиб-тўзиб кетишяпти, ётиш-туришларида, ейиш-ичишларида ҳаловат йўқ, бўлмаса худога шукур, ҳамма нарса бор ё бетоб бўлишимикин, деган ўйларга борибди.

— Хотин, нимага озиб-тўзиб кетаяпсан ё бетобми-сан?— сўрабди у.

— Йўқ, соғман,— дебди хотини болаларининг дардини ичига ютиб. Катта акасидан:

— Ака, негадир кундан-кунга озиб-тўзиб кетяпсиз. Нима, тобингиз йўқми?— деб сўрабди. Шунда акаси:

— Йўқ ука, соппа-соғман,— дебди. Уртанча акадан сўраган экан, у ҳам:

— Йўқ, ука, соппа-соғман,— деб жавоб берибди. Шунда эшик тагида ётган аждарҳо:

— Бунинг сабабини мендан сўра. Хотининг мен аввал олиб қочган болаларини қўмсаб озиб-тўзиб кетди. Акаларинг бўлса ғазнамдаги олтинларни олиш касаллига йўлиқишган. Уша гапни эшитишди-ю, ҳузур-ҳаловатларини йўқотишди. Ўзи шунақа: олтин дегани расвойи олам. Отани боладан, болани отадан ажратишгача бориб етади. Ғазнамиздаги олтинларни бўлолмай менинг аждодларим ҳам қирилиб-битиб кетди. Мен ҳам ундан ажралолмай не-не кунларга тушмадим. Уша куни ҳам сенинг онангни олиб қочиб келаётиб, дарё лабига қўндим-да, унга: «Сен шу ерда туриб тур, мен ҳозир келаман», деб ўша газнамга бориб, уни кўзим қиймай, икки-уч кун қолиб кетдим. Қайтиб келсам, сенлар пайдо бўлибсанлар. Сенларни кўпчилик деб билиб, ютишга ботина олмадим. Қолгани ўзингга аён: охири, сенга қулбачча бўлиб юрибман,— дебди. Бола ҳам аждарҳонинг гапини эшитиб олибди-да, кейин онасига айтибди. Шунда онаси:

— Нима қилишни сўра,— дебди. Бола аждарҳонинг олдига борибди-да, унга қараб:

— Мен билан дўстмисан ё душманмисан?— дебди. Шунда аждарҳо:

— Биз сенларга ўхшаган зот эмасмиз. Гапимиз битта бўлади. Сен мени ўлдирмай олиб қолдингми, менда хиёнат бўлмайди, сен билан дўстман. Тақдирга тан бердим!— дебди.

— Ундай бўлса, энди нима қилайлик? Менга йўл-йўриқ кўрсат. Сих ҳам куймасин, кавоб ҳам,— дебди бола. Шунда аждарҳо:

— Амакиларинг энди тиниб-тинчишмайди. Шу олтинларни деб сенларни гумдон қилиш пайига ҳам тушиб қолишган. Яхшиси, ғазнага бораман, деб айтишса отанга, аждарҳонинг газна-сига бориш жуда қийин, йўлда ўлиб кетасизлар, мен ўзим олиб бораман, дегин. Ўғини менинг ўзимга қўйиб берасан.

— Тагин ўлдириб қўйма уларни. Агар шундай қилсанг, мен' сени соғ қолдирмайман-а,— дебди бола.

— Қўрқма, уларни ўлдирмайман. Ўлгилари келса уларнинг ўзлари бир-бирларини ўлдираверадилар. Айтдим-ку, гап битта деб,— дебди аждарҳо. Бола аждарҳонинг ҳамма гапини отаси билан онасига айтиб берибди. Гапни икки акадан эшитинг.

Улар бир-бирларининг сиру асрорларидан воқиф бўлишиб, маслаҳатни бир жойга қўйишибди. Пайтини топиб укаларини ўлдириб, аждарҳо билан олтинларга эга чиқмоқчи бўлишибди. Кунлардан бир кун катта ака ўртанча акага: «Ҳозир бориб укамиздан аждарҳонинг ғазнаси қаердалигини сўраймиз. Айтса, кейин шерик бўлади, айтмаса, бизга душманлик қилиб, олтинларга бир ўзи эга бўлишга интилаётгани биллинади. Ана унда аждарҳони миниб, ғазнасига борамиз-да, уни оламиз. Қарабсанки, шоҳлардай яшаймиз», дебди. Ўртанча ука бу гапга рози бўлибди. Ака-ука кенжа укаларининг олдига келишибди. Катта ака унга қараб:

— Ука, аждарҳонинг ғазнасига бориш йўлини айтсанг. Бориб олтинларни олиб келсак-да, кейин биз ҳам бундоқ одамга ўхшаб яшасак,— дебди. Укаси ичида: «Аждарҳонинг гапи тўғри чиқди, қани буёғи нима бўларкин», дебди-да, акасига қараб:

— Мен, билмайман, десаам номарданк бўлади, билман. Аммо унга бориш жуда қийин-да,— дебди.

— Бизга айтавер, қийин бўлсаям бориб олиб қайтамиз,— дебди ўртанча ака. Шунда кичик ука: «Ҳа, акаларим гапни бир жойга қўйиб келишибди, аждарҳо тўғри айтган экан. Қани, буёғи нима бўларкин?» деб ўйлабди-да, бу акасига қараб:

— Айтсам айтавераман ғазнага бориш йўлини. Мендан нима кетарди. Аммо йўлда ҳалок бўлиб кетасизлар-да. Агар мен олиб борсам, айтилган жойга соғомон бориб, ғазнадаги барча олтинларга эга бўламиз. Борди-ю, аждарҳо ютган болаларим омон юришган бўлса, уларни ҳам олиб қайтамиз,— дебди.

— Йўқ, сен борма. Хотининг билан болангга қара, ҳаммасини ўзимиз бажарамиз,— дейишибди акалари. Кичик ука:

— Ўзларнинг биласизлар. Йўлда ҳар хил баҳайбат махлуқларга, илон-чаёнларга дуч келиб ўлиб кетсанглар мендан кўрманглар,— дебди. Бу гап акаларини ўйлантириб қўйибди. Ўртанча ака:

— Укамиз тўғри айтади. Бунақада бекордан-бекор-

га ўлиб кетишимиз мумкин. Уни ҳам олаверайлик-чи, буёғи бир гап бўлар,— деган экан; бу гап катта акага маъқул тушибди.

Ҳаммалари биргаликда йўлга тушибдилар. «Болаларим тирик бўлса кўришарканман-да?» деб, айниқса, хотин хурсанд бўлибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, бир жойга етиб боришибди. Шундай баҳайбат ҳайвонлар турган эмишки, уларни ака-укалар етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаганмишлар. Туя бўлиб туя эмасмиш, шер бўлиб шермасмиш. Бир-бирларни билан уришиб, талашиб, қўлларига тош тушса ун қилиб, дарахт тушса қипиққа айлантириб ётганмиш. Овозлари оламни тутганмиш. Ака-укаларни кўриб: «Ана, емиш келди, мана емиш келди!»— деб қичқиришибди. Улардан бирови: «Шуям емиш бўлди-ю, тишимнинг қавагида қолиб кетади», деса, бошқаси: «Панжамни орасида йўқ бўлиб қолади», дермиш. Ака-укалар кўрқиб, қочгани жой тополмай қолишибди. Турган жойларида титраб-қақшаб, бор овозларича бақриб-чақриб тураверишибди. Шунда бола ҳалиги махлуқларга қараб, олишамизми, савашамизми, отишамизми, деб дўқ-пўписа қилибди. Унга жавобан махлуқлардан бири: «Бу шунчаки дўқингми ё биз билан чинданам олишмоқчимисан?» дебди. Шунда бола: «Олишаман», дебди. «Бўлмаса майдонга чиқ», дебди ҳалиги махлуқлардан энг каттаси. Бола ўртага чиқиб олиша бошлабди. Бола буёқда олишиш билан овора бўлиб қолиб, ака-укалардан хабар ололмай қолибди. Бир пайт қараса, онасининг бир қўли йўқ эмиш, отасининг бир оёғи, амакиларидан бирининг боши, иккинчисининг ярми йўқ эмиш. «Эҳ, аттанг!» дебди-да, тезроқ бир ёқлик қилпш учун қаршисидаги махлуқнинг бўғзига чанг солибди. Икки қўли унинг бўғзига тўрт энлик ботибди. Махлуқнинг бўғзи тикилиб, кўзи олайиб, нафас ололмай қолибди. Буни кўриб қолган махлуқлар кўринган томонга қоча бошлашибди. Махлуқ бўйинини бўшатишни илтимос қилибди. Бола уни бўшатибди. Бу — ўша аждарҳо айтган йўлдаги махлуқларнинг подшохи экан. Болага тан бериб, «тила тилагингни», дебди. «Менга ҳеч нарса керак эмас. Хамроҳларимнинг оёқ-қўллари билан бош-тапаларини бутун қилиб, бизни йўлга солиб юборсанг бўлгани», дебди бола. Шу пайт ҳалиги махлуқ бир чинқирган экан, боладан кўрқиб қочиб қолган махлуқлар етиб келишибди.

Махлуқларнинг бошлиғи:

— Мана бу бола биздан зўр чиқди. Мен олишганда сенлар жуфтакни ростлаб қолганларингда, балким, биз ютган бўлардик. Бунинг шериклари, кўрдингларми, қўл-оёқдан ажралишсаям, навбатни бизга бер, биз курашамиз, деб боланинг ёнидан жилишмади,— дебди. Ҳалиги махлуқларнинг бошлиғи ака-укаларнинг қўрқиб-титрашларини, курашишга зўр иштиёқ туфайли деб тушунган экан-да!

— Энди буларга хизмат қилинглар, катта зиёфат беринглар. Олдин унинг шерикларидан ҳар ким қарзини узсин, қўлини еган қўлини берсин, оёғини еган оёғини берсин,— дебди.

— Буни мастонингиздан бошқамиз бажара олмаймиз, оғир юмуш,— дейишибди махлуқлар. Махлуқ узоқдаги мастонини йўқлатибди. У олдин оёқ-қўл ютган махлуқларни ютибди, кейин бирма-бир ҳалиги боланинг ҳамроҳларини ютиб. Лаҳза ўтмай, ҳамма бусбутун ерга тушибди. Бола олишаётганда ўнг қўли узилиб кетганини билмай қолган экан. Мастон унга қараб: «Сени ҳам ютайми?» деб сўрабди. «Ют!» дебди бола мастоннинг нияти бузуқлигини билиб. Онаси:

— Йўқ, ютма, мен ўнг қўлимни бераман,— дебди Шунда ҳалиги махлуқ:

— Ютаверсин, мастон шум ниятини амалга оширолмайди. Ёмон ниятда бўлса у менинг қулим, ёт десам ётади, тўр десам туради,— дебди. Мастон болани ютибди. Чиқаришни хаёлига ҳам келтирмай турган экан, ҳалиги махлуқ бир олақараш қилган экан, мастон бардош беролмай болани соппа-соғ ҳолда чиқарибди. «Мен айтган тўсиқдан эсон-омон ўтдик», дея қаёқдан-дир аждарҳо келиб қолибди. Ҳаммалари яна йўлга тушишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришиб бир жойга бориб қолишибди. Қарашса, сувларн кўм-кўк зумраддай бир кўл турган эмиш. Аждарҳо кўлни кўрсатиб:

— Мен сизга айтган разнам шу кўлнинг тагида, кўлнинг номи «Заркўл». Унга тушиб истаган олтинингизни олиб чиқаверинглар,— дебди. Шунда катта ака унга қараб:

— Алдамаяпсанми? Яна бизни кўлнинг тагига тушириб, сув остида ўлиб кетишсин деяётган бўлмагин,— дебди. Шунда аждарҳо:

— Нега энди? Ишонмасаларинг мана мен тушиб, олтинлардан олиб чиқаман,— дебди-да, сув остига тушиб кетибди. Ҳамма қараб турса, аждарҳо бир ҳовуч



тилла олиб чиқибди. Тиллани кўриб акаларнинг кўзлари олайиб, қинидан чиқай дебди. Кенжа ука хотини, ўғли билан бир четда қараб туришаверибди. Катта ака ўзини кўлга ташлабди, унинг кетидан ўртанча ака кўлга сакрабди. Ака-ука бирпасда ҳовуч-ҳовуч олтинларни олиб чиқишибди. Кейин яна шўнғиб яна олиб чиқишибди. Қолганлар: «Қани, нима бўларкин?» деб қараб туришаверибди. Ака-ука бўлса қутургандан-қутуришиб, кўл остидан тиллаларни олиб чиқишаверибди. Ана шунда аждарҳоннинг яна нияти бузилибди. Тиллаларни кўриб ичиди: «Булар биттасини қолдирмай олиб кетадиганга ўхшайди. Э, хомкалла, вақтида ҳаракатингни қилиб қол», дебди. Кейин кенжа укага қараб: «Менга жавоб берсанг. Қариндошларимни кўриб келсам», дебди. У розилик берибди. Аждарҳоннинг кўнгли бузилгандан-бузилиб, олтини бор кўлнинг нариги қирғоғига учиб ўтибди. Бу тоғнинг ўнгорида Бўрон бобо ўзининг тулпорлари Шамол, Тўполон билан яшар экан. Аждарҳо Бўрон бобонинг олдига салом бериб кирибди-да, унга арз-додини айтибди.

— Эй, кучлиларнинг кучлиси, зўравонларнинг зўравони, сенинг кучингга ҳамма тан беради. Пуфласанг тоғлар нураб, дарёлар қурийдди, одамзод уёқда турсин, биз аждарҳолар ҳам қаҳринг олдида ожизмиз. Яқинда «Заркўл»га аллақандай очофат кишилар келиб, сенинг тулпорларинг сув ичадиган кўл сувини қуритишяпти. Бир илсжини қилиб уларни бу ердан даф қилмасанг, ҳадемай кўлнинг суви қуриб тамом бўлади,— дебди.

Бўрон ташқарига чиқиб қараса, кишилар бири қўйиб, иккинчиси кўлга шўнғиб чиқаётган эмиш.

— Ҳой, аждарҳо, гапинг тўғри чиқди. Ўзинг уларнинг адабларини бериб қўя қолмадингми?— дебди у. Шунда аждарҳо:

— Хай, ҳай улардан айниқса бирини қилич кесмайди, олс олмайди, сув ютмайди. Тошни кемириб, дарёни сипқора оларкан, мен уларга бас келолмадим. Уларга фақат сен бас келоласан, холос,— дебди. Бўрон қараб турса, дулдулларига сув қолмаётгандай туюлибди. Кейин қутургандан қутурибди, ёнига Шамол, Тўполон, Довулни чақириб, уларга буюрибди:

— Еру кўкни қоплаб, кўл олдидаги одамларни даф этинглар!

Аждарҳо ака-укаларнинг олдига учиб келиб, ҳеч нарса бўлмагандай бошини эгиб қараб тураверибди. Шу пайт осмонни қора булут қоплаб, булар томонга

кела бошлабди. Шунда кенжа укалари акаларига қараб:

— Ҳой, акалар, бўлди, бас қилинглар. Қиблага қаранглар, осмонни қора булут қоплаб олди — шамолтўполон бўладиганга ўхшайди, тезроқ бу ерда кетайлик,— дебди. Акалари унинг гапига қулоқ солмай, кўлга шўнғиб, олтинларни олиб чиқишда давом этишаверибди. Кенжа ука яна:

— Ҳой, акалар, бўлди, бас қилинглар. Осмонни қора булут қоплади. Бу яхшиликка олиб бормади. Яна бўрон туриб, жала қуйиб, биз ҳам кўлнинг сувига қўшилиб кетмайлик,— дебди. Унга хотини билан бола ҳам қўшилиб: «Тагин ўлиб кетмайлик!» дейишибди. Шунда катта ака:

— Нафасни совуқ қилманглар. ё бизни ўлдириб олтинларга эга бўлмоқчимисизлар,— дебди. Бу гап ўртанча аканинг қулогига: «Бизни ўлдириб олтинларни олмоқчи», бўлиб эшитилибди. У сўрамай-нетмай: «Нега бизни ўлдирад экансизлар. Олтинларни кўлдан биз олиб чиқдик-ку», деганича кенжа укасига ташлашиб, бўға бошлабди. Бола, нега отамни бўғасан, деб уни ажратмоқчи бўлган экан, катта ака уни улоқтириб ташлаб, укаларига ёпишиб кетибди. Бирпасда ака-укалар бир-бирларини бўғишиб, ўлдириб қўйишибди. Шу пайт Бўрон юборган Шамол, Тўполон этиб келиб укаларни кўлга қараб сўриб кетибди. Ака-укалар кўлга тушиб йўқ бўлиб кетишибди. Фақат кенжа ўғил бир дарахтнинг илдизига ўралиб қолибди. Кейин бўрон тиниб, ҳаво чарақлаб очилиб кетибди. Шамол, тўполонда дарахтга чиқиб олган бола билан хотин ерга тушиб қарашса, кенжа ука дарахтнинг илдизларига ўралиб ўлиб ётганмиш. Дарров олиб уни ерга кўймоқчи бўлишибди. Шу пайт кўлнинг ичидан бир қиз чиқиб келиб, болага қараб:

— Вой, тентакво-ей, нима қиласан уни ерга кўмиб, керак бўлмаса кўлга ташла, биз тирилтириб оламиз,— дебди.

— Қандай қилиб? Ўлган одам ҳам тириларканми?! Бўлмаган гап?— дебди бола. Шунда қиз:

— Вой нодон-ей, ахир, ўлган одам ўз-ўзидан тирилмайди-ку?! Бирон-бир сабаб билан тирилади-да. Олдиндаги дарахтнинг энг учида қушнинг уяси бор. Шу ерда ўлган одамни тирилтирадиган бир дон азор бор. Семурғ қуш тухумини аждарҳодай сақлаб қолганим учун уни менга қолдириб кетган. Мен аждарҳо олиб

кетган икки ўғлонни ҳам ўшандан тузатиб олганман. Улар биз билан яшаяпти. Ўша анорни олгин-да, эзиб, шарбатини ўлган одамга ичир,— дебди-да, яна сувга тушиб кетибди. Бу гапни эшитиб кенжа ука хотинининг кўкрагига сут келибди. Буни кўриб: «Вой ўлма-сам, аждарҳо олиб қочган болаларим шулар бўлса-я, ҳа, улар тирик экан!»—деб тозаям суюнибди. Бола қизнинг айтганини қилиб, дарахтга чиқса, энг учида бир қушнинг уяси турган эмиш. Қараб ичидаги анорни кўрибди, уни олиб тушиб, эзиб шарбатини отасига ичирибди. Отаси бир-икки акса уриб, ўзига келиб:

— Менга нима бўлди? Акаларим қани?—деб сўрабди. Кейин бола билан хотинидан воқеани эшитиб, ўзини кўлга отибди, унинг кетидан бола ҳам ўзини кўлга отибди. Иккови узоқ йўқ бўлиб кетибди, кейин катта ака билан ўртанча акани олиб чиқишибди. Бола уларга ҳам анор сувдан ичирган экан, улар ҳам тирилишиб, укаларидап, боладан кечирим сўрашибди.

Олтинларни кўлга ташлаб, «шу ярамас нарсаларни деб аҳиллигимиз бузилиб, бир-биримизни ўлдиришгача бориб етдик», дейишиб, орқага қайтмоқчи бўлишибди. Шунда хотин:

— Боя сувдан чиққан қиз айтди, болаларим тирик экан. Аждарҳо ютиб, бу ерга олиб келиб ташлаган экан, уларни тирилтириб олишибди. Болаларимни олиб кетмасдан, ҳеч қаёққа кетмайман,—дебди. Шунда бола аждарҳога қараб: «Ўрдангга бориб, акаларимни олиб чиқ», дебди. Аждарҳо олдинига кўнмагандай бўлибди. Кейин кўлга тушиб, бири биридан яхши, тойлоқдай икки йигитни етаклаб чиқибди. Она болаларини искаб-таниб, бағрига олибди. Бошқа турганлардан бири уларни, акаларим, қолганлари, жиянларим, деб тозаям хурсанд бўлишибди. Икки йигитча ҳам шодликларидан ўзларини қўярга жой тополмай қолишибди. Кейин биргалашиб йўлга тушишибди. Аждарҳо тўкилган-сочилган олтинлар билан бўлиб, уларнинг жўнаб кетганини ҳам билмай қолибди.

Ака-укалар йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, яна бир жойнинг устидан чиқиб қолишибди. Тер тўкиб, меҳнат қилиб, уй-жой қилишибди, қўрғон солишибди. Айтишларича, боланинг юрагига ҳалиги сувдан чиққан қизнинг руҳи ўрнашиб қолган экан. Қизни бола, болани қиз кўргиси келаверибди. Ҳар кунни бола қизни ўйлабди, қиз болани ўйлабди. Кунлардан бир кунни аждарҳо ўлиб қолибди. Бу қизни ҳам

аслида аждарҳо ўғирлаб келиб, қасрига беркитиб қўйган экан. Аждарҳонинг ўлганини қиз ўз кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб ишонч ҳосил қилгач, ёнига ўртоқларини олиб, аждарҳонинг тилла-олтинларидан кўтарганларича кўтариб йўлга тушишибди. Уша пайтда қизлар шунақа шаддод, қўрқмас, довюрак бўлишаркан-да!

Ҳалиги қизлар йўлда кўп қийинчиликларга дуч келишиб, уларни енгишиб, бола яшаётган жойга: «Ассалому алайкум!» деб етиб келишибди. Бола бошлиқ ҳамма уларни кўриб хурсанд бўлиб кетишибди. Кейин тўй-томоша қилишиб, қизни бола олибди. Тўртта ўртоғи — каттароқ ёшдагилари катта ака билан ўртанча акага, қолган иккита ёши ҳалиги болаларга турмушга чиқиб, узоқ вақт эсон-омон яшаб, мурод-мақсадларига етишибди.

## МАЛИҚАНИНГ УЧ ШАРТИ

Қадим-қадим замонларда Бувота тоғининг тағида бир Девўнғир деган жой бўларкан. Девўнғирда кўпам эмас, озам эмас — қирқ минг дев яшар экан. Улар ҳар девлар эканки, бирови туядек бўлса, бошқаси филдай экан. Подшосининг оти Қора дев экан. Қора дев тоғни қўлига олиб отса, осмонга — булутга етказаркан. Дарахтларни илдиэ-пилдизи билан юлиб олиб, дарёларга отса дарёлар бўғилиб қолар экан. Қора девнинг Оқ дев, Кўк дев, Қизил дев, деган ўриллари бор экан. Оқ дев дегани қанақа экан денг, калласи хумдай, танаси кўк қиянинг бир белдай. Оғзи эски ўнғирнинг оғзидай, бир товуш қилса, овози етти тошга ўтгудай экан. Кўк дев эса, ундаи ўтар экан. Агар билгингиз келса, у шундай экан: елкалари яйловдай, бутлари чалпак сойдаи, орзи ёрдай, кўзи қирқ газли ҳовуздай, овозини баралла қўйса, ўн бир тошгача етгудай экан. Оқ девам, Кўк девам Қизил дев олдида дев эканми. Вой-бў-ў, у девни таърифни бувам раҳматлик шундай келтирар эдиларки, эшитиб, оғзимиз анқайиб, кўзимиз қанқайиб қоларди. Ана энди биз ҳам таърифни айтсак, Қизил дев дегани шундай дев эди: калласи тепадай, мўйлови илон сойдаи, ҳар бир туки узун теракдай, овоз қилса борми, етти иқлимга етгудай эди. Ана шу ака-ука девлар ўйнаб-кулиб, бир-бирига: «Мен сендан ўтаман, йўқ, мен сендан ўтаман» деб чопқиллашиб, униб-ўсиб, вояга етишибди. Кунлардан бир кун оталари Қора дев уларга қараб:

— Ҳой дўмбоқчаларим, сизлар вояга етиб, катта бўлиб қолдиларинг. Энди баъзи бир бемаза қилиқларингни ташлаб, яхши бўлинглар. Мен сизларни уйлантириб қўймап. Қани айтинглар-чи, кимдан хотин олиб берай?— деб сўрабди. Оқ дев отасига қараб: «Қимни олардим, ўз наслимиздан оламан», деган экан, уни девга уйлантириб қўйибди. Кўк дев ҳам: «Ота, мениям девга уйлантиринг», дсбди. Қора дев уни ҳам девга уйлантирибди. Кейин қизил девдан: «Сен кимга уйланасан?» деб сўраган экан, у: «Ота, иложи бўлса, мени одамзодга уйлантирсангиз», деб жавоб берибди. Шунда отаси: «Йўқ, бўлмайди, қа, ҳечам мумкин эмас. Одамзод бизга душман, у билан ҳечам қелишолмаймиз. Бизни эшак қилиб мингани-минган»,— дсбди. Қизил дев сўзида туриб олиб: «Олиб берсангиз —

одамзоддан олиб берасиз, бўлмаса дунёдан хотин олмай, тоқ ўтаман»,—дебди. Қора девнинг боши қотибди. Нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган экан, катта ўнғирда яшайдиган, мастонликда шайтондан дарс олган ялмоғиз кампир келиб қолиб:

— Ҳа, нега бир-бирларинг билан ади-бади айтиб ўтирибсанлар? — деб сўраб қолибди. Қизил девнинг сўзларини эшитиб, ялмоғиз кампир:— Буни йўли осон, менга қирқ хум тилла берсанг, ўғлингни ниятига етказаман,— дебди. Қора дев рози бўлибди. Шунда кампир:

— Мен дуо билан ўғлингни бир сиқим тупроққа айлантириб, рўмолчага тугиб оламан-да, шаҳарга бораман. Шаҳар подшонинг бир қизи бор, ўзи ўлғудай лақма. Шу подшоникига совчи бўлиб бораман-да, ўғлингни бир чиройли йигитга айлантириб кўрсатаман. Подшо лақмаликдан ташқари олтин деса имонини ҳам сотадиган одам. Кўндириб, қизни олиб қайтаман,— дебди. Қора дев ялмоғиз кампирнинг айтганини қилиб, унга қирқ хум тилла берибди. Кампир тиллалардан олиб, болани бир «куф-суф» билан бир сиқим тупроққа айлантириб, шаҳар қайдасан, деб жўнаб қолибди. Кампирнинг ҳамма жойга олиб борадиган паланг оти бор экан, унга ўлтирдим, қаерга десанг олиб борар экан: у киролмайдиган тешик, юролмайдиган йўл, учолмайдиган осмон йўқ экан. «Олиб бор!» деса, ойна олиб борар экан, «ўй деса», мушқнинг кўзидан ҳам ўтаркан. Кампир қизил девни бир сиқим тупроққа айлантириб, рўмолчасига тугиб, қўйнига солиб, паланг отига мишиб, йўлга тушибди. Паланг от уни бирпасда подшонинг қасри ёнига етказибди. Кампир Қизил девни бир дуо билан чиройли йигитга айлантириб, карвонсаройга қўйибди-да, подшонинг олдига бормоқчи бўлиб, яна бир «куф-суф» билан истараси иссиққина кампирга айланиб, йўлга тушибди. Подшонинг соқчилари:

— Кимсан? Қаердан келдингиз қаерга борасан?— деб сўроққа тутган экан, кампир:

— Подшойингга айт, совчиликка келдим,— деб жавоб берибди. Бу гапни вазирга етказишибди. Вазир подшо хузурига бориб:

— Қизингизга совчи келди, киритайликми-йўқми?— деган экан, подшо:

— Э, дарров кирит, эшигимдан бирон-бир совчи қи-

зимни сўраб кириб келармиг'ан деб кўзларим тўртлигини биласан-ку, ахир,— дебди.

Вазир чиқиб, совчи кампирни бошлаб кирибди. Кампир икки букилиб подшога салом берибди-да:

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтсам,— дебди.

Подшо, кечдим, айт, дебди. Кампир гапни узоқдан бошлабди:

— Подшоҳим, менинг биттаю битта ўғлим бор, худога минг шукурки, яхши бола бўлиб етишди. Шуни уйлантириб қўяй десам, ҳеч қиз ёқмайди. Нуқул, олиб берсанг — подшоҳимизнинг қизини олиб берасан, дейди. Шунга совчиликка келдим. Сизда малика бир қиз бор экан, менда бир азамат ўғил бор, рози бўлсангиз шуларни қовуштириб, тўйида ўйнаб-кулсам,— дебди. Подшо:

— Подшоликка совчиликка келишга журъат қилибсан, ниманг бор, олтин-тиллаларинг тўлиб-тошиб ётибдими?— деб сўрабди. Кампир:

— Бор, қанча олтин десангиз топиб бераман. Фақат қизингизни ўғлимга берсангиз бўлгани,— дебди.

— Мол-дунёинг кўп бўлса, қизимни ўғлингга берганим бўлсин,— дебди подшо. Шу пайт ўн беш кунлик ойдай, тошқин оқар сойдай, минг қўйли бойдай бўлиб подшонинг қизи кириб келибди. Қизнинг ҳусн-жамолини, қадди-қоматини кўриб ялмоғиз кампир—истараси иссиққина аёл ҳангу манг бўлиб, турган жойида қуриган дарахтдай қотиб қолибди... Тили гапга ҳам келмабди, айтар сўзини ҳам айтолмабди. Қиз отасига қараб:

— Отажон, нима гап?— деб сўрабди. Подшо:

— Қизим, бир гап айтсам, хафа бўлма. Ёшинг ҳам катта бўлиб қолди. Мен ҳам қаридим. Сени турмушга берай, деган қарорга келдим. Жон қизим, йўқ дема,— дебди. Малика отасининг вазирига: «Э, совчининг дарров кирит...», деган сўзларини эшик орқасида туриб эшитган экан, «отам мендан зерикибди ё бўлмаса қариганда кўзи оч бўлиб қолибди», деб ўйлаб:

— Майли, сиз нима десангиз — ўша. Аммо шартларим бор. Шуларни кимда-ким бажарса, ҳалоллик билан иш тутиб, ўшанга тегаман,— дебди. Кампир нимадир демоқчи бўлиб, қийшиқ оғзини очган экан:

— Ҳой, она, агар совчиликка келган бўлсанг, шу гапим сенга ҳам тааллуқли. Боймисан, тилло-зарларинг кўпми, ўғлинг чиройли, келишганми — бари бир шартларимни бажарса бўлгани, унга тегаман,— дебди.

Подшо жарчиларини чақиртириб, қизининг шартини сўрабди. Малика жарчиларига қараб:

— Ҳой, жәрчилар, шартларимни эшит-да, оламга жар сол, уни бажарган кўрми, шолми, ботирми, шаҳзодами, тегишга розиман, гадойми, шоҳми— менга бари бир, шартимни бажарса бўлгани,— дебди. Қизининг гани подшога ботибди-ю, уни ақллилигига тан бериб: «Кейин кўрамиз, шартни камбағал гадой бажарадими ё подшоваччами, ўшанда бир қарорга келарман. Камбағалга бериб бўпман», дебди-да, қизига қараб:

— Шартингни айтақол. Мана бу моманг ҳам эшитсин. Унинг ҳам зўр азамат, куч-қувватдаю бойликда, ҳусндаю ақл-идрокда тенги йўқ ўғли бор. Зора шартларингни бажарса,— дебди. Малика, менга бари бир, дегандай бамайлихотир шартларини айтибди.

— Биринчи шартим шулки,— дебди у,— Бувота тоғининг энг баланд чўққисида бир қаср бўлсин, дунёда танҳо бўлсин. Ҳатто унга пашша ҳам учиб чиқолмасин. Иккинчи шартим шуки, дарёи уммоннинг тагидаги ҳақиқ тошдан олиб чиқиб, бир тахтиравон яса синки, у кундузни кундай, кечани ойдаё ёритсин. Учинчи шартим, уч бошли аждарҳо бор, деб эшитаман. Шу аждарҳони жиловлаб олиб келиб, хизматимга қўйсини. Шу шартларимнинг кимда-ким улдасидан чиқса, мен уники бўламан. Борли-ю, улдасидан чиқолмаса, ҳеч ким меннинг олдимга кирмасин, малика шундай дебди-да, ўз хонасига кириб кетибди. Ялмоғиз кампир Девўнғирдаги Қора дев, Оқ дев, Кўк дев, Қизил девларига ишониб, подшога қараб шундай дебди:

— Э, подшоҳи олам! Тўй тарадудини қилавер, шундай ошналарим борки, маликанинг айтган шартларини тупугинг ерда қуригунча, кампир шафтолини артиб егунча, бойўғли уйқусидан уйғонгунча адо этади. Қизинг меники бўлди, ўғлимга хотин бўлди, кўнглим тўлди,— деб подшо билан хайр-маъзур қилиб, Қизил девни қўйиб келган қарвонсаройга борибди. Қизил дев:

— Эна, нима гап бўлди?— деган экан, ялмоғиз кампир:

— Ул бўлди, дард бўлди, ошпичоқ, қалампирмунчоқ бўлди, юр, отангни олдига учиб борайлик, маслаҳатни бир жойга қўйиб, ишни битказайлик,— дебди-да, Қизил девни бир «куф-суф» билан ўз ҳолига келтириб, устига миниб: «Кетдик», дебди. Ялмоғиз кампирни Қизил девни миниб, осмону фалакка учиб ке-



тишда қўййлик-да, гапни бир қишлоқдаги бешиди қил туғул туки йўқ Маманазар калдан эшитайлик.

Маманазар кал ёшига етиб, куч-қувватга тўлган бўлса ҳам ҳеч бир иш билан банд бўлмай, бутун кунини кўча-кўйда сандироқлаб бекорга ўтказар экан. Қим нима илтимос қилса, йўқ деркан, ота-онаси камбағал бечора бўлиб, зўрға тирикчилик ўтказишсаям уларга қарашмас, ердаги чўпни у ердан бу ерга олиб қўймас экан. Устига устак у киши шунчалик нозик, пирттаки эканларки, бунда ҳеч ким калвой билан беллашолмас экан. Маманазар кал садақайрағоч тагида оёқларини узатиб, кўзларини юмиб хаёл суриб ўтирган эканлар, подшонинг жарчилари келиб:

— Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар тайёргарлигини кўринглар, подшоҳимизнинг чиройда кўкдаги оймома билан беллаша оладиган, оқила қизлари ерга чиқадиган бўлиб, шартларини айтдилар. Қимда-ким маликамизнинг шартларини бажарса, подшога куёв бўлади. Эшитмаганлар эшитсин, уйланмаганлар уйлансин, шошилмағалар шошилсин,— деб бақириб-чақириб ўтиб кетишибди. Одамлар гузарга бирин-кетин йиғилишиб, нима гап, дейишиб бир-бирларидан сўраб-суриштира бошлашибди. Маманазар калнинг олдига келиб, ундан: «Подшоликдан келганлар нима дейишди?» деб сўрашган экан, кал: «Э, нима дерди ўша бақироқларинг. Ҳалиги подшоимиз қизларининг кўнгли эр истаб қолибди. Қимда-ким унинг шартларини бажарса, ундай кишига хотин бўлармишлар, гап шу», деб жавоб берибди. Сўраб-суриштирганлар Маманазарга: «Э, подшонинг қизи ерга тегаман, деб яхши гап айтибди. Сен ҳам кўрган-кетган жойда ёнбошлаб, оғзингга пашша қўндириб юравермасдан, подшоликка бориб, маликани олишга ҳаракат қилсанг-чи»,— дейишибди ҳазиллашиб. Маманазар одамларнинг ҳазилини чин деб билиб:

— Маликани олсам олаверардим-у, қизиғарнинг шартлари бор экан-да,— дебди. Одамлар ҳазилларини қўйишмабди. Улардан бирови:

— Маликанинг қандай шарти бўларди. Ё бир ўп дейди, ё тахтимдан кўтариб, ҳу фалон жойгача опичиб бор, дейди-да,— деса, бошқа бирови:

— Балким бекипмачоқ ўйнаймиз дер,— дебди.

Одамларнинг бу гапидан Маманазар: «Ия, одамларнинг айтишича, маликанинг шартлари жуда осон экан-ку. Мен уларни бирпасда қойилмақом қилиб ба-

жара оламан-ку!» деган ўйга келибди-да, ота-онасининг олдига бориб:

— Менга жавоб берсанглар, мен подшоликка бориб маликанинг шартларини бажариб, уни олиб келиб, сизларнинг хизматларингга қўйсам,— дебди.

Бу гапни эшитган ота-онаси: «Боламиз кал, бунинг устига ўта дангаса, содда, лақма эди, энди ақлдан озиб жинни бўлиб қолибди-да, биратўла», деб қўриқиб кетишибди.

— Ҳеч қаёққа бормаисан. Бизга хизматкор ҳам керак эмас,— дейишибди. Калвой, сўзим-сўз, деб туриб олибди.

Ота-онаси ноилж жавоб беришибди. Маманазарвой хуржунни елкасига солиб, кал қалпогини бошига илиб, подшолик қайдасан, деб йўлга тушибди, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир ерга борса, бир чумоли ариқда бир боғ буғдой устида оқиб келаётганини кўриб қолибди. Ариқдан сув олиб ичаман, деб қўлни узатган экан-да. Чумолига раҳми келиб, ариқдан аста бошоқни олиб, ерга қўйибди. Чумолига қараса, юрай дермиш-у, юролмасмиш, яхшилаб қараб, унинг чўлоқлигини билиб, қандай қилиб ёрдам берсам юриб кетаркин, деб турган экан, чумолининг ўзи тилга кириб шундай дебди:

— Эй, оға, раҳмат сенга, мени сувда оқиб-оқиб бориб, ҳалок бўлишимдан сақлаб қолдинг. Сен бўлмаганингда, билмадим ҳолим нима кечарди. Оёғим синган, шунга юролмаяман. Энди меннинг айтганимни қиласан. Ота-онам етиб келиб, мени олиб кетади.

— Олдин синган оёғингни дори-дармон билан тузатай, ўзинг ҳам ҳориб-чарчаб, ҳолдан тойибсан. Салгина ранг-рўйингга кириб ол. Кейин уларни чақирсанг, чақирарсан,— деб Маманазар кал чумолини яхшилаб парваришлабди, турли гиёҳларни эзиб оёғига суртибди. Кунлардан бир кун чумоли боласи тузалиб, дармонга киргач, Маманазарга:

— Отам жами чумолиларни подишоси. Сени уларга таништириб қўяман, нима десаңг қилишади,— дебди.

Чумоли ёнидан тутатқини олиб Маманазар калга берибди, Маманазар кал уни тутатган экан, бирпасда бутун оламни чумоли босиб кетибди. Чумолилар подшоси боласининг соғ-саломатлигини кўриб, хурсанд бўлибди. Чўлоқ чумоли отасига қараб:

— Эй, ота, менинг халоскоримни таниб ол. Анави йигит сувла оқиб кетаётсам ушлаб олиб, қирғоққа

олиб чиқди. Синган оёғимни тузатди. Шунинг учун уни нима истаги бўлса, бажо келтириш сендан,— дебди.

— Э, одамзод, боламнинг айтишича, сен унга кўп яхшиликлар қилибсан. Сувдан қутқазиб олиб, чўлоқ оёғини тузатибсан. Тила тилагингни,— дебди отаси.

Мама Назар, менга ҳеч нарса керак эмас, керак бўлса ўзим айтарман, деб чумолилар подшосининг бир тўнини олиб, йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир дарёнинг устидан чиқиб қолибди. Дарё қирғоғида кетаётиб, кўзи кўлмакка тушиб қолибди. Кўлмак сувда бир нарса патир-путирлаётган эмиш. Яқинроқ бориб қараса, бир балиқча ҳадеб кўлмак сувдан отилиб чиқай дермиш-у, ҳечам чиқолмасмиш. Мама Назар яқинроқ бориб қараса, бир илон боласи кичкинагина балиқчани уёқдан-буёққа қувиб, итқитиб ўйнаётган эмиш. Мама Назар бирпас томоша қилибди-да, кейин балиқчага раҳми келиб, илонни тутиб олиб чўлга қараб отиб юборибди. Балиқчани қўлига олиб, товланишига бирпас анқайиб турибди-да, дарёга аста қўйиб юборибди. Балиқча дарёга шўнғиб кетибди. Бирпасдан кейин дарё шалоп-шулуп этиб, қирғоққа урилибди. Кейин каттакоп балиқ кўрпниб, Мама Назарга қараб шундай дебди:

— Ҳой, йигит, раҳмат сенга! Мен боламини қидириб ҳеч қаердан тополмай юрган эдим, уни илонлар подшосининг ўғлига ем бўлишдан сақлаб қолибсан. Сенга яхшилик қилмоқчиман. Айт, нима қилай, нима истайсан. Мен балиқлар шоҳи бўламан. Дарёнинг тагидаги дуру гавҳарлардан олиб чиқиб берайми ё ер юзига ҳеч қаерда бўлмаган бирон работ ё қўрғон қурдириб берайми? Сўра сўрайдиганигни,— дебди.

Мама Назар балиқнинг гапига оғзи очилиб, ҳуши бошидан учиб, «тавба, балиқларнинг ҳам подшоси бўларкан-да, у ҳам одамга ўхшаб гапираркан-да», деб ўйлабди. Кейин ўзига келиб:

— Менга ҳеч нарса керак эмас,— дебди.

Шунда балиқлар подшоси:

— Ҳозир керак бўлмаса, кейинчалик керак бўлиб қолар. Ма, мановини ол-да, керак бўлсам, дарё бўйига кел, уни қўлингга олиб, мени эслагин-да: «Эй, балиқ, менга ёрдамнинг керак», деб уч мартаба такрорлагин. Шунда мен дарёнинг қаерида бўлсам ҳам етиб келаман»,— дебди. Балиқлар подшоси шундай деб, Мама Назарга битта ҳақиқ тош берибди. Мама Назар кал ҳақиқ тошни олиб, қўйнига солиб, йўлга тушибди. Йўлда

кетаётса, бир илон ётган эмиш, илон уни кўриб ўрнидан туриб, қаддини ростлабди-да:

— Эй, одамзод, сен мени емишимдан бенасиб қилдинг. Мендан энди яхшилик кутма. Мен қора девнинг дўсти, учбошли аждарҳонинг кенжаси Илон султон бўламан. Мен сенинг шу ёмонлигинг учун соянг бўлиб эргашаман. Бари бир қасдимни олмай қўймайман,— дебди. Маманазар: «Мен сен тирранчани ҳозир ушлаб олиб, бошингни мажақлаб, хачирларга емиш қиламан», деб илон боласига интилган экан, у чириллаганича осмону фалакка қараб учиб кетибди.

Маманазар бу қандай гап бўлди, тавба, дея, подшолик қайдасан, деб йўлида давом этибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир пайт ўзини катта-кок шаҳарнинг дарвозаси остида кўрибди. Қўрғон атрофида тумонат одам эмиш. Фил минган, туя минган, эшак минган, ҳўкиз минган одамлар лиқ-лиқ тўлиб-тўшиб ётган эмиш. «Маликанинг шартини мен бажараман, йўқ, мана кўрасан, мен бажараман», деб одамлар бир-бирлари билан тортишиб-талашиб ётган эмиш. Маманазар кал буларнинг гапидан, «келиб қолган жойим подшолик бўлиб, булар маликанинг шартини бажаргани келган одамлар экан, э, хомкалла, филли, айиқли, арслонли, бўрили, отли, эшакли шундай одамлар турганда маликанинг шартини бажариб, уни хотин қилиб олишни сенга ким қўйибди», деб пешанасига уриб-уриб қўйибди. «Орқага қайтаман, бўлмади», деб энди жўнамоқчи бўлган экан, бирдан карнай-сурнай чалинибди. Ҳаммаёқни ватуват-ватуват босиб кетибди. «Қани, шартни маликанинг оғзидан эшитай-чи, ўзини ҳам бир кўрай-чи, қанақа экан?» деб Маманазар ўзига келибди. Шу пайт подшо одамлари билан маликаю мукаррамхон чиқиб, тахтга ўлтирибдилар. Жарчи бақириб, чақира бошлабди.

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, маликанинг шартини бажармоқ учун келганлар, ана энди қулоқ сол, маликамиз шартларини айтадилар, қўлингдан келса килиб қол!

Шу пайт малика ўрнидан туриб биринчи шартини айтибди:

— Қирқ кун мухлат. Бувота тоғининг энг баланд чўққисидан бир қаср бўлсин. Дунёда танҳо бўлсин. Ҳатто унга пашша ҳам учиб чиқолмасин.

Бу шартни эшитган оломон ҳайратдан ёкасини ушлабди, бошини қашлабди. Кўпчилик қатори Мама-

назар кал ҳам, Бувота тоғи қайдасан, деб жўнаб кетибди. Бувота тоғига бориб, қаср қайда-ю, мен қайда, дея бир горни танлаб, маликага етмоқ бизга насиб этармиди, кел қўй, бу ғавғони ўзингга ҳамроҳ қилма, деб ётаверибди.

Ҳингига айланиб қолган Қизил дев билан бошқа мамлакатлардан келган шаҳзодалар қаср қуришни бошлаб юборибдилар. Аммо ҳеч бир киши Бувота тоғининг энг баланд чўққисига кўтарила олмабди. Фақат одамга айланиб қолган Қизил девгина Бувота тоғининг энг баланд чўққисига чиқиб қаср қура бошлабди. Унга бутун девлар отаси Қора дев бошчилигида ёрдам беришибди. Гапни Мама Назарвойдан эшитинг.

Мама Назар ғорда ётиб-ётиб зерикибди, ташқарига чиқиб, қани бир томоша қилай-чи, маликанинг шартини ким бажараяпти экан, деб Бувота тоғининг чўққисига қарабди. Қараса тоғнинг энг баланд чўққисидан бир қаср битай деб қолибди. «Тоғ чўққисига малика айтган қасрни қурса бўлар экан-ку, мен бўлсам бекордан-бекорга валақлаб юрибман», деб хафа бўлибди. Шу пайт оёғининг остидан:

— Эй, одамзод ғам ема. Бувота тоғининг энг баланд чўққисига Қора девнинг ўғли Қизил дев одамзоддан хотин оламан деган мақсадда қаср қураяпти. Аммо лақма дев билмайдики, у қасрни қуролмайди, одамзоддан хотин ололмайди,— деган овоз келибди. Мама Назар қараса, оёғининг остида битта кичкинагина митти чумоли унга қараб турган эмиш. Шунда Мама Назар:

— Вой-вой, митти хумпарвой-сй, бу гапларни сен қаёқдан биласан?— дебди.

Чумоли:

— Биламан-да!— дебди.

Мама Назар:

— Қаёқдан келдинг, кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан? Тезда бу ердан кетмасанг, тош-пошнинг-тағча қолиб, бекорга ўлиб кетасан,— деган экан, чумоли:

— Мен чумолилар подшосини энг кичик ўғлиман. Отам: «Бу акангни дарёдан оқиб кетишдан кутқазиб, синган оёғини тузатган одамзод йўқ бўлиб кетди, уни излаб топиб, ҳол-аҳволдан хабар олинглар», деб ҳаммаёкка чумоллардан юборди. Мени буёққа жўнатган эди, хайрият, сени шу ерда топдим. Энди мен

билан кетасанми ё шу ердә қолиб, қаср қурилишини томоша қиласанми?— дебди.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, қаср қурилишини томоша қилмайман ҳам, қасрни мен қурмоқчи эдим, қўлимдан ҳеч вақо келмади,— дебди бола. Чумоли:

— Бўлмаса хайр, мен тезроқ бориб отамга сени кўрганимни айтай,— деб жўнамоқчи бўлган экан, Маманазар: «Балки отаси — чумоли подшосининг ёрдами тегиб қолар, ахир ўзи бошингга мушкул иш тушса, чақир деган эди-ку!» деб ўйлабди-да, тутатқини ёқибди чумолилар подшоси Маманазарга қараб:

— Чақириб яхши қилдинг. Жимиб кетганидан ўлиб-пўлиб қолдими, деб хавотирда эдим. Хайрият тирик экансан. Кичик ўғлим олдинга келмаганда, балким юз йилда ҳам кўришмасдик. Хўш, хизмат?— дебди. Шунда Маманазарвой:

— Маликанинг шартини бажаришда ёрдамлашсанг, қўлингдан келадими?— деб сўрабди. Чумолилар подшоси:

— Бизнинг қўлимиздан келмайдиган иш йўқ бу дунёда. Дарёни бўғамиз, десак бўғамиз, тоғни қулатамиз десак қулатамиз. Чунки биз кўпчиликмиз, бунинг устига жуда аҳил, биродармиз. Умуман аҳиллик, биродарлик, дўстликда бизга тенг келадигани йўқ!— дебди.

Маманазар бу гапни эшитиб, чумолилар подшосига қараб:

— Бўлмаса, маликанинг шартини бажаришда менга ёрдамлашиб юбор,— дебди.

Чумолилар подшоси:

— Шарти нима экан?— деган экан, Маманазар:

— Хув анави баланд тоғнинг энг баланд чўққисига бир қаср қуриш. Қаср гўзалликда дунёда тенги бўлмаслиги лозим,— деб жавоб берибди. Чумолилар подшоси:

— Бу бизга ҳеч гап эмас. Маликанинг муддати қачон?— дебди.

— Қирқ кун,— жавоб берибди Маманазар.

— Бўпти, дунёда йўқ қасрга эга бўласан шу қирқ кун ичида,— дебди чумолилар подшоси қатъий.

У шундай дея жўнаб кетибди. Маманазар:

Айтди-қўйди-да, шу минти чумолиларнинг қўлидан нима ҳам келарди. Пешонамга подшонинг қнзини олиш ёзилмаганидан кейин қўлимдан нима ҳам келарди», деб ғорга кириб кутиб ётаверибди. Маманазарвойни ғорда

қўяйлик-да, гапни чумолилар подшосидан эшитайлик.

Чумолилар подшоси ўз юртига келиб, жамики чумолиларни йиғиб, мажлис қилиб:

— Бувота тоғининг энг баланд чўққисига қаср қуриб, маликанинг биринчи шартини бажаришида ошнам Мама-назар деган одамзодга ёрдам беришимиз керак. Ахир, одамзод бизнинг дўстимиз-ку? Ҳой, чумолилар, дунёдаги энг аҳил, бир-бирига оқибати зўр бродарлармиз. Бизларни яна дунёдаги энг зўр уста деб билишади. Аҳиллигимиз, бродарлигимиз, моҳир усталигимизни ишга солиб, қасрни бир кам қирқ кун деганда битказиб, Мама Назарга: «Мана, қаср битди, ол!» дейишимиз керак. Шунинг уддасидан чиқа оламизми?— дебди. Ҳамма ба-раварига:

— Уддасидан чиқамиз, уддасидан чиқиб, қасрни бир кам қирқ кунда битказиб, Мама Назарга тақдим эта-миз!— дейишибди.

Чумолилар шундай деб ишга тушиб кетишибди. Бу-ларни қаср қуришда қўяйлик-да, икки оғиз гапни Мама-назар калдан эшитайлик.

Тонг отиб, Мама Назар ташқарига чиқиб иккита кун-ни кўрибди. Кечаси кўрган қасри эсида йўқ: «Вой, тавба, буёқларда иккита кун чиқар экан-да», дебди. Бувота то-ғининг энг баланд чўққисига қасрни кўриб: «Э, бу қаср-ку, қуёшнинг биттаси», дебди. Ҳақиқатдан қаср эмас, тоғининг энг баланд чўққисиди қуёш турган эмиш. Қаср кечасидан ҳам кундузи минг мартаба ортиқ товланар-миш. Шу пайт чумолилар подшоси пайдо бўлиб:

— Ол, ана, қасринг битди! Керак бўлсам чақирти-рарсан,— дебди, Мама Назар:

— Раҳмат, дўстим! Қасринг малика айтганидан ҳам зиёда,— деб унга жавоб берибди. Кейин, маликага бо-риб айтай, қасрни кўрсин, ёқтирса-ёқтиргани, деб са-ройга қараб жўнабди. Подшо саройига бориб, мали-кага:

— Қаср битиб, шартинг бажарилди. Бориб кўр!— дебди. Малика подшо отаси ва қирқ канизларини олиб, қасрни кўргани борибди. Қаср олдида уёққа юришиб-ди-буёққа юришибди. Знапояларнинг ярмисига чиқа олишибди, холос. Қасрни кўриб ҳамма қойил қолибди. «Малика айтганидан ҳам зиёд бўлибди», деб орқасига қайтишибди.

Гапни Қизил девдан эшитинг.

Қизил дев маликанинг: «Шу ҳам қаср бўлди-ю,

отхона-ку, анавини қаср деб айтса арзийди», дея бола-нинг қасрини мақтаганига жаҳли чиқиб, ўзи қурган қасрни бузиб ер билан яксон қилибдию юм-юм йиғлаб, бошини ушлаб ўлтираверибди. Қора дев бошлиқ бошқа акалари етиб келиб, уни юпатиб, нега бундай қилдинг, дейишган экан, фойдаси бўлмаган қасрнинг кимга кераги бор, дебди. Қора дев Маманазар қурдирган қасрни бузиб, кулини кўкка совурмоқчи бўлган экан, Қизил дев:

— Ота, бундай қилиш номардлик, сен билан биздай девларнинг номига иснод,— деб кўнмабди. Қора дев:

— Энди нима қиласан, акаларинга ўхшаб ўз наслимиздан уйланасанми ё тагин одамзоддан оламан, деб қайсарлигингча қоласанми?— деган экан, Қизил дев:

— Ота, одамзоддан оламан дедимми, оламан. Малика бўлмаса бошқаси бўлар, аммо маликадан умидимни узганимча йўқ. Яна шартлари бор-ку, улар бундан ҳам оғир бўлса керак. Одамзоддан ҳеч бири уларни бажара олмайди, мен бажараман-да, маликага эришаман,— дебди.

Гапни Маманазар калвойдан эшитинг. Маманазарвой дарёи уммоннинг қирғоғида ўлтирганича ўлтираверибди. Сувга тушай деса, дарё қаърига ютиб юборди, деб ҳайиқармиш, сувга тушмай деса, маликанинг дарди қўймабди, нима қилишини билмай, боши қотгандан қотиб, фаромуш ўлтирган экан, сув тагидан бир балиқ ўтиб қолибди. Шунда балиққа қилган яхшилиги эсига тушиб, ёнидаги ҳақиқ тошни қўлига олиб: «Эй, балиқ, менга ёрдамнинг керак», деб уч марта айтибди. Шу пайт сув тўлқинланиб-тулқинланиб, қирғоққа тошибди. Маманазарвой қараб турса, балиқлар подшоси лак-лак балиқлар билан етиб келиб:

— Эй, одамзод, нима гапинг бор?— дебди. Маманазарвой:

— Эй балиқлар подшоси, менга ҳақиқ тош керак бўлиб қолди,— дебди. Шунда балиқлар шоҳи:

— Ҳақиқ тошни берган эдим-ку? У озлик қилдими?— дебди. Маманазарвойнинг таъблари нозик эмасми, балиқнинг гапига жаҳллари чиқиб:

— Менга ҳақиқ тош керак эмас, маликанинг шартига керак. Менга битта-иккита эмас, тахти равон учун жуда кўп ҳақиқ тош керак,— дебди.

— Айтганларинг бажо бўлади, тахти равонга етиб



ортадиган ҳақиқ тошга эга бўласан,— деганича балиқлар подшоси дарёга шўнғиб кетибди. Ҳамма балиқларга, ҳақиқ тошдан топасанлар, деб буйруқ қилган экан, бирпаснинг ўзида ҳаммаёқни ҳақиқ тош босиб кетибди. Уларни Маманазарга келтириб бериб, балиқлар подшоси: «Яна керак бўлсам, чақларарсан», дея дарёнинг тагига тушиб кетибди.

Маманазарвой ёшлигида бир устага шогирд тушиб, озми-кўпми тошга сайқал бериш, ундан идиш-товоқ, устун-пустун қилишни чала-чулпа ўганиб олган экан. Ҳақиқ тошлардан тахти равон ясашга тушиб кетибди. Чумолилар подшосини чақириб, ундан ёрдам беришни сўрабди. Чумолилар подшоси унга бажонидил ёрдам бериб бир тахти равон ясашибдики, дунё дунё бўлиб бунақасини кўрмаган экан. Кўрган кўзни олармиш. Кечаси тунни худди оймомодек ёритармиш, кундузи кундек ёритармиш. Тахти равонни олиб, саройга жўнабди. Малика тахти равонни кўриб, Маманазар калвойга: «Раҳмат, айтганимдай бўлибди», дебди. Қизил дев ич-ичидан куйиб, нима қилишини билмай қолибди. «Ҳа майли, кейин бир гап қиларман. Ё маликани олиб қочиб оларман, ё шартларни бажарган анави йигитни ўлдириб, шартларни бажарган менман, деб айтарман», деб бир томонда жим тураверибди. Малика учинчи шартни эълон қилибди. «Ким уч бошли аждарҳони жиловлаб келиб, хизматимга солса, у шартимнинг уддасидан чиққан саналади», дебди у.

Бу шартни эшитган борки, уни бажариб бўлмайти, деб тарқай бошлабди. Қизил дев одамдан девга айланиб, отасининг олдига бориб ёрдам сўрабди. Қора дев ёрдам беролмаслигини айтиб, девларнинг биронтаси ҳам уч бошли аждарҳога басма-бас келолмайди, унинг кўзи тошни тешса, оғзидан чиққан ҳарорат сувни қайнатади, нафасига тоғ қулайди, дебди. Қизил дев додласаям, вой-войласаям отаси Қора дев: «Бу ҳеч биримизнинг қўлимиздан, бошқаларнинг ҳам қўлидан келмайдиган, умуман бажарилиши мумкин бўлмаган мушкул иш», деб кўнмабди. Буларни шу ерда қолдириб, гапни Маманазардан эшитинг.

Маманазар кал маликанинг шартини эшитиб, ўйланиб қолибди. «Бир бошли аждарни эшитган эдим, икки бошли аждар бор, деб ҳам эшитганман. Аммо уч бошлисини ҳечам эшитмаган эдим-ку?» деб йўлда кетаётса, қибла томонда бўрон кўтарилибди. Осмонни қора булут қоплаб, ҳаммаёқ зинистон бўлиб кетибди.

«Бу нима гап экан?» деб Маманазарвой қараб турса, кўкда чақмоқ чақнабди, осмонни олов босиб кетибди. Бир пайт ҳалиги олов яқинлашиб келиб, ерга тушибди, ер чайқалиб тоғу тошлар қулабди, дарахтнинг учи ерга тегибди. Бу уч бошли аждар экан. Аждар тилга кириб:

— Ҳой, одамзод, мен ниятингни билиб олдим. Сен мени жиловлаб, маликага хизматкор қилмоқ мақсадидан йўлга чиққансан. Бу ниятингдан қайт, бўлмаса бир тикилишдаёқ эритиб, тупроқ қилиб юбораман. Ёш жонингга қасд қилмасдан, келган изингга қайт. Мен-ку уч бошлиман, бир бошли аждарҳони ҳам бўйсундириб, одамзод хизматига қўядиган ҳали онасидан туғилмаган, кейин ҳам туғилмайди,— дебди.

Маманазарвой аждарҳони кўриб, бошидан капалаги учиб, қўрққанидан безгак тутган кишидай титраб-қақшасаям, сир бой бермабди. Уч бошли аждарга қараб:

— Эй, аждарҳо яхшиликча менга бўйнингни эггинда, айтганимга юриб, маликани олдига бориб хизматини қил! Менинг қаҳрим ёмон, сени бир ёқлик қилиш мен учун пашшани ўлдиргандай бир гап, дебди. Уч бошли аждарҳо бу гапдан қаҳ-қаҳ уриб кулган экан. дарё чўлига, чўл дарёга айланибди. Бари бир Маманазар бўш келмабди. Уч бошли аждарҳо ҳам бўш келмабди. Аждарҳо Маманазарга қараб:

— Ҳой, бола, ичингдаги ахлатни ёғ деб юрибсан шексизли, мен билан ади-бади айтиб ўлтирибсан. Сенга куч-қувватимни кўрсатиб қўяйми,— дебди-да, катта тоғ чўққисига тикилибди. Уч бошли аждарҳо кўзини нурига тоғ эриб, сув бўлиб оқиб кетибди. Уч бошли аждарҳо рўпарада турган бир теракбўйи тепаликка қараган экан, тепа чанг-тўзонга айланибди. Унг томонидаги чангалзорга қараб бир пуфлаган экан, оғзидан чиққан аланга ҳаммаёқни кўйдириб, жизғанак қилиб юборибди.

— Кўрдингми куч-қувватимни, тикилиб қарашимнинг ўзига тоғнинг чўққисию анави тепалик бардош беролмай, бири сув бўлиб оқди, бири чангга айланиб кетди. Унинг олдида сен тирранча нима бўлибсанки, мени жиловлаб, маликанинг хизматига оласан,— дебди.

— Эй аждаҳо, беҳудадан-беҳуда валдирайверма, кўп гап эшакка юк, яхшиси эртага тонг отсин, олишамиз-да, ким-кимни енгса, тан бериб, маликанинг хиз-



матини қилади,— дебди Маманазарвой. Уч бошли аждарҳо:

— Бўпти, эртага олишамиз, тирранчавой,— дебди.

Маманазарвой яхши бир жойни танлаб ётиб, уйқуга кетибди. Бир пайт тоғларнинг шақир-шуқуридан уйғониб кетибди. Қараса аждарҳо ётган жойида хуррак отаётган эмиш. Аждарҳонинг икки боши ухлаб, дам олаётган эмиш, бир боши эса уйғоқ эмиш. Кўзининг нурида етти тош ерда нимаики бор — кўриш мумкин эмиш. Оғзидан чиқаётган нафасга осмондаги булутлар гоҳ уёққа, гоҳ буёққа бориб келиб турган эмиш. Маманазарнинг ёдига чумолилар подшоси тушиб, уни чақирибди—тутатқини тутатган экан, чумолилар подшоси етиб келиб:

— Хизмат? Бошингга не иш тушди?— деб сўрабди.

Маманазар уч бошли аждарҳони кўрсатиб, анови ярамасни жиловлаб, маликанинг хизматига солишда ёрдамлашиб юборолмайсанми,— дебди.

— Биз чумолиларга бу чўт эмас. Айтмабмидим сенга, бизнинг қўлимиздан келмайдиган иш йўқ, бизга бўйсунмайдиган махлуқ йўқ,— дебди чумолилар подшоси.— Энди гапимга яхшилаб қулоқ сол: уч бошли аждарҳонинг қўлидан ҳамма иш келади. Сени ҳалок қилиши ҳам мумкин. Биз олишсак, унинг пуфлаган шамолига учиб, кўпчилик ҳалок бўлиши мумкин. Бунга бир ҳийла-найранг ишлатишимиз керак. Ҳийла-найранг билан уни бўйсундириб, эшак қилиб миниб олмасак, шундай рўпарама-рўпара туриб уни енгиш мумкин эмас,— дебди.

— Қандай қилиб ҳийла-найранг ишлатамиз, йўлини кўрсат,— дебди Маманазар.

— Шошилма, мен чумолиларим билан маслаҳатлашай, кейин нима қилишни сенга айтаман,— дебди чумолилар подшоси. У шундай деб қайтиб кетибди. Эрта азонда аждарҳо уйғонмасдан етиб келиб, Маманазарвойнинг оёғини қитиқлаб уйғотиб, унга шундай дебди:

— Йўлини топдик. Уч бошли аждарҳонинг ўғли бор экан. Илон султон деган ана шу кенжа ўғлини ушлаб, бу ерга боғлаб олиб келамиз-да, сенга рўбарў қиламиз. Сен уни ушлаб, қиличингни қинидан чиқариб, уч бошли аждарҳога, агар гапимга кирмасанг, олдин болангни калласини танасидан жудо қилиб, бир қошиқ қонини ичаман-да, кейин сен билан олишаман, дейсан. Уч бошли аждар ҳамма болаларидан ҳам шу кенжасини яхши кўриб, меросхўрим деб юради. Шунинг учун

сен уни, ушлаб турсанг, аждар оловини сочмайди ҳам, сени ютиб юборишга журъат этолмайди ҳам. Боламни омон қолдир, мен хизматингга тайёрман, дейди-да, эшакдай бўйин эгиб хизматингни қилавереди, кейин нима қилсанг қилаверасан,— дебди.

— Тезроқ бўл, бўлмаса аждарҳо уйғониб қолиб, ишимиз пачава бўлмасин,— деб шошилтирибди Маманазарвой чумолилар подшосини.

— Мен одамларимни юборганман, ҳализамон ухлаб ётганида султонга ёпишиб олиб, илон султонни банди қилиб, буёққа олиб келишади,— дебди. Шу пайт лак-лак чумоли ёпишиб олган Илон султон тўппа-тўғри келиб, Маманазарнинг оёғига йиқилиб:

— Эй одамзод, мени манави одамхўр чумолилардан қутқаз, ўла-ўлгунигча хизматингни қиламан!— дебди. Маманазарнинг бир имоси билан чумолилар Илон султоннинг тишлаган жойларини бўшатиб ерга туширишибди. Шунда Илон султон Маманазар калга қараб:

— Ҳой, одамзод, сен мени чумолиларга ем бўлишдан сақлаб қолдинг. Энди гапимни эшит. Сен дарё бўйида менинг емишимни балиқлар подшосининг боласини чангалимдан қутқариб дарёга ташлаб юборганигда: «Мен Қора девнинг дўсти уч бошли аждарҳонинг кенжаси Илон султон бўламан. Мен сенинг шу ёмонлигинг учун соянг бўлиб эргашаман, бари бир қасдимни оламан», деган эдим. Сен мени ўлимдан олиб қолдинг. Хизматингдаман, айт нима қил десанг бажонидил бажо келтираман,— дебди. Шу пайт аждарҳо уйғониб қолиб, боласини Маманазарнинг қўлида кўриб, жонни-пони чиқиб кетибди. Уни бу аҳволда кўриб:

— Боламни нима қилмоқчисан? Уни қўйиб юбориб, олишсанг мен билан олиш, боламга тегма!— дебди. Шунда Маманазар кал ёнидан қилични олиб:

— Ҳозир болангни калласини олиб, қонидан бир тўйиб ичаман-да, сўнг сен билан олишаман,— дебди.

Бу гапни эшитиб, одамзод боламни ўлдириб қўяр экан, дея қўрқиб аждарҳо ялинишга ўтибди:

— Майли, нима десанг қиламан. Боламга тегма,— дебди. Маманазар: «Гапингдан қайтсанг-чи?» деган, экан, аждарҳо: «Гапидан қайтган номард», дебди.

Маманазар аждарнинг боласини қўлидан бўшатибди. Илон султон онасига қараб:

— Она, энди сўз бериб қўйдинг, уни бузмай бола-

нинг айтганини қил. Мен ҳам сўз берган эдим,— дебди. Аждарҳо: «Бузмайман», деб яна қайтарибди. Буларни шу ерда қўйиб, гапни Қизил девдан эшитинг.

Қизил дев, уч бошли аждарҳони бола билмайди, у отамнинг дўсти, айтганимни қилади, деб ғафлатда қолибди. Отасини олиб, аждарҳонинг ғорига борса, болалари: «Одамзод юртига кетган», дейишибди. Қизил дев додлаганича яна йўлга тушибди. Йўлда учиб келаётиб, узоқда бир қора нуқтага кўзи тушибди.

Тез учиб етиб борса, уч бошли аждарҳога миниб, бола келаётган эмиш. Қизил дев буни кўриб, ён-верини чимдилаб ўйиб-ўйиб олибди. Гапни Маманазар калдан эшитинг.

Маманазарвой уч бошли аждарҳони миниб саройга борибди. Саройдагилар аждарҳони кўриб, тўрт томонга қочишибди. Маманазар уч бошли аждарҳони дарвоза олдига қўйиб, маликанинг олдига келибди. Малика:

— Шартларимни бажардингиз, отамга айтинг, тўйни бошлайверсин,—дебди. Подшо олдинига, қизимни келиб-келиб шу калга бераманми,— деб кўнмабди. Кейин доно вазири билан қизининг гап-сўзидан кейин беришга мажбур бўлибди. Қизил дев саройга келиб:

— Мен сенга тан бердим. Ҳамма шартларни бажариб, маликага эришдинг. Мен сени ўлдирмоқчи ёки ўғирлаб қочмоқчи эдим, бу ниятимдан қайтиб, сен билан дўст тутинмоқчиман. шунга нима дейсан?— деган экан, Маманазар:

— Мен розиман, умрбод дўст тутинайлик,— дебди мамнун бўлиб. Икковлари қучоқлашиб. ўртага нон қўйиб, дўст тутинишибди. Шунда Қизил дев:

— Дўстим, мен одамзоддан хотин оламан, деб оғзимга сўз олиб қўйганман, сен рози бўлсанг, маликанинг бирон-бир канизак дугоналарига уйлансам,— дебди Маманазар, хўп дебди. Бу гап маликага ҳам маъқул бўлиб, Гулбадан деган чўрисини Қизил девга олиб берибди. Ҳаммалари уч бошли аждарҳога миниб, Бувота тоғидаги қасрга учиб боришиб, ўша жойда катта тўйни бошлабди. Тўйга Маманазарнинг ота-онаси ҳам келишибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша бўлиб, малика билан Маманазарнинг бир ёнида Қизил дев, уч бошли аждарҳо хизматларида узоқ яшашиб, мурод-мақсадларига етишибди.



## СЕХРЛИ ПИЧОҚ

Қадим-қадим замонларда бир чол билан бир кампир ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган экан. Чол билан кампирнинг уч ўғли бўлиб, бирининг оти Ваққос, иккинчисиники Таққос, кенжасининг оти эса Паққос экан. Чол-кампир ёшлари бир жойга борганда ажаллари етиб, вақт-соати келиб оламдан кўз юмишибди. Отаси ўлими олдидан ўғилларини бирма-бир чақириб, шундай дебди:

— Ваққосбек, менинг куним битган кўринади, топган-тутганим шу кўриб турганинг — мол-дунё, қўй-қўзилар. Аммо ўлимим олдидан айтадиган яна бир гапим бор. Шулардан бирини танла: мол-дунё билан қўй-қўзиларнинг тенг ярмини оласанми ё гапимними?— дебди.

Ваққосбой ўйлаб-ўйлаб ўзича: «Гапни нима қиламан, уни еб бўлмаса, кийин бўлмаса, мол-дунё билан қўй-эчкиларнинг тенг ярмини оламанда, яхши бир қизга уйланиб, маза қилиб яшайман», дебди-да, отасига қараб:

— Майли, мол-дунёингиз билан қўй-эчкингнининг ярмисини оламан. Гап бўлса старлича бор,— дебди.

— Яхши, бўлмаса мол-дунёнинг, қўй-эчкиларнинг ярми сенга,— дебди отаси. Кейин Таққосни чақирибди.

Отаси Таққосвойга қараб:

— Ўғлим мени куним яқинлашиб, вақти қазойим етганга ўхшайди. Топган-тутганим шу кўриб турганларинг — мол-дунёю қўй эчкилар. Аммо кўзимни юмишим олдидан бир гапим бор. Шу гапимни оласанми ё мол-дунёю қўй эчкиларни ярмисини оласанми?— дебди. Таққосвой:

— Гапни нима қиламан. Мол-дунё билан қўй-қўзиларнинг ярмисини оламан-да, акамга ўхшаб яшайвераман,— дебди.

— Яхши,— дебди отаси.— Мол-дунё билан қўй-эчкиларнинг тенг ярми сенга бўлсин.

Ота кейин Паққосвойни чақириб:

— Болам, менинг ажалим етиб, у дунёга кетадиган вақти-соатим яқинлашиб қолди. Ўзинг биласан, менадан қолган оз-моз мол-дунё билан қўй-қўзини акаларинга бўлиб бердим. Бисотимда бир гапим қолди. Шу гапимга розимсан ё акаларингдан дунё билан қўй-қўзиларнинг бир қисмини олиб берайми?— дебди. Шунда кенжа ўғил:

— Отажон, менга мол-дунёю қўй-қўзиларнинг кераги йўқ, майли, уларни акаларим олиша қолишсин.

Менга гапингизни айтсангиз бўлгани,— деган экан, отаси:

— Ундай бўлса яхшилаб эшитиб, қулоғингга қўрошиндан қўйиб ол! — дея гапни бошлабди. — Боботонинг кун чиқиш томонида бир ғор бор. Шу ғорда бир темиргар уста яшайди. Шунга бориб: «Ота, сизга шогирдликка келдим», дейсан. Унга шогирд тушгач, айтганларимни сўзсиз бажар. Кейин устачиликка ўрганиб бўлгач, сенга жавоб бераётиб: «Болам, сенга нима берай», дейди. Шунда сен: «Отажон, менга ҳеч нарса керак эмас, устачиликни ўргатдингиз, шунинг ўзи етарли», дейсан. Уста гапларингдан таъсирланиб яна сўрайди. Сен: «Ҳа, майли, оловингизда битта пичоқ ясаб беринг», дейсан. Уста гапидан қайтмайдиганлардан, сенга албатта пичоқни ясаб беради. Акаларингнинг мол-дунёю қўй-қўзилари соб бўлсаям, шу пичоқ йўқ бўлмайди, аксинча, сенинг абадий ҳамроҳинг бўлиб, мақсадингга эриштиради,— дебди отаси. Чол шундай деб оламдан ўтибди. Икки акаси оталаридан қолган мол-дунёни тенг иккига бўлиб, укаларини бизга ортиқча даҳмаза бўлади, деб уйдан ҳайдаб солишибди. Паққос акаларининг номардлигидан хафа бўлиб, уйдан чиқиб кетибди-да, отам айтган Боботон, қайдасан?» деб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, озгина эмас кўп юрибди. Охири юриб-юриб Боботон этагига етиб борибди. Тоғнинг кун чиқиш томонига ўтиб. «Ғор қаерда экан», деб аламлиниб турган экан, бир тош орасидан учқун отилиб чиқибди. Бола ўша жойга бориб, ғорнинг эшиги шу ерда бўлса керак, деб ўйланиб турган экан, яна бир учқун келиб, мен билан юр, дегандай унинг ёқасига қўнибди. Шунда боланинг кўзи тоғдаги ёзувга тушибди. Унда: «Шу ёзув ёзилган тошнинг ўнг томонига ўтиб: «Ё Али», деб бир тепган одамга ғорнинг дарвозаси очилади»,— деб ёзилган эмиш. Паққосвой: «Ё Али», деб халиги жойни тепган экан, тоғ шақир-шуқурлаб ёрилибди-да, ғорнинг эшиги очилибди. Бола ғорга кириб, ичкарилаб кетаверибди-кетаверибди. Кейин бир ерга борганда, кўзи слов ичида ишлаб ўтирган бобойга тушибди. Бобой тақир-туқир қилиб ҳаммаёққа олов сачратиб ишлаётган эмиш. Бола яқинлашиб бориб салом берибди. Бобой болгасини қўйган экан, олов ўчибди. Кейин боланинг саломига алик олиб:

— Келинг, меҳмон, қани буёққа юринг,— деб бир хонага олиб кирибди-да, меҳмон қилиб, кейин ундан:



«Хизмат?» деб сўрабди. Шунда бола:

— Ота сизга шогирд тушсам деб келдим,— дебди. Бобой ўйланиб туриб:

— Бу мумкин эмас,— дебди. Бола ҳам бўш келмабди:

— Шогирдликка олсангиз ҳам оласиз, олмасангиз ҳам оласиз. Ҳеч кими йўқ етимчаман. Ота-онам ўлиб кетган, икки акам уйдан қувиб чиқарди, қайга боришга ақлим етмади,— деб туриб олибди. Бобой яна ўйланиб туриб яна: «Йўқ, бўлмайди», дебди. Бола яна ялиниб-ёлворишга тушибди. Кейин бобойнинг болага раҳми келиб, уни ўзига шогирдликка олибди. Бола хурсанд бўлиб, оёғини қўлига олиб хизмат қилишга киришибди. Орадан икки-уч йил ўтибди. Бобой бола-нинг чаққонлиги, ақиллилиги туфайли уни яхши кўриб қолибди, худди ўзининг ўғлидай муомалада бўла бошлабди. Бир пайт бобой болага қараб:

— Уғлим, сен менга шогирд тушиб жуда кўп нарсаларни ўрганиб олдинг. Сени ўз боламдай яхши кўриб қолдим. Бари бир сенга жавоб берадиган кун келди. Сенга жавоб бераман, ташқарига чиқиб, устачиликни давом эттириб, одамларга яхшилик қил,— дебди. Бола:

— Сиз нима десангиз ўшандай бўлади. Раҳмат, ҳам ота, ҳам устоз бўлдингиз,— дебди. Унинг жўнаб кетиши олдидан бобой озиқ-овқат тайёрлаб берибди-да:

— Болам, сенга яна нима берай?— деб сўрабди. Шунда бола:

— Ота, менга ҳеч нима керак эмас, менга устачиликни ўргатдингиз, шунинг ўзи етарли,— деган экан, у яна:

— Нима берсам экан?— дебди. Шунда бола:

— Ҳа, майли, оловингизда битта пичоқ ясаб бера қолинг,— дебди.

Бобой:

— Йўқ, бунинг иложи йўқ,— дебди. Бола:

— Иложи бўлмаса, ҳа, майли, нима ҳам дердим. Менга жавоб беринг, йўлга чиқай,— дебди. Бола устача шундай дебди-ю, ичида, пичоқ ясаб бермасдан, «бўпти, кетавер», деб қолса-я, деб чўчибди. Шунда бобой ўйлаб-ўйлаб:

— Ҳа, майли, пичоқ ясаб берсам, бера қолай, ўзим ҳам қариб қолдим, сиримни гўрга олиб кетармидим,— дебди болага ачинганидан, кейин унга тайинлабди:

— Мен сенга чўғ бераман, шуни Боботоғнинг кунботар томонига олиб ўтиб, ўша жойдаги ғорга кирасан-да, ундаги булоққа тиқиб совутиб қайтасан. Аммо шуни яхши билиб қўй: чўғни очиқ қўлингда чангаллаганча ушла, чидамсизлик қилиб, уни ташлаб юборсанг, ўша жойда у тошга айланиб қолади. Чўғ қўлингни қанчалик куйдирмасин, чидайсан,—дебди. Бола:

— Мен розиман, чўғ куйдириб қўлимни узиб ташласаям чидайман,—дебди.

— Кўрамиз бардошинг қанчалик экан,—деб бобой болғасини қўлига олган экан, яна ҳаммаёқни олов босибди. Оловдан тухумдай-тухумдай иккита чўғни узиб олиб, болага қараб:

— Қўлингни оч,—дебди. Бола қўлини очибди. Уста чўғларни қўлига тутқазиб:

— Маҳкам қисиб ол-да, тез йўлга чиқ!—дебди. Бола чўғни қисганича ғордан чиқиб Боботоғнинг кунботар томонига қараб чопибди. Чўғ қўлларини куйдиргандан куйдираверибди. Жони қийналиб, минг бир азобга тушган бўлсаям, тишини-тишига қўйиб чндабди. Бир пайт Боботоғнинг кунботар томонига ўтиб, бир ғорга кирибди. Ғорда битта зилол булоқ бўлиб, ким кўрса, ҳаваси келар экан. Бола борганича булоққа қўлини тиқибди. Бирдан чўғ вишиллаб совибди-қолибди. Бола совиган чўғни қўлида қисганича устанинг олдига қайтибди. Болани кўриб, уста хурсанд бўлиб кетибди:

— Қўлингдаги совиган чўғни бу ерга қўй,—дебди. Бола уни олиб бобой айтган жойга қўяй деса, совиган чўғ қўлидан ажралмасмиш. Шунча уринибди ҳамки, чўғ тушмасмиш. Охири:

— Ота, совиган чўғ қўлимдан тушмаяпти,—дебди Бобо унга яқин келиб, болга билан қўлингнинг орқасига бир урган экан, ҳалиги совиган чўғ узилиб тушибди. Бобой уни болга остига олиб, нилов бера бошлабди. Пичоқ битгач, уни болага бераётиб шундай дебди:

— Буш эҳтиёт қил, жуда хосиятли пичоқ. Олов билан сувнинг ўғли бу. Яхши гапириб, ўзингга дўст деб билиб, ундаи мадад сўрасанг, айтган нарсангни бирпасда бажаради. Одамларга кўрсатма, эҳтиёт қил, бўлмаса ундан айрилиб қоласан,—бобой шундай дебди-да, бола билан хайрлашиб, унга оқ йўл тилаб қолибди. Бола пичоқни олиб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир жойга бориб, чарчаб дам олишга ўлтирибди. Шунда ўйлаб туриб: «Отам

айтган пичоқни уста созлаб берди. Қани энди бир си-  
наб кўрай-чи, унинг қандай хосияти бор экан», дебди-  
да, пичоққа қараб: «Қорним очди, менга нон, сув  
бер», деган экан, пичоқ бир-икки қимирлабди. Бола  
ён-атрофига қараб, юз хил нозу неъмат терилган  
дастурхонни кўрибди. Бола тўйиб овқатланиб, яна  
йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юриб-  
ди. Бир пайт бир чангалзор-тиканзорнинг устидан чи-  
қиб қолибди. Инсон тугул «ман-ман» деган тулки ё  
илон уёқда турсин, орасидан пашша ҳам учиб ўтол-  
мас эмиш. Бола энди бундан қандай қилиб ўтаман,  
деб турган экан, худди шуни кутгандек, ёнидаги пи-  
чоғи ғимирлаб қолибди. «Ҳа-я,—дебди ўзига-ўзи Пақ-  
қосвой, — ёнимда дўстим пичоқ бор-ку!» У шундай  
деб ёнидаги пичоқни олиб: «Қадрдон ошнам, чангал-  
зордан ўтишнинг иложини топ», дебди. Пичоқ ерга ту-  
шиб бирин-кетин тикон, чапгакларни кеса бошлабди.  
Бирпасда ўтиб бўлмас чангалзордан йўл очибди. Бо-  
ла пичоққа раҳмат айтиб, йўлга тушибди. Яна йўл  
юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир пайт қуш ҳам  
учиб ўтолмайдиган тоққа келиб қолибди. Олдинига:  
ёнидаги пичоғи эсига тушибди. «Ҳа-я, пичоқ ошнам  
«Бу тоғдан қандай ўтаман», деб ўйланибди. Кейин  
бор-ку!» деб пичоғини ёнидан олиб: «Ошна, тоғдан  
олиб ўтишни ўйла», дебди. Пичоқ сакраб ерга ту-  
шибди-да, тоғни чўқий бошлабди. Ҳар чўқинганда сан-  
диқдай-сандиқдай тошлар ҳар томонга сачрар эмиш.  
Ҳаш-паш дегунча йўл очибди. Бола пичоқни ёнига  
солиб, йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам  
мўл юрибди, бир жойга бориб қолибди. Қараса, бутун  
жойни ёввойи тўнғиз, бўри, шоқоллар эгаллаб ётган  
эмиш. Бир пайт болани ёввойи тўнғизлар ўраб олиб,  
ёриб ташламоқчи бўлишибди, бўрилар бўлса, улар  
ишини бажаргач, болани ғажиб ташлашга шайлани-  
шибди. Бола қўрқмай-нетмай ёнидан пичоғини олиб  
аста: «Азиз ошнам, пичоқвой, бошлаб буларни жа-  
зосини бер, мен бир томоша қилай», дебди. Пичоқ  
қувгандан-қувиб ҳалиги ваҳший ҳайвонларнинг жа-  
зосини бера бошлабди. Етиб борганининг бошини  
шартта-шартта кесиб ташлайверибди. Пичоққа бардош  
беролмаган жондорлар кўринган томонга қочиб қоли-  
шибди. Бола пичоқни ёнига солиб, йўлга тушибди.  
Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб бир ҳужрага бориб  
қолибди. У ерда бир чол яшар экан. Бола чолга са-

лом бериб, хужрага кириб борибди. Шунда чол бола-нинг саломига алик олиб:

— Йўл бўлсин, болам,— деб сўрабди. Бола чолнинг гапига жавоб бериб:

— Уғли йўққа ўгил, қизи йўққа қиз бўламан,— дебди. Чолга бу гап ёқиб тушибди, чунки у бефарзанд экан-да! Бир ўзи яшаб обдан, зериккан экан. Чол азборойи хурсанд бўлганидан:

— Бўлмаса менга ўгил бўла қол! Менинг ҳам ҳеч кимим йўқ, ғарибман!— дебди. Бола:

— Уғил бўлсам бўлибман-да, менинг отамам, онамам йўқ, «икки ғариб бир бўлса, топгани ўртада бўлур» деган гап бор,— дебди-да, чолга ўгил бўлибди. Орадан кўп кунлар ўтибди. Чол билан бола бир-бирларига шунчаллик ўрганиб қолишибди-ки, бирпас кўришмаса яшай олмайдиган бўлишибди. Кунлардан бир куни осмону фалақдан учиб кетаётган тимқатор турналарни кўриб, бола хўрсиниб юборибди.

— Нега хўрсиндинг, болам?— деб сўрабди отаси.

— Ҳеч нимага, отажои, шундай, ўзим,— дебди бола. Бир пайт турналарнинг бири булар томонга қараб бурилган экан, бошқалариям унга эргашибди. Ҳалиги турна ҳамма турналарни эргаштириб, чолниқига тушибди. Чолга салом берибди-да, болага қараб:

— Ҳой бола, нега хўрсиндинг?— дебди.

— Шундан, ўзим,— дебди бола.

— Ундай бўлса бошқа гап,— дебди турналар бошлиғи. Чол билан ўғли уларни зиёфат қилишибди. Чол: «Оламда нима гап», деб сўрабди. Шунда турналардан бири:

— Шундоққина сенинг ёнингда — тоғ орқасидаги подшоликда қизиқ гаплар бўлаяпти,— дебди.

— Қанақа қизиқ гаплар экан, билса бўладими?— деб сўрабди бола.

— Подшонинг яккаю ягона қизи бўйга етиб, отаси уни куёвга узатишни ўйлаб юрибди,— деб жавоб берибди турна. Кейин турналар, бизга жавоб, деб ота-болага раҳмат айтиб, учиб кетишибди. Шунда бола чолга қараб:

— Эй, ота, бир гапни айтсам хафа бўлиб, кўнглингизга олмайсизми?— дебди. Чол:

— Вой, болам-ей, нега энди кўнглимга оларқанман. Нима гапинг бўлса тортинмай айтавер,— дебди. Бола ерга қараб туриб-туриб:

— Уйлансам дейман. Борди-ю, хўп десангиз, турна айтган подшонинг қизига совчиликка борсангиз. Мен

уни тушимда ҳам кўриб яхши кўриб қолдим!— дебди. Шунда чол ичида: «Ҳа, гап буёқда экан-да! Турналар эшитиб, бу ерга тушгач, хўрсингани шундан экан-да, вой каллам қурсин, шунга ақлим етмабди-я», дебди-да, болага қараб:

— Болам, мен бир бева-бечора камбағал чол бўлсам, қўлимдан ҳеч бир иш келмаса, подшога берадиган мол-дунёимиз бўлмаса, мени, подшоникига совчиликка боринг, деб қийнама, ўзимизга ўхшаган камбағалроқ оиладан тенгинг топилиб қолар,— дебди.

— Подшоликка совчи бўлиб бораверинг, ҳаммаси жойида бўлади,— дебди бола.

— Йўқ, мени қийнама, подшо мени остонасига ҳам йўлатмайди. Балким, мени калака қилгани келгандирсан, сассиқ чол, деб зиндон қилдирар ё улдиртириб юборар. Жон болам, қариганда мени ёт одамлар, айниқса подшо кўлида ўлишимга сабабчи бўлиб қолма,— дебди отаси. Аммо бола учин ҳол-жонига қўймабди:

— Бораверинг, ота, кейин хурсанд бўласиз,— дебди. Бола ялиниб-ёлворганидан кейин чол подшоникига совчиликка борибди. Чолни подшога рўбарў қилишибди. Подшо:

— Мақсадинг не?!— деб сўраган экан, чол:

— Эй, подшоҳи олам, менинг ёлғиз ўғлимдан қизингизни аямасангиз, икковимиз қуда-анда бўлсак,— дебди. Бу гапдан подшонинг кўзи қонга тўлиб, бир ғазабига ўн ғазаб қўшилиб:

— Эй, тентак, сассиқ чол, ўзинг бир гадой бўлсанг, мендай подшойи азимнинг олдига совчиликка келишга қандай журъат этдинг? Сен ўзингни кимлар билан тенг қилаётганингни тушунасанми?!— деб ўшқирибди, илондай пишқирибди, айиқдай ўкирибди. Подшо дарғазаб бўлгандан бўлиб, манави чолни боқувдаги итларим олдига ташланглар, деб буюрибди. Чолни олиб чиқиб кетишибди. Лекин итлар тишлаш уёқда турсин, унга қайрилиб ҳам қарамабди. Бола уйида туриб пичоғига, отамни омон сақла, деб қўйган экан-да! Бунни кўриб подшонинг қаҳри оғзидан тутун бўлиб чиқибди. Кўзлари олайибди:

— Бунни боқувдаги итлар олдидан олиб, келига солиб туйинглар. Итларнинг бўлса калласини узиб ташланглар,— деб буюрибди. Бирдан чолни итлар олдидан олиб, келига солиб туя бошлабди. Бироқ бу гал ҳам чол соғ-омон қолибди, келида туйишолмабди. Подшо энди ҳечам чидаб туролмабди, оғзидан тутун эмас, олов сач-

ратибди, бақирганига етти иқлим титрагандай бўлибди:

— Бу чолни исфиҳон қилич билан қиймаланглар,— деб чинқирган экан, ер титраб, гўё зилзила бошлангандай бўлибди. Чолни қилни иккига ёрар қилич ҳам ололмабди. Нима қилишини билмай подшонинг боши қотибди. Шунда вазир унга ақл бўлиб:

— Шоҳим, гапингиз тўғри, бунга ҳеч нарса кор қилмайдиганга ўхшайди. Яхшиси чолга, мен розиман, денгда, тўй харакатини оширгандан ошириб айтинг. Уларни тополмай, сизга қуда бўлиш ниятидан воз кечади,—дебди. Подшо чолни саройга олдириб келиб:

— Сен билан қуда бўлишга розиман. Аммо баланд дорга осилдингми, доринг ҳам, арқонинг ҳам олтиндан бўлмоғи лозим. Устида зар банот билан қирқ туяда зар, қирқта эгизак туғадиган қўй, қирқта думбасини кўтаролмайдиган қора қўчқор, қирқта қорабайр от, қирқта хачир, қирқта қора мол, қирқ халта ун, қирқ халта гурунч, қирқ аравада қимматбаҳо шоҳона кийим-кечак, қирқ халта қанд-қурс қалин олиб келасан. Ана шулар бўлса, қизимни олиб кетавер,— дебди.

Чол буларни эшитиб, хуши бошидан учиб, эсдан кетиб қолаёзибди. Зўрға уйига келиб: «Оч қорним, тинч қулогим, деб осойишта яшаб келаётган эдик, подшони қизига ошиқ бўлиб, ўзининг ҳам менинг ҳам бошимга етадиган бўлдинг-да!» дебди. Бола:

— Ота, рози бўлдимми? — деб сурабди. Чол унга қараб:

— Бормаганимга қўймадинг, қачон, қасрда бизга ўхшаган камбағал бечора подшо билан тенг келибдики, қуда-анда бўлсак,— дебди. Кейин:— Подшо қирқ туяда зар, қирқта эгизак туғадиган қўй, қирқта думбасини кўтаролмайдиган қора қўчқор, қирқта қорабайр от, қирқта қора мол, қирқ халта ун, қирқ халта гурунч, қирқ аравада қимматбаҳо шоҳона кийим-кечак олиб келиб, қизни олиб кетавер, деди. Подшонинг қизидан кўнглингни уз, буларни қирқ минг йилда ҳам топиб беролмаймиз,— дебди.—Яхшиси бошқа келин топиб бераман.

— Эй, ота, шунга ҳам ғам еб ўтирибсизми! Подшо айтганларини қирқ минг йилда эмас, қирқ дақиқада муҳайё қиламан. Уша катта оғиз подшонинг қизини олиб келиб хизматингизга солмасам, отимни бошқа қўяман,— дебди. Бола шундай деб, ёнидан аста пичоқни олиб:

— Дўстим пичоқжон, подшонинг айтганларини бажо

қилсанг,— деб пичоқчасидан мадад сўрабди. Бирпаснинг ўзида подшо айтгандан ҳам зиёд молу дунё, қўю қўзи, оту арава пайдо бўлибди. Чол уларни санай деса, саноғига етолмабди. Чол подшонинг айтганидан ҳам зиёда қилиб тўёна олиб борибди-да, подшога рўпара бўлибди. Подшо бу пайт анча-мунча шаштидан тушиб қолган экан, чолни яхши кутиб олиб:

— Айтганларимни олиб келдингизми?— дебди. Шунда чол:

— Тақсир, ташқарига одам чиқарсинлар, кўрсинлар. Айтганларидан зиёд келтирмаган бўлсам, майли, мени нима қилсалар қилаверсинлар,— дебди. Подшонинг ўзи ташқарига чиқиб, тўёнани айтгандан ҳам зиёд эканлигини кўриб, қизини чолнинг ўғлига беришга мажбур бўлибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб, йигит қизни никоҳига олибди. Йигитнинг хотини билан отаси жуда иноқ, аҳил бўлишиб, шоду хуррам яшай бошлашибди. Ҳамманинг ҳаваси келибди, уларнинг овозаси оламга ёйилгандан ёйилиб, ҳатто акаларининг қулоғига-ча етиб борибди. Оталаридан қолган дунёлари тугаб, бу икки ака-ука ўша пайтда қаландар либосини кийиб, кўча-кўйларда чор-ночор кун кечириб юришган экан. Ҳар иккала ака: «Ўша бола укамиз бўлса керак», деб уни излаб келишибди. Бу пайт Паққосвой овга чиқиб кетган экан. Акалари келиб, унинг уйи олдида гаплашиб туришган экан, малика уларнинг овозини ўзининг ёриникига ўхшатибди. Кейин:

— Ҳой, ота, анави қаландарларни ичкарига олиб кириб, чой-нон қилсангиз-чи,— дебди. Чол: «Хўп болам», деб қаландарларни ичкарига олиб, тозаям меҳмон қилибди. Кенжа ўғил овдан қайтиб келгач, зиёфатга-зиёфат уланиб кетибди. Ака-ука бир-бирларини топишиб, қўй-қўзидай яйрашиб яшай бошлашибди. Айниқса, Паққосвойнинг шодлиги, қувончи ошгандан ошиб, хурсандчиликдан бошн осмонга етай дебди. Ўзиям акаларни тоза соғинган экан-да! Тутинган отаси — чол ҳам, хотини Марҳабо ҳам уларни «болам», «акам», деб ҳурмату иззат-икром қилганларидан ўлтирғизгани жой топишолмас экан. Орадани кунлар ўтибди, ойлар ўтибди. Бир кун катта ака Ваққосвой Паққосвойга қараб:

— Укажон, мени яна бир мартаба кечир, ўша қилган ахмоқчилигимдан ҳали-ҳали хижолатдаман, еганим ичимга тушмаяпти, кийганим устимга ёпишмаяпти, ўшанда шайтоннинг гапига кирган эканман,— дебди уйи-

дан укасини ҳайдаб чиқарганини эслаб. Шунда Паққосвой:

— Акажон, ўтган ишга саловот. Мен уни ҳечам ўйламайман, сиз ҳам эсингиздан чиқаринг. Яхши ошаб, яхши кийиниб юраверинг. Рўзгоримда нима бор — сизники,— дебди. Воққосвой кўзига ёш олиб:

— Раҳмат, ука, умрингдан барака топ, бахтинг бундан ҳам зиёда бўлсин,— дебди. Яна кундан кун ўтибди, ойдан ой ўтибди, энди ўртанча ўғил Таққосвой Паққосвойни панароқ жойга олиб бориб:

— Укажон мен қилган номаъқулчилигим учун жудаям хижолатдаман. Шайтоннинг гапига кирган эканман,— дебди. Шунда Паққосвой:

— Акажон, ҳеч гап эмас, ўтган ишга саловот. Мен уни хаёлимга ҳам келтирмайман, сиз ҳам унутинг. Яхши ошаб, яхши кийиниб юраверинг. Давлатимда нимаки бор — сизларники. Тутунган отам, суюкли хотиним ва сизлардан бошқа ҳеч кимим йўқ-ку, ахир!— дебди.

— Раҳмат, укажон, бизнинг ҳам сендан бошқа ҳеч кимимиз йўқ. Умринг узоқ, давлатинг бундан ҳам зиёда бўлсин,— дебди Таққосвой кўзига ёш олиб. Паққосвой, акаларим хижолатда экан деб, пичоқжонига айтиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида данғиллама иморат солдириб берибди. рўзгорини бут қилибди, ҳеч нарсадан кам қилмабди, ҳар икковига подшо вазирларининг қизларини хотинликка олиб берибди. Отаси билан ёрига:

— Мени хурсанд бўлсин десангизлар, акаларимга яхши муомалада бўлиб, ҳечам хафа қилманглар,— дебди. Шундай қилиб кундан-кун, ойдан ой, йилдан йил ўтаверибди. Кунлардан бир куни Таққосвойникига Воққосвой кириб келибди-да, гап бошлабди:

— Ҳой, Таққосвой, бир гап чиқиб қолди. Қачонгача биз икковимиз анави Паққоснинг қўлига муте бўлиб яшаймиз. Хотини билан анави исқирт чолни бўлса кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ,— дебди. Худди шуни кутиб юргандай гапга Таққосвой аралашибди:

— Тўғри айтасиз, ака, мен ҳам анчадан бери шу ҳалдаман, аммо сизга айтолмай юрардим. Буларни бир ёқлик қилиб, бу мол-дунёни ўзимизники қилиб олмасак бўлмайди,— дебди. Ҳар иккала ака-уканинг гапларига томга чиқиб олиб, мўридан қулоқ солиб турган хотинлари томдан таппа-таппа ташлаб, уйга киришибди-да, ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ, уввос тортиб йиғлайверишибди.

— Ҳой нима гап?— деб хотинидан сўрабди Ваққосвой.— Нима, биров хафа қилдимми?



— Ҳой, хотин, нима гап, айтсанг-чи? Қим сени хафа қилди?— деб сўрабди Таққосвой. Ҳар икки овсин:

— Биз ҳам тўйдик бу ҳаётдан. Бу ерда нималар бўлаётганини сизларга айтмай ичимизга ютиб юрардик, энди пичоқ суякка бориб етди. Сизлар овга кетдинглар, анави яшамагур укангизнинг хотини уни қил, буни қил, деб-иш буюргани буюрган, нима биз унга қул-у, у хўжайинми?— дебди Ваққоснинг хотини.

— Агар бир иложини қилмасангиз бу ердан кетамиз,— катта ака хотинининг гапини кичкина уканинг хотини илиб олибди.— Опам тўғри айтдилар. Сизлар йўқлигингизда биз қул, укангизнинг хотини хўжайин. Қовоғидан қор ёғади, юзидан қаҳр томади, иш буюргани-буюрган. Нима, у киши подшозода бўлса, биз паст кишининг фарзандларими? Йўқ, биз ҳам вазирзодалармиз,— дебди. Таққосвойнинг хотини:

— Анави тутинган отаси бўлса-ку, золимликда, зулм ўтказишда укангизнинг хотинидан ошиб тушса ошиб тушадики, асло кам эмас. Баъзан ҳатто буюрган ишини қилмасак ҳақоратлаб, калтак кўтаришгача етиб боради. Анови кўни бўлса сассиқ чоли тушмагур менинг қўлимдан ушлаб, ичкарига тортқилади,— дебди. Шунда Таққосвой:

— Вой падарлаънати-ей, соқолинг оқармай гўрингда кўксингга тўкилгур-ей, мен ҳозир бориб калласини танасидан жудо қиламан!— деб қўзғалиб ўрнидан турган экан, Ваққосвой уни босибди:

— Шошилмай тур, ҳовлиқма. Бу ишни зимдан ҳийла-найрангни ишга солиб қилмоқ керак,— дебди. Шунда унинг хотини эрига қўшилиб:

— Акангиз тўғри айтадилар. Мен анови кўни бир сирдан хабар топиб қолдим. Сизларни овга жўнатиб, укангиз ичкарига кириб бир нарсани олиб чиқди-да, унга қараб бир нима деди. Шу десангиз, бирпасда уйда нарсалар тўлиб-тошиб кетди. Шу укангизда бир аломат сир бор,— дебди. Шунда Таққосвой:

Ана, мен ҳам туриб-туриб ҳайрон бўламан: Паққос орамизда ҳеч ким билан иши йўқ, индамас, ландовур бола эди. Отамиздан ҳеч қандай мерос олмай, бир гапини олган эди, холос. Шунча бойлик, шунча рўзгор, уй элатни қайдан олди. Бир гапи бор-да... Янгам тўғри айтадилар. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: биз овдан келгунимизча уйлар пайдо бўлиб қолибди! Ҳа, бунда бир сир бор,— дебди.

Шундай қилиб, ака-укалар хотийлари билан мас-лаҳатни бир жойга қўйишибди, боланинг сирини билиб олиб, уни гумдон қилиб, мол-дунёсига эга бўлишга жазм этибди. Ваққос:

— Бу ишни ким бажаради?— деб сўраган экан, хотинлар:

— Мана биз бажарамиз!— деб жавоб. беришибди.

Кунлардан бир купи Ваққоснинг хотини Паққоснинг хотинига қараб:

— Ҳой, келинпошша, бир сирни сўрасам майлими?— дебди.

— Майли, опажон. Сиздай яхши кўрган опамдап қандай сирни яширарканман. Сўранг, агар у бор бўлса, оқизмай-томизмай айтиб бераман,— дебди.

— Бир эр-хотин шунчалик молу дунёю обрў-хурматга қандай эришдинглар? Анали чол оталаринг-ку, ишламаса,— дебди у.

— Буни эрим билади, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Ўзим ҳам бир кечада шу ерга келиб қолганман. Лекин худога минг қатла шукурки, у киши менга муносиб ёр бўлиб чиқдилар. Энди уларсиз менга бир дақиқа ҳаёт йўқ,— дебди келин.

— Ҳа, бир-биринга муносибсизлар, қўша қариб яшанглар,— дебди Таққосвойнинг хотини гапга аралашиб. Кейин— Эрингизнинг сирни бўлса, уни сиз билмайсизми? Бу қизиқ-ку. Ахир эр-хотин—қўш ҳўкиз, дейишадик ку. Эрингиз сизга сирини антмаса, севмас экан-да. Сирини хотинига айтмаган эркак эркакмиди. Бизнинг эрларимиз овдами, кўча кўйдами, нима гап бўлса, нима сирлари бўлса бизга айтмай қўйишмайди. Бир эрингизни синанг. Кечаси кўрпада ётганда гап сўранг, сирини айтса— сизни ичидан севади, айтмаса— яхши кўраман, дегани тилини учуда бўлади,— дебди. Шундай қилиб, овсинлар гапни бир жойга қўйиб, тарқалишибди. Паққосвой уйига келса, хотини бошқачароқ тусда эмиш. «Ҳа, нима гап? Бирон жойингиз оғрияптими?» деб сўрабди. «Йўқ, ҳеч нима бўлгани йўқ», дебди хотини. Хотини шундай дермиш-у, бари бир хафа бўлгани сезилиб турган эмиш. Кечаси: «Мени яхши кўрасизми-йўқми?» деб сўрабди.

Паққосвой: «Жонимдан ортиқ кўраман, сизсиз менга дунё тор», дебди. «Яхши кўрсангиз нега сирларингизни айтмайсиз?» дебди хотини. Қанақа сирим бор эканки, мен сиздан сир сақлай, дебди Паққосвой. «Мана мени ман-ман дегаи подшолар ололмади, сиз

олдингиз. Акаларингизни дунёда йўқ нарсалар билан меҳмон қилдингиз, уй-жойларини ҳам бирпасда бунёд этдингиз. Шуларни бир ўзингиз қилдингизми? Кимнингдир ёрдами билан бажарганингиз аниқ, ўша ким? Агар сир бўлмаса, айтсангиз», дебди хотини. «Жоним, нимани сўрасангиз сўранг, нима буюрсангиз, сўзсиз жон-жон деб бажарай, аммо буни мендан сўраманг», дебди Паққос.

Маликани жаҳли баттар чиқиб, димоғ-фироғи кучайибди. Кейин йиғлашга тушибди. Паққосвой қанчалик ялиниб-ёлвормасин, у юпанмабди. Шунда у:

— Ҳеч кимга айтмасангиз айтаман,— деб хотинидан сўз олиб,— мени пичоғим сеҳрли, унга нима айтсам бажаради,— дебди.

— Ҳазиллашманг, мени алдаяпсиз,— дебди хотини.

— Ишонмасангиз бирон-бир нарсани буюринг, бажаради, пичоқнинг қароматини ана шунда кўрасиз,— дебди.

— Бўлмаса, қани, айтинг-чи, ошнангиз пичоқвой ҳозирнинг ўзида шу турган жойимизни қасрга айлантириб, мени, сизни тилло тахтга ўтқазиб қўйсин-чи,— дебди. Паққосвой пичоқни қўлига олиб: «Ошна, ёрдам қўлингни бер», деб малика айтганларини такрорлабди. Малика қараб турса, уйлари қасрга айланибди, унинг ўртасида тилло тахт ял-ял ёниб турган эмиш... Малика уни кўриб, пичоқнинг сеҳрига қойил қолибди. Шунда йигит: «Булар шундай қолаверсинми-йўқми?» деб сўраган экан, малика: «Менга аввалги уйимиз билан ўзимизнинг кўрпа-тўшагимиз яхши. Олтин қасру олтин тахтнинг кераги йўқ», дебди. Паққосвой маликанинг бу сўзларидан жудаям хурсанд бўлиб, уни, ўзимнинг ақлли хотингинам, деб қучоқлаб ўпибди-да, пичоққа қараб: «Дўстим, бизга подшоликка хос жойлар керак эмас, буларни йўқотсанг», дебди. Бирпасда уй ҳам, буюмлар ҳам ўз ҳолига келиб, малика билан Паққосвой эрталабгача бир-бирлари билан илондек чирмашиб, жаннатдагидан ҳам зиёд гаштни суриб чиқишибди. Эрталаб:

— Кечаги сирни ҳеч кимга айтманг,— деб тайинлаб, Паққосвой овга жўнаб кетибди. Икки аканинг хотинлари маликани чойга чақириб чиқиб: «Нима гап бўлди?» деб сўрабди. «Ҳеч кимга айтмайсизларми?» сўрабди малика. «Ҳеч кимга айтмаймиз. Худо урсин, ажина чалсин, устимиздан шайтон сийсин!» деб қасам

ичишибди овсинлари. Шунда малика тўғрилигига бориб:

— Эримни бир пичоғи бор экан, ўшанга нима бажар деса, бажарар экан,— дебди.

— Пичоғи қаерда турар экан, биз сира кўрмаган миз-ку?— дебди улар.

— У сиз кўрадиган катта пичоқ эмас, ёнларида олиб юрадилар,— дебди малика. Шундай қилиб, кунлар ўтибди. Акаларнинг хотинлари пичоқни қўлга киритиш йўлини топиша олмабди. Ваққосвой билан Таққосвой неча маротаба тунда укаларини ўлдириб, пичоқни қўлга киритмоқчи бўлишибдию, аммо бунинг уддасидан чиқиша олмабди. Пичоқни жазо беришидан чўчишибди. Бир куни Паққосвой одатдагидек овга чиқибди. Овда ов овлаб юриб бир баҳайбат айиқнинг ухлаб ётган жойидан чиқиб қолибди. Нима бўлибдию айиқ уйғониб кетибди. Ўша куни бола пичоғини уйига беркитиб овга чиққан экан. Айиқ боладан яраланиб, ярасининг огриғига бир чинқириб-бўкирган экан, бирпасда бир қанча айиқ етиб келиб болага ташланибди. Бу яраланган айиқнинг болалари экан. Бола айиқлар билан олиша-олиша ҳолдан тойибди, ҳаммаёғи тилканира бўлибди. Бир пайт, болани ўлди, деб айиқлар ўрмоннинг ичкарасига кириб кетишибди. Бола ўзига келиб, отини йўқлабди. Оти узоқ-узоқларда ўтлаб юрган экан, боланинг йўқлаганини билиб, етиб келибди. Ёнига ётиб, устига миндириб уйига олиб келибди. Малика жудаям кўрқиб кетибди, кейин ўзини қўлга олиб, турли-туман гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаб, боланинг яраларини даволай бошлабди. Эртасига бола хотинига қараб:

— Отим турадиган жойнинг шипига пичоғимни беркитиб қўйганман, ўшани олиб келиб, унга қараб: «Азиз дўстимиз, дунёдаги энг зўр табибни топиб кел», деб мадад сўранг. Агар у ёрдам бермаса, ажалимдан беш кун олдин ўлиб қоламан,— дебди. Малика:

— Ундай деманг, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб тузалиб кетасиз ҳали,— дебди.— Сизга бир нарса бўлишидан олдин менинг омонатимни олсин! Мен сизсиз бир дақиқа яшолмайман, ўша заҳоти ўлиб қоламан,— деб йиғлашга тушибди. Бола:

— Жоним, йиғлама, пичоқни қанча тез олиб келиб, табибни йўқлатсангиз, шунча яхши, тузалиб қоламан, бўлмаса ўлиб қоламан,— дебди. Малика, ҳозир, деганича отхонага қараб чопиб кетибди. Айтилган

жойдан пичоқни олиб келаётса, қулоғига Паққосвойнинг, оҳ, онажон, деб қаттиқ инграгани эшитилибди. «Эримнинг жони узилди шекилли», деб қўрқиб кетган малика жони борича чопишга тушибди. Бирдан йўлда қоқилиб йиқилиб тушиб, қўлидан пичоқ чиқиб кетибди. Маликанинг ҳовли ўртасида ҳушсиз ётганини узоқдан кўрган ака-уканинг хотинлари югургилаб келиб, пичоқни унинг ёнидан олишибди-да, уйларига қараб чопишибди. Ваққосвой шу ерда экан, ўрнидан туриб, пичоқни қўлига олиб:

— Қани, пичоқжон, Паққос билан хотинини иккита қуриган дарахтга, чолни бўлса улар орасидаги ариққа, уйини бузилган хароба чордеворга айлантир, у ерда сон-саноксиз бойўғлилар бўлсин,— дебди. Бирпасда Паққос билан хотини қуриган дарахтга, чол улар ўртасидаги эски ариққа айланибди. Чордеворга айланган уйларида минг-минглаб бойўғлилар кўзларини олайтириб «кикир-кикир, кикир-кикир»лаб турган эмиш. Воққосвой пичоққа қараб яна: «Бизни одам оёғи етмайдиган жойга олиб бориб, подшо қил, укам Таққосвойни вазир қил! Олтин тахт, кумуш тахт, зар девор, подшолик барпо қилиб, бизни ўша жойга хукмдор қил!» деб оғзига келганини валдирайверибди. Пичоқ миқ этмай турган жойида тураверибди. Таққосвой ҳам: «Ҳой, ярақламай занг босгур, акам айтганини қилмайсанми!» деб ўшқирибди. Пичоқ яна миқ этмай турган жойида тураверибди. Шунда маккорларга маккорликдан дарс беришга қодир бўлган Ваққоснинг хотини:

— Бақириб-чақирманглар, қани, мен айтай-чи, бажарармикин,— деб пичоққа қараб,— ҳой, пичоқжон, дўстим, илтимос, бизни бу ердан олиб кетиб, бир подшоликка олиб бориб, Ваққосвойни подшо, Таққосвойни вазир, бизларни маликага айлантириб қўй,— дебди ёлворган оҳангда. Пичоқ ҳаракатга келиб диканглай бошлабди. Бир пайт икки ака-ука бир подшоликда турган эмиш. Олтин тахт, кумуш тахт, зар деворлардан иборат подшолик эмиш. Ака-уканинг устида зарбоф либослар эмиш. Кейин нима бўлибдию ораларига ҳасад оралабди.

— Акам пичоқнинг ёрдами билан подшо бўлиб олди. Сен бўлсанг араванинг кейинги ғилдираги бўлиб қолдинг. Мен ҳам подшонинг хотини — акангнинг хотинидек давру даврон суришни истайман,— дебди ўртапча аканинг хотини.

— Хотиним тўғри айтади. Нега энди акам подшо бўлади-ю, мен анқайиб қолавераман. Уни йўқотсам, пичоқ менга қолади, ана унда подшо бўлиб олиб, давру даврон суришни кўринг,— деб ўйлабди Таққосвой. Уртанча ака шундай деб бир иложини топиб, пичоқни ўғирлаб олиб, унга қараб: «Хой, пичоқжон, акам Ваққосни қаландар-девонага, хотинини тиланчига айлантир!» дебди. Пичоқ бажарибди. Катта акасини қаландар-девонага, хотинини тиланчи-гадойга айлантириб, қувиб юборибди. Кейин ўзи подшо, хотини эса вазир бўлиб, пичоқни беркитиб қўйибди-да, айш-ишрат суриб юраверишибди. Буларни айш-ишратда, катта акани қаландарчилик, хотинини гадойликда қўйиб, гапни устандан сўранг.

Уста Паққосвойнинг бутун хатти-ҳаракатидан хабардор экан. Буни унга олов, сув, ойнак ошиалари билдириб туришар экан. Бир куни ойнага қараса, Паққосвой турган жойида чордевор пайдо бўлиб, у билан малика қуруқ дарахтга айланиб, қор-ёмғир остида кўзларидан ёшлари оқиб ётган эмиш... «Ёмон кунга қолибди-ку», дебди-да, оловдан бир парча узиб олиб, бориб хабар олиб кел, дебди. Олов бориб уларни кўриб, хабар олиб қайтибди-да, бутун воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Темирчи уста ойнакка қараса, боланинг ўртанча акаси девона умр ўтказио, подшолик даврини суриб ётган эмиш. Энди сувга тайинлабди:

— Сен бориб бола билан хотинига сув бер, қуруқ ариққа айлантирилган чол бобога ҳам сув бер, уларни қуриштиб қўйма,— дебди. Булоқ хўп бўлади, дея жилдираб оққанича Паққосвойнинг олдига бориб, уларни суғориб, ташналигини қондира бошлабди. Бир пайт Паққосвой билан малика сувсизлик балосидан қутулиб, яшнаб ўз ҳолига кела бошлабди. Темирчи бобо оловдан:

— Пичоқни топинглар,— деб илтимос қилибди. Оловлар парча-парча бўлиб, ҳаммаёққа учиб кетишибди. Бир пайт пичоқни олиб қайтишибди. Уста пичоққа қараб:

— Сен мени олов фарзандимдан бўлган пичоқжонсан, сени Паққосвойга тақдим қилдим, уни сақла,— дебди. Шунда пичоқ тилга кириб:

— Сақлаб, айтганини қилиб юрдим. Лекин менга тўн ясаб ўзи билан олиб юрмади. Ким нима деса ишонди. Кейин акаларини қўлига тушдим, ўзингиз биласиз—



ку, кимнинг қўлига тушсам, хизмат қилиш биздан — яхшигаям, ёмонгаям хизмат қилаверамиз. Яхшиликка ишлатишса — яхшилик келтирамиз, ёмонликка ишлатишса — ёмонлик қиламиз,— дебди. Уста:

— Ҳозирнинг ўзида шогирд ўғлим Паққосни асл ҳолига келтир-да, акаларига нима жазо беришни унинг ўзига қўй. Яна айт, сенга тўн битиб, доимо ёнида олиб, эҳтиёт қилиб юрсин,— дебди. Пичоқ учиб бориб, Паққосвойнинг ўз ҳолига келтириб, шундоқ олдида қараб тураверибди. Паққосвой хўп ухлаб қолибмиз, деб ён-верига қараса, на отаси, на ака-укалари бор эмиш.

— Улар қани?— деб сўрабди.

— Уларнинг бири дарахт, бошқаси ариқ бўлиб ётибди,— дебди пичоқ тилга кириб.

— Ким уларни шу ҳолга келтирди?— сўрабди Паққосвой. Шунда пичоқвой ҳамма бўлган воқеани айтиб берибди.

— Акаларим билан янгаларим ҳозир қайда?— сўрабди Паққос. Пичоқвой, фалон юртда подшолик қилишяпти, кўрсатайми,— дебди.

— Кўрсат,— дебди Паққосвой. Пичоқ устадан олган ойнани берган экан, Паққосвой акалари билан янгаларини кўрибди. Катта акаси қаландар, янга гадоёй эмиш. Кичиги подшоликда маза қилиб хотини билан давру даврон суриб юрган эмиш. «Дўстим, пичоқжон, малика билан отамни ўз ҳолига, акаларимнинг бирини эшакка, бировини ҳачирга янгаларимнинг каттасини қурбақага, кичигини тошбақага айлантириб, мени олдимга келтириб қўй!» дебди. Бирпасда малика ўз ҳолига келиб:

— Вой, Паққосвой ака, соғлигингиз яхшими? Тузалиб қолдингизми? Мен сизга пичоқвойни олиб келаман деб йиқилиб тушиб, ҳушимдан кетиб қолибман. Анча вақт ўзимга келмай ётганга ўхшайман,— дебди. Отаси ҳам:

— Мени айтмайсанми, қизим, мен ҳам нима бўлганини билмай қолдим,— дебди. Пичоқвой воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Қиз эридан кечирим сўрабди.

— Хайрият, ҳаммамиз тирик эканмиз,— дейишиб, қувнаб, шодликка тўлиб-тошибди. Чўлда эса ҳўтик, эшак, сойда бўлса қурбақа билан тошбақа ризқ-рўзларини териб юрганмиш. Пичоқ Паққосвойдан шикоят қилиб қолибди:

— Дўстим, бир нарсани айтсам хафа бўлмайсан-



ми?— дебди у.— Менга тўн кийгизмадинг, бунинг устига беғамликка бориб, ёнингда олиб юрмадинг. Ҳаммага сен ҳам, малика ҳам ишонаверасанлар. Ана шу кўнгилчанликларнинг не-не кунларга солмади. Энди сендан илтимос, менга тўн кийгизиб, доимо ёнингда олиб юр,— дебди. Паққосвой отаси, хотини билан маслаҳатлашиб, пичоқвойга қўй терисидан тўн тиктириб кийгизбди. Пичоқ бир кириб чиққанда, у шир этиб йиртилиб кетибди. Паққосвой ҳўкиз терисидан пичоқвойга тўн тиктириб кийгизибди. Бу тўн ҳам пичоқвойга чидам бермай, шир этиб йиртилиб кетибди. Паққосвой арслон, йўлбарс, кийик, айиқ териларидан пичоғига тўн тиктирса ҳам, чидамай йиртилиб кетаверибди. Нима қилишни билмай, боши қотиб қолибди... Шу пайт: «Ассалому алайкум!» деб уста бобо келиб қолибди. Паққосвой: «Ота!» деб унинг қучоғига отилибди. Малика билан отасига таништирибди. Уларнинг бири ота, бири уста деб қуюқ кўришишибди.

— Иш билан бўлиб ойнага қарай олмадим. Тинчомон юрган бўлса, бир кўриб келай деб, ойнакдан яшаётган жойингни билиб келавердим,— дебди уста.

— Келишингиздан бошимиз осмонга етди,— деб Паққосвой бошидан ўтганларни бирма-бир ҳикоя қилиб берибди. Сўзининг охирида пичоқнинг талабини айтибди. Шунда отаси:

— Тўғри айтади, у ёмонларга кўринмаслиги, очиқда қолиб занг босмаслиги лозим. Боботоғда бир кўк тош бор, унга ўшандан келтириб тўн қилиб бериш керак,— дебди. Паққосвой Боботоғдаги кўктошдан олдириб келиб, пичоғига тўн қилиб, унга кийгизиб, доимо ёнида олиб юрадиган бўлибди. Уста беш-ўн кун меҳмон бўлиб, кейин ишларим қолиб кетмасин, деб жўнаб кетибди. Паққосвой отаси, хотини билан пичоғини фақат оқкўнгил, яхши кишиларгагина кўрсатиб, уларнинг хизматига солиб, яна яхши турмуш кечира бошлабди.

Шундай қилиб, Паққосвой отасининг бир оғиз гапи билан бою бадавлат бўлиб, фароғатда яшаган бўлса, қора юрак акалари эса, ўз қилмишларига яраша эшак билан хачирга айланиб, чўлу ботқоқликда бир-бири билан уришиб, ғажишиб, сарсон-саргардон яшабди. Яхши етар муродга, ёмон қолар уятга, деб шуни айтдилар-да. Сиз билан биз ҳам етайлик мақсадга.

## ГАВҲАРНИСО ЁКИ ЗУМРАДКЎЗ ИСИРҒА

Бир бор экан, бир йўқ экан, оч экану тўқ экан. қадим-қадим замонларда бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарга қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан. Замонанинг замонасида бир чол билан бир кампир бор экан. Улар жудаям қашшоқ эканлар. Чол ўтин териб келиб, уни бозорга олиб бориб сотар, пулига ун-пун харид қилиб келар, кампир уни нон қилиб ёпар экан.

Чол-кампирнинг бир ўғлию уч қизи бор экан. Эрхотин болаларини жуда яхши кўришар экан. Ўғил-қизлари бирин-кетин ўсиб-улғайиб, вояга етиша бошлабди. Чол ҳам, кампир ҳам: «Болаларим бор, нима ғамим бор, худо уларнинг умрларини бериб, вояга етказса, бу кўргап-кечирган кунларимиз унутулиб кетар», деб ўйлар экан. Қизлари вояга етишибди. Бир куни катта қизи Зулайҳо отаси бозорга кетаётганда:

— Отажон, менга атлас куйлак олиб келинг,— дебди. Бобо сотган ўтинига ун олмасдан, қизи Зулайҳога атлас олиб келиб берибди. Бошқа бир куни ўртанча қизи Маҳлиё:

— Отажон, менга маҳси-калпш олиб келиб берсангиз,— дебди. Чол қизининг айтганини бозордан сотиб олиб келиб берибди. Кунлардан бир куни кенжа қизи Гавҳарнисо:

— Отажон, менга зумрадкўз исирға олиб келинг,— дебди. Чолнинг тозаям боши қотибди. «Топганим бир-икки эшак ўтиннинг пули бўлса-ю, зумрадкўз исирғани қаердан оламан», деб ўйлаб-ўйлаб бозорга етганини ҳам билмай қолибди. Ўтинларни сотиб пули етмаслигини билиб турса ҳам кенжа қизининг айтганини ахтариб, бозорни кезиб чиқибди ҳамки, зумрадкўз исирға йўқ эмиш. Охири чарчаб, карвонсаройнинг дарвозаси олдида ўлтириб, мудраб қолибди. Савдогарлардан бири уни кўриб:

— Ота, нега бу ерда мудраб ўтирибсиз? — деб сўрабди.

— Уч қизим бозор айтди: иккисини айтганини бажардим-у, кенжамникини бажаришга қурбим етмади, бозорда йўқ ҳам экан,— деб жавоб берибди чол.

— Кичкина қизингиз нима буюрган эди?—сўрабди савдогар ундан.

— Зумрадкўз исирға буюрган эди,— жавоб берибди чол.

— Қизингиз айтган ҳақиқий зумрадкўз исирға бу бозорда йўқ. Кўҳиқофнинг йўлида Зумрад тоғи бор. Уша тоғда Зумрад ғори бор. Шу зумрад ғорда бир дев қизингиз айтган ҳақиқий зумрадкўз исирғани тайёрлаб, қимматбаҳога сотади. Аммо уни эшитамиз-у, кўрмаганмиз. Борган кишилардан ҳам ҳалигача ҳеч бири омон қайтган эмас. Борган киши борки девнинг қўлига тушиб, ҳалок бўлади,— дебди. Чол хафа бўлганича, уйига келибди.

Қизи Гавҳарнисо:

— Мен айтган ҳақиқий зумрадкўз исирғани олиб келдингизми, отажон?— деб сўрабди. Отаси хижолатдан ер ёрилмабдию кириб кетмабди.

— Йўқ, қизалоғим, сен айтган нарсани тополмадим. Зумрадкўз исирғани Кўҳиқоф йўлидаги тоғда бир дев қиларкан. У жойга борган киши соғ-омон қайтмас экан,— дебди. Қизи хафа бўлганини кўриб:— Хафа бўлма, бориб олиб келиб бераман, оппоғим!— дебди отаси зўрға.

— Йўқ, отажон, зумрадкўз исирғани ўзим олиб келаман,— дебди қизи. Буни эшитиб турган чолнинг ўғли Олимбек:

— Отажон, бу хизматга мени юборсангиз,— деб қолибди. Отаси бош чайқаб:

— Йўқ, сен бормайсан! Ҳали ёшсан, даладан бир боғ ўтин теришга яролмайсан-ку, Кўҳиқофга бориб, дев қўлидан зумрадкўз исирғани олиб келармидинг? Дев сени бирпасда ҳалок қилади,— дебди отаси. Олимбек сўзида туриб олибди. Шунда Гавҳарнисо:

— Отажон, майли, укамга рухсат беринг. Ҳеч нарсадан хавотирланманг. Ҳаммаси яхши бўлади,— дебди.

Чол ноилож-ўғлига жавоб берибди. Олимбек ота-онасидан фотиҳа олиб, опалари билан хайр-маъзурлашиб йўлга равона бўлибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охирида ҳориб-чарчаб бир тепаликка етиб борибди. Тепаликнинг ёнида бир туп садақайрағоч бўлиб, остидан булоқ қайнаб ётган эмиш. Ҳориб-чарчаган Олимбек шу жойда ухлаб қолибди. Тушида бир киши: «Болам, қаттиқ юмушга отланибсан, манзилинг узоқ. Отсиз пою пиёда етиб боролмайсан,— дебди-да, кейин:— Тур, анави отни мин!»— дебди.

Бола уйғонса бир оқ дулдул кишнаб турган эмиш. Минай деса бўйи етмабди. Жонивор тулпор ер бағирлаб ётиб, ёнбошини тутибди. Олимбек миниб олгач юлдузни кўзлаб парвоз қилибди. Бирпасда, кампир шафтолнини

арчиб егунча фурсат ўтмай, девнинг маконига олиб борибди. Фор олдида зумрадкўз исирғалар тўлиб-тошиб ётганмиш. Кўзни қамаштириб, кўрган одамнинг ақлини слармиш.

Олимбек ўнг томонга қараб, тоғдек одам суягини кўриб қўрқиб кетибди. Чап томонига қараб тоғ бўлиб кетган от калласини кўриб «дод» деб юборишига озгина қолибди. Каллалардан бири: «Эй одамзод, бу ерга чакки келибсан. Биз ҳам эдик сендек, сен ҳам бўласан биздек», деб турган эмиш. Олимбек зумрадкўз исирғалардан бирига қўл чўзган заҳоти бирдан шамол-тўполон бошланибди. Тоғлар тоғларга урилиб, ер ларзага келибди. Шу пайт баҳайбаг бир дев осмону фалакдан қуюлиб кела бошлабди. Олимбек қўрқиб, нима қилишини билмай титраб-қақшай бошлаган экан, дулдул оти тилга кириб:

— Эй, йигит, қўрқма, дадил бўлиб, девга дўқ-пўписа қил. Дев инсон дўқидан қўрқади!— дебди. Дулдулнинг бу сўзидан бола бир оз дадилланибди. Олимбек девнинг:

— Пуф-а! Пуф-а! Яна кимдир келибди. Эй, тиниб-тинчимас одамзод, бу ерга қадами етган одам боласи тирик қолмаслигини била туриб келасан-а?— деганича ерга тушганини кўргач, унга:

— Э, дев, биласан-ку, мен одамзод наслиданман. Сендан кўркмайман!— деб дўқ-пўписа қилибди. Олимбекнинг сўзидан дев шошиб қолибди.

— Очиниш ҳам йўқ, суришиш ҳам. Чарчаганман, айт, нимага келдинг? Балки ёрдамим тегар.

— Кичик опамга зумрадкўз исирға керак бўлиб қолди. Отамга айтган эди, бозордан тополмади. Бир савдогар сенда борлигини айтибди. Шунини олгани келдим!— дебди Олимбек. Дев: «Ҳо-ҳо-ҳо!» деб кулган экан, тоғлар шарақлаб, замин титраб кетибди. Кейин:

— Зумрадкўз исирғани ўзи бўладими? Бордию шартимга кўнсанг, бир эмас, керагича ол!— дебди.— Биламан, сени буёққа жўнатган опангдан бошқа яна иккита опанг бор. Эртага эшигинг олдида бир қора от пайдо бўлади, катта опангни унга миндириб менга юборасан. Розимисан!— дебди. Олимбекнинг тозаям боши қотибди. Кейин таваккал қилиб:

— Майли мен розиман,— дебди. Хуллас зумрадкўз исирғани олиб келиб, кичик опасига берибди.

Опаси бирам хурсанд бўлиб кетибди-ки, аста қўяверинг. Олимбек сирни ҳеч кимга билдирмабди. Опаси укасининг хафа ўлтирганидан бир нарсани сезиб, нима

гаплигини сўрабди. Олимбек дев билан бўлган воқеани айтишга мажбур бўлибди. Опаси:

— Укажон, бунинг йўли осон, сиз шунинг учун хафа бўлиб ўлтирманг,—дебди. Тун ўтиб, тонг отибди. Чошгоҳда дев айтган қора от чолни дарвозаси олдига келиб бир кишнаган экан, еру кўкни чанг-тўзон қоплабди. Чол: «Нима гап?» деган экан, ўғли Олимбек ҳамма воқеани унга ҳам айтибди. Чолу кампир йиғлашибди-сиқташибди.

Шунда Гавҳарнисо ота-онасига қараб:

— Сизлар хафа бўлманглар. Бунинг йўли осон. Опам тезда бою бадавлат бўлиб қайтади,—дебди. Отанани ғаму кулфатда, Гавҳарнисони режа тузишда қўйиб, эндиги гапни қора от билан Зулайҳодан эшитинг.

Қора от қизни миндириб, қирқ газ қапотини ёзиб, осмону фалакка кўтарилибди. Кўз очиб-юмгунча, кампир шафтолини арчиб егунча девнинг ҳузурига олиб борибди. Дев қизни Зумрад ғорга олиб кириб, бошдан оёқ дуру гавҳарга кўмибди. Кейин:

— Бугундан бошлаб сен меникисан. Сенга қимматбаҳо кўк тошни бераман. У тошни аввал ялайсан-да, сўнгра ютасан. Агар айтганимни қилмасанг, сени ғорнинг тўридаги қоронғи тилсимли зиндонда чиритаман. У жойдан сени айёр ялмоғиз кампир ҳам қутқаролмайди,—дебди дев. Зулайҳо қўрққанидан:

— Хўп, айтганингни қиламан,—дебди. Кейин қора тошни олиб, дев чиқиб кетгач, ғорнинг бурчагидаги бир қоронғи жойга бекитиб қўйибди. Дев келишидан олдин қаттиқ довул кўтарилибди. Чақмоқ чақиб, жала қўйибди. Булар девнинг шамоли билан терлаган тери экан. Дев ғор олдига келиб тушиб, унинг ичига кирган заҳоти Зулайҳога:

— Қимматбаҳо қора тошни аввал ялаб, сўнгра юдингми?—деб савол берибди. Зулайҳо:

— Ҳа,—дебди. Дев ишонмабди. Шу пайт бурчакдан: «Одамзод ёлғон гапирди, мени бурчакка бекитиб қўйди. Мана, мен!» деб қимматбаҳо қора тош юмалаб келиб девнинг қўлига чиқибди. Дев қимматбаҳо қора тошни Зулайҳога яна бериб, олдин яла, сўнгра ют-дебди. Зулайҳо тошни олибди-да, ютиб юборибди. Девнинг жаҳли чиқиб Зулайҳонни бир шапалоқ урган экан, у учиб бориб қоронғи зиндонга тушибди. Зулайҳонни қора зиндонда, «мен ориқ, анави семиз», деб ётган ғиж-ғиж бандилар олдида қолдириб, гапни отаси сингиллари ва укасидан сўранг.

Она билан ота: «Зулайҳодан дарак йўқ, нима бўлдийкин», деб хафа бўлишибди. Қийганлари ўтиришмабди, еганлари ичларига тушмабди. Шунда ўртанча қизи:

— Ота, мен Зулайҳо опамни излаб йўлга чиқаман,—дебди. Отаси рози бўлмабди. Кенжа қизи Гавҳарнисо:

— Майли, ота, жавоб беринг, ҳечам хавотирланманг. Мени айтди дерсиз: ҳаммаси яхши бўлади,—дебди. Ота ноилож рози бўлибди. Маҳлиё эркакча кийимбош кийиб, пою пиёда: «Зулайҳо опам, қайдасан?» деб кетаётган экан, осмону фалакдан бир қора от қуюндек учиб келиб йўлини тўсибди-да:

— Эй, барно йигит, билишимча опанг Зулайҳони излаб йўлга тушгансан. Устимга мин, сени унинг қошига олиб бораман,—дебди. Маҳлиё хурсанд бўлиб, ҳеч нима демасдан дарров отга минибди. Қора от қирқ газ қанотини ёйиб, осмону фалакка кўтарилибди-да, кампир шафтолини артиб егунча вақт ичида девнинг қошига олиб борибди. Дев қизни кўриб тозаям хурсанд бўлиб кетибди:

— Сенинг катта опанг Зулайҳо қимматбаҳо қора тошни ялаб, сўнг е десам, емади. Уни қора ер қаърига ташладим. Уша ерда чириб кетади. Энди сен ҳам айтганимни қилмасанг, сени сеҳр билан шерлар олдига ташлайман, наҳор понуштаси бўласан,—дев шундай деб қимматбаҳо қора тошни қизнинг қўлига берибди-да, мен келганча айтганимни қил, деб буюрибди. Маҳлиё: «Бу тошда бир сир бор. Бўлмаса дев бекордан-бекорга ялаб, сўнг ют демасди. Бунн дев айтгандай иш тутиб аввал ялаб, сўнг ютсам балким ўлдирар ё бўлмаса сеҳрли бўлса, ит ёки кийикка айлантириб қўйса нима қиламан», деб ўйлаб-ўйлаб, тошни ташқарига олиб чиқиб каттакон оқ тошнинг тагига бостириб қўймоқчи бўлибди. Шу пайт оқ тош қизнинг оёғига бир урибдики, унинг кўзидан ўт чақнаб кетибди. Қиз тошни қаерга яширай деса, у жойдаги тош: «Кўзингга қараб юр, эй, одамзод», деб ниқтаб-сиқтабди. Маҳлиё қараб, гидрок қилса, зумрад горнинг олдидаги тошлар сеҳрланиб, тошга айлантирилган девлар эмиш. У тошни олиб яна горнинг ичига кирибди-да, уни остонага яшириб қўйибди. Довул туриб, жала ёғибди-да, дев етиб келиб:

— Тошни ялаб, ютдингми?—деб сўрабди.

— Ҳа, ютдим!—деган заҳоти остонанинг тагидан тош чиқиб, «ёлғон айтади» деб, девнинг олдига келибди. Маҳлиёнинг алдаганини кўрган дев, уни ҳам



Бир шалагилабди. Маҳлиё: учиб бориб, қора зиндон-нинг энг тубига бориб тушибди. Маҳлиёни ҳам зиндонда қўйинг-да, бир шингил гапни қизларнинг ота-онасида эшитинг.

Қизлардан дарак бўлмаганидан ота-она йиғлаб-сиқтаб, ўзларини қўярга жой тополмай қолибдилар. Шунда Гавҳарнисо:

— Ота, энди навбат менга! Рухсат беринг, опаларимни излаб толай!— дебди.

Ота-онаси ноилож жавоб берибди Гавҳарнисо эр-какча либос кийиб, ичидан ханжар тақиб йўлга тушибди. Чўли биёбонда кетаётса осмону фалакда бир қора от қуюндек учиб тушиб, унинг йўлини тўсибди. Кейин Гавҳарнисога қараб:

— Опаларинг Зулайҳо билан Маҳлиёни излаб йўлга чиқдинг, тўғрими?— дебди.

— Тўғри, сен уларни қаердан танийсан, эй, жонивор,— дебди Гавҳарнисо унга ширин сўзлаб.— Агар опаларимни топиб берсанг, сенга ўла-ўлгунча хизмат қиламан. Бошимга қўйиб, туёғинг изини кўзимга суртаман, олтиндан охур қилиб, емишингга майиз билан кишиш бераман: ёлларингни сочим билан тарайман,— дебди.

— Мин устимга,— лебли қора от. У Гавҳарнисонинг ширин сўзларидан эриб, эркалатишларидан роҳатланиб, осмону фалакка олиб чиқибди-ю, девникига эмас, бошқа жойга олиб борибди. Панароқ жойга яшириб, унга қараб шундай дебди:

— Гапларимга яхшилаб қулоқ сол: мен Фарангистон подшосининг ўғли, шаҳзода бўламан. Ов овлаб юриб, бир кийикни учратиб, уни олдим. Уқимдан ўлмади-ю, яраланди. Уни қувишга тушиб кетдим, ҳамроҳларим орқада қолиб кетса ҳам мен кийикни қувлашдан тўхтамадим. Қувиб бориб, Зумрад тоғидаги Зумрад ғорига бориб қолганимни билмай қолдим. Кейин девнинг қўлига тушиб қолдим. Дев, хизматимни қил, деди. Мен кўнмадим. Сеҳр билан мени отга айлантирди-да, жоловимни қўлига олди-қўйди. Ихтиёрим билан жоним девнинг қўлида. Қаерда гўзалроқ қиз борлигини эшитса, уни қўлга тушириб, қул қилиш пайида бўлади. Кишиларни тош, дарахт, арслон кийик, олов, қуш, сув, тоққа айлантириб, уларни турли ярамас ишларни бажаришга мажбур қилади. Сени ҳам ўша жойга олиб боришим керак эди. Аммо сўнгги қирқ йил ичида биринчи маротаба сендан ширин сўз эшитдим. Шу сўзларинг мени сеҳрлаб



қўйди. Шунинг учун сенга яхшилик қилмоқчиман,— дебди.

— Қандай қилиб яхшилик қиласан, тулпорим!— дебди Гавҳарнисо.

— Мен девнинг жони қаерда туришини, унинг кучи қанчалик эканлигини биламай.

Девнинг жони ўша қимматбаҳо қора тошнинг ичида. Шунинг учун уни ким ялаб ютса, девнинг қони қонига қўшилиб, унинг ўз кишисига айланиб қолади. Кейин уни қуш қиладими, олов қиладими, шер қиладими, ўзи билади. Тошни қаерга кўмса, очиб чиқади, ўтга солса ёнмайди, сувга ташласа чўкмайди. Аммо уни эритиб юбориб, девни жонсиз қилиб қўйиш мумкин,— дебди.

— Қандай қилиб уни эритиб юборса бўлади?— тааж-жубланиб сўрабди Гавҳарнисо.

— Бунинг йўли осон. Дев яшаётган тоғнинг орқасидаги оқ тоғда катта бир дарахт ўсади. Унинг остида мўмиё булоғи бор. Аммо бу булоқни катта аждарҳо қўриқлайди. Шу аждарҳони ўлдириб, мўмиёни олиб, девнинг қўлидаги қимматбаҳо қора тошни унга кўмиб қўйилса, тош эриб кетади. Тош билан бирга девнинг жони ҳам эриб, йўқ бўлиб кетади,— дебди қора от.

— Мени ўша ёққа бошла,— дебди Гавҳарнисо.

— Бўлмаса бир оз сабр қил, мен сенга ўтда ёнмайдиган, сувда чиримайдиган кийим-бош билан қинидан чиқса, қирқ газ чўзиладиган қилични олиб келиб берай,— дебди қора от ва кўз очиб-юмгунча уларни муҳайё қилибди. Кейин, устимга мин, дебди. Гавҳарнисо мингач, осмону фалакка отилибди. Булутдан булутга ўтиб, Зумрад тоғининг орқасидаги оқ тоққа бориб тушибди. Бирдан тоғдаги катта-кичик бўлақлар, чўққилар қўзғалиб, қандайдир овозлар чиқариб, катта аждарҳони огоҳлантиришибди. Икки орада олишув бошланибди. Аждарҳо тўғридан ҳужум қилса, қора от Гавҳарнисони ўнгга олиб қочибди, ўнгдан ҳужумга ташланса, от Гавҳарнисони чапга олиб қочибди. Пайт пойлаб туриб, Гавҳарнисо аждарнинг бошига қилич солибди. Аждарнинг боши коптокдай юмалаб кетибди. Бориб бир тошга урилган экан, парчаланиб ўнлаб, кейин юзлаб катта-кичик аждарҳоларга айланибди. Шунда қора от чопганича бориб, дарахтни силкитиб юборибди. Дарахтнинг шоҳлари парча-парча бўлиб, ҳар бири аждарҳодан пайдо бўлган аждарҳочаларни уриб сулайтира бошлабди. Бирпасда дарахтнинг шоҳлари ҳамма аждарҳоларни уриб-уриб сулайтириб ташлабди. Гавҳарнисо бориб

дарахтга раҳмат айтибди. Бир пайт дарахт гуллаб, мева туга бошлабди. Катта аждарҳо заҳари билан дарахтни заҳарлаб турган экан-да!

Катта аждарҳо ўлгач, у эркин нафас олиб, мевага кирибди. Гавҳарнисо мўмиёдан керагича олибди. Қора от унга қараб шундай дебди:

— Энди мен сени дев ҳузурига олиб бораман. Қора дев сенга қимматли қора тошни бериб: «Аввал яла, сўнгра ют!» деб буюради. Сен уни қўлингга олиб, дев сафарга кетгач, мўмиёнинг орасига тиқиб қўясан,— қора от шундай дебди-да, Гавҳарнисони олиб, девнинг олдига борибди. Дев қизни кўриб хурсанд бўлиб:

— Сен опаларинг Зулайҳо билан Маҳлиёни кўрган келдингми? Улар мени алдаб, манави қимматли қора тошни аввал ялаб, сўнгра ейишмади. Уларни ўлдирмадим-у, аммо қийналиб ўлсин, деб қоронги зиндонга ташладим. Уша жойда чириб, йўқ бўлиб кетишади. Ҳо-ҳо-ҳо! Тошни ялаб, кейин ютиш энди сенинг навбатинг. Агар сен ҳам опаларингга ўхшаб айтганимни қилмасдан, мени алдасанг, ўзингдан кўр,— дебди. Гавҳарнисо дадил:

— Хўп, сенинг айтганингча бўлсин,— дебди. Дев қимматбахо қора тошни қизга бериб: «Мен дунё айлангани кетдим. Келгунимча тошни ялаб, ютиб юбор», дебди-да, жўнаб кетибди.

Гавҳарнисо тошни дарров мўмиёга кўмибди. Орадан унчалик кўп вақт ўтмасдан тоғлар шарақ-шуруқ қилиб қулай бошлабди. Зумрад тоғидаги Зумрад ёрда қоронғилик ўринни ёруғлик эгаллабди. Қизнинг қаршисидagi қора от аста-секин барно бир йигитга айланибди.

— Энди бошқаларни қутқарайлик. Балким, опаларингиз ҳам ўшалар орасидадир,— дебди йигит. Гавҳарнисо йигит билан қоронги зиндонга тушибди. У ердаги озиб-тўзиб кетган кишилар: «Мен: озгин, анави семиз, олдин уни е», дермиш уларга қараб Гавҳарнисо:

— Сизлар озодсизлар. Энди Қора дев ҳам, унинг азоб-уқубати ҳам йўқолди,— дебди.

Опалари Зулайҳо билан Маҳлиёни ҳам озод қилишибди. Опа-сингиллар топишиб, шоду хуррам бўлишибди. Зумрад исирғаларни, девнинг талаб келган бойликларини одамларга улашиб, опа-сингилнинг ўзлари ҳам олишибди. Гавҳарнисо билан бўлган йигит юртимга бориб, ота-онамдан хабар олиб келай деб жўнаб кетибди. Опа-сингиллар Қора девнинг омон қолган ўгиллари Кизил дев. Сарақ девга:

— Энди бизни уйимизга элтасанлар,— деб буюришибди. Улмай қолганига минг мартаба шукур қилиб, қаршиларида безгак тутган кишидай дағ-дағ титраб турган девбаччалар қизларни устиларига миндириб жўнабдилар. Девлар учиб, кўз очиб-юмгунча қизларни ўз уйларига олиб борибдилар. Қизларнинг ота-оналари ғам-андухда ййғлайвериб бетобланиб, бирлари кўр, бирлари эса шол бўлиб қолган экан, Гавҳарнисо уларга мўмиёдан берибди. Ота-онаси соппа-соғ бўлиб кетибди. Шу орада шахзода икки ўртоғи ва синглиси билан етиб келибди. «Мени йўқлигимда ота-онам оламдан ўтишибди. Шу синглим қолибди. Мени ўғил, синглимни қиз қилиб олиншингизни ўтинаман», дебди йигит Гавҳарнисонинг отасига. Бу йигит ҳақида қизидан эшитган ота:

— Мен розиман!— деб Гавҳарнисони унга никоҳлаб берибди.

— Энди синглим ҳам сизники, уни ўғлингизга, манави икки дўстимни икки қизингизга лойиқ кўрсангиз, бошим осмонга етарди,— дебди куёви. Чол уни айтганини қилиб, икки қизини куёвининг икки ўртоғига, синглисини ўғлига никоҳлаб берибди. Кўпчилик бўлиб, аҳил-иноқ, бою бадавлат салтанатда бахтли ҳаёт кечиришибди.

## ТИЛЛА БЕҲИ

Энди кўнглинг хушлайин, эртагимни бошла-йин, қулоқ солсанг бир бошдан айтайин, этагингга сиққанича оласан, қолганларини менга қолдирасан. Тарақа-туруқ, омочу бўйинтуруқ, Соқи хўроз қуруқ, Боқи чориқ ютар, Илҳом чўлоқ гап тарқатар, Тўхтар тажанг, Карим ишига тежам, ҳайҳот, оғзингга нобвот. Утган замонларининг бирида бир чол билан кампир яшаб ўтган, ҳамманинг уларга ҳаваси келган экан. Чол-кампирнинг бисотида бир таноб буғдой экадиган ерию бири биридан хушсурату хушқомат уч ўғли бор экан.

Уларнинг ерлари ўртасида битта ҳовуз бўлиб, ҳовузнинг чор қирғоғида сариқ гул, сафсар гул, пушти гул, қизил гул очилган экан. Ҳовузнинг қибла томонида бир туп беҳи қад ростлаган, беҳининг энг баланд шохининг учида ҳар йил бир дона тилла беҳи пишар экан. Бу тилла беҳига чол билан кампир ҳам, уларнинг ўғил-

лари ҳам ҳеч қачон етишолмас эканлар. (Тилла беҳи пишиб етилиши олдидан қанотлари тилладан, панжалари темирдан, кўзлари ёқутдан қуш учиб келиб еб кетар экан-да, ҳаммалари доғда қолар экан.) Ака-укалар униб-ўсиб вояга етишишгач, кунлардан бир куни маслаҳатлашиб, оталари олдига келишибди:

— Ота, рухсат берсангиз, олтин беҳимизни еб кетаётган қушни пойлаб туриб, отиб ташласак ёки тириклайин ушлаб олсак,— дейишибди улар. Чол билан кампир рози бўлишибди. Биринчи куни чол-кампирнинг биринчи ўғли Турдиали қўлига бир неча ўқни ва камалакни олиб ҳовуз бўйига чиқиб, бир хандақ ичида: «Қани, беҳини ким ўғирларкин?» деб пойлаб ётибди. Турдиали олтин беҳи ўғрисини пойлаб-пойлаб, ярим кечага етар-етмас қаттиқ уйқуга кетибди. Эрталаб туриб қараса, беҳининг қоқ учида пишай-пишай деб турган олтин беҳи йўқ эмиш. Уёққа қараб, буёққа қараб ҳеч кимни кўрмабди. Уйига келиб чол билан кампирга ўзининг ухлаб қолганини айтибди. Чол билан кампир унинг ишига кулишибди. Келаси йили беҳининг учида яна пайдо бўлган олтин беҳи пишай-пишай деганда чол билан кампирнинг иккинчи ўғли Қушали ота-онасидан жавоб олиб, уни пойлагани ҳовузнинг олдига чиқибди. Бир хандаққа тушибди. «Қани, олтин беҳини ким ўғирларкин?» деб бу ҳам қулини жағига тираб, пойлаб ётаверибди. Қушали ҳам катта акаси Турдиалига ўхшаб, олтин беҳини ўғирлаганни ушлаб оламди, деб пойлаб-пойлаб, ярим кечага борганда донг қотиб ухлаб қолибди. Уйғонса беҳининг учидаги олтин беҳи йўқ эмиш. У ҳам ўрнидан туриб, афсус, афсус, дея чол билан кампирнинг олдига кириб, ўзининг ухлаб қолганини, олтин беҳини ким олганини билолмаганини айтибди. Чол билан кампир унинг ишига ҳам қотиб-қотиб кулишибди. Келаси йили беҳининг учида яна олтин беҳи пайдо бўлибди. Олтин беҳи пишай-пишай деганда чол билан кампирнинг учинчи ўғли Эшали ота-онасидан дуо олиб, қурол-аслаҳасини созлаб, бир сиқим қалампир билан бир сиқим туздан олиб, ҳовуз бўйига борибди. Кенжа ўғли ҳовузнинг бир четидаги хандақ жойни ростлаб, ўзини чоғлаб: «Олтин беҳини ким ўғирларкин? Ким бўлсаям — девми, одамми, ажинами, ушламай қўймайман», деганича пойлаб ётаверибди. Кенжа ўғил ухлай-ухлай деганда ёнидан пичоғини чиқариб, бир таёқни йўниб ҳар хил ўйинчоқлар ясай бошлабди. Бир пайт кўзи яна уйқуга кета бошлаб-

ди. Пичоғини қинидан чиқариб, яна таёқдан ўйинчоқлар ясай бошлаган экан, қўлини пичоқ кесиб кетибди. Яхши бўлди — ухлатмайди, деб кесилган жойга туз билан қалампирни қўйибди. Шу пайт уйқуси қочиб, ўзига келибди. Қоқ ярим кеча бўлганда қибла томондан қанотлари тилладан, оёқ-тирноқлари темирдан, кўзлари ёқутдан бир қуш учиб келиб, беҳининг қоқ учидаги тилла мевани чўқилай бошлабди. Кенжатоё қушни мўлжалга олиб, камалакдан ўқ узибди. Қушнинг бир дона тилла пати узилиб тушибди. Қуш чинқирганича олтин беҳини шоҳида қолдириб, осмону фалакка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлибди. Кенжатоё қушнинг патини қўлига олиб, эҳ аттанг, деганича чол билан кампирнинг олдига келибди. Ота-онаси билан акаларига тунда нима бўлган бўлса, ҳаммасини ҳеч қолдирмай айтиб берибди. Кейин тилла патни кўрсатибди-да: «Жавоб берсанглар, ўша қушни излаб топсам. Дунёнинг нариги бурчагида ё ер тагидами, осмону фалакдами — топиб, ўзим билан бирга олиб келсам», дебди. Акалари, биз ҳам борамиз, дейишибди. Чол билан кампир ўғилларининг гапидан хурсанд бўлишибди. Чол ўғилларига қараб:

— Фарзандларим, энди сизлар қушнинг патини қўлларингга оласизлар. Мен сизларга сафарбоп отларни, озиқ-овқатларинг, қурол-аслаҳаларингни тайёрлаб бераман. Сизлар қандай йўл бўлса ҳам, ер юзининг қайси жойида бўлса ҳам қанотлари тилла, тирноқлари темир, кўзлари ёқут қушни ахтариб топиб, тутиб бунда келтирасизлар, шундагина ишончимни, берган туз-намагимни оқлаган бўласизлар, — дебди.

Учала ака-ука рози бўлишиб, оталари ҳозирлаган қурол-аслаҳа, озиқ-овқатларни олиб, отларига минишибди. Қирқ кечаю қирқ кундуз йўл юришиб, охири тўрт томони кўринмас бир ялангликдаги ўрмонзорга етиб боришибди. Учала ака-ука катта бир чинорнинг сояси тушиб турган жойга ўлтириб дам олишибди. Орадан анча вақт ўтиб, суҳбатлари тугаб, чарчоқлари ёзилиб бўлгандан сўнг катта ака Турдивой сўз олиб, шундай дебди:

— Эй, менинг бир туғишган укаларим, эндиги йўл сафаримиз ҳар кимнинг ўзига боғлиқ бўладиганга ўхшаб қолди. Ҳар учаламиз ҳам бирга кетмасдан уч томонга қараб кетсаг-у, мақсадимиз бир бўлиб, қушни ахтариб топсак. Қушни топиб шу ерда учрашсак. Бу гап ўртанча ака Қушали билан кенжа ука Эшвойга ҳам маъқул тушибди. Шундай қилиб, ака-укалар якка-якка ҳолда йўлга чиқмоқчи бўлиб, ўнг томонга қарашса, «Борса

келар» деган ёзувга кўзлари тушибди. Катта ака Турдиали, мен шу йўлдан кетаман, дебди-да, йўлга тушибди.

Икки ака-ука чап томонга қарашса, «Боради-ю, қайтиш гумон» деган ёзувга кўзлари тушибди. Уртанча ака Қушали, бор-е, таваккал, деб йўлга чиқибди. Кенжа ўғил Эшвой орқа томонга қараган экан, «Борса келмас» деган ёзувни кўрибди. У: «Пешанамга ёзилгани шу экан-да, бош омон бўлса — қайтарман, ажалим етган бўлса — ўларман», дебди-да, «Борса келмас» га қараб жўнаб кетибди. Кенжа ботирни йўлда кетишда қўййлик-да, икки оғиз гапни акаларидан эшитинг.

Турдиали билан Қушали юраверибди, юраверибди, тоғдан-тоққа боғдан-боққа, чўлдан-чўлга, сойдан-сойга ўтаверибди. Аммо тилла қанст, темир тирноқ, дур кўзли қушни, топиша олмабди. Уларни отда, йўлда юришда қўййлик-да, гапни Кенжавойдан эшитайлик.

Кенжавой ҳам йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир чангалзорнинг устидан чиқиб қолибди. Чакалакзор шунчалик катта эмишки, чети кўринмасмиш. Қаёққа қарасанг тиканакзор эмиш. Кенжавой йўлини йўқотиб, нима қиларипи билмай роса боши қотибди. Бир каттароқ дарахтнинг тагига ўлтириб ўйлайверибди. Вақт тўнга борганда кун оловдай қиздирибди. Иссиқдан сел бўлиб Кенжавойни уйқу босибди. Бир пайт оти кишнаб юборибди. Кенжавой, отим бекорга кишнамайди, бирер гапни сезганки, кишнаган, деб ён-атрофга қараган экан шундоққина ёнида уч яшар эшакдан келадиган бир кўк бўри унга қараб турган эмиш. Кўзлари ёнармиш, оғзини очса, ичидаги тишлари ўткир пичоқдай ялтирармиш. Бир пайт бўри болага қараб кела бошлабди. Эшвой жуда ҳам қўрқиб: «Энди умрим тамом. Шу ерда ажалим етган экан. Бўри бир сакрайди-да, мени чангалига олиб, бирпасда тилка-пора қилиб ташлайди. Кейин еб, суюқларимни пуркайди. Қочай десам қочолмайман, отим ҳам йироқда. Хайр ота, хайр она, хайр акаларим!» дея ичида пичирлаб, қўрққанидан йиғлаб юборибди. Бўри бўлса ёниб турган кўзларини ундан узмай, тишларини ёғирлатганича, бирма-бир босиб унга яқинлашаверибди. Эшвой қочини ҳам ўйлабди, аммо бўри бир сакраб унга етиб олишини сезиб бу ниятидан қайтибди. «Ё дўқ қилсаммикин?! Бу ҳам бўлмас. Тилимни ширин қилай-чи? Ширин тил қанд едиради, деган гап бор-ку», Эшвой шундай дея бўрига қараб, кўзларини пирпиратиб, зўраки кулимсираб тураверибди.

Бўри болага яқин келибди-да, унга қараб:

— Эй, бола, қўрқма! Нимага қўрқасан?— бўрининг гапидан Эшвойнинг ори келиб ўзини тутиб олибди.

— Ассалому-алайкум, бўривой ака! Э, нимадан ҳам қўрқаман, сизданми? Сизга ўхшаган жонзодларни кўравериб кўзларим пишиб кетган, олишавериб, бўғизлайвериб қўлларим толмаган. Сиз нима бўпсизки, сиздан қўрқсам,— дебди. Шунда бўри:

— Нега бўлмаса қўлларинг қалтираб, кўзларинг ола-кула бўлиб, безгак тутган одамдай талвасага тушяпсан, шу қўрқмаганингми?— дебди бўри.

— Топдингиз. Безгак касалим бор. Шу жойда тутиб қолиб, қўйиб юборгунча кутиб ўтирибман,— дебди кенжа ботир.

— Ҳа, майли бир-биримиз билан тортишиб ўлтирмайлик. Бошқа гапга ўтайлик. Бундай нотинч вақтда одамсиз чўлу биёбонга нега келиб қолдинг?— сўрабди бўри. Шунда кенжавой бўрига жавоб бериб, бор гапларни айтиб берибди.

— Акаларинг қани? Бу атрофда кўринишмайдику?— сўрабди бўри.

— Уларнинг бири «Борса келар»га, ўртанчаси «Борса қайтиши гумон»га қараб кетишган. Мен бўлсам, кўриб турибсиз — «Борса келмас»ни танладим,— деб жавоб берибди бола. Бўри: «Энди нима қилмоқчисан?» деган экан, бола: «Уша қушни топишим керак. Отам буюрган. Айтганини қилиб, уни ушлаб келмасам, отам хафа бўлиб оғриниб қолади. «Ота рози — худо рози» деган гап бор-ку!» дебди.

Шунда бўри:

— Ундай бўлса, майли. Кўринишдан яхши одамга ўхшайсан. Мени кўрибоқ оғзинг саломга очилди. «Босаломни бўри олмас», деган гап бор. Нонинг борми?— деб сурабди. Кенжавой қўйнидаги битта нонини қўлига олибди-да, тенг иккига бўлиб ярмини бўрига берибди. Бўривой нонни маза қилиб ебди. У нонни еб бўлиб, Эшвойга қараб шундай дебди:

— Мен нон сўраганда, иккиланмай емишингнинг ярмини бердинг. «Йўл дўст — кел дўст, нон дўст — бол дўст», деган машойихлар. Сенинг нонингни еб, бол дўстга айландим. Мен сенга тилла қанотли, темир тирноқли, ёқут кўзли қушни топиб олишинг учун ёрдам бераман. Мен у қушнинг қаерда яшагини биламан. Сен айтадиган гапларимга рози бўлсанг бас.

— Мен ҳамма гапингизга розиман. Нима қил десангиз — қиламан, Бўривой ака,— дебди кенжавой янада ширин тиллик билан. Шунда бўри:

— Сен менинг устимга миңасан. Отингга айтиб, биз билан изма-из юришини тайинлайсан. Мени миниб кетаётганигда кўзингни юмиб, ҳечам очмайсан. Ўзим, оч, деганда очасан,— дебди. Кенжавой рози бўлиб, отига изма-из боришини тайинлаб, бўрининг устига минибди. Бўри шамолдай тезликда югуриб кетибди. Охири бир сахрои кабирга етганда кенжатойга қараб:

— Кўзингни оч!— дебди. Кенжатой кўзини очса, Бўривой уни бир тўлқинланиб оқаётган сершовқин дарё қирғоғи бўйлаб олиб кетаётган экан. Чор атроф сахрои кабир эмиш. Бўри болага: «Кўзингни тез юм!» дебди. Кенжатой кўзини юмибди. Бўри яна йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири бир баланд қилиб уюлган тупроқ яқинига келиб тўхтабди. Кейин Бўривой кенжатойга қараб шундай дебди:

— Мен манави баланд тепанинг олдида сени бекорга олиб келганим йўқ. Бу тепанинг тагида каттакон ўй бор. Шу уйда узангиси тилладан бир ўт бор. У отни бир хотин киши — ялмоғиз боқиб тарбиялайди. Мен шу тупроқни ўйиб ташлайвераман, сен бўлсанг мен ўйган тупроқни олиб ташлаб, уйнинг томини очасан-да отнинг эгасини ўлдириб, отни қўлга қартиласан. Шунда ишимиз ўнгидан келади,— дебди. Шундай қилиб бўри тупроқни ўзверибди. Кенжавой бўлса Бўривой ўйган тупроқни сершовқин дарёга ташлайверибди. Бир вақт тепа тупроқни олиб, ярим ишни тамомлашганда, отнинг кишнаган овози эшитилибди. Бўривой билан кенжавой хурсанд бўлиб кетишибди. Улар тупроқни яна кавлашиб-кавлашиб, томни бутунлай тупроқдан тозалашибди. Шу пайт яна от кишнаб юборибди. Отнинг эгаси бўлган бир хотин киши чиқиб, отнинг ёлларини силаб-силаб:

— Эй, жонивор, тулпорим! Нега кишняялсан, ҳеч кишнямас эдинг-ку?— деб отнинг оёғига сочини боғлаб ухлаб қолибди. Шунда Бўривой:

— Хей, кенжавой, ана энди ишимиз ўнгидан келди. Ҳозир от бизники бўлади. Томнинг бир дона ходасини суғуриб олиб от эгасининг устига ташлаймиз. Отнинг эгаси ё ўлади, ё чўлоқ бўлиб қолади,— дебди.

Бўривой бир томонидан, кенжавой иккинчи томонидан томнинг каттакон ходасини ушлаб, кўтариб келиб, отни сочи билан боғлаб ётган аёлнинг устига таш-



лабди. Оғир ходашинг зарбидан отинг эгаси гишг деёлмай ўлиб қолибди. Кенжавой билан Бўривой бундан жуда ҳам хурсанд бўлишибди. Кейин Бўривой кенжа-тойга шундай дебди:

— Ялмогиз ўлди, ундан қутулдик. Энди сен пастга тушиб, отинг оёғини эгасининг сочидан бўшатиб, унга миначасан, сўнг қулогини бурайсан. Бу от осмону фалакка қараб парвоз қилади. У кўз илғамас ҳолатда учиб бўриб манзилга тушади. У ерда каттакон, истаган вақтингда хоҳлаган меваю гулларга бой гўзал боғни кўрасан. Қанақа мевани кўнглинг тиласа, еяверасан. Отингни боғдан сал нарироқдаги пана жойга ўтга қўясан. Ўзинг аста боққа кирасан. Боғнинг ўртасида муздай сувлар билан тўлган кўм-кўк бир ҳовуз бор. Ҳовузнинг атрофи гулзор, гулларнинг орасида тенгсиз гўзал бир қиз бор. Яна бир олмахон бор. Гуллар орасида ўша сен ахтариб юрган тилла қанотли, темир тирноқли, ёқут кўзли қуш ҳам бор. У бот-бот сайраб туради. Қушни, олмахонни ушлаб олиб қўйнингга солгин. Қизни етаклаб ол. Аммо жуда эҳтиётлик билан иш тут.

— Қушни, олмахонни қандай қўйнимга соламану қизни қандай етаклаб келавераман? Буни шундай осон бажариш мумкин эканми?— деб сўрабди бола.—Бўладиган гапни айт. Сен ёрдам беришинг керак.

Шунда Бўривой:

— Буёғи ўзингга боғлиқ. Бунинг осонлиги шундаки, қуш сайраганда унинг овозига қиз билан олмахон маҳлиё бўлиб қолади. Ҳеч нарсани сезмайди. Асосийси, қуш сенинг қўйнингга кириб ҳам сайрашдан тўхтамайди. Ана шунда олмахон билан қиз ҳам сенга эргашади. Уни дарров қўйнингга солиб, қизни етаклаб келаверасан. Аммо қизни рўмоли тушиб қолса, олмагин. У рўмол қизнинг ўзидан ҳам чиройли. Рўмолда сир бор, ундан хушбўй ҳид таралиб туради. Ерга тушган рўмолни кўтариб олсанг, ана шу хушбўй ҳид таралиб, боғбон уйғониб кетади. Сени кўриб тутади-да, боғлаб олади, мақсадингга эришолмайсан. Хижолат бўлиб қоласан. Мен бўлсам, бу ишларни бажаргунингча сени шу ерда кутиб тураман. Ўзингнинг отингни ҳозир чақириб, уйинга жўнатиб юбор,— дебди.

Кенжавой бир овоз қилган экан, оти етиб келибди, уни: «Эй, жонивор, йўлдошим, оғир йўлда қўлдошим, энди сенга жавоб, уйга кетавер. Менинг саломимни юборган кишиларимга етказ. Соғ-омон бўлсак, кўришармиз», деб отининг юз-кўзини силаб-сийпалабди,

дум-ёлини қашлабди. Буни сезиб оти кўзига икки томчи ёш олибди, кейин бир кишнаб ер тепинибди-да, изига қараб ўқдай учиб кетибди.

Кенжавой уйнинг ичига кириб, отни хотипнинг сочларидан бўшатибди. От олдинга йўлатмабди. Кейин бўйнини ҳам қилибди. Кенжавой унинг устига миниб, ўнг қулоғини бурабди. От кишпаганича осмону фалакка кўтарилиб учиб кетибди. От шундай ҳолатда жуда ҳам кўп учибди. Булутлар ҳам ҳайратдан кўзёши тўкишибди. Кун билан Ой ҳам боланинг орқасидан қараб қолишибди. Осмону фалакда учиб-учиб бир жойга борганда кенжавой отнинг имо-ишораси билан чап қулоғини бурабди. От ерга тушибди. От тушган ер бепоён сахро экан. Сахронинг ўртаснда, ўша Бўривой айтгандай, бир боғ бор экан. Кенжавой миниб келган отини сал кўздан нарироққа яшириб, бир дарахтга боғлаб қўйибди. Кенжатоё аста боғнинг ичидаги ҳовуз олдига борибди. Қараса, худди Бўривой айтганидай, атрофда чаман-чаман бўлиб ранг-баранг гуллар очилиб ётган эмиш. Ҳалиги тилла қанотли, темир тирноқли, ёқут кўзли қуш бирам маст бўлиб сайраётган эмиш. Олмаixon унга қулоқ тутганича, бир жойда қарахт бўлиб қолибди. Қиз ҳам жойида қотиб турганмиш. Бир қошиқ сув билан ютса бўлармиш. Кенжатоё олдига яқинлашганини қуш сезмай қолди. Бирлаш уни ушлаб қўйнига солибди. Кенжатоёнинг қўйнида ҳам қуш сайрашни тўхтатмабди. Олмаixon ҳам, қиз ҳам боланинг кетидан кетаверишибди. Бир пайт бола олмахонни қўйнига солиб, қизни етаклаб олибди. Қизнинг қўлидан етаклаб чиқаётса, рўмоли тушиб қолибди. Бола Бўривойнинг айтганларини эсидан чиқариб, рўмолни оламаң, деб қўлини узатибди. Бир пайт ҳаммаёқни роҳатбахш ҳид босиб кетибди. Энди-оламаң деб турса боғбон чиқиб қолиб, кенжатоёни ушлаб олиб:

— Сўроқсиз нега келдинг, буларни қаёққа олиб кетясан? Нимага керак бўлди булар?— дея сўроқ қила бошлабди. Шунда кенжатоё боғбонга қараб:

— Мана бу қанотлари тилладан, тирноқлари темирдан, кўзлари ёқутдан қушингиз ҳар йили бизнинг бошимиздаги беҳида етиладиган тилла мевасини пишайтишай деганда сб қочади. Мен унинг мана бу патини уриб туширганман. Шунинг учун мен қушни тутиб кетяман,— деб патини кўрсатибди. Кенжатоёнинг гапини эшитган боғбон унга қараб шундай дебди:

— Бўймаса бир шартим бор. Шу шартимни бажар-

санг, қуш ҳам, олмахон ҳам, қизим Чаманой ҳам сенинг ихтиёрингга ўтади. Шартим шуки, мана шу саҳронинг кун чиқиш томондаги чегарасида жуда ҳам серсув ўжар дарё бор. У дарёнинг қирғоғида баланд дўнг-тепалик бор. Дўнгликнинг тағида бир уй бор. У уйда бир узангиси тилладан, кишанлари дурдан бир от бор. У отни бир ялмоғиз хотин киши пойлайди. Уша отни қандай йўл билан бўлса ҳам олиб келиб берсанг, қизим Чаманой ҳам, олмахон ҳам, қанотлари тилладан, тирноқлари темирдан, кўзлари ёқутдан қуш ҳам сеники бўла қолсин!

Кейин қушни ҳам, қизни ҳам, олмахонни ҳам олиб қолиб, кенжавойнинг қуруқ ўзини жўнатиб юборибди. Кенжатоё бўри айтгандай хижолат бўлиб, боғдан чиқиб, боғлаб қўйган отининг олдига келса, бўривой ҳам шу ерда экан. «Нима гап?» деб сўрабди у. Кенжавой отининг бошини силаб, бошини ҳам қилиб ҳамма бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шунда Бўривойнинг жаҳли чиқиб кетиб:

— Эҳ, нодон, айтмадимми қизнинг рўмоли тушиб қолса олмагин, деб. Боғбон сени тутиб олади, хижолатда қоласан демовмидим-а?— Кейин:— Ҳа, майли бир иложини қилармиз,— дебди. Бўривой шундай деб бир четроқ жойга бориб ўйланиб ўтираверибди. «Эҳ, аттанг-аттанг», деб кенжавой ҳам нима қилишини билмай боши қотиб тураверибди. Бир пайт бўри: «Тепалик!», «Топдим!» деб қолибди.— Гапимни қулоғингга қўрғошиндай қуйиб ол. Энди узангиси тиллодан, юганлари кумушдан отинг ҳозирча шундай боғлоқлик тураверсин. Уни чолга бермаганимиз маъқул. Мен ҳозир бир юмалаб худди шу отинг сингарини от бўламан. Мени миниб боғбоннинг олдига боққа кирасан. Боғбон отни олиб келганингга хурсанд бўлиб, сenga қушни, олмахонни, қизини беради. Сен уларни олиб шу ерга келасан-да, тезда отингга миниб, ўша дарё қирғоғидаги йўлга бориб турасан. Мен боғбоннинг қўлида бирпас бўлиб, яна бўрига, яъни асл ҳолимга айланиб, орқангдан етиб бораман,— дебди. Бўривой ўз гапларини айтиб бўлиб, кенжавойнинг отидан ҳам чиройли — узангиси тиллодан, юганлари кумуш отга айланибди. Кенжатоё уни миниб, боққа етиб борибди-да, ичкарига кириб, боғбонга рўбарў бўлибди. Боғбон суюнганидан қизи Чаманойни, олмахонни, қанотлари тиллодан, кўзлари ёқутдан, тирноқлари темирдан қушни совға қилиб бериб, отни олиб қолибди. Кенжа-

вой олмахон билан қушни қўйнига солиб, қизни етаклаб, боғбон билан хайрлашиб, боғдан чиқиб кетибди. Отининг олдига келиб, қизни отига миндириб, ўзи ҳам отига миниб, қуш билан олмахонни қўйнига солиб, дарё бўйидаги йўл қайдасан, деб жўнаб кетибди. Эндиги гапни Бўривойдан эшитинг.

Бўривой боғбоннинг қўлида бир оз боғлоқлик турибди-да, кейин бир амаллаб ваҳший ҳайвон-бўрига айланибди. Бўрини кўриб боғбон ақлдан озиб, эс-ҳушини йўқотиб қўйибди. Бўривой бўлса вақтни ганимат билиб боғдан чиқиб, қочиб қолибди. Кенжавойнинг олдига бориб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди.

Бўрини кўрган кенжавой ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди. Кейин Бўривой кенжавойга қараб:

— Эй, одамзотнинг боласи, менинг йўлимдаги тутинган дўстим. Энди мендан нима тилагинг бор? Мен сўзинг орзуйингга етишиб, ахтараётган қушингни топиб олишингга ёрдам бериб, қўлимдан келган ишни бажардим, Яна қандай хизматинг бор? Йўқса менга жавоб берсанг, ўз йўлимга кетсам. Қачонки бошингга бирор оғир кун тушса: «Е Илёс, ё Хизир!» деб айтсанг, олдингда ҳозир бўлиб, мушкулингни осон қиламан. Кетиш олдида сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Ҳа, ўша ўрмондаги катта дарахт олдида иккаламиз учрашиб, мен очиб турган пайтда берган яримта нонингга розимсанг — дебди. Эшвой:

— Азиз дўстим, берган нонимга мингмазар марга розиман! Биз дўстлашиб, қалин оғайни бўлиб қолдик. Мен қилган яхшилигингни ҳеч қачон, ўлсам ҳам унутмайман. Шуни ҳечам эсингдан чиқарма! — дебди. Шундан сўнг Бўри билан қучоқлашиб хайрлашибди. «Хўп, хайр, азиз огам!» дея бўри хўнг-хўнг йиғлаб кўздан ғойиб бўлибди. Кенжавой ҳам дўстидан ажраб қолганига хўнг-хўнг йиғлаб келаверибди. Кейин қизни отга миндириб, ўзи ҳам миниб, ўз юрти томон йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кунлардан бир кунни бир бозорлик шаҳарга етиб келибди. Отини бир толга боғлабди. Чамандай гиламлар билан безатилган сўрига ўлтириб, бир сомса ёпаётган сомсапазга сомса буюрибди. Сомсапаз бир боладан унинг олдига сомса юбортирибди-да, болага: «Қаллангни тўғри тут, аҳмоқ! Яна бит-митинг тушиб шарманда бўлмайлик», дебди. Бола йиртиқ-ямоқ иштонларини яшириб, сочимдан битим тушиб қолмасин, дея бошини бир ён қилиб, зўрға сомсани олиб келибди. Кенжавой кир-



чир, йиргамчик, оёқяланг, ялангбош болага қараган экан, ичидан бир нарса шув этиб узилиб кетгандай бўлибди. Бола кетмоқчи бўлган экан, Кенжавой:

— Бирпас ўлтиринг, менга танишдай кўринясииз. Сизни қаердадир кўргандайман. Кимсиз, қаердансиз?— деб сўраб қолибди. Олдинга бола кимлигини айтмабди, кейин бошидан кечирганларини сўзлаб берибди:— Биз ота-онадан уч ўғил эдик. Уйимизда бир беҳи бўлиб, у ҳар йили биттадан олтин беҳи қилар эди. Беҳи пишай-пишай деганда тунда йўқолиб қолар эди. Отам пойлашни буюрди, мен тунда пойлаб ухлаб қолдим. Навбат укамга келди, у ҳам тунда ухлаб қолиб олтин беҳини қўлдан бердириб юборди. Кенжа укам пойлаб олтин қанот, темир тирноқ, ёқут кўзли қушни отиб, битта патини уриб туширди. Уни излаб йўлга чиқдик. Бир жойга келиб уч йўлни бошидан чиқиб қолдик. Мен ўлиб кетишни истамай, «Борса келар» йўлга қараб кетдим. Йўлда ичи қоралигим, очофатлигим бошимга етди. Бир қаландарнинг омонатига хиёнат қилган эдим, бир дуо билан ярим одам-ярим итга айланган жонзод қилиб қўйди. Кундуз хизмат қилдим. Кечаси ит бўлиб қўриқладим. Охири бир иложини топиб, қочиб қутулдим. Итлар подшоси, одамсан, деб ўз атрофига йўлатмайди. Одам бўлиб одаммас, ит бўлиб итмас холда дунёни кездим. Тоға жазойимни топиб, унинг оёғига йиқилиб, одамга айлантир, деб тавба-тазарру қилдим. Худоданим, қаландарнинг раҳми келибми, яна бир дуо билан одамга айлантириб: «Кўзимдан йўқол!» деб ҳайдаб юборди. Қуриган дарахт остида сара қилишим билан тунлари бир оз олиб чиқишимни ҳисобга олмаганда одамман,— дебди. Кенжавойнинг акасига раҳми келиб, ўзини танитибди. Турдиали укасини таниб, йиғлаб-сиқтаб ўзини унга ташлабди. Ака-ука топишиб, бир-бири билан қайтадан кўришибди. Эшвой акасини ўша ердаги бозорга олиб бориб, янги кийимлар харид қилиб ясантирибди. Қорнини тўйгазиб, ҳаммомга олиб тушиб, ювиб-тараб асл ҳолига келтирибди. Акасига ҳам бақувват от олиб берибди. Сомсапазга акасини сотиб олган пулини тўлаб, уни озод қилиб, қиз билан ўзи отга мишиб, қуш билан олмахонни қўйнига солиб, акасини ёнига олиб, йўлга равона бўлибди. Улар бир кечаю бир кундуз йўл юришгандан сўнг бир тиканзор даладан ўтишиб, яна бир бозорлик шаҳар устидан чиқиб қолишибди. Бозорга киришиб, отларини боглаб қўйиб, ўзлари соя-сал-

қин сўрига бориб ўтиришибди. Кенжавой ош қилиб со таётган ошпазга қараб:

— Олдингиздаги ўтқалар йигитдан бизга ош бериб юборинг,— дебди. Ошпаз олдидаги кир-чир, ювиниқсиз бола кўзига иссиқ кўринган экан-да. Шунда ошпаз:

— Хў, акалар! Бу аҳмоқнинг қўллари кир, оғзи магар, ўзи ифлос гўлоҳ. Ошни ўзим олиб бораман,—дебди. Шунда Кенжавой:

— Йўқ, бизга ўша йигитнинг ўзи олиб келсин, кир-чир бўлсаям майли,— деб сўзида туриб олибди. Йигит ўз аҳволига уялиб, ошни акалари олдига олиб бориб қўйибди. Кенжавой:

— Шу ерга ўлтиринг. Қимсиз, бу ерга қаердан келиб қолгансиз?— деб сўраб қолибди. Бола ўлтирибди. Ҳеч қўйишмагач, ўз бошидан кечирган-нетганларини айтиб берибди. У ҳам катта акаси айтган гапларни так-рорлаб, шундай дебди:

— Мен йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб кўп воқеаларни бошдан кечирдим. Ҳасадгўйлигим сабаб бўлдим, бошимга кўп қийинчиликлар тушди. Бир киши ёмон ниятларимни англаб, тоза жазолади. Мени дуо билан эшакка айлантириб тозаям ишлатди, куч-қувватимни сўриб олди. Бир иложини қилиб қочиб кетдим. Кейин ўша киши мени яна асл ҳолимга келтириб тўрт томоннинг қибла, деб ҳайдаб юборди. Юриб-юриб шу ерга келиб, ошпазга ўтқалар бўлиб олдим. Ака-укаларимнинг аҳволи нима кечдийкин,—деб кўзига жиққа ёш олибди. Катта акаси билан кенжа укаси ўзини танитиб, бир-бирлари билан кўришиб, сўрашиб, тозаям хурсанд бўлишибди. Кейин кенжавой ўртанча акасини ёнига олиб, бозорга бориб, кийим-кечаклар олиб берибди, қорнини обдан тўйгазиб; ҳаммомга олиб тушиб ювинтириб-кийинтирибди. Учала ака-ука билан қиз, олмахон, қанот тилла, тирноқлари темир қушни олиб шоду хуррам бўлиб йўлга тушибди. Улар йўл юришиб, йўл юрса ҳам мўл юришибди. Шу кетишларида жудаям узоқ йўлларни босиб ўтишибди. Охири чеккалари кўринмайдиган ўрмонга боришса, эгаси йўқ бир кулба турган эмши. Учала ака-укалар отларини боглаб, олдиларига хашак солиб, уйга кириб ўлтиришибди. Яхши-лаб жойлашиб, қанотлари тилла, кўзи гавҳар, тирноғи темир қушни тоқчага, олмахонни томга қўйишибди. Чамапой ака-укаларга хизмат қилгандай қилаверибди. Шунда Эшвой акаларига қараб шундай дебди:

— Акаларим, мен қирқ кечаю қирқ кундуздан буён

уйқу нималигини кўрганим йўқ. Бир тўйиб ухлаб олай. Чаманой овқат қилишга сизларга ёрдамлашади. Бу гап Турдиали акасига ҳам, Қўшали акасига ҳам маъқул тушибди-ю, қанотлари тилло, тирноқлари темир, кўзлари дур қуш безовталаниб қўйибди. Чаманойнинг юраги ҳам безовталаниб, ғашланиб:

— Уйга боргач ухлар эдингиз-да, бу ер ёт жой бўлса...— деган экан, кенжавой:

— Жой ёт бўлсаям акаларим ўзимизники-ку!! Оғаларим билан сен бор жойда ҳеч нарса бўлмайди. Шундайми ака?— дебди катта акаси Турдиалига қараб.

— Шундай, шундай, укажон. Ҳеч хавотирланмай ухлайвер. Мана биз бормиз. Чарчагансан. Дамингни ол. Бизга қилган яхшилигинг учун бошимизга кўтариб юришга арзийсан. Шундайми, ука?— деб Қўшалига қарабди. Қўшали акасининг юраги-ичидагини сезиб:

— Шундай-шундай, ака! Эшвойнинг бизга қилган яхшилиги учун бошимизни оёғига қўйсақ арзийди,— дебди.— Ухлаб дамингни олавер, биз туришингга ошни дамлаймиз.

— Эй акаларим, мен нима қилибманки, бирингиз, бошингизга кўтариб юрайлик дейсиз. Бирингиз, оёғингга бош қўяйлик дейсиз. Ахир мен ёт эмас, укаларингизман-ку. Бир қориндан талашиб-тортишиб тушганмиз-ку! Мен укалик бурчимни бажардим, холос. Энди сизлар акалик қилсанглар бўлгани,— дебди халеб ўзини ука-ука деб мақтайверишларидан юраги ғашланиб. Эшвойнинг кўзи уйқуга кетган ҳам эканки, ташқарида борлоқлик турган оти кишнабди. Эшвой ухлар-ухламас отининг кишнашини эшитиб, уйғониб кетибди-да, отдан бир хабар ол-чи, деб Чаманойга буюрибди. Чаманой ташқарига чиқиб, отга қараса, у ниманидир сезгандай безовта эмиш. Уни кўриб ичкарига кириб:

— Отингиз безовталаниб на хашак еяпти, на бир жойда тек турибди. Қулоқларини чимириб, ер тепиниб безовталанапти,— дебди. Шунда Эшвой катта акасига қараб:

— Ака, сиз чиқиб қаранг-чи. Отим ҳечам безовталанмас эди-ку? Нима гап экан?— дея илтимос қилибди. Турдиали ташқарига чиқиб, қайтиб кирибди-да:

— Ҳечқиси йўқ. Олдидан мушук ўтган экан. Шунга отинг безовталаниб кишнаб, ер тепинибди. Яхшилаб ухлаб, дамингни олавер,— дебди. Эшвойнинг кўзи яна уйқуга кета бошлабди. Оти баттар кишнаб, ер тепиниб безовталанибди. Эшвойнинг ўзи ташқарига отилиб чиқиб:



— Э, ярамас, тинч қўясанми-йўқми? Мизғиб олиншга йўл қўймайсан-ку, мушук ўтсаям шунга шунчаликми?— деб отига устма-уст қамчи тортиб юборибди. От жимиб, бошини хам қилибди. Кўзидан жаладек ёш қуйилибди. Эшвой қайтиб уйга кирибди-да, бошини ёстиққа қўйиб бирпасда донг қотиб ухлаб қолибди. Эшвойнинг қаттиқ ухлаб қолганини билиб, Турдиали Чаманойга қараб:

— Синглим, сиз ўтин териб келинг. Биз унғача сабзи-пиёзни тўғраб турамиз,— дебди. Чаманой ўтин тергани кетибди. Шунда Турдиали Қўшали укасига қараб:

— Ука, бир гап айтаман, яхшилаб қулоқ сол. Бу укамиз Эшвой қаноти тилла, тирноғи темир, кўзи дурқушни топди, бунинг учун ота-онамиз, маҳалла-кўй, қишлоқ-шаҳарда ҳар қанча ҳурмат-иззат икром бўлса уники бўлади. Хотин ҳам топиб олибди. Мени яна бошқа нарса ўйлантириб қўймоқда. Уйга бориб биз ҳақимизда: «Бирови ўтқалар гўлоҳи экан, бирови сомсапазга шогирд экан, уларни сақлаб қолдим»,—деб айтади. Шунда биз ким бўламиз?! Мен бу ҳақоратга чидай олмаман,— дебди. Шунда Қўшали:

— Ундай демас ахир, укамиз-ку? Наҳотки шундай деса,— дебди.

— Айтадими-йўқми, менга бари бир. Уни бир ёқлик қилиб, хотинини мен оламан, оти, олмахони сеники, Қушни бўлса, икковимиз топдик деймиз.

Олдинига Қўшали кўнмабди, кейин акасининг айтганларига рози бўлишга мажбур бўлибди.

— Ҳа, нима қилиб бўлса ҳам кенжавойни нобут қиламиз-да, қушни, олмахонни, қизни, отларни олиб юртимизга борамиз. Шундай қилмасак бизга одамлар нафрат билан қараб, бизни эрмаклаб уят қилишади,— дебди.

— Эшвойни нима қиламиз? Қандай қилиб уни даф этамиз?

Шунда Турдиали:

— Қилични уйнинг эшигига боғлаймиз-да: «Тур ука, отинг қочиб кетди, отинг қочиб кетди!»— деб бақирамиз. У ўрнидан туриб, шошиб-пишиб югураётиб, қилични кўрмайди-да, ўзини қиличга уради. Кейин кўзини ўйиб, ўзини уйнинг орқасига ташлаймиз-да, ҳамма нарсани олиб қишлоққа қайтамиз. Ана ҳурмату, мана ҳурмат бўлади,— дебди. Бу ҳол иккаласига маъқул тушибди. Турдиали ўткир шамширни эшикка боғлаб қўйиб, ташқарига чиқибди-да, отни миниб уёқдан-буёққа қараб, «ол-ҳе», «ол-ҳе», «урхе-ур» дея, чоптираве-

рибди. Бир пайт Эшвой шошиб ўрнидан туриб «Нима гап? Нима гап?» деб ташқарига интилибди. «Отинг қочди!» дебди акаси. Югуриб чиқаётиб, қоронғи бўлганидан эшикка боғлоқлик қилишни кўрмай қолибди. Қиличга ўзини уриб олибди, оёғи тиззасидан шарт иккига бўлиниб кетибди. «Воҳ, единг!» деб ерга йиқилиб, ҳушидан кетибди. Турдиали билан Қўшали чопқиллаб келиб, икки оёғидан айрилиб, беҳуш ётган Эшвойнинг устига чиқиб, иккала кўзини ўйиб, иргитиб юборишибди. Узини бўлса уйнинг орқасига олиб чиқиб ташлашибди. Буни кўрган Чаманой қўрққандан соқов бўлиб қолибди. Иккала ака-ука Чаманойни, олмахонни, қушни олишиб, отларига миниб, битта отни етаклаб йўлга чиқишибди. Йўл юришибди, йўл юришсаям мўл юришибди. Бир пайт қишлоққа етиб келишибди. Ака-укаларни бутун маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар қиёғини кутиб олишибди. Ҳамма жам бўлганда, ака-укаларни отаси:

— Эшвой қани?— деб сўраб қолибди. Шунда Турдиали кўзига ёш олиб:

— Укамдан айрилиб қолдик. Шу кунлар ичида бирга юриб, бирга ётиб, нима топсак бўлиб едик. Қушни, олмахонни олиб, анави соқов қиз билан йўлга чиқиб, саҳройи кабирдан келаётган эдик. Аждарҳо плонлар тўласига дуч келиб қолдик. Улар Эшвойни ютиб юборишга улгурибди, холос. Биз зўрға қочиб қолдик. Ука-жонимиздан айрилиб қолдик, юм-юм йиғладик. Тўғрими, ука?— деб Қўшалига қарабди.

— Тўғри, меҳрибон, яхши кўрган укамиз, жиғар-бандимиздан айрилиб қолдик,— деб Қўшали ҳам кўзига ёш олибди. Ота-оналар, маҳалла-кўй, қавм-қариндош ҳам болага аза очишиб, йиглаб сиқташибди. Соқов қиз бўлса бир бурчакда олмахон билан тилла қанот, темир тирноқ, ёқут кўзли қушни силаб-сийпаб жим ўтираверибди. Чол билан кампир, отининг қайтганидан ўлганини билган эдик, худонинг иродаси, деб тақдирга тан бериб, кичик ўғилларининг иссиқ-совуғини ўтказишибди. Сўнг бутун эл-юртни чақириб, улар олдида дастурхон ёзиб, тўй-томоша бошлашибди. Чаманойни Турдиалига никоҳлаб бермоқчи бўлишибди. Тўй бошланибди. Ҳамма дастурхонларга тўкиб сочилган нозу неъматлардан маза қилиб ермиш-у ака-ука билан келган қиз, қуш, олмахон, отлардан бирови ҳеч нарса емасмиш. Тўртовлари хавоҳол бир бурчакда жим ту-

ришаверибди. Маҳалла оқсоқоли сафарда ака-укага қўшилиб келганларга қараб шундай дебди:

— От, ҳой отвой, сиз нимага ҳеч нарса емайсиз?

Шунда от жавоб бериб:

— Қаноти тилла, тирноғи темир, кўзи ёқут қушдан сўранг,— дебди.

— Қуш, ҳой, қушжон, нимага ҳеч нарса емайсиз?—деб сўрабди оқсоқол қушдан. Қуш:

— Дўстим олмахондан сўранг,— деб жавоб берибди. Олмагон:

— Опамиздан сўранг,— дебди. Оқсоқол қизга қараб:

— Ҳой қизим, она қизим, узоқ юриб чарчаб, толиқиб қолгансизлар. Нимага овқатдан емаяпсан. Сен есанг, олмахон еркан, олмахон еса қуш еркан. Қуш еса от еркан,— дебди.. Шунда қиз оғиз ростлаб бир нарса демоқчи бўлган экан, Турдиали шапалоқ билан уёғи-буёғига қўйиб юбориб:

— Бу соқов-ку, ахир. Ҳозир уриб юбормаганимда соқовчалаб гапга тушиб кетарди-да, ҳечам тўхтатиб бўлмасди, тўй бузиларди,— дебди. Буларни бу ерда қолдириб, икки оғиз гапни Кенжавойдан эшитинг.

Икки оёғи кесилган, кўзлари ўйиб ташланган Эшвой анча вақтдан кейин ўзига келиб, ётган жойида: «Ё Илёс, ё Хизир!» деб уч марта айтибди. Бирдан шамол, тўполон туриб, унинг олдида сафардаги дўсти — эшакдай келадиган кўк бўри пайдо бўлибди. Эшвойни кўриб ачишиб тозаям улыбди, йиғлабди, тагин йиғлабди, улыбди. «Эҳ сиз, одамлар, одамлар! Бизни ёмон кўриб, ваҳший қонхўр деб кўринган жойда қалтаклаб ўлдирасизлар-у, аммо... Биз уйимиз олдидаги отарга, буни бўри қилган дейди, деб тегмаймиз...» — улыб-йиғлаб болани даволашга тушибди. Икки оёғини топиб келиб улаб, уланган жойини ялаб-ялаб асл ҳолига келтирибди. Кўзларини ўрнига қўйиб пуфлаб, искаб ялаб уларни ҳам асл ҳолига келтирибди. Кейин устига мипдириб, қуюндек учиб, ота-онаси яшаётган қишлоққа олиб келибди. Қишлоққа келишса ҳаммаёқни карнай-сурнай, ноғараю дўмбира овози босиб кетган эмиш. Одамлар кўча-кўча бўлишиб: «Турдиали хотин оляпганмиш. Катта ош тортаётганмиш. Тўйида қаноти тилла, тирноғи темир, кўзи дур қуш сайраб, олмахон хупарини кўрсатиб, бир от эшик устида минг хил хунар қилар эмиш», деб тўй томон кетаётган эмиш. Шунда бўри Эшвойга: «Тўйга мени миниб борсанг, одамлар кўринган томонга қочиб, тўй тарқайди. Ҳозир бир юмалаб тулпор от

бўламан-да, етаклаб кириб борасан»,— дебди. Бу гап болага маъқул бўлибди. Бўривой бир юмалаб, чиройли тулпорга айланибди. Кенжавой уни етаклаб, тўйхонага аста-аста кириб борибди. Тўйга кирса, базм авжида эмиш. Катта ака куёв либосида, Чаманой келин либосида ўлтирган эмиш. Куёв кулса келин йиғлар эмиш. Бир томонда ҳалиги қаноти тилла, тирноғи темир кўзи дур қушни, сайрайсан, деб туртиб-суртишаётганмиш. Олмахонни ҳам ҳол-жонига қўйишмаётганмиш. Бола отни етаклаб тўйга кириб келиши билан қуш сайраб юборибди. Ҳар сайраганда чор-атрофдан гуллар униб чиқаётган эмиш. От бир гиштининг устига чиқиб, минг муқомда ўйин бошлаб юборибди. Олмахон сакраб дарахтга чиқиб, у ҳам рақс бошлабди. Чаманойнинг тили чиқиб, йиғидан тўхтаб, нуқул қаҳ-қаҳ уриб кулармиш. Ҳамма ҳайрон эмиш. «Нима гап, нима воқеа бўлди?» деб бир-бирларидан сўрашармиш. Ҳеч ким нима гаплигини билмас эмиш.

— Ассалому алайкум, яхшилар! Ҳеч қанақа гап бўлмади. Мен дўстим билан тўйга етиб келдим. Чақирилмаган меҳмонни қабул қиласизларми?—дебди кенжа ўғил. Ҳамма Эшвойни таниб, хушчақчақ бўлишибди. Маҳалла оқсоқоллари икки ака-укани тўйдан қувиб чиқариб, отларнинг лумига боғлаб жазоламоқчи бўлишибди. Аммо Эшвой чақиртириб келибди. Иккови укаларининг оёғига йиқилиб, итлик қилдик, деб кечирим сўрашибди. Кенжавой уларнинг гуноҳидан ўтибди. Қайтадан тўй бошланиб, Чаманойни Эшвойга никоҳлаб беришибди. Бўри ҳам асл ҳолига — кўк бўрига айланиб, уларни хизматида қолибди. Ҳалиям қуш сайраб, бутун атрофни чаман-чаман гулларга безар эмиш. Олмахон бўлса, ҳунарини кўрсатгандан кўрсатар эмиш. Тулпор нуқул юлдузга учаман, дермиш. Чаманой Эшвойни севгандан-севиб, бирпас ҳам ёнидан кетмасмиш. Шундай қилиб, чол билан кампир ҳамда кенжавойлар яхши яшаб шоду хуррам бўлиб, ҳамманинг ҳавасини келтириб яшаб ўтишибди.



Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,  
Харгиз эй, хом одам, бўлмадинг инсон.  
Чиқиб энди сен ҳам кезил жаҳонни,  
Бўшаб қолмасдан сендан бу жаҳон.

Саъдий ШЕРОЗИИ

## ҚАНОТЛИ САЁХАТЛАР

Ўзбек халқ эртаклари ва афсоналарининг квинтэссенцияси, яъни туб моҳиятини лўнда ифода қилиш лозим бўлса, қуйидагини айтиш мумкин: озодликка интилган инсон олис саёхатга отланади. Ҳар қандай ғайриоддий шароитда ҳам маҳабубасининг висолига етиш ёки ўзгаларга яхшилик қилиш йўлида мардлик ва жасорат кўрсатади. Қисқаси, эртақ ва афсоналарда инсон дуч келадиган ажойиб ва ғаройиб воқеа-ҳодисалар, унинг кузатувчанлиги, топқирлиги, ёвуз кучларга қарши кураши ва ниҳоят, ўз-ўзига ишончи ва эътиқоди ҳамда барча одамларга хос бўлган чин инсонийлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу фикримиз айни чоғда фақат эртақ ва афсоналаргагина эмас, балки қатъий реалликдан уйдирма, ҳиссиётларга ҳисобатан манتيқий мушоҳада, оддийликдан ғайриоддийлик устунроқ турган барча эпик дostonлар, илмий-фантастик ва саргузашт қисса, романлар ҳамда бадий адабиётнинг бошқа жанрларига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбек халқ эртақ ва афсоналарида ўзининг тўрт девор орасидаги уйи — тор дунёсидан оламни билиш учун озодлик ва кенгликларга интилган бола ёки ёш йигит ота-онасидан розилик олиб саёхатга отланади. Унинг саёхатга жўнашига аксарият ҳолларда ё ота-онасининг бирор илтимосини бажо келтириш, ё намаълум мамлакатда истиқомат қилувчи гўзал маликанинг висолига етишиш, ё бўлмаса, ўзга юртга кетган ака, ука, опа ёки синглисини топиб, уларни оғир аҳволдан қутқариш истаги сабаб бўлади. Ота-онасининг бағрида вояга етган боланинг ўзи ўрганган кундалик, бир хил ва зерикарли ҳаётдан воз кечиб, узоқ сафарга отланиши у кўрсатажак жасоратларнинг дебочасидир. Хуллас, саёхат ва саргузаштларга интилиш эртақларнинг бош лейтмотивини ташкил этади. Зотан қаҳрамон дунёнинг чеккаси — олис ўлкаларга саёхат қилмасдан, уларнинг турли сир ва хавф-хатар булутлари билан чулганган хаёлий оламни билмасдан туриб, ўз ота кулбасининг қадрига егиши амримаҳол.

Ўзбек ва бошқа халқларнинг эртақ ва афсоналарида ниҳоятда кенг тарқалган саёхат мотивининг илдизи мифларга бориб туташади. Бинобарин, саёхат ўзбек мифологиясида ҳам етакчи мотивлардандир.

Маълумки, миф — ибтидоий одамнинг синкретик характердаги эътиқоди ва тасаввурларининг онгсиз-баддий инъикосидир. Рус фольклоршунослигида мифлар эртақ ва афсоналарнинг юзага келишига асос бўлибгина қолмасдан, бевосита афсоналарга айлангани исбот қилинган. Бунда у географик маънода жойларнинг номи, онла ва ўтмиш замонга билан боғлиқ ҳаётнинг деталлар билан бойитилган. Бу фикрни ўзбек мифлари учун ҳам тўла таалмуқли дейиш мумкин. Масалан, «Сухроб ва Мизроб» эртагининг асосида қадимий тотемистик миф ётади. Эртақда балиқчи ўғли Мизробнинг саёхати ҳақида гап юритилади. Мизроб овлаган балигини озодликка қўйиб юборади. Бунинг эвазига балиқ болага катта

ёрдам кўрсатади. Унинг дев ўғирлаб кетган синглисини овозликка чиқариб, йигитнинг қизга уйланишига ёрдамлашади. Мизроб Ҳахтини топади. Бу ерда биз балиқ тотеми ҳақидаги мифнинг кейинги даврга хос хусусият ва белгилар билан бойитилганини кўрамыз.

Аксарият ҳолларда эса, миф фольклор ёхуд у ёки бу бадий асар таркибига алоҳида новелла сифатида киритилади. «Ҳасан ва Ҳурлиқо» эртаги таркибига кирган («Сув қизи», фантастик эртаклар, Ғ. Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.) мифологик мотив фикримизнинг далили бўла олади. Эртақнинг асосий сюжети Зулайҳо эрининг синглиси Ҳурлиқонни уйдан ҳайдаб чиқариши ҳақидадир. Зулайҳо қабоҳат йўли билан Ҳурлиқоннинг қўлларини чоптириб ташлашга эришади. Ҳурлиқо подшонинг ўглига турмушга чиқади. Лекин аёлни икки боласи билан у ердан ҳам ҳайдаб юборишади. Йўлда у ухлаб қолади ва тушида Ҳизрли кўради. У аёлга чопиб ташланган қўлларини келтиради ва Ҳурлиқо яна аввалги соғлом ҳолига қайтади.

«Оймомода аждарҳо» тўпламига кирган «Сув бола» номли эртақда ҳам қаҳрамон отасини излаб саёҳатга отланади. Бу ерда биз денгиз таги, ер ости ва ер усти дунёлари билан боғлиқ ҳамда фетишистик<sup>1</sup> мифлардан фойдаланилганини кўрамыз. Аёл кишининг кўлда чўмилиши оқибатида ҳомиладор бўлиб қолиши ўзбек мифларида кенг қўлланилувчи анимистик мотивлардандир. Эртақлардаги ялмоғиз, ит, мушук, ҳумоюн, семурғ образлари ҳам тотем белгилари тариқасида генетик жиҳатдан мифлар таркибидан келиб чиққан.

Рус фольклоршуносларидан Е. Мелетинскийнинг таъкидлашича, архаик эпосларнинг ҳам асосий манбаи қаҳрамонлик эртаклари ва қўшиқлари билан бирга мифлар ва дастлабки аждодларимиз ҳақидаги афсоналардир. Олимнинг фикрича архаик эпосларга хос бўлган мифологик фигуралар ва улар келтирилб чиқарган демонологик лентенажлар мифлар таъсирида пайдо бўлишган.

Саёҳат мотиви айна пайтда миф ва ҳақиқат арасида ижод орқали классик ва ҳозирги замон ўзбек адабиётига ҳам кенг тармоқ бўлиб кирган. Чунончи, буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг «Ҳамса»сида қаҳрамонлар олис ўлкаларгагина эмас, балки сув ости ва ер ости дунёларига ҳам сафар эришади.

Жаҳон илмий фантастикасининг асосчиларидан Жюль Верн ва Герберт Уэллслардан тортиб, то ҳозирги замонда яшаб ижод қилаётган Александр Казанцев, Аркадий ва Борис Стругацкийлар, Владимир Шербаков, Сергей Абрамов, ўзбек ёзувчиларидан Худойберди Тўхтабоев, Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудов, Абдуҳаким Фозилов сингари саргузашт ва фантастика адабиёти усталарининг аксарият асарлари саёҳат асосига қурилгани, бу дастур мазкур мотивнинг инсон тафаккурининг ноёб маҳсули бўлмиш бадий ижодда нақадар яшовчан эканини кўрсатади.

Қўлингиздаги «Илон пари» тўпламига кирган эртакларда ҳам саёҳат ва саргузашт мотиви етакчи ўрин тутлади. Уларда чол-кам-пирининг ёлғиз ўғли, уч ака-ука ёки гўзал қиз бошларидан ажойиб ва гаройиб сновларни ўтказиш йўлида узоқ сафарларга чиқишди. Чунончи, «Анқо қуш» номли эртақда Маъмуржон исмли йигит подшонинг йўқолган қушини излаб йўлга отланади ва не-не машаққатларга дуч келади. «Сеҳрли пичоқ» эртагида отасининг васиятига амал қилган кенжа ўғил Боботоғда истиқомат қилувчи

<sup>1</sup> Фетишизм — бирор нарсага кўр-кўрона ишониш, сиғиниш.

темиргар устани қидириб кетади. Ундан ссҳрли пичоқни олгач, яна кўпдан-кўп саргузаштларни бошидан кечириб, мурод-мақсадига эришади.

Саёҳат воситалари эртак ва афсоналарда ранг-баранг ва турли-тумандир. Ўзбек халқ огзаки ижоди асарларида саёҳатга отланишнинг энг яхши йўли яёв юришдир; Аксарият ҳолларда қирқ ёки етмиш йиллик йўлга тулпор отлар воситасида учиб борилади. Баъзан эса, олис сафар машаққатларини демонологик образлардан бўлмиш девлар ва жодугарлар енгиллаштиришади. Улар эртак қаҳрамонларини елкаларига миндириб олишлари ё бўлмаса, уларни олма, соққа ёки парга айлантириб, қўйинларига солган ҳолда кўзлаган манзилларига етказишлари мумкин. Эртак қаҳрамони тортажак йўл азобига одамзоднинг у ёки бу дхшилигига яхшилик билан жавоб беришга қарор қилган бўрилар, охулар, арслон, йўлбарс, туя, филлар ҳам шерик бўлишларн, ўрмонда ёки дашти-биебонда адашган саргузашт мутасаддисини елкаларинга миндириб ўз маконларининг чегарасигача кузатиб қўйишлари мумкин.

Саёҳатга чиқишнинг яна бир йўли сафарга кетаётган қаҳрамоннинг бирор чуқур ёки қудуққа тушиб кетиш мотивидир. Бунда у тамомила бошқа дунё — ер ости оламига тушиб қолади ва шу ернинг ўзидаёқ кўпдан-кўп антиқа саргузаштларнинг гувоҳи бўлади. Масалан, «Минг бир кеча»да қаҳрамон юриш тақиқланган жойдан ўтаётиб хазина тўла ғорга йиқилиб тушади. Ёки «Қора дев» тўпламига («Ёш гвардия» нашриёти, 1983 й.) кирган «Кенжа ўғил, сирли шамшир ва қумурсқа» эртагида чолнинг катта ўғли ҳўкизни қўшга қўшиб, кечгача ер ҳайдайди. «Бир пайт ерни ҳайдаб, хаёлга ботиб, шудгордан чиқиб кетганини ҳам сезмай» қолади. «Шудгорнинг четида бир эски қудуқ» бўлиб, ҳўкиз омон-помочи билан унга тушиб кетади. Уни ушлаб қоламан деган бола ҳам қудуққа қулайди. Шу тариқа у ер остидаги девлар маконига тушиб қолади. Кечаси уйга қайтмаган акасини қидириб ўртанча ўғил шудгорга келади. У ҳам қоронгида қудуққа ағдарилиб тушади ва девларнинг асирга айланади. Ака-укаларнинг ер остидаги саргузаштлари кенжа ўғилнинг қудуққа тушуви ва акаларини қутқариб, ер юзасига олиб чиқиши билан якунланади.

Саёҳатга отланишнинг тағин бир қатор мифологик, сеҳрли ва фантастик усуллари ҳам мавжуд. Бунда у ёки бу эртак қаҳрамони олис йўлларни ғайриоддий буюм ёки сеҳр воситасида босиб ўтади. Чунончи, юқорида номи зикр қилинган «Қора дев» тўпламидаги «Ҳуриой» номли эртакда қизга бир дарвеш зумрад кўзлн тилла узук совға қилади. Узук ғайриоддий хусусиятларга эга: «Уни ўнг қўлингга тақиб кўзига қарасанг, бутун жаҳонни кўрасан. Кейин олиб бор деган жойингга олиб боради». Хуллас, узук сеҳрли ва унинг ёрдамида истаган жойга саёҳатга бориш мумкин. Бунда узук дастлаб думалаб йўл кўрсатади, йўлга чиққач, эгар-жабдуғи тиллодан, тақалари кумушдан тулпор от пайдо қиладида, унинг воситасида эгасини кўзлаган манзилига элтади. Айни пайтда узук фақат нақлиёт вазифасинигина ўтаб қолмасдан бошқа сеҳрли хусусиятга ҳам эга: «Қимда-қим ёмон ниятда уни таққан кишига ёндошмоқчи бўлса, ёмонлик қилмоқчи бўлса, у таққан кишини кўрсатмас эди».

Сеҳрли буюмлардан учар гилам, ёғоч от, супурги эртак ва афсоналаримизда кенг тарқалган саёҳат воситалари эканлиги энг ёш эртаксеварларга ҳам яхши маълумдир.

Саёҳатга чиқишга омил яратадиган яна бир мўъжизали воси-

та — сеҳрли телпақдир. («Қора дев» тўпламидаги «Сеҳрли телпақ» эртагига қаранг). Телпақнинг хосияти шундан иборатки, уни кийиб нимаики мақсадинг бор — айтсанг, бажаради». У аввало бошига кийган одамни кўзга кўринмайдиган қилиб қўйиши, бамисоли очилдастурхондай овқат тайёрлаши, кўринмас гавронга айланаиб, душманнинг жазосини бериши, йўқ жойдан қўш ҳуқиз ва омоҳ пайдо қилиши билан бирга худди учар гиламга ўхшаб «узоқ-узоқларга учириб олиб бориб, ўйнатиб» келиши ҳам мумкин. Телпақ уни кийган одамни кўз очиб юмгунча истаган манзилига етказиб қўя олади. «Сеҳрли телпақ» эртагида унинг сеҳрли хусусиятлари қаҳрамон оғир аҳволда қолганида намоён бўлади ва аксарият ҳолларда уни ўлимдан қутқариб қолади. Лекин шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, қаҳрамон образининг тўлақонли бўлишида сеҳрли телпақ ёрдамчи мотив ролини ўйнайди, холос. Чунки бола жуда кўп оғир ситуацияларда асосан ўзининг меҳнатсеварлиги, ақл-заковати ва зукколиги туфайли адолат тантанасига эришади ва энг фавқуллодда ва қалтис ҳолатлардагина телпақнинг қудратига таянади.

Сеҳрли пичоқ, гаврон, калтак, ҳуштак, шамшир ва ўқ-ёйлар ҳам эртақ ва афсоналарда баъзан қаҳрамоннинг олис йўл азобларини енгилаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. «Илон пари» тўламига кирган «Сеҳрли пичоқ» эртагида Боботоғдаги горларнинг бирида истиқомат қилувчи темирни бобога шогирд тушган кенжа ўғил устадан ажойиб совға — гаройиб услубда тоблаб ясалган пичоқ олади. «Буни аҳтиёт қил, жуда ҳосиятли пичоқ,— дейди бобо,— олов билан сувнинг ўғли бу. Унга яхши гапирсанг, ўзингга дўст деб билиб ундан мадад сўрасанг, айтган нарсангни бирпасда бажарати». Пичоқ ўз эгасини истаган олов жойга олиб бориб қўя олишидан ташқари яна бир қатор ҳикматларга эга: қаҳрамон овқатларини истаса, био эмида «юз хил нозу неъмат терилган дастурхон» пайдо қилади. Унинг йўлида «чунки ёки илон уёқда турсин, орасидан пашша ҳам учиб ўтолмас чангалзор» учраса, пичоқ чангалларни «сириб, оир лаҳзада йўл очади. Тоқда дуч келишганда эса, у тоғни чўқиб, «ҳар чўқи-ганда сандиқдай-сандиқдай тошларни ҳар томонга учуриб», тоғ бағридан лаҳм ковлайди. Еввойи ҳайвонлар чиқса, пичоқ «қувғандан-қувиб уларнинг ҳам жазосини беради». Хуллас, пичоқ ниҳоятда «универсал» хусусиятларга эга бўлиб, сеҳр воситасида у бажара олмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

Лекин бу ерда яна таъкидлаб ўтишимиз лозимки, эртақлардаги сеҳрли пичоқ, гаврон, телпақ ёки ҳуштак сингари буюмлар билан боғлиқ жами мотивлар, ҳар қандай фантастик мотив сингари, эртақ сюжетининг ўзагини ташкил қилмайди. Айни чоғда мазкур сеҳрли нарсалар ўқувчининг фантазиясини «қитиқлаш» ёки унга кўпроқ эрмак бўладиган «олди-қочди» воқеаларни юзага келтириш воситалари ҳам эмас. Йўқ. Мазкур саёҳат воситалари билан боғлиқ фантастик мотивлар инсоннинг қаҳрамонлик фаолиятини, эзгулик, адолат, чин муҳаббат тантанаси йўлидаги матонат ва жасоратини янада кучайтириб, худди микроскопдан ўтказгандай қабартириб кўрсатувчи адабий приёмдир. Бинобарин, бу ерда биз фантастик ва реалистик мотивларнинг ўзаро уйғунлашган ҳолда бир мақсадга — инсон ва унинг ақл-заковати куч-қудратини улуғлашга қаратилганини кўрамыз.

Қаҳрамонларнинг узоқ юртлар ёки олис сайёраларга сирли саёҳатлари билан боғлиқ ҳозирги замон илмий-фантастик ва саргузашт асарларига назар солсак, уларда ҳам фантастик ва ре-



листик мотивларнинг худди эртаклардагидай ўзаро уйғунлашган ҳолда юқорида зикр этилган мақсадга қаратилганининг гувоҳи бўламиз. Албатта, бу уйғунлик энди бошқачароқ шакл ва услубларда талқин қилиниб, сифат нуқтаи-назаридан юқорироқ босқичга кўтарилган бўлади. Бинобарин, мазкур тонфадаги асарларда қаҳрамонларнинг олис ўлка ёки сайёраларга саёҳатлари аксарият ҳолларда замонавий фан ва техника ютуқлари асосида амалга оширилади. Чунончи, Жюль Верннинг кўпгина илмий-фантастик ва саргузашт асарларида саёҳат воситалари сифатида ҳаво шарлари, дирижаблар, сув ости батискафлари ёки «Наутилус» сингари сув ости кемалари хизмат қилса, атоқли рус фантасти Иван Ефремовнинг «Андромеда туманиги» романида, Александр Беляевнинг қатор асарлари, ўзбек фантаст ёзувчиларидан Тоҳир Маликнинг «Сомон йўли элчилари» қиссаси ва Абдуҳаким Фозиловнинг айрим ҳикояларида асар персонажлари ўзга оламларга кибернетик, электрон ва позитрон қурилмалар билан жиҳозланган ниҳоятда мураккаб космик кемаларда сафарга чиқишади.

Илмий-фантастик асарларда саёҳатга чиқишнинг, худди эртаклардагидай, сеҳрли усуллари ҳам оз эмас. Лекин уларда ўша сеҳрли усуллар чўпчаклардагидай афсонавий тусда талқин қилинмай, аксарият ҳолларда маъنيқ нуқтаи-назаридан ўқувчини ишонтирадиган даражада илмий асосланган бўлади. Масалан, Тоҳир Маликнинг «Фалак» номли қиссасида асар қаҳрамонлари ўтмишга сафар қилиб, ўрта асрларнинг буюк алломалари билан «Элаллома» номли мураккаб тузилишли электрон қурилма ёрдамида мулоқотга киришишади. Ёки ушбу мақола муаллифларидан бирининг «Аждодлар хотираси» номли илмий-фантастик қиссасида асарнинг бош қаҳрамони Қамол генетик хотира уйғониши ҳодисаси туфайли олис ўтмишга, ўзининг қадимги ибтидоний аجدодлари орасига тушиб қолади ва турли ғаройиб саргузаштлар тўфонига дуч келади. Умуман, ҳозирги замон илмий-фантастик ва саргузашт асарларида саёҳат усуллари турли-туман ва бу усуллари асар муаллифлари ўз эвристик қобилиятлари имкон берган даражада турлича савияда асослашга интилишади. Бундай илмий ва маъنيқий асослашларнинг ҳаммаси ҳам бир шилда муваффақиятли чиқаверади, дейиш ҳақиқатга яқин гап эмас, албатта.

Маълумки, ҳозирги кунда инқирозга юз тутаётган империализм гегемонизм ва жаҳонга мутлоқ ҳоким бўлиш васвасасида ҳар қандай қабих ишлардан тоймаяпти. Биз Улуғ Ватан уруши йилларида фашизм малайларига айланган айрим олимларнинг одамларни итоаткор қулларга айлантириш ниятида маҳбусларда бевосита даҳшатли табиий тажрибалар ўтказганлигини ҳам яхши биламиз. «Гавҳарнисо» эртагидаги Қора дев эса худди ана шундай ёвуз куч тариқасида талқин қилинади. Эртақда ҳикоя қилинишича, дев қора тошни ютган одамнинг «жонини суғуриб олиб, итоаткор маҳлуққа айлантиради-да, истаган ишини қилдираверади». Бу ерда биз эртакларда кенг тарқалган эврилиш мотивининг ўқувчиларда қабоҳат ва разолатга нисбатан нафрат уйғотиш воситаси бўлиб хизмат қилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Бирмунча кўчма маънодаги ана шундай замонавий руҳни биз юқорида эслатганимиз «Сеҳрли пичоқ» эртагида ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳар қандай улкан илмий кашфиёт икки мақсад, яъни яхшилик ёки ёмонлик йўлида хизмат қилиши мумкин. Масалан, биргина атом энергиясини олсак, у планетамизда бир томондан қиргин ва вайронагарчилик воситаси бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан башарият учун ажойиб ёнилғи, нур ва ис-

сиқлик маъбаи тариқасида бениҳоя муҳим аҳамият касб этади. Сеҳрли пичоқ ҳам ана шундай ноёб нарса. Бу — пичоқнинг тилга кириб уста бобога айтган сўзларида аниқ билинади.

— Паққосвойни сақлаб, айтганини қилиб юрдим, — дейди у, — лекин менга тўн ясаб, ўзи билан олиб юрмади. Ким нима деса ишонди. Кейин акаларнинг қўлига тушдим, Ўзингиз биласиз-ку, кимнинг қўлига тушсам, хизмат қилиш биздан, яхшигайм, ёмонгайм хизмат қилаверамиз. Яхшиликка ишлатишса — яхшилик келтирамиз ёмонликка ишлатишса — ёмонлик қиламиз.

Мазкур эртақнинг актуаллиги ҳам бизнингча, фантастик воситанинг яхшилик ва ёмонликка муносабати орқали намоён бўлади.

У ёки бу эртақдаги замонамиз билан ҳамоҳанглик, мотивлари ҳақида гап кетар экан, қўлингиздаги тўпламга кирган «Тилла беҳи» эртаги сюжетидаги айрим моментларни эслаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Маълумки, биз ҳозир одамийлик ва эзгу кучлар билан бирга ёвузлик ва шафқатсизликларга тўла бир оламда яшамоқдамиз. Планетамизнинг қайсидир бурчида инсон ҳуқуқи поймол қилиниб, у билан қўлларча муносабат юритилаётган бўлса, бошқа бурчида одамод бир бурда нонга зор, оч-наҳор ҳаёт кечирмоқда. Сайёрамизнинг бошқа бир нуқтасида ваҳший уруш алангаси ҳамон жавлон ураётган бўлса, яна ўзга нуқтасида жафокаш халқ мустабид ҳукмдорларнинг зулми остида мислсиз жабру жафолар чекмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан қаралса, «Тилла беҳи» эртаги персонажларидан бирининг куйиниб айтган сўзлари бунга яққол мисол бўла олади...

Дўсти — кеша ўғилни икки оёғи кесилган, кўзлари ўйиб ташланган ҳолда кўрган кўк бўри «ачиниб тозаям улибди, йиғлабди, тағини йиғлабди, улибди.

— Эҳ, сиз, одамлар, одамлар! Бизни ёмон кўриб ваҳший кон-хўр деб кўринган жойда калтаклаб ёлдирасизлар-у, аммо... Биз уйимиз олдидаги отарга бўни бўри қилган дейди, деб тегмаймиз...»

Сюжети саёҳат мотиви асосига қурилган эртақларнинг аксариятида қаҳрамонлар олис сафарга отланишаркан, дунёнинг нариги чеккасида жойлашган Кўҳиқоф мамлакати, парилар, жишлар ёки алвастилар юрти, ялмоғиз, мастон, аждад ёки девлар маконига боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишади. Чунки излаган нарсаларини фақат ўша фантастик образлар истиқомат қилувчи жойлардан топишлари мумкин. Илдизлари қадимий мифларга бориб тақалувчи мазкур образлар демонологик характерга эга бўлиб, даврлар ўтиши билан уларнинг хусусиятлари ҳам ўзгара борган. Чунинчи, қўлингиздаги тўпламга кирган эртақларнинг фаол персонажларидан бири бўлмиш парилар ўзбек мифларида инсонга муносабатан яхшилик ёки ёмонлик келтирувчи кучлар сифатида талқин қилинган бўлса, фольклор асарларида буларга қўшимча ҳолда бевосита инсонни севиб қолиши мумкин. Умуман, тадқиқоччилар руҳ, пари ёки ипс-жинс образлари билан боғлиқ примитив тасаввурларни уч гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга инсонга муносабатан ёмонлик тимсоллигига эмас, балки кўпроқ ҳомийлик қилувчи руҳлар ёки парилар кирди. Ани пайтда улар ўз истақларига бўйсундириш ёки бирор қилмишлари учун жазога тортиш мақсадида одамларни касалга чалинтиришлари ҳам мумкинки, бундан қутулишнинг бирдан-бир йўли париларнинг талабларини сўзсиз бажо келтиришдир.

Табнотан инсонга душман бўлган руҳ, пари ёки ипс-жинслар иккинчи гуруҳни ташкил қилишади. Одамларнинг яхши-ёмон муносабатларидан қатъи назар, улар қулай вазият туғилиши билан

одамзодга бирор зарар етказиш ёки ўлдириш пайида бўлишиди. Уларнинг зараридан қутулиш учун одатда қурбонлик келтириш ёки уларнинг бошқа истаklarини бажариш шарт эмас, балки турли йўллар билан уларни ҳайдаш, ҳар хил магик маросимлар воситасида оёқ-қўлларини «боғлаш» лозим бўлади.

Учинчи гуруҳга эса, инсонни севиб қолувчи парилар ёки алвастилар кирди. Бундай пари ёки алвастилар одатда ўз маҳбубларининг висолига етиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортишмайди ва уларнинг барча илтимосларини сўзсиз ижро қилишади. Характерлиси шундаки, парилар билан жинсий мулоқотга кирган одамзод ҳам у ёки бу воқеани олдиндан башорат қила олиш ёхуд турли маросимлар воситасида ёвуз инс-жинслар, руҳларни ҳайдай билиш қобилиятига эга бўлади.

Бундай гуруҳлар, албатта, ибтидий одамзод жамоаларининг дунёни яхшилар ва ёмонларга бўлиш босидаи келиб чиққан ижтимоий муносабатлари маҳсулидир. Тўпلامдаги «Анқо қуш» эртагининг мазмуни шу жиҳатдан характерлидир. Эртақ қаҳрамони Маъмуржон подшонинг йўқолган Анқо қушини излаб хатарли сафарга йўл олади. Бунда у даставвал Гулиқаҳқаҳ парининг онаси ялмоғиз кампирга дуч келади. Кампир дастлаб ўта салбий персонаж сифатида талқин қилинади. У «афт-ангор» буришган, пешонаси тиришган, ҳамма билан уришган, бели букчайган, ўзи мукрайган, оғзида ўттиз икки тишидан бирови ҳам қолмай тушиб кетган, соч ўрнида патак, қош ўрнида қотган тук, жағи тушган, оғзи қийшайган, бадбашара, одам бўлиб одамга, жондор бўлиб жондорга ўхшамайдиган бир махлуқ» эди. У ўзгаларга фақат ёмонлик келтириш пайида бўлиб яшайди. «Кампирни тушмагур умрбод еб ётаман деб» қанчадан-қанча одамлар, кўю эчки, молу отлар, паррандаю даррандалар, арслон, йўлбарс, бўри, тулки, шоқолларни ёрга қамаб қўйган. Анқо қушни ўғирлаган Темур қароқчидан кампир ҳам аламзада. Чунки қароқчи ўз каллакесар шериклари билан ёшлигида уни ҳам олиб қочган. Шунда кампир унинг чўриларидан бири — гоят гўзал маликани ёғлига олиб бериш ниятида каптарга айлантириб, ўзи кирғий бўлиб қочиб кетишган. Бун билан қолган Темур қароқчи изига тушиб, кампирнинг ўғлини ўлдириб кетган. Шу-шу ушдан қасдини олиш пайида. Маъмуржоннинг жасурлиги ва Темур қароқчининг ўлдириб, кампирнинг қасдини олишга бел бойлагани ялмоғизни буткул ижобий образга айлантиради. У ёрга қамаб қўйган ҳамма бандиларини озод қилиб, барча ёмонликларини ташлайди. Йигитни қизи Гулиқаҳқаҳ парининг ҳузурига бошлаб боради, Гулиқаҳқаҳ онасидан фарқли ўлароқ ижобий қаҳрамонлардан. У Маъмуржонни кўрган заҳоти яхши кўриб қолади ва ўзининг бутун сеҳрини йигитнинг юмушларини бажаришга бағишлайди. У фақат Маъмуржонгагина эмас, балки унинг дўстлари — ҳамроҳларига ҳам ғамхўрлик қилиб, турли ҳалокатлардан сақлаб қолади.

Париларнинг инсонга нисбатан ана шундай ижобий муносабатини биз тўпلامдаги «Гулуялар билан Қаландарбек» эртагида ҳам кўришимиз мумкин. Хавф-хатарларга тўла саёҳатлар билан боғлиқ мазкур эртақда отасининг булбулигўёни топиш ҳақидаги қатъий илтимосини бажаришга бел бойлаган уч ака-ука уч йўлга — «Борса келмас», «Борса хатар» ва «Борса келарга отланишди». «Борса келмасга караб юрган кенжа ўғил — Қаландарбек даҳшатли Қора дев хизматини қилувчи парилар ҳорлиқ чиқарадиган антиқа бир боққа келиб қолади. Парилар подшошининг қизи Гулуялар шундай гўзал эканки, «таърифлашга сўз етмасмиш. Ой

қоронғиси бўлишига қарамай, юздан таралган нур ҳаммаёқни сутдай ойдин қилиб юборибди. Қадам босишига ерлар ҳавасда, нафас олишига боғдан эсаётган сабо пайваста эмиш. Жамолини кўрган гуллар ҳижолат бўлиб, очилгани ёпилиб, гунчаси очилмай турган эмиш».

Ана шу пари пайкар илк кўрганидаёқ Қаландарбекка ошиқу беқарор бўлиб қолади. Йигит ҳам унинг севги домига илинади. Шунда Гулуялар, агар ишқингиз чин бўлса, севги машаққатларини енгиб, отамизнинг юртидан бизни топарсиз, дея қирқ канизаги билан каптарга айланиб учиб кетади. Қаландарбек яна олис сафарга — парилар юртига равона бўлади. Минг машаққатларини енгиб, девлар билан етти кечаю етти кундуз олишиб, охири Гулуяларнинг висолига етади. Гулуялар булбулигўёни олиш учун унга Қашқа девини қўшиб, опаси Гулхумор парининг ҳузурига юборади. Опаси йигитни дастлаб девларига айтиб тилка-пора қилдирмоқчи бўлади. Кейин, менга уйласангиз, булбулигўёни берман, дейди ва тезда сўзининг устидан чиқади. Лекин Қаландарбек ўлданишга розилик бермаганидан кейин уни зиндонга ташлатади. Бундан хабар тогган синглиси дарров опасиникига етиб келиб, эрини озодликка чиқаради. Гулхумор пари яна ўз гапида туриб, у менга ҳам эр бўлади, иккаламизга ҳам етади, дейди. «Гулхумор пари кўпроқ парилар орасида бўлиб, одамзод билан кам мулоқот қилган экан. Гулуялар эса, кўпроқ одамзод орасида бўлганидан одамгарчилик ҳаб, ор-номус нималигини биларкан», Гулхумор парига куйиб-пишиб, бир ар опа-сингилга раво бўлмаслигини уқдиради, Лекин опаси бари бир кўнмайди, ё эринг иккаламизга эр бўлади, ё уни ўлдиртириб, сени ҳам, ўзимни ҳам эрсиз қолдираман, дейди. Опа-сингилни бу конфликтли вазиятдан Қаландарбек қутқаради, Гулхумор парига мос акаси борлигини айтади.

Кўрнадикки, ҳар иккала эртақдаги пари образлари асосан одамларга ухшагани ҳолда, айна пайтда, улардан фарқли ўлароқ ўз мақсадларига эришни йўлида ҳар қандай яхшиликдан ҳам, ёмонликдан ҳам тойишмайди. Яхшилик ёки ёмонликни сеҳр кучи ёхуд қўл остиларида хизматда бўлган девлари ёрдамида амалга оширишади.

Сеҳр кучи билан эса, парилар истаган жонзодларини хоҳлаган нарсаларига айлантира оладилар. Масалан, пари бир сиқим тупроқ олиб, унга алланималарни «куф-суф»лаб ўзин ёки ўзгаларнинг устига сочиб юборса, шу заҳоти илонга ёки бошқа бирор демонологик маҳлуқотга айланишлари мумкин.

О. А. Сухареванинг ёзишича, одам қиёфасидаги руҳлар ёки парилардан фарқли ўлароқ демонологик кўринишдаги париларда ҳеч қандай нисопга ҳос фазилатлар мавжуд эмас<sup>1</sup>. Бу фикрни Урта Осиё халқлари мифлари учунгина тааллуқли дейиш мумкин бўлгани ҳолда, ўзбек халқ эртақ афсона ва дostonлари персонажларига нисбатан мутлақо тадбиқ этиб бўлмайди. Зотан, фольклор асарларидаги демонологик қиёфали парилар фақат ташқи кўринишлари билангина одамлардан фарқ қилганлари ҳолда, аслида, худди одамлардек гаплашишлари, фикр юритишлари, маълум манфаатлардан келиб чиқиб, ўзгаларга яхшилик ёки ёмонлик қилишлари мумкин. Эртақ, афсона ёки дostonларда уларга одамга ҳос у ёки бу сифатлар берилмас экан, мазкур персонажлар тинг-

<sup>1</sup> Домусульманские верования и обряды в Средней Азии, «Наука», 1975, 29-бет.

ловчи ёки китобхон учун ҳеч қандай ижтимоий-ғоявий аҳамият касб этмайди.

Инсоний фазилатларга эга демонологик пари ёки махлуқотларга эса, биз «Илон пари» тўпламига кирган деярли ҳар бир эртақда дуч келишимиз мумкинки, улар юқоридаги фикримизнинг тўғрилигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, одамзоднинг ажойибот ва ғаройиботлар оламига-қанотли саёҳатларига бағишланган анъанавий сеҳрли-фантастик эртақлардан иборат навбатдаги мажмуамиз ҳам халқимизнинг ҳаёти, турмуш тажрибалари, кураши, тарихий, фалсафий эстетик қарашлари ва орзу-умидлари муболаға ва метофора линзалари орқали қабартирилган бой ва ранг-баранг бадий солномалардан ташкил топгандир.

Малик МУРОДОВ  
Ҳожиакбар ШАЙХОВ

## МУНДАРИЖА

Анқо қуш. Айтувчи Муродилла Зиёдилла ўғли . . . . .	5
Зумрад пошша. Айтувчи Норхон Турди қизи . . . . .	34
Гулуялар билан Қаландарбек. Айтувчи Раззоқ Қозоқбой ўғли . . . . .	46
Той излаган қиз. Айтувчи Мирзаабдулла Риза ўғли . . . . .	76
Хурсанжон билан Латифахон. Айтувчи Раззоқ Қозоқбой ўғли	87
Уч ака-ука билан бир қиз. Айтувчи Бибисора Худойберган қизи	106
Маликанинг уч шарти. Айтувчи Раззоқ Қозоқбой ўғли . . . . .	119
Сеҳрли пичоқ. Айтувчи Муродилла Зиёдилла ўғли . . . . .	137
Гавҳарнисо ёки зумрадқўз исирға. Айтувчи Муродилла Зиё- дилла ўғли . . . . .	156
Тилла беҳи. Айтувчи Бибисора Худойберган қизи . . . . .	166
Қанотли саҳнатлар. М. Муродов, Ҳ. Шайхов . . . . .	183

На узбекском языке.

### ҚАРИЦА ЗМЕИ

*Узбекские народные фантастические сказки*

Ташкент издательство «Еш гвардия», 1985 г.

Редактор М. Раҳмонов, Рассом А. Ғуломов, Расмлар редактори Ҳ. Раҳма-  
туллаев, Техн. редактор В. Демченко, Корректор М. Ортиқова

ИИБ № 1696

Босмаҳонага берилди 13. 11. 84. Босишга руҳсат этилди 19. 03. 85. Р 13060.  
Формати 84×108<sup>1/2</sup>. № 3. Босма листи 6.0. Шарҳли босма листи 10.08. Шарҳли  
кр.-отт. 10.56. Намр листи 10.98+0.19 об. обл. Тиражи 120 000. «Литературная»  
гарнитурда юқори босма усулида босилди. Буюртма № 19. Баҳоси 95 т.  
Шартнома № 99—84

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент,  
700129. Навоий кўчаси. 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат  
Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бirlашмасининг  
2-босмаҳонасида босилди. Янгийўл. Самарқанд кўчаси. 44.